

63.3 (5У3)  
3-60

Ҳамид ЗИЁЕВ

ТАРИХНИНГ  
ОЧИЛМАГАН  
САҲИФАЛАРИ

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ТАРИХ ИНСТИТУТИ**

---

**Ҳамид ЗИЁЕВ**

**ТАРИХНИНГ  
ОЧИЛМАГАН  
САҲИФАЛАРИ**

Тошкент — «Меҳнат» — 2003



3 0503000000 — 23 эълонсиз, 2003  
M359(04) — 2003

ISBN 5—8244—1572—2

© «Меҳнат» нашриёти, 2003 й.

---

## КИРИШ

Ушбу асар Ватан тарихининг муҳим ва ҳали етарли даражада ўрганилмаган, ўрта асрлардан ҳозирги давргача оид бўлган айрим масалаларига бағишлиланган. Хусусан, Амир Темурнинг серқирра ва самарали фаолиятини атрофлича ёритишга ҳаракат қилинган. Зеро, тарих шунга гувоҳлик бермоқдаки, у ёки бу ҳукмдор ички ва ташқи сиёsatни ўзининг ақл-идроқи, билими ва дунёқарашидан келиб чиққан ҳолда шакллантиради. Унинг шахсий хислатлари ва фазилатлари қандай бўлса, раҳбарлик даражаси ҳам шундай кечади. Шу нуқтаи назардан қараганда, Амир Темур табиатан ўта ақлли, фаросатли, сезгир, уддабурон, жасоратли, мард, файратли, чуқур фикрли ва ватанпарвар шахс бўлган. У марказлашган ва қудратли салтанатни бунёд қилиб, тарихда учмас из қолдири.

Биламизки, соҳибқирон қатор ҳарбий юришларни уюштириб, кўп мамлакатларни эгаллади. Аммо ўзимизда ҳам, хорижий мамлакатларда ҳам айрим муаллифлар мазкур юришларнинг магзини чақмай, уларни талон-торож уруши сифатида баҳолашга зўр бердилар. Ваҳоланки, соҳибқирон турли мамлакат ва халқларни «урта аср фашизми» — мӯғуллар ҳукмронлиги ва ваҳшиёна зулмидан озод қилиш учун курашган. Айни пайтда ўзаро қонли урушлар ва парокандаликни тутатиш, тинчлик ва тараққиётни таъминлаш мақсад қилиб қўйилган. Босқинчилар томонидан оёқ ости қилинган ислом динининг қаддини ростлаш ва ривожлантириш, ички ва ташқи савдони юқори босқичга кўтариш назарда тутилган.

Китобда Амир Темур ҳаётининг сўнгги ойлари, вафоти ва васиятига боғлик масалаларга ҳам тухтаб ўтилган. Чунончи, соҳибқирон умрининг охиригача салтанат куч-қудратини сақлаш, тинчлик ва барқарорлик, тараққиётни бой бермаслик, барча халқлар ва элатлар устидан адолатли сиёsat юритишни асосий вазифа деб ҳисоблади. Ҳатто ўз васиятида миллат дарди билан яшаш, ўзаро урушларга асло

йул қўймаслик ва салтанатни кўз қорачигидек сақлаш лозимлигини уқтириди. Бироқ соҳибқроннинг фарзандлари васиятни бузиб, тахт учун ўзаро курашни авж олдирдилар.

Темурийлар давлатининг чукур инқирози сабаблари ва унинг Олтинурдалик Шайбонийлар томонидан босиб олинишига доир масалалар ҳам ўз аксини топган. Амир Темур таҳтига муносиб меросхўр топилмаганигидан, XV асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб авж олган тахт учун кураш салтанатни ичидан емирди. Шайбонийлар ҳукмронлигининг үрнатилиши оқибатида мамлакат бир-биридан мустақил уч хонликка парчаланиб кетди. Амир Темур ва Темурийлар давридаги тараққиёт барбод бўлди.

Тошкент мамлакатимиз ҳаётида доимо салмоқли үринни эгаллаб келган. Ҳозир у мустақил ва озод Ўзбекистоннинг пойтахти сифатида равнақ топмоқда. Бу кўхна шаҳар тарихини билиш ҳам қарз, ҳам фарздир. Асарда Тошкентнинг ўтмишига оид янги маълумотлар келтирилган.

Бухоро, Хива ва Кўқон хонликларининг тарихи ҳамон яхши ўрганилмаган. Шу боис Хива хонлигининг XIX асрнинг биринчи ярмидаги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётини ёритишни лозим топдик. Айниқса, чор ҳукуматининг вакиллари томонидан тузилган ва архивда сақланадиган маълумотлар ўта қимматлидир. Бундай ноёб маълумотлар биринчи маротаба эълон қилинмоқда. Улар асосида хонликнинг сиёсий ва маъмурий тузилиши, сугориш тармоқлари, деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик, ички ва ташқи савдо, кемачилик ва бошқа муҳим масалалар бўйича тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

Инсон учун табиий бойликлардан нимаики зарур бўлса, Ўзбекистонда барчаси мавжуд. Олтин шулар жумласидандир. Асарда Туркистон заминида олтин қадим тарихий даврлардан бўён ишлатилиб келинадиганга оид қимматли маълумотларни топиш мумкин. Афсуски, олтиннинг талай қисми асрлар мобайнида босқинчилар томонидан олиб кетилган. Совет даврининг ўзида юзлаб тонна олтин метрополияга ташиб кетилган.

Кўп асрлик тарихимиз совет даврида сохталаштирилганлиги ҳеч кимга сир эмас. Бироқ ўша йилларда тарихни холисона ўрганишга интилишлар ҳам бўлган эди. Бу ҳақда асарнинг «Ҳақиқат сари ташланган дастлабки қадам» қисмида куриш мумкин. «Миллий нуқсонлар ва уларнинг оқибатлари» номли тадқиқотда сиёсий ва маданий ҳаётда, турмуш чорраҳаларида ўйлар баъзи камчиликлар курсатилган.

Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш жараёни жадал суръатлар билан давом этаётган ҳозирги паллада демократия-нинг пайдо бўлиши тарихини билиш айни муддаодир. Бу масала демократия ва сиёсий партияларнинг юзага келишига багишланган саҳифаларда баён қилинган.

Маълумки, юртбошимиз Ислом Каримов «Туркистон — умумий уйимиз» фоясини ўртага ташлаб, минтақамизда иқтисодий, маънавий ва сиёсий жиҳатдан ягона муҳитни ташкил этишга чақирди. «Муқаддас Ватан» мақоласида ушбу ниҳоятда долзарб масаланинг тарихий илдизлари шарҳланган. XX асрда рўй берган биринчи ва иккинчи жаҳон урушлари даврида Ўзбекистоннинг тутган ўрнига оид тадқиқот ҳам ўкувчиларда қизиқиш уйғотади, деб ўйлаймиз.

Асар «Мустақиллик ва озодликнинг тарихий аҳамияти» номли қисм билан якунланади. Бу қисм, хусусан, Мустақиллик шарофати или қуллик занжирлари парчаланганилиги, боқимандалик ва ташмачилик илдизлари қирқилганлиги, динсизликка барҳам берилиши, коммунистик фоянинг қупорилиши ва миллий даромаднинг ҳақиқий эгасига қайтарилишига оид масалаларга багишланган.

---

## АМИР ТЕМУР – ОЛИЙ ФАЗИЛАТЛАР СОҲИБИ ВА ХАЛҚПАРВАР ҲУКМДОР

*Худоё, Эрону Туронни ўз фармонида тутиб турган  
Жаҳоннинг бу дарвишдуст шоҳини  
Халқ бошида доимо устувор сақлагил!  
Тоату ибодат кўмагида дилини ҳушёр тутгил!  
Унинг умид дараҳтини ҳосилдор сақлагил,  
Умрини узогу юзини ёруғ этгил!*

Амир Темурга бағишланган ушбу сатрлар<sup>1</sup> муаллифи Низомиддин Шомий — соҳибқирон билан шахсан сұхбатлашган ва унга «Зафарнома» асарини тақдим этган машҳур тарихчи. Бундан 600 йил илгари билдирилган ушбу тилакда чукур маъно ўз ифодасини топган. Донишманд тарихчи буюк салтанатнинг узоқ яшаши ва унинг юзи ҳамиша ёруғ булишини Аллоҳдан бежиз сұрамаган эди. Таассуфларким, соҳибқироннинг ворислари оламшумул аҳамиятга молик ҳокимият бошқаруви ва тараққиётини асрлар оша мустаҳкам сақлашни таъминлай олмадилар. Аксинча, улар буюк давлатнинг куч-кудрати ва шон-шуҳратини заифлаштириб юбордилар. Бундай ачинарли ҳолат XV аср ўрталарига келиб яққол намоён бўлди. Уша вақтларда Темурий шаҳзодалараро таҳт учун ўзаро курашлар ва парокандалик ҳукм суреб, қўшиннинг жанговарлик қобилияти ва мамлакатнинг мудофаа қудрати пасайди. Натижада, Темурий ҳукмдорлар рақибларига қарши Олтин Ўрда кўчманчи ҳарбий кучларига таяниб курашишга ҳаракат қилдилар. Масалан, Темурий шаҳзода Абусаъид (1451—1469) Самарқанд таҳтини Абулхайрхоннинг ҳарбий ёрдами билан эгаллаган эди. У, ҳатто ҳарбий ёрдам эвазига кўчманчи Абулхайрхоннинг номига хутба ҳам ўқитган ва танга зарб эттирган бўлиб, бу амалда Абулхайрхонга қарамликни тан олиш билан тенг эди. Ушбу ҳолат Темурийлар ҳокимияти ва салоҳиятига берилган қаттиқ зарба бўлди.

---

<sup>1</sup> Низомиддин Шомий. Зафарнома. Т., 1996, 22-бет.

Хусайн Бойқаро (1469—1506) ҳукмронлиги вақтида Темурийлар ҳокимияти бирмунча қаддани ростлаб, муҳим ютуқлар құлға кири-тилди. Бироқ у умрининг охирги йилларида ичкилик ва майшатга берилиб, ҳокимият жиловини бушаштириб юборди. Айниңса, унинг үз үғли Бадиuzzамон билан душманчилик қилиши ва үзаро урушлар олиб бориши бусиз ҳам оғир аҳволни янада кескинлаштириди.

Хуллас, Темурийларнинг үзаро адівательари, тахт учун курашлари ва тарқоқлық давлат заминини емириб борди. Пировардиде XVI аср бошларыда күчманчи Шайбонийлар Темурийларни енгіб, мамлакатни босиб олдылар. Шундан кейин салкам 400 йил мобайнида Амир Темур асос солған салтанат ва тараққиёт барбод бўлди. Жаҳон тан олган буюк давлат арбоби, моҳир лашкарбоши Амир Темурнинг халқ ва ватан олдидаги беқиёс катта хизматлари муносиб қадрланмай, хотираси абадийлаштирилмай, «унутиб» юборилди. Совет даврида эса у «қаттол ҳукмдор» сифатида қораланиб, тарих сохталаштирилди.

Мустақиллик шарофати ила ҳақиқат қарор топиб, юртбошимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси ва бевосита иштирокида Амир Темурга муносабат тубдан үзгарди. Унинг фаолиятига бағишлиланган кўплаб асарлар, рисолалар ва мақолалар чоп қилинди. Гузалликда тенги йўқ Темурийлар тарихи давлат музейи қурилди, унинг номида орден таъсис этилди. Тошкент, Самарқанд ва Шаҳрисабзда соҳиб-қироннинг ҳайкаллари ўрнатилди. Унинг номи кўчалар, маҳалла ва бошқа жойларга берилди. Соҳибқирон фаолияти радио, телевидение орқали ва матбуот саҳифаларида кенг кўламда тарғиб қилинди. Ҳукумат ва ЮНЕСКОнинг маҳсус қарорлари асосида Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги нишонланди ва халқаро анжуман ўтказилди. Амир Темур ва унинг ворислари томонидан қурилган тарихий ёдгорликлар таъмирланди ва тикланди. Амир Темур халқаро жамғармаси тузилганлиги ҳам катта аҳамият касб этди. Бир сўз билан айтганда, юртбошимиз Ислом Каримов саъӣ-ҳаракати билан, Низомиддин Шомий орзу қылганидек, Амир Темурнинг «умри узайтирилди ва юзига нур» ёғдирилиб, у мустақиллик ва тараққиёт рамзи сифатида гавдалантирилди. Шу ўринда, Амир Темурнинг шахсий фазилатлари, халқ ва Ватан олдидаги хизматлари нималардан иборат бўлган эди, деган савол туғилади.

Биринчидан, шуни ҳисобга олиш лозимки, у ёки бу давлат раҳбарининг сиёсати унинг ақл-идроқи, феъл-атвори, билими ва дунё-қарашига монанд равишда шаклланади. Буни Амир Темур мисолида ҳам кўриш мумкин. Аввалинбор, у ўшлигидан ақлли, очиқ кўнгилли, журъатли булиб, вазир ва бошқа амалдорларнинг фарзандлари

билан дүстона муносабатда бўлган. Амир Темур замондоши Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, соҳибқирон «баланд қадли, узун буйли, тик қоматли, гўё у қадимий паҳлавонлар авлодларидан бўлиб, кенг пешонали, катта бошли, фоятда кучли ва салобатли, ажойиб бўлалиқ, ранги оку қизил юзли, лекин догосиз, бугдой ранг эмас, қўл-оёқлари бақувват, елкалари кенг, бармоқлари йўғон, пойчалари семиз, қаддиқомати камолига етган, серсоқол,... йўғон овозли эди; у ўлимдан қўрқмас, ёши етмишга етган бўлса-да, изтиробсиз, вазмин, бадани тўла ва пишиқ, худди зич тош мисоли қаттиқ эди. У ҳазил-мазах ва ёлғонни ёқтирамас, ўйин-кулги-ю қўнгил хушликка майлсиз... эди»<sup>1</sup>.

Амир Темур мадрасада таълим олган, билими ва дунёқараши ҳар жиҳатдан кенг қамровли бўлган. Шу боис унинг фикр-мулоҳазалари мазмун ва ўткирлиги жиҳатидан кишиларни ҳайратга солган. «Темур, тенги йўқ феъл-атворли, чуқур мулоҳазали киши бўлиб, унинг тафаккур денгизининг қаъри йўқ ва (унинг) тадбири тогига на текислигу, на ғадир-будир орқали йул топиларди...»<sup>2</sup> «Темур тамғасининг нақши «рости расти» бўлиб, бу «ҳақгўй бўлсанг, нажот топасан» демакдир... Купинча унинг мажлисида уятсиз сўзлар, қон тўкиш, асир олиш, наҳбу форат қилиш ва ҳарам (ҳақи)га ҳақорат гаплар бўлмасди. Темур қўрқмас, шижоатли, ботир кишиларни итоат қилдирувчан бўлиб, жасоратли кишиларни, довюрак ва мардларни ёқтирар эди... У (бировдан) бир гап эшитганда далил талаб қиласидиган, зимдан қарашиб ва куз ишоратларини сезадиган идрокли киши эди»<sup>3</sup>.

Кўриниб турибдики, соҳибқирон ўта зеҳни, фаросатли ва адолатли ҳукмдор ҳисобланиб, юксак одоб-ахлоқ соҳиби бўлган. «У синчков бўлиб, ҳар бир ишоратдан огоҳ киши бўлиб, юз берадиган барча ишни куриб-билиб турар эди. Унинг назаридан алдовчининг алдови яшириниб қолмас ва фирибгарнинг фириби ўтмас, уз фаросати билан ҳақгўй ва ёлғончини ажратар эди... Агар у бирор нарсани амр қилса ёки бир нарсага ишорат қилса, у ундан асло қайтмасди ёки у бирор нарсага қасдланса, бекарорлик, енгилтаклиқ ва сусткашликка мансуб бўлмаслик учун ўз қатъияти жиловини у нарсадан сира бурмасди»<sup>4</sup>.

Бинобарин, соҳибқирон давлат ишларида бепарвонликка йул бермай, қилиниши лозим бўлган вазифаларни қатъиятлик билан ниҳоя-

<sup>1</sup> Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. 2-китоб. Т., 1992, 65-бет.

<sup>2</sup> Ўша жойда, 71-бет.

<sup>3</sup> Ўша жойда, 65-бет.

<sup>4</sup> Ўша жойда, 65–66-бетлар.

сига етказмагунча қўймаган. У одамларни ўз таъсир доирасига тортиш, рафбатлантириш, руҳини кўтариш ва ишлатишга устаси фаранг бўлган. Файратли, меҳнатсевар, содиқ ва ҳалол амалдорларнинг қадр-қимматини ўrniga қўйиш ва моддий жиҳатдан таъминлашга алоҳида аҳамият берган. Шунингдек, уларнинг ўзларини тутишлари ва юриштуришларини назорат қилиб борган.

Бир ривоятга кўра, кунларнинг бирида соҳибқирон икки амалдорни ҳузурига чақириб, биринчисига шундай деган: «Сизни шу бугундан бошлаб эгаллаб турган лавозимингиздан бўшатдим». Шу онда у: «Олампаноҳ, менинг ишларимдан ҳамиша мамнун бўлиб ва мақтаб юрган эдингиз, нима сабаб бўлдики мендан кунглингиз қолди?», — деб ҳайрон бўлганида мана бу жавобни олган экан: «Тўгри, ўзингизнинг вазифангизни биз истагандек бажариб келдингиз, лекин кейинги пайтларда сўзларингиз ва ўзингизни тутишингиз эгаллаб турган мансабингиз доирасидан юқорилашиб кетди. Манманлик ва гўдайишга берилиб, ҳеч кимни менсимай қолдингиз. Тунов куни масжид олдида ўтирган қарияларнинг қаршисидан отдан тушмай ва салом бермай ўтиб кетибсиз, ҳатто қабристондан ҳам қуръон ўқимай отда ўтибсиз. Бунга ўхшаш маълумотлар анча тупланиб қолди. Бу кетишида ўзингизнинг ҳам, ҳокимиятнинг ҳам шаънига путур етказиб қўясиз. Яххиси ўзингизни тарбиялаб олинг, сунг сизни эътибордан четда қолдирмаймиз, албатта». Иккинчи амалдорга эса соҳибқирон шундай дебди: «Сизнинг муомалангиз ва фаолиятингиз эгаллаб турган мансабингиз доирасидан жуда пасайиб кетди, шу боис сиз ҳам ундан озод этилдингиз». Демак, Амир Темурнинг фикрича, у ёки бу амалдор ҳадидидан ошмай, узига берилган ваколат доирасида сидқидилдан хизмат қилиши керак. Шунингдек, у ношуд ва зарби йўқ мансабдорларни дарҳол бўшатган. Натижада, соҳибқирон саройида жасоратли, мард, тиришқоқ, ўз фикр-мулоҳазаларини ошкора айта оладиган очиқ юзли мансабдорлар тупланиб, садоқат билан хизмат қилганлар.

Соҳибқирон том маънода ҳалқпарвар ҳукмдор бўлиб, мамлакатда адолат, тинчлик ва фаровон ҳаётни таъминлаш учун курашди. «Амир Соҳибқирон, — дейди Низомиддин Шомий, — раиятлар аҳволини чуқур текшириб, мазлумнинг додини золимдан олди, мамлакатнинг хароблигу ободонлиги борасида маълумотлар олишга илтифот кўргазди. Ҳар кимнинг ҳақ-хуқуқини ўз ўrniga қўйган ҳолда ҳалойиқнинг ҳар бир синфини турли-туман меҳрибонликлар билан сийлади: саййидларни улуғлашу эҳтиром, амирларни чопону инъом,

уламоларни эъзозу икром, заифларни саховату эҳсон, раиятни амон-лигу одиллик билан хушнуд этди. Шунинг учун унинг муборак зоти Худойи таолонинг лутфу иноятига сазовор бўлди...»<sup>1</sup> «Темур олимларга меҳрибон бўлиб, саййиду шарифларни үзига яқин тутарди. Уламолар ва фозилларга тула-тўкис иззат курсатиб, уларни ҳар қандай кимсадан батамом муқаддам кўрарди... ҳар қандай ҳунар ва касб бўлмасин, агар унда бирор фазилат ва шарофат бўлса, шу касб эгалирига фоятда меҳр қўйган эди»<sup>2</sup>.

Дарҳақиқат, соҳибқирон мӯғулларнинг 150 йил давом этган адодатсизлиги, талон-торож, парокандалик ва ӯзаро қонли курашларни тугатиб, мамлакатни белгилаб қўйилган қонун ва тартиблар асосида бошқарди. Ҳақсизлик, зулм, зўравонлик ва ӯзбошимчалик сингари иллатларга барҳам берилиб, ҳалқ манфаати ҳимоя остига олинди. «Саъи-ҳаракатни, — дейди соҳибқирон, — ободончилик ва фуқаро фаровонлигига йўналтиришни ҳукмдорлик йўл-йўриқларининг фарзларидан ва жаҳондорлик суннатларидан деб билдик»<sup>3</sup>. У фарзандларига ҳам қўл остидаги мамлакатларда курсатилган тарзда сиёsat юргизишни топшириб, бундай деган: «... ушбу улуғ ишни шу йусинда олиб борсинки, токи у адолат, ҳақиқат, ҳукмдорлик заруриятлари ва раиятпарварлик учун кафолат бўлаолсин ҳамда унинг қоидаларига шундай бир тарзда амал қўлсинки, токи у оламнинг ободлиги ва инсоният тинч-тотувлиги билан якун топсин,... ҳақпарварларни қўллаб-қувватлаш ва эъзозлашда, масжид ва мадрасаларни таъмирлашда ва хайрли даргоҳларни кўпайтиришда тиришқоқлик намойиш этиб, муфсидлар, авбошлар, жиноятчилар ва қароқчиларни ҳамда шариатга хилоф ишларнинг кўпайишини ва нолойиқ қонун-қоидаларни таг-туги билан йўқотишни зарур ва лозим, деб билсин. Шундагина мамлакат ишлари бир текис боради: салтанат мавқеи ва тўғри йўл-йўриқ барқарор бўлади»<sup>4</sup>.

Демак, соҳибқирон шунчалик пухта ўйлаб иш юритганки, салтнат куч-кудратини сақлаш, баъзи подшоҳлар ўйлаганидек, фақат қўшинга эмас, балки, биринчи навбатда ҳалқнинг тинчлиги ва манфатини таъминлашга ҳам боғлиқ, деб ҳисоблаган. Шундагина ҳалқнинг ўз ҳукмдори ва давлатига бўлган меҳр-муҳаббати ошиб, вақти келгандা улар учун жонини ҳам, молини ҳам тикади. Шуни айтиш лозимки, соҳибқирон нафақат Туркистон, балки қўл остидаги бошқа мамлакат-

<sup>1</sup> Низомиддин Шомий. Зафарнома, 220-бет.

<sup>2</sup> Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи, 2-китоб, 69-бет.

<sup>3</sup> Низомиддин Шомий. Зафарнома, 384-бет.

<sup>4</sup> Ўша жойда, 385-бет.

лар халқларининг манфаатларини ҳам ўйлаб иш юриттган. У ерлар ҳокими этиб тайинланган фарзандлари зиммасига адолат ва ҳақиқатга, ободончилик ва тараққиётта қаратилган сиёsat юритишни юклаган.

Соҳибқироннинг олижаноблиги ҳарбий юришлар жараёнида ҳам намоён бўлди. Унинг ашаддий душманлари кечиришни ва афв этишини сўраганларида, уларнинг ҳурмат ва иззатини ўрнига қўйиб, қимматли совғалар билан тақдирлаган. Ҳатто ҳукмдорларни ўз ўрнида қолдирган вақтлари ҳам бўлган. Урушлар туфайли бузилган жойлар дарҳол тикланган, янги шаҳарлар қурилган. Ҳусусан, «Шероз Амир соҳибқироннинг шарафли қадами баракати билан бир неча вақт амонда булиб, ободонлашиди. Кишилар айшу фароғатта яқин ва қийинчилигу балолардан узоқ яшадилар. Бир қанча мавзеларга хайрия иморатлари, масжиду мадрасалар қурилди ва шаҳарнинг баъзи маҳаллаларига оқар сувлар келтирилди... (Амир Соҳибқироннинг) олий ҳиммати жаҳон аҳли аҳволининг осойишталигига қаратилганлиги ва шунга сарфланаётганлиги туфайли равshan қалби ойнасида шу нарса юз кўрсатдики, «Турон мамлакатида машхур мавзеъларни иморат қўлганимиздек, Эрон мамлакатида ҳам биз ҳазратдан ёдгорликлар қолғай»... «Байлақон ерида бир мавзеда шаҳар бино қилишга олий ишорат содир бўлди. Бир шаҳар тарҳини чиздилар: у кенг бир девор, чукур бир хандақ, турт бурчак шаклида бозор, кўп ўй-жойлар, ҳаммом, сарой, майдон ва чаманзорлардан иборат эди. Шаҳар деворининг айланаси шаръий газда икки минг тўрт юз газ, девор кенглиги ўн бир газ, деворнинг баландлиги кунгиралари тепасигача ўн беш газга яқин, хандақнинг кенглиги қирқ газ, чуқурлиги қарийб йигирма газ, шаҳар девори буйлаб соқчиликлар ва посбонлар учун уйлар белгиланган, унинг тўрт томон бурчагидан ҳар бирида бир бурж—манора кутарилган, чиқар жойлар, тош отиладиган жойлар тартибга келтирилган. Ҳақиқатда агар бирор комкор подшоҳ шундай бир мавзени тиклашни хоҳласа, аввал бир муддат асбоб-ускуналарини тайёрлагач, агар бир йилда уни битиришга мусасар бўла олса, ҳамма таажжуб қиласди. Шундай қуруқ бир саҳрога тайёргарлик кўрмасдан, асбобу олат йифмасдан, ёлғиз олий илтифот билан шу қадар олий бир иморат ва баланд шаҳристонни барпо этиш бир ой муддатда тамомига етди. Донишмандлар бу комронликка таажжуб қилдилар, жаҳондийда кишилар... оғаринлар ўқидилар»<sup>1</sup>. Ушбу маълумотлар соҳибқироннинг ташкилотчилик ва бунёдкорлик

<sup>1</sup> Низомиддин Шомий. Зафарнома, 197, 371, 372-бетлар.

қобилиятининг чегараси йўқлиги ҳақида гувоҳлик беради. Ўша янги қурилган шаҳар мисолида ҳам соҳибқироннинг олий ҳимматлилиги ва бағри кенглигини яққол кўриш мумкин.

Соҳибқирон Туркистон минтақаси билан бир қаторда бошқа жойларда ҳам қаттиқ тартиб ва тадбиркорлик билан иш юритиш бўйича муҳим чораларни кўрган. Масалан, у Озарбайжон ва Ироқи Ажамга ҳоким этиб тайнинланган набираси Умарга шундай курсатма берган: чиқим билан кирим бир меъёрда тутилсин, шундагина мамлакатни бошқариш осонлашади ва зулм қилишга ўрин қолмайди. Чегараларга ҳаёт синовидан ўтган, ҳушёр, сергак, мард ва тажрибали кишилар кўйилсин. Фаҳм-фаросатли ва шижоатли етук кишилар эътибордан четда қолмаслиги керак. Йулларни муҳофаза қилиш раҳбарликнинг энг муҳим вазифалардан эканлигини унутмаслик лозим. Савдогарлар ва йуловчиларга озор берилишига йўл қўйилмасин<sup>1</sup>. Бундай курсатмалар берилиши бежиз бўлмаган, албатта. Чунки молиявий ишларни билимдонлик ва ҳисоб-китоб билан юритиш, ички ва ташқи савдони ривожлантиришга қаратилган чораларни кўриш салтанатни мустаҳкамлаш ва халқ фарновонлигини таъминлашда катта аҳамиятта эга бўлган.

Шуниси диққатта сазоворки, соҳибқирон салтанатта қарашли ҳамма жойда адолат ва тартибни назорат қилишни зиёлиларнинг ҳам зиммасига юклаган. У олимларнинг ақл-идрокли вакилларини ҳукуматномидан турли жойларга юбориб, аҳвол қандай кечётганлиги ҳақида маълумот тўплаб, ахборот беришни буюрган: «Амир Соҳибқирон бир гурӯҳ таниқли ва диёнатли олимлардан танлаб, уларнинг ҳар бирини девони аъло томонидан бир амин билан мамлакат чеккаларидан бирига номзод қилди, токи улар тайин этилган томонга жұнаб, мамлакат ишларининг тагига етсинглар, агар биронта бир мазлумга зулм етган бўлса ёки бирон ожизга зўравонлик раво кўрилган бўлса, зарар тиканини мазлумлар оёғидан чиқариб, улардан зўрлик билан олинган нарса исбот қилинса, ўша томонда бўлган хазина молидан уларга қайтариб берсинглар, бўлган аҳволни ёзиб олиб қайтсинглар ва арз иззаттоҳига етказсинглар, токи бундан кейин у (зулм) қоидаларини улардан йироқлаштирысинглар. Шунда дур тўкувчи лафзидан чиқариб айтди: «То шу вақтгача жаҳонгирлик ишларида зўр саъй-ҳаракат қилинди, бундан сўнг эса подшоҳона ният жаҳонни бошқариш аломатларини юқори кутаришга сарф этилажак. Бундан фараз шулки, ҳар ким нимани бил-

<sup>1</sup> Ўша жойда, 383-бет.

са, бехавотир бизнинг арз иззатгоҳимизга етказсин, ҳар нарсаки, мамлакат ислоҳи унга алоқадор ва мазлумлар бошидан заарни дафъ этиш унга боғлиқ бўлса, у ҳақда бизга етказишда бепарволик қилмасин, эътиимод ва тўла ишонч билан очиқ кўрсатсин»<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, соҳибқирон ўз қаламравидаги мамлакатларда миллати, ирқи ва диний қарашларидан қатъи назар барча халқлар тинч, хотиржам ва эркин яшашларига қаратилган одил сиёsat юргизган. Уларнинг тили ва маданиятига ҳурмат билан қараган. Буни Самарқандда соҳибқирон томонидан халқ учун уюштирилган зиёфатда турли миллат вакиллари қатнашганлигига ҳам куриш мумкин: «Оlamнинг турли тарафларидан йигилган, тиллари ва кийимлари бир-бирларидан фарқли ҳар қайси мамлакат созандалари, ҳар бир иқлиминг санъат аҳларию ҳунар соҳиблари гуруҳ-гуруҳ булишиб ҳар диёрнинг ўзида расм ва одат қилинган зеб-зийнат буюмлари, тақинчоқлари, кийим-кечак ва матолари билан ясаниб, ўзларига оро бердилар. Ҳушнағма созандалар ва ҳушловоз хонандалар форс тариқасида, ажам тартибида, араб қоидасида, турк йўсунида, мугул аёлгусида, хитой русумида, алтой услубида соз чалмоқ, ашула айтмоқ ва оҳанг bogламоқ ила машғул эдилар»<sup>2</sup>.

Турли миллат санъаткорларининг ажойибу гаройиб ашула ва рақсларини мароқ билан тинглаб, томоша қилган соҳибқирон жамоа аҳлига қарата шундай десган экан: «Тенги йўқ Тангри... оламни ёритувчи офтоб мисоли, узоқ ва яқинни бир хил билиб, барча давлатлар ва миллатлардаги кучли ва заиф, факир ва шариф, катта ва кичик ҳаммасини ўз марҳаматимиз ҳимояси ва шафқатимиз соясида бир хил кўришни, ҳар бир кишини ўз мавқеига қараб бу буюк давлат маҳсулидан баҳраманд этишимизни шарт қилиб қўймиш»<sup>3</sup>.

Ўрта асрларда хорижий мамлакатлар халқларига меҳрибонлик ва дўстлик кузи билан қараш соҳибқироннинг мисли курилмаган даражада халқпарвар ва олийжаноб шахс бўлганлигини кўрсатади. Чунки ўша узоқ вақтларда бегона миллатларни камситиш ҳукмдорлар ва уларнинг қўл остидаги мансабдорлар учун одат тусига айланган эди. Соҳибқирон эса ўз давридаги қарашлардан узоқлашиб, илфор фикрларни олға суриб, ибратли ишларни амалга оширган. Юқорида кўрсатилганидек, ҳар

<sup>1</sup> Уша жойда, 370—371-бетлар.

<sup>2</sup> Уша жойда, 393-бет.

<sup>3</sup> Уша жойда, 394—395-бетлар.

бир фуқарога дардию арзини тортилмай, чучимай, бевосита соҳибқи-  
ронга билдириш ҳуқуқи берилишининг ҳам аҳамияти катта. Шунинг-  
дек, соҳибқирон томонидан мажлислар ва қурултойлар ўтказилганини  
ҳамда давлат кенгаш асосида бошқарилганини кўрсатиб ўтиш лозим.

Соҳибқирон халқ турмуш даражасини ва маънавиятини бойитиши-  
га ҳам катта аҳамият берди. Натижада, мамлакатда мўл-кўлчилик ва  
тўқчилик қарор топди. Мадраса ва масжидлар қурилди. Олиму фозил-  
лар фаолияти учун тұла шароит яратилди. Дәхқончилик, ҳунарманд-  
чилик, ички ва ташқи савдони кенг кўламда ривожлантириш орқали  
фаровоиликка эришилиб, меҳнаткаш халқнинг турмуши юқори дара-  
жага кутарилди. «Темур — дейди Ибн Арабшоҳ, — Самарқанд аҳлига  
зеби-зийнатга үралишни, улар устидан жабру ситамларни кутариб,  
солиқ ва тұловлардан озод қилишни, уларга омонлиқ бисотини ёзиши-  
ни, аҳолидан каттаю кичик, юқори қуи (табақали) кишиларга фаз-  
лу эҳсон билан муюмала қилишни, ўз ерларидә қилич яланғочламас-  
лик, зулм ва ноҳақлик жорий қилмасликларини... амр қилди»<sup>1</sup>.

Олиму фозиллар, дин пешволари ва атоқли кишилар соҳибқи-  
роннинг фаолиятига юқори баҳо бердилар. Масалан, Миср қозилари-  
нинг қозиси ва таниқли тарихчи Валиуддин Абдураҳмон Ибн Халдун  
соҳибқиронга таъзим ила қўйидаги сўзлар билан мурожаат қилган: «Аз-  
баройи худо, э, Мавлоно Амир! Дунё фатҳларининг қалити бўлган  
қўлингни (менга) бергин, мен уни ўпиш шарафига мұяссар бўлай...  
Мавлоно Амир! Миср сендан ўзга ноиб ҳукмидан, ёинки унда фақат  
сенинг амрингдан бошқа амр жорий булишидан хориждур. Сенга баро-  
бар келадиган (кимса) менинг насли насабим, аҳлию авлодим, ватану  
мамлакатим, дўсту биродарларим, хешу ақраболарим, одамлар под-  
шоҳлари тугул барча орқаю бош, балки бутун инсоният орасида ҳам  
йўқдир. Чунки улар ҳаммалари бўхтонлик қорнида (ов бўлиб) тутилиб  
қолганлар. Мен фақат ўз умримнинг бехуда ўтиб, ўз давримнинг (бе-  
файз) кетганига ачиниб, афсусланаман. (Утган умрим) қандай қилиб  
сенинг хизматингдан ўзганинг хизматида ўтди? Нега менинг қўзларим  
сенинг сиймонг нурларини ўзига сурма қилиб сурмади?... Майли, се-  
нинг паноҳингда қайтадан иккинчи умримни бошлайман... Боқий ум-  
римни сенинг хизматинга бағишлиб, зое кетган умримни топиб, се-  
нинг қуюшқонингта маҳкам ёпишиб оламан. Ушбу вақтни ҳаётимнинг...  
энг шарафлиси деб ҳисоблайман»<sup>2</sup>. Ушбу сатрларда соҳибқирон шаънига

<sup>1</sup> Амир Темур тарихи. 1-китоб, Т., 1992. 304—305-бетлар.

<sup>2</sup> Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. 2-китоб, 66—67-бетлар.

изҳор этилған дурдона сұзлар ҳақиқатни акс эттириб, унинг бүкіл шархи шарынан ағылшын тілінде жазылғанда да көрінілді.

Хуллас, Амир Темур жағон миқёсидеги машхур тарихий шаштақиңіллик, озодлық ва тараққиёт рамзи сифатида шұхрат топты. 1997 жылда оның мемлекеттік мисоллардан бири болып Амир Темур өткендегі үзбек мемлекеттік мисоллардан бири болып табылады. Оның мемлекеттік мисоллардан бири болып Амир Темур өткендегі үзбек мемлекеттік мисоллардан бири болып табылады. Оның мемлекеттік мисоллардан бири болып Амир Темур өткендегі үзбек мемлекеттік мисоллардан бири болып табылады.

---

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Яңгырағынан — давр талаби. 5-том. Т., 1997

---

## АМИР ТЕМУР ҲАРБИЙ ЮРИШЛАРИНИНГ САБАБ ВА ОҚИБАТЛАРИ

Ҳеч кимга сир эмаски, соҳибқирон турли мамлакатларга ҳарбий юришлар уюштирган. Ўтмиш муаллифлар мана шу ҳарбий юришларни рукач қилиб соҳибқироннинг фаолиятига салбий баҳо беришга қаттиқ уринишган. Бундай ҳол, айниқса, совет даврда авжига минди. Афсуски, айrim кимсалар ўша нотугри қараашларни шу кунларда ҳам қувватлашга интилмоқдалар. Шу боис ушбу тадқиқотда ҳарбий юришларнинг моҳияти ва йуналишини ёритиш ҳамда ҳақиқатни аниқлаш мақсад қилиб қўйилди.

Авваламбор шуни айтиш лозимки, соҳибқирон томонидан олиб борилган ҳарбий юришлар ўша даврдаги сиёсий ва ижтимоий-иктиносий вазият тақозосига кўра юзага келиб, сабаблари қўйидагилардан иборат эди.

Биринчидан, XIII аср бошлари — XIV аср 60-йилларида мўғулларнинг тажовузлари, сунгра ҳукмронлиги вақтида инсоният бошига мисли кўрилмаган офат ва талафот ёғдирилиб, юз минглаб кишилар қириб ташланди, жароҳатланди ва асирикка олинди. Фан ва маданиятга қаттиқ зарба берилиб, моддий ва маънавий бойликлар аёвсиз таланди. XIII асрда яшаган йирик тарихчи Рашидиддиннинг ёзишича, жаҳон аҳли ҳеч қачон мўғулларнинг тажовузлари вақтида ги вайронагарчиликка учрамаган. Улар шаҳарларни босиб олганларидан кейин битта ҳам тирик жонни қолдирмасликка ҳаракат қилгандар. Кўз куриб, қулоқ эшитмаган бундай даҳшатли фожиалар Туркистон, Эрон, Озарбайжон, Балх, Ҳирот, Бағдод, Рус князликлари ва бошқа кўп жойларда содир бўлди. Харобага айлантирилган шаҳар ва қишлоқлар узоқ ўйлар мобайнинда қандай бўлса, шундай ётаверган. Рашидиддиннинг кўрсатишича, мўғуллар томонидан вайронага айлантирилган жойларнинг ўндан икки қисмигина тикланган, холос<sup>1</sup>.

Мўғул босқинчиларининг тажовузлари ва ҳукмронлигининг на-


---

<sup>1</sup> Рашид ад-Дин. Сборник летописей. т. III. М.—Л., 1946, с. 309.

қадар даҳшатли бўлганлигини ўрта аср муаллифи Ибн ал-Асир ҳам уқтириб ўтган эди: «Куну тунларда мисли қўрилмаган ва ҳамма ёқни, хусусан мусулмонлар яратган бойликларни қамраб олган фоят катта бир фалокат бўлди. Агар бирор, ҳамма нарсага қудрати етувчи ва ҳар нарсанинг устидан турувчи Оллоҳ одамни яратгандан буён дунё шу маҳалгача ҳеч бундай нарсани кўрмаган, деса ҳақ гапни айтган бўларди: дарҳақиқат, йилномаларда бунга ўхшашиб ва унга тенг келадиган бундай зур фалокат бўлмаган. Уларда тасвиirlанган воқеалар ичида Навуходоносорнинг исроилийларни калтаклаш ва Куддусни вайрон қилиш бо-бидаги қилмиши энг даҳшатлисиdir. Бироқ бу лаънатилар (муғуллар) вайрон-талон қилиб ташлаган мамлакатлар олдида Куддус нима булибди? Бу мамлакатлардаги ҳар бир шаҳар Куддусга икки баробар келади! Муғуллар қириб ташлаган одамларга қараганда исроилийлар нима булибди? Ахир айрим битта шаҳарда мӯғуллар калтаклаган аҳоли барча исроилийлардан кўп бўлган... Улар ҳеч кимни аямадилар; аёлларни, эркакларни, гўдакларни дўппослай берди. Ҳомиладорларнинг қорнини ёриб болаларини ўлдирди... Шундай бир ҳодиса бўлдик, унинг учқунлари ҳар томонга сочилиб кетди ва балоси ҳамманинг бошига тушди; у шамол қувган булатдек ҳамма ёқни босиб олди»<sup>1</sup>.

Ҳақиқатан ҳам мӯғуллар тажовузи ва ҳукмронлиги жаҳоннинг кўп жойларини қамраб олган эди. Айрим маълумотларга кўра, мӯгуллар томонидан Самарқандда 100000, Нишопурда 160000, Бағдодда 800000, Балхда 200000, Сабзаворда 70000 кишининг ёстиғи қутилган. Шунингдек, Утрор, Урганч, Термиз, Нисо, Ҳамадон, Рай, Марофа, Ардабил, Тус, Қазвин, Бухоро, Ҳужанд, Тошкент ва бошқа жойларнинг аҳолисига ҳам қирон келтирилган эди. Ҳиротдек катта шаҳарда 40 киши фавқулодда тирик қолган экан, холос. Асирилка олинган минглаб кишилар мӯғул аскарларининг олдинги қаторига қалқон сифатида тизилгани сабаб биринчи ўқлар уларга тегиб ҳалок қилган. Ёки ватан ҳимоячилари ўз одамларига ўқ узишни лозим кўрмай таслим булишга мажбур бўлганлар. Мӯғуллар кўп мамлакатларни эгаллаб, адолатсизлик ва зулмни давом эттиридилар. Чингизхоннинг Чигатой, Жўчи ва Ҳулугу сингари ворисларидан ташкил топган сулолалар Хитой, Туркистон, Сибирь, Волга ва Урал бўйлари, рус князликларида ўз ҳукмронликларини ўрнатдилар. Улар Эрон, Афғонистон, Жанубий ва Шимолий Озарбайжон, Арманистон, юқори ва қуий Месопотамия, Кичик Осиёнинг шарқий қисмини эгаллади-

1 Б.Д. Греков, А.Ю. Якубовский. Олтин Ўрда ва ўнине кулаши, Т., 1956, 46-бет.



лар. Грузия, Трабзон подшоҳлиги, Кипр, Кичик Осиёдаги Салжук давлати ярим вассал сифатида мӯғулларга буйсунгандар. Мӯғуллар Польша ва Венгрияга ҳам бостириб кирганлар. Улар ҳатто Адриатика денизи қирғоқларигача борганлар. Умумлаштирганда, биргина Ҳулогу сулоласи Амударёдан деярли Ўрта дengизгача, Кавказдан Ҳинд океанингача чўзилган катта ерларни эгаллаб олганлар.

Куриниб турибдики, мӯғуллар бутун Шарқ ва Европани ваҳима ва ларзага солиб, дини ва миллатидан қатъи назар кўп ҳалқларни буйсундирдилар. Шуни айтиш лозимки, улар босиб олган мамлакатларда дастлаб уларнинг тажовузлари, сўнгра хукмонлигига қарши озодлик курашлари олиб борилди. Бироқ уларни бошқариш ва фалабани таъминлашга қодир забардаст раҳбар бўлмагани оқибатида душманни тамомила тор-мор қилишга эришилмаган. Бундай ўта моҳир лашкарбоши, чинакам давлат арбоби XIV асрнинг 60-йилларида Амир Темур сиймосида намоён бўлди. У мӯғулларнинг Туркистон заминидаги 150 йиллик зулмига қарши кураш таянчига айланди.

Соҳибқирон, авваламбор, Туркистонни озод этиб, мустақил давлат ташкил қилди. «Мовароуннахрда — деб ёзганди у, — мӯғулларнинг жабру зулми ортиб кетди. Мӯғуллар устидан фалаба қилдим ва мазлумларни золимлар жабридан озод қилдим»<sup>1</sup>. Аммо мӯғулларга қарши кураш ҳали ниҳоясига етмай улар Туркистонни қайтадан қўлга киритиш имконига эга эдилар. Шу боис соҳибқирон амалда Олтин Ўрдага тобе бўлган Хоразмга, Еттисув ва Шарқий Туркистонни ўз ичига олган Мӯгулистонга ҳарбий юриш уюштириб, уларни бир давлатга бирлаштириди. Бу билан соҳибқирон мӯғулларнинг Ўрта Осиёдаги хукмонлигини қўпориб ташлашга муваффақ бўлди. Аммо Олтин Ўрда давлати Амир Темур кўл остидаги ерларда мӯғулларнинг хукмонлигини тикилаш учун курашни бошлаб юборди. Чунончи, Олтин Ўрда хони Ўрусхон (1361—1376) «жангга жой ҳозирлаш»ни соҳибқирондан талаб этди<sup>2</sup>. Бундай қўпол муносабатга жавобан соҳибқирон ҳарбий юриш уюштириб, Ўрусхонни мағлубиятга учратди.

Бу билан ўзининг куч-кудратини йўқотмаган Олтин Ўрда Амир Темурга нисбатан душманликдан воз кечмади. Соҳибқироннинг ёрдами билан Олтин Ўрда тахтини эгаллаган, лекин хоинлик йулига кирган Тухтамишон Туркистон ва Эронга қарашли ерларга ҳарбий юриш уюштириб, уларни босиб олишда ҳеч нарсадан тоймади. Бундан

<sup>1</sup> Темур тузуклари. Т., 1991, 20-бет.

<sup>2</sup> Низомиддин Шомий. Зафарнома, 104-бет.

ғазабланган Амир Темур уч маротаба Олтин Ўрдага лашкар тортиб, душманни қақшатқич зарбага учратиб, буйсундириди. Амир Темурнинг Олтин Ўрдадаги ғалабасининг акс садоси Кавказга ҳам тарқалиб, бу ердаги давлатларни ташвишга солиб қўйди. Улар соҳибқиронга нисбатан душман кўзи билан қарай бошладилар. Айни пайтда XIV асрнинг туртунчи чорагида бирмунча кучайган грузин давлати Шимолий Озарбайжоннинг Ганжа ва Шекин каби жойларини босиб олиб, мусулмонларга нисбатан хавф туғдирди. Шунинг учун соҳибқирон уни буйсундириш ва хавф-хатарни бартараф қилишни лозим топди.

Эронга уюштирилган ҳарбий юришларга келганда, шуни айтиш лозимки, 1336 йилда мұғуллар ҳукмронлиги ағдарилиб, Кермон ва Яздда сарбадорлар ҳукмронлиги ўрнатилди. Аммо кейин мамлакат бир неча бұлакка парчаланиб, фоятда оғир вазият юзага келди. Эрон ерларидә үндан ортиқ мустақил ва кичик давлатлар юзага келиб, күп жойларда ҳамон мұғуллар ҳукмронлиги давом этмоқда эди. Уларнинг орасида яккаҳоқимлик учун курашлар қизғин тус олди. Ўрта аср тарихчисининг кўрсатишича, Эронда «вилоят билан вилоят, қишлоқ билан қишлоқ үртасидаги душманчilik ва курашлар то Амир Темур уларни тинчтитмагунча ва исён оловини ўчирмагунча бартарап қилинмади»<sup>1</sup>. Бу вақтларда Эроннинг талай қисмида музafferийлар суполаси ҳокимиятни бошқариб, адолатсизлик ва зулм авжига мингандык эди. Бу хусусда Низомиддин Шомий шундай ёзган: «Мұхаммад Музafferининг авлоди ва набиралари у мамлакатни әгаллаб, ҳар бири бирон шаҳар ва мавзеда ўз номига... ҳутба ўқитган, «Яқин қариндошлар бир-бirlарига чаёндекдиrlар» (деган мақол тимсолида) бир-бirlарининг қони, номуси ва мол-мулкига тажовуз қилиб келаётган эдилар. Шу боис барча раиятлар доим турли ҳодисалар остида эзилиб, хорлик ва ранжу машаққат жабрини тортиб, фуқаро ҳолига бекарорлигу алғов-далғовлик йўл топган, мамлакат ишлари ўз тартибу интизомидан чиқиб кетган эди. Мамлакатнинг ҳамма катта-кичилари Амир соҳибқирон ҳузурига йиғилдилар. Раият ва мамлакат аҳолиси (музafferийларнинг) зўравонликлари, ҳалққа етказған жабру зулмлари ҳақида арз қилиб дедилар: «Агар Амир соҳибқирон яна бир бор мамлакат жиловини уларнинг қўлига берсалар, уларнинг зўравонлик ва жабру ситам қўлини ҳалқ устидан даф қилмасалар, бутун аҳоли хорлик майдонида оёқ остида қолиб, ҳалок бўлғусидир»<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> И.П. Петрушевский. Земледелие и аграрные отношения в Иране XIII—XIV веков. М.—Л., 1960, с. 65.

<sup>2</sup> Низомиддин Шомий. Зафарнома. 179—180-бетлар.

Демак, эронликларнинг үзлари соҳибқиронни ҳокимиятни эгаллашга даъват этганлар. Бу борада музafferийлар сулоласининг айрим вакилларининг рақибларга қарши ёрдам сураб соҳибқиронга мурожаат қилганинг ҳам курсатиб ўтиш ўринидир. Масалан, сарбадорлар давлатининг ҳукмдорларидан бири «Хожа Али Муайяд, — дейди Шарафуддин Али Йаздий, — үзининг ҳукмронлиги даврида улуф амир, буюк соҳибқирон Темур жаноблари билан ҳамжиҳат ва садоқатли бўлди; унга дуст ва хушмуомалада бўлди. Улуф Амир Темурдан ёрдам, мадад суради ва Тоту номли кишисини Самарқандга соҳибқирон ҳузурига юборди. Турт ойдан сунг буюк соҳибқирон Амир Темур Хуросонга лашкар тортиди. Ҳожа Али Муайяд Сарахсга улуг Амир Темурнинг истиқболига борди, сultonлик марҳаматига мушарраф бўлди... ва Хуросон мамлакатини Амир Темурнинг тасарруфига топширди. Үзи соҳибқироннинг мулизаматига машғул бўлди. ...Ҳожа Али Муайяднинг вафотидан сунг салтанат сарбадорларнинг қўлидан кетди ва Хуросон мамлакати соҳибқирон Темурнинг мулкига айланди»<sup>1</sup>. Бироқ Амир Темурга Эрондаги барча жойлар ихтиёрий равишда бўйсунди, дейилса хатога йўл қўйилади. Эроннинг катта қисмида унинг ҳукмронлигига бир қатор шаҳар ва қалъалар қаршилик қўрсатди. Улар жанг билан қўлга киритилиб, мўгулларнинг бўлажак хавфидан ҳоли қилинди. Соҳибқирон «уттуз беш ёшида салтанат таҳтига ултурди ва мақоми аслини пойтаҳт қилди ва уттуз олти йил юруб, оламни мусаххар қилди. Чигатойхоннинг улусини ва Ҳулугуҳоннинг улусини ва ўзга улуф мамлакатларни мусаххар қилди»<sup>2</sup>.

Соҳибқирон, олдинги сахифаларда қайд қилинганидек, Мўгулистан, Олтин Үрда ва бошқа жойларда ҳам мўгулларнинг ҳукмронлигига қақшатқич зарба берган эди. Демак, соҳибқирон ҳарбий юришларининг сиёсий жиҳати Туркистон ва бошқа қатор минтақаларда мўгулларга қарши курашдан иборат бўлган.

Иккинчидан, иқтисодий ва маънавий омиллар ҳам ҳарбий юришларнинг моҳияти ва йўналишини акс эттирган. Маълумки, қадимдан ички ва ташки савдони ривожлантириш тараққиёт ва фаровон ҳаётни таъминлашда муҳим урин эгаллаган. Аммо ҳамма вақт карvon йўлларида шароитни яхшилаш ва хавфсизликни сақлашнинг иложи бўлавермаган. Бу эса у ёки бу мамлакат ҳаётига салбий таъсир этиб, жамоа аҳлининг турмушини оғирлаштирган. Бундай ҳолат мўгулларнинг ҳукмронлиги даврида таҳт учун ўзаро курашлар ва қароқчиларнинг талон-торожида кўзга ташланди.

<sup>1</sup> Б. Аҳмедов. Давлатшоҳ Самарқандий. Т., 1967, 45—46-бетлар.

<sup>2</sup> Шарафуддин Али Йаздий. Зафарнома. Т., 1997, 308-бет.

Соҳибқирон бу ҳолатни бартараф этиш мақсадида халқаро карвон йўлларини назорат остига олиш ва савдо-сотиқ самарадорлигини таъминлаш учун курашди. У Эрон, Ҳиндистон, Туркия, араб мамлакатлари, Каспий-Волга бўйлари орқали ўтадиган карвон йўлларини эгаллашни тарихий зарурият, деб билди. Қадимий «Ипак йўли»га жон киргизди. Бу Туркестоннинггина эмас, балки бошқа қатор мамлакатларнинг ҳам манфаатини таъминлашда ҳаво билан сувдек зарур эди.

Соҳибқироннинг карвон йўлларида ҳавфсизликни таъминлашга қаратилган чораларидан бири қароқчилик билан шуғуланаётган Қора Юсуфга қарши курашда ўз ифодасини топди. «Бир қанча муддатдан бўён мамлакат ўртасида бузуқчилик қулини чўзиб, мусулмонларга йўлларни танг қилиб, ҳожилар карвонларига зарап-заҳмат етказиб келган Қора Юсуф бу пайтда Рум мамлакатига паноҳ тортиб борган эди... Қора Юсуф қароқчи ва йўлкесардир, унинг фитнаю фасодидан мусулмонлар шаҳарларига етган зарар атрофдаги бегоналарнидан кура ортиқдир<sup>1</sup>. Соҳибқирон элчилар орқали Рум, яъни Туркия сultonи Боязиддан қароқчини топишни сўради. Бироқ рад жавобини олди. «Шунинг учун, — деб ёзади Низомиддин Шомий, — Амир Соҳибқирон ўз ҳумоюн вақтини уларнинг шаррини даф этишга сарфлаб, Рум томонига юришга жазм қилди<sup>2</sup>.

Умуман, қадимги ва ўрта асрларда йирик ҳукмдорларнинг ҳарбий юришларида карвон йўлларини эгаллаш асосий вазифалардан бири ҳисобланган. Бу Амир Темурнинг фаолиятида ҳам яққол қўзга ташланди. У Шарқ билан Европани боғловчи карвон йўлларини қўлга киритиб, зарур шарт-шароитни тұла яратишга эриши. «Буюрдимки, — деб эслайди соҳибқирон, — йўл устига кузатувчилар, зобитлар тайинласинларки, йўлларни қуриқлаб, ўткинчилар, савдогарлар, мусофиirlарни кузатиб, мол-мулки ва бошқа нарсаларини манзилдан-манзилга етказиб кўйисинлар. Йўл устида бироргасининг нарсаси йўқолса, ўзи ўлдириса ёки бошқа кор-ҳол юз берса, булар учун жавоб бериш уларнинг зиммасида бўлсин... Атрофдан кирган-чиққан мол-мулк, четдан кирган ва четга чиққан ёт кишилар, ҳар мамлакатдан келган карвонлар ва ҳукмдорлик ҳақидаги хабарлар, қўшни подшолар, уларнинг гаплари, ишлари ва узоқ үлкалардан бўлиб, менинг даргоҳимга юзланган уламо, фузало ҳақидаги батафсил хабарларни ростлик-тўғрилик билан менга ёзиб турсинлар<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Низомиддин Шомий. Зафарнома, 322—323-бетлар.

<sup>2</sup> Уша жойда, 322-бет.

<sup>3</sup> Темур тузуклари, 94—95-бетлар.

Бинобарин, соҳибқирон ички ва ташқи алоқаларга алоҳида аҳамият бериб, уларни қаттиқ назорат остига олган. Ҳатто ҳақиқий аҳволни бузиб хабар берувчиларнинг «ёзган бармоқлари кесилсин», деган фармон чиқарилган эди. Бундан мақсад алоқа йўлларида адолатсизлик, зулм ва бошқа тартибсизликларни кўпориб ташлашдан иборат бўлган. Соҳибқирон яна шундай деган: «Ҳар мамлакат ва диёр саёҳатчиларию мусоғирларининг бошини силадимки, турли мамлакатлардан менга хабар келтириб турдилар. Ҳар бир мамлакатта ва диёрга савдогарлар ва карвонбошилар тайинладимки, улар қаерга боришмасин: Хитой, Хутан, Чину Мочин, Ҳиндистон, араб мамлакатлари, Миср, Шом, Рум, Жазоир, Фарангистон, у ерларнинг нафис матолари ва муносиб тұх-фаларидан келтиришсин... сармояси кўлидан кетиб қолган савдогарга ўз сармоясини қайтадан тиклаб олиши учун хазинадан етарли миқ-дорда олтин берилсин»<sup>1</sup>. Карвон йўлларида ва барча савдо аҳли учун шу даражада құлай ва хавф-хатарсиз шароит яратилдики, агар Самар-қанддан бирорта одам бошига тилла тўлдирилган кўзани қўйиб бутун салтанатни айланса, ҳеч қандай түсиқ ва талафот курмай қайтган.

Мұгуллар ва уларнинг ҳукмрон вакиллари ислом динини қабул қиласын бўлсалар-да, уларнинг орасида бутпарамстлик ҳамон зимдан сақланмоқда эди. «Темурнома»да ёзилишича, мұгулларнинг ҳукмдорларидан бири күп дин пешволарини үлдириб, мактаб ва мадрасаларни харобага айлантирган<sup>2</sup>. Мовароуннахрда, — деб ёзганди соҳибқирон, мұгулларнинг жабр-зулми ортиб кетди. Чунончи, саййид ва саййид-зодалардан етмиш кишини асир олиб банд этдилар<sup>3</sup>. Мұгуллар туб аҳоли билан муроса қилиш учунгина ислом динини қабул қиласын бўлсалар-да, уларнинг ҳукмдорлари орасида айрим сultonлар ислом динига чинакам берилди. Бироқ бундай ҳолат мұгуллар жамоаси орасида оммавий равишда чуқур илдиз отмади. Улар ичида «чала мусул-мон»лар оз эмас эди. Шу боис, соҳибқирон Туркистонда ва умуман бўйсундирилган мамлакатларда ҳам ислом динининг равнақи учун мардонавор курашди. Бу хусусда у шундай ёзади: «Ҳар бир шаҳарда масжидлар, мадрасалар, хонақолар қуришни... буюрдим. Мусулмон-ларга диний масалалардан таълим бериб, шариат ақидалари ва ислом дини илмлари: тафсир, ҳадис, фикъдан дарс берсинглар деб, ҳар бир шаҳарга олимлар ва мударрислар тайин қилдим... Шу тариқа ислом динини ривожлантириб, шариатни мусулмон мамлакатларига ёйдим.

<sup>1</sup> Уша жойда, 67-бет.

<sup>2</sup> Темурнома. Т., 1991, 106-бет.

<sup>3</sup> Темур тузуклари, 20-бет.

Ислом динини ёйиб, унга равнақ берганим ҳақидаги овоза каттаю кичик аҳли мұміннинг қулоғига етгандан кейин, ислом олимлари: «Тангри таоло ҳар юз йилда Мұхаммад, унга тангрининг марҳаматлари ва саломлари бұлсın, динига ривож бериш ва янгилаш учун бир кишини ислом динининг ёйувчиси ва янгиловчиси сифатида ихтиёр этади. Бу саккизинчи юз йилликда (яъни, XIV асрда — Ҳ.З.) Амир соҳибқирон ислом динини жаҳон аҳлига тарқатди. Шунинг учун бу юз йилликда Мұхаммад динининг янгиловчиси шу киши бўлғай», — деб фатво бердилар»<sup>1</sup>.

Шунингдек, соҳибқирон салтанатнинг у ёки бу жойида машхур дин пешволарининг харобага айланган қабрига ҳашаматли ёдгорликлар қурдириб, хотирасини абадийлаштириди. Диннинг муҳим масалалари буйича баҳслар, сұхбат ва таргигот ишларини уюштириди. Буларда шахсан ўзи ҳам бевосита қатнашиб турди. Ҳатто қүшинлар учун маҳсус қози лавозими жорий қилиниб, ислом динининг қоида ва тартиблари ватан ҳимоячиларининг онгига янада чукур сингдирилди. Бу уларнинг она юртига содиқлиги ва жанговарлигини мустаҳкамлади.

Хулоса қиласидиган бўлсак, инсон дунёга келгандан бўён шу кунгача урушлар ҳамон давом этмоқда. Тарих саҳифалари варақланса, Шарқда ва умуман дунёда уруш гирдобига тортилмаган ва катта талафотларни кўрмаган мамлакатни топиш амри маҳол. Одатда, урушлар адолатли ва адолатсиз бўлади. Биринчиси, у ёки бу давлат ва халқнинг босқинчиларга қарши курашиб, мустақиллик ва озодликни тиклашидан иборатдир. Адолатсиз урушлар эса мустамлакачилик ва улуғ миллатчилик руҳидаги ҳукмдорлар томонидан уюштирилган. Масалан, Ахоманийлар, Македониялик Александр, халифалик, мўгуллар, чоризм ва шуролар давлатининг тажовузлари шулар жумласидандир. Ватанимизда уларнинг ҳукмронлиги, умумлаштирилганда, 800 йил давом этди.

Ўзбек халқи бу мисли қўрилмаган азоб-уқубат, зулм ва талафотларга тুлиб-тошган даврларда босқинчиларга қарши қаҳрамонона курашди. Уларнинг орасида буюк Амир Темур бошчилигига олиб борилган озодлик курашлари алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг ички ва ташқи сиёсати адолатга асосланган бўлиб, нафақат она юртининг, балки бошқа мамлакатлар халқларининг манфаати учун ҳам тинимсиз курашди. Юқорида зикр этилганидек, Чингизхон ва унинг ворислари кўп мамлакатларни эгаллаб, Шарқ ва Европанинг қатор халқларини ваҳшийларча қирди, бойликларини талади ва қул каби ишлатди. Уларнинг зулми шу даражада авжига миндики, мазкур

<sup>1</sup> Ўша жойда, 58-бет.

қылмишлар «урта аср фашизми» деб баҳоланса, асло муболага бүлмайди. Шу тариқа мұғуллар, XX асрдаги фашистлар каби, умуминсоният ва тараққиёт душманига айланди. Шунинг учун, мұғулларга қаерда бүлмасин зарба бериш замон талаби эди. Барча мазлум халқларнинг манфаатини таъминловчи бу талабни амалга ошириш Аллохнинг марҳамати или соҳибқироннинг зиммасига түшди. У, авваламбор, Туркестон заминида қудратли давлат бунёд қилиб, уни бұлажак хавфхатар ва талон-торожлардан сақлаш учун курашди. Бунга эришмоқ учун қатор хорижий мамлакатларга ҳарбий юришлар үштептириши, яъни мұғулларга ва бошқа душманларга зарба беришни мақсад қилиб қуиди. Салтанатнинг күч-қудрати ва хавфсизлигини таъминлаш учун нимаики зарур булса, барчасини изчиллик билан амалга ошириди. Күп мамлакат ва халқларнинг соҳибқирон асос соглан ягона ва қудратли давлат құл остига бирлаштирилиши уларнинг ҳәётига ижобий таъсир курсатиб, хавфсизлигини таъминлади. Салтанатта қарашли ерларда иқтисодий ва маданий алоқалар ривожланды. Ислом динининг равнақи учун шароит яратилди. Соҳибқирон озодлик ва тараққиёт рамзи сифатида танилиб, адолатта асосланған ҳарбий юришларни амалга ошириди. Бундан мақсад тинчлик, барқарорлик, дин ва тараққиёт душманларига уларнинг маконида зарба беришдан иборат эди. Акс ҳолда уларнинг бостириб келиши турған гап эди.

Ички ва ташқи савдонинг ривожланиши ҳам катта аҳамият касб этди. Бунда халқаро карвон йүллари хавфсизлигининг таъминланиши муҳим үрин әгальдади. Фиёсiddин Али курсатишича, соҳибқироннинг бекіес катта хизматларидан бири қуйидагиларни үз ичига олган: илгарилари салтанатнинг барча вилоятларидаги йүлларда савдогарлар ва бошқа йоловчиларни талаш, яъни үғирилік, босқынчилик авжига чиқиб, жуда оғир ахвол ҳукм сурарди. Эндиликда адолат, тинчлик ва барқарорлик үрнатилиши натижасида ҳар бир киши үзининг олтини ва бошқа бойликлари билан хоҳлаган жойида бемалол үтириш имконига эга бүлди. Карвон йүлларида шундай яхши шароит ва тартиб үрнатылды, улар билан фахрланишга барча асослар мавжуд. Соҳибқирон үрнаттган адолат ва барқарорлик барча мамлакатлар учун абадул агад намуна бўлиб қолиши муқаррар<sup>1</sup>.

Соҳибқироннинг ҳарбий юришлари сиёсий ва ижтимоий-иктисодий сабабларни үзиде мужассамлаштирган. Улар мустақиллик ва

<sup>1</sup> Гийасаддин Али. Дневник похода Тимура в Индию. В сб. «Тамерлан». М., 1992, с. 202—203.

тинчлик фоялари билан сугорилган булиб, она юрт ва бошқа мамлакатларни мұғуллар ҳукмронлиги ҳамда зулмидан озод қилишга йуналтирилган эди. Бошқача айтганда, ҳарбий юришлар тарихий заурият маҳсулі сифатида намоён бўлган. Биламизки, ҳарбий юришлар жараёнида кўп одамлар ҳалок булиб, аҳоли туар жойлари бузилган. Бироқ олий мақсадни амалга оширишнинг бундан бошқа йули йўқ эди. Зеро, давлат аҳамиятига молик масалаларни ҳамма вақт дипломатия йули билан ҳал этишнинг иложи булавермаган. Фақат қурол ва жанг воситаси билангина мақсадга эришилган. Шу боис соҳибқирон ўзининг жаҳон аҳамиятига молик сиёсатини ҳарбий юришлар орқали ҳам амалга оширишга мажбур бўлган. Акс ҳолда мұғуллар ҳамда янгидан шаклланган бошқа рақиблар мустақиллик ва озодликни барбод қилиши аниқ эди.

Демак, буюк Амир Темурнинг адолатли ҳарбий юришларининг мағзини чақмай, унинг шаънига доғ туширишга уриниш тарихни сохталаштиришдан бўлак ҳеч нарса эмас.

---

## АМИР ТЕМУРНИНГ ВАФОТИ ВА БҮЮК САЛТАНАТ ТАҚДИРИ

Мустақиллик шарофати ила Амир Темур фаолиятига бағишланған күп асар ва мақолалар нашр қилингандар болса-да, бироқ соҳибқирон фаолиятининг сұнгги босқичи ҳануз махсус үрганилмай келмоқда. Шу боис ушбу мавзуни манбалар асосида ёритиш ҳар жиҳатдан зарур ва фойдалидир.

### Соҳибқирон ҳаётининг сұнгты ойлари

Амир Темур етти йиллик ҳарбий юришдан сұнг 1404 йил июлда она юртига қайтиб, Самарқанддаги Боги Чинорга үрнашды. Бу ерда у бир ҳафта мобайнида дардга чалиниб ётди. Шу орада Мұхаммад Султон мадрасасини бориб күрди. Соғайғандан кейин Боги Шимол, сұнг Боги Баландда истиқомат қилди. Соҳибқирон үша мадрасага қайта бориб, унинг ёнида олий гумбаз солиши ҳақида күрсатма берди. Шунга биноан ҳашаматли гумбаз, сардоба ва катта боғ қурилған. Шундан кейин у үзи қурдирған масжид ва Бибихоним мадрасасини күриб, тегишли маслаҳатлар берган. У Боги Чинорда Олтин Үрда әлчиси билан суҳбатлашған. Бу ердан Боги Дилкүшога үтиб, у ерда Испания әлчиси Клавихони қабул қылған. Боги Шимолнинг жанубида тұрт томонининг узунлиғи етти юз әллик метр кенгликда катта боғ ва унинг үртасида қаср қуриш тұғрисида буйруқ берган. Бу боғ қисқа вақтда битказилған. Қурини түрибиди, соҳибқирон она шаҳрига қайтиши билан қындықтың бунёдкорлық ишларини давом эттирган. Айни пайтда үзи Самарқандда ийқлигіда давлат ишлари қандай олиб болылғанligini синчковлик билан текшириб, йул қўйилған адолатсизлик ва тартибсизликлар учун маъмурият вакилларини жазолаған. «Темур, — деб ёзади Ибн Арабшоҳ, — үзи гойиблигига мамлакати ва раиаси ишларида нелар юз берганини сурищтириб, еру мулклари масалаларини диққат билан үргана бошлади ва ҳокимларига йўл-йўриқлар курсатди; атроф ва чегаралар, теварак-четлар фойдаси тадбирини куриб, каттаю кичикнинг гамини еб, бою фақирнинг манфаати

билин машғул бўлди. Ўз мулоҳазаси тақозосига кўра барча ашёларни ўз ўрнига қўйиб, жами мансабу мартабалар жиловини ўшанга сазовор кишилар қўлига тутқаза бошлади»<sup>1</sup>.

Бинобарин, соҳибқирон текшириш жараёнида кўп номаъкул ишларни кўрганки, мансабдорларни алмаштириш ва айрим ўта нуфузли кишиларни қаттиқ жазолашгача борган. Масалан, Самарқанд шаҳар бошлиқлари Хожа Муҳаммад Довуд ва Муҳаммад Жалд дорга осилдилар. Ўғирлик, бузуқчилик ва бошқа қабиҳ ишлар билан шуғулланувчилар ҳам илдизи билан қуритилди. Туҳмат билан зинданга ташланган собиқ шаҳар ҳокими Хожа Шарофиддин Али озод қилиниб, Хожа Фахриддин Аҳмад билан биргаликда шаҳар девонига тайинландилар.

Соҳибқирон салтанат бошқарувини яхшилаш ва жойлардаги маъмуриятга кўрсатмалар бериш мақсадида қурултой чақирди. Унда барча вилоятлар ҳокимлари, лашкаро бошилар, дин пешволари ва нуфузли кишилар қатнашдилар. У ўзи йўқлигига мансабдорларнинг айби билан жамоа аҳли ранжитилганлигини ҳисобга олиб, кайфиятини кўтариш мақсадида халқ байрамини ўтказиш ва шу билан бирга набираларини уйлантириш ҳақида кўрсатма беради. Бу хусусда Ибн Арабшоҳ шундай ёзади: «Темур Самарқанд аҳлига зеби-зийнатга ўралишни, улар устидан жабру ситамларни кўтариб, солиқ ва тўловлардан озод қилишни, уларга омонлик бисотини ёзишни, аҳолидан каттаю кичик, юқори қуи (табақали) кишиларга фазлу эҳсон билан муомала қилишни, ўз ерларида қилич яланғочламаслик, зулм ва ноҳақлик қиласликларини ҳамда уларга (Самарқанд аҳлига) ўз зебу зийнатлари билан Самарқанд этагида, бир милда жойлашган Конигил деб аталадиган жойга чиқишлиарни амр қилди. У жойнинг ҳавоси мушкдан ҳам соф, суви қанддан ҳам ширин бўлиб, гүё бу (жойлар) жаннат бўстонидан (булиб олинган) бир қитъа»<sup>2</sup>. Ушбу сатрларда соҳибқироннинг ўз ватанига ва халқига содиклигини, адолат, тинчлик ва фаровон ҳаёт учун курашганлигини акс эттирувчи далиллар ўз ифодасини топган. Ҳатто, у жамоа аҳлини солиқ ва тўловлардан озод этишгача борган. Бундай олийжаноблик тарихда камдан-кам учрайдиган ҳодисадир. Бу ўша даврдаги мўл-кулчилик ва тукинчиликнинг маҳсули эди, албатта.

Соҳибқирон халқ байрами ва тўйни уюштиришга шахсан ўзи бошлиқлик қилди. Конигилда минглаб кишилар сифадиган чодир ва

<sup>1</sup> Ибн Арабшоҳ, Амир Темур тарихи. 1-китоб, 304-бет.

<sup>2</sup> Ўша жойда, 304—305-бетлар.

ұтовлар тикилиб, олтин, кумуш, нодир жавоқырлар билан безатилди. Олтіндан ясалған идиш-товоқлар қуишлиб, турли овқатлар пиширилди. Байрам ва түйда соҳибқироннинг фарзандлари, хотинлари, келинлари, қариндошлари, вилоятлар ҳокимлари, мингбошлилар, юзбошилар, үнбошилар ва ҳарбий қисмлар үзларига белгиланған жойларга үрнаштылар. Эрон, Туркия, араб мамлакатлари, Олтин Үрда, Хитой, Миср ва бошқа қатор мамлакатлардан әлчилар ташриф буюрди. Уларнинг орасыда Клавихо ҳам бор эди. «Темур, подшохлар ва амирлар, уфқулар султонлари ва улуғларини, туманлар оқсоқоллари, аскарлар азимлари ва қўмондонларини таклиф этиб,... уларга ғоят қимматбаҳо хильъатлар кийгизиб, хилма-хил инъом-эҳсон ва армугонлар адо этиб, уларнинг ҳар бирини үз ёнидан үнг (томон)ига ўтқазарди. Аммо чап томони эса аёллар ва хонимлар учун (махсус) эди. Дарвоқе, аёллар эркаклардан бекинмасдилар<sup>1</sup>.

Байрам мобайнода соҳибқироннинг набиралари Улуғбек, Ибрөхим Султон, Ийжал, Аҳмад ва Бойқаролар уйлантирилди. Түйда үзбек, араб, хитой, мӯғул ва бошқа халқлар рақслари, ашула ва куйлари янгради. Унинг курсатмасига кўра, байрам ва тўй кунлари халқнинг амалий ва бадиий санъатининг юксак намуналари намойиш қилинди: «шаҳар аҳли зебу зийнатларини юзага чиқариб, Темурнинг рўпарасига, кўзга ташланадиган жойга қўйдилар. Шаҳар аҳлидан ҳар бири үз ҳоли-кудрати етгунча кўркам булишга уринди. Ҳар бир ҳунарманд үз ҳунарига bogлиқ нарсада жидду жаҳд кўрсатди, ҳар бир санъат аҳли үз санъатига мансуб нарсада имконидан ҳам ошириб ҳунарини курсатдики, ҳатто бир қамиш тўкувчи (қамишдан) мукаммал қурол-яроғли бир отлиқни ясаб чиқарди ва унинг суратини камолига етказиб, ҳатто тирноқларию кипприкларини ҳам ясади. Үнга (отликقا) зарур бўлган қурол-яроғлардан ёй, қилич ва бошқа таалуқли нарсаларнинг ҳаммасини камолига етказиб ясади. Ушбу (анжом)ларнинг барчаси қамишдан бўлиб, уларни ҳеч бир машаққат ва қийноқсиз (ҳаммасини) үз үрнига тиклади. Пахта титувчилар пахтадан тиклиги ярашган, баланд, пишиқ ишланған, гўзал суратли нағис ва чиройли бир мезана ясадиларки, у үз жисмининг оқлигиги жаннат ҳуридан кўра ҳам юқори ва бўйининг баркамоллиги (баланд) қасрлардан кўра ҳам баланд эди... У үз ҳусни билан одамлар назарини үзига лол қиласи ва қоматининг олийлиги билан бу бепоён масканда ўткинчиларга йўл курсатиб турардики, ҳатто у сайёрага

<sup>1</sup> Ўша жойда, 312-бет.

бир белги ва уша бинолар жомеълари устидаги бир минора булиб қолди. Шунингдек, заргарлар, темирчилар, этикдўзлар, ёй ясовчилар ва бошқа тоифалар ҳунармандлари, мусиқа, ҳазил-мутойиба ва латифалар соҳиблари ҳам ўз ҳунару санъатларини намоён қилдилар»<sup>1</sup>.

Мазкур маълумотларнинг аҳамияти шу даражада каттаки, улар кўп масалаларни ҳал этиш имконини беради. Авваламбор, улар соҳибқирионнинг ҳалқ ҳунармандчиликнинг барча турлари юқори чўққига кутарилиб, самарадорлиги ва олий сифати билан ажралиб турган. Масаланинг муҳим томони яна шундаки, ҳозирги замон тили билан айтганда, ишлаб чиқариш маҳсулотларининг кургазмаси жаҳонда илк бор Амир Темур томонидан кашф қилинган дейилса, асло хато бўлмайди. Байрам ва тўй кунлари рассомчилик санъатининг улкан ютуқлари ҳам ҳалойик, дикқатига ҳавола қилинган. Бу ажойиб ҳодиса гувоҳининг ёзишича, ҷодир ва ўтовлар «хилма-хил нақшлар билан нақшланган бўлиб, наботот, иморатлар ва аршлар, турли-туман ҳашаротлар, қушлар, ваҳҳий ҳайвонлар, кекса ва ёш кишилар, аёллар, болалар расмлари, китобат нақшлари, мамлакатлар ажойиботлари, мусиқа асబоблари ва ҳайвонлар гаройиботлари суратлари алвонли бўёқлар билан безалганки, улар бекаму кўстлик ва етуклиқда ўта камолга молик эди.-(Улар шундай маҳорат билан ишланганки) гўёки суратлари ҳаракатга тушиб, сен билан сухбат қураётгандек ва қўйи эгилиб турган мевалар эса ўзини теришга сени чорлаётгандек туюлади»<sup>2</sup>.

Бу ерда шуни айтиш лозимки, Туркистон заминидаги рассомчилик кейинги минг йил мобайнида Амир Темур давридагина биринчи ва охирги маротаба юксак даражага кутарилди. Рассомчиликнинг кенг кўламда ривожланиши соҳибқирион дунёқарашининг чукурлиги ва илгорлигидан, умуман санъатининг барча турлари қадрига етганлигидан далолат беради.

Ибн Арабшоҳ Конигилдаги байрамларни тасвирлашни давом эттириб ёзади: «Шундай қилиб, осойишталигу хотиржамлик, фароғату тўкинчилик, нархи-наво арzonлиги, орзу-ҳавас ушалиши, замон мұтадиллиги, сulton адлиги, тани-бадан сиҳатлиги, вақти чоғлиқ, нафрат кўтарилиш, матлугба етишиш, маҳбубга висоллик ҳосил бўлди... Ушбу тўй тантанасида Темурга савлатлилик ва улуғворлик, ҳашамат ва дабдабаликдан (шундай) бир (улуғ) нарса мияссар бўлди-

<sup>1</sup> Уша жойда, 308—309-бетлар.

<sup>2</sup> Уша жойда, 307—308-бетлар.

ки, ўйлайманки, бу қадарлик нарса қадим ўтган халифалардан ҳеч бирига насиб булмаган ва (бундан) кейин келадиганлардан ҳам биронтасига насиб булмайди»<sup>1</sup>.

Юқорида көлтирилғанлардан өкөналарнинг гувоҳи булган, лекин соҳибқиронга нисбатан душманлик кузи билан қараган Ибн Арабшоҳ ҳақиқатдан кўз юмишга ожизлик қилиб, соҳибқироннинг катта хизматларини тан олишга мажбур бўлганилиги кўриниб турибди. У Амир Темур даврида салтанатда ўрнатилган тинчлик, барқарорлик, фаровон ҳаётни шу даражада тўғри баён этганки, уларни изоҳлашга ўрин йўқ, деб ўйлаймиз. Шунингдек, унинг Амир Темур улуғлигини тан олиши ҳам катта аҳамият касб этади. Соҳибқирон ҳалқининг ўзига нисбатан мислсиз меҳр-муҳаббати, ҳурмат ва иззати, меҳнагсеварлиги ва маҳоратини куриб, ич-ичидан фурурланди ва фахрланди. Худди шу дамларда она юрти ва ҳалқининг баҳт-саодати учун умр бўйи олиб борган курашлари беҳуда кетмаганлигидан соҳибқироннинг боши осмонга етган бўлса, ажаб эмас.

Соҳибқирон байрам ва тўй охирида ҳалойиқقا қаратса шундай деган экан: «Тенги йўқ Тангри ва ранг-баранг оламнинг эгаси рубъи маскундаги мамлакатларнинг ихтиёр жиловини бизнинг құдрат чангалимизга тутқазган ҳамда жаҳоннинг қуруқлигию сувларидаги барча маҳлукотни бизнинг амримизга бўйсундирган экан, оламни ёритувчи офтоб мисоли, узоқ ва яқинни бир хил қилиб, барча давлатлар ва миллатлардан кучли ва заиф, факир ва шариф, катта ва кичик ҳаммасини ўз марҳаматимиз ҳимояси ва шафқатимиз соясида бир хил кўришни, ҳар бир кишини ўз мавқеига қараб бу буюк давлат маҳсулидан баҳраманд этишибимизни шарт қилиб кўймиш. Сизлар ҳам ҳар доим, агар (берган неъматларимга) шукур қилсангизлар, албатта уларни зиёда қилурман»<sup>2</sup>.

Соҳибқироннинг ушбу сўзлари инсонпарварлик, миллати ва динидан қатъи назар барча ҳалқларнинг тенг ҳукуқлилиги ва уларнинг давлатдан баб-баробар баҳраманд бўлишларини акс эттирувчи туйгулар билан суфорилган. Барча ҳалқларга бундай адолатли муносабатда бўлиш тарихда деярли учрамайди. Аксинча, салтанатлар тарихида улуг мильлатчилик ва камситиш сиёсати кенг қулоч ёйғанилиги маълумдор.

### Соҳибқирон васияти

Умрининг охирги ойларида Амир Темур Хитой юришига тайёр гарлик кўргани маълум. Бунга ўша кезларда ушбу мамлакатда ҳуқмронлик қилаётган мин сулоласи императорларининг Туркистон за-

<sup>1</sup> Уша жойда, 311-бет.

<sup>2</sup> Низомиддин Шомий. Зафарнома, 394—395-бетлар.

минига даъвогарликлари, ман-манлилка берилиб, соҳибқиронга «ўғлим» деб мурожаат қилганликлари сабаб бўлган эди. Зоро, ўша давр дипломатиясида у ёки бу хукмдорни «ўғлим» деб аташ «сен менга тобесан», дейишни англаттан. Император соҳибқирондан солиқ тұлаб туришни талаб қилиш даражасигача катта кетган эди. Шу боис соҳибқироннинг унга қарши лашкар тортишдан бошқа иложи қолмаганди. Туркистон, Эрон, Туркия, Ироқ, Озарбайжон ва салтанаттнинг бошқа жойларидан тұпланған 200 минг кишилик құшин Амир Темур бошчилигіда 1404 йил 15 январда Үтрорга келиб үрнашади. Шу кунларда совуқ шу даражада қаттиқ бўлгандикি, «тил оғиз»да уюшиб қоларди. Мана шундай қаҳратон қишида соҳибқирон дардга чалиниб, аҳволи кундан кунга оғирлашиб борди. «Одатта кўра, — деди Ҳофизи Абу, — аркони давлат ва ҳазрат (Соҳибқирон)нинг яқинлари ҳар бири (Аллоҳга) илтижо қилиб турардилар. Шу орада (Аллоҳнинг) қули бўлмиш ҳазрат соҳибқирон аввал бир бармоғини, сунгра икки бармоғини кутарди ва кўзи билан имлаб бу нимани англатишини суради. Амирлардан баъзилари бунга жавоб топмоққа уриндилар ва: «Ҳазрат (Соҳибқирон тузалиш учун) бир ёки икки илож қолди, (деб ишорат қилдилар), дейишиди. (Ҳазрат Соҳибқирон): «Йўқ, мен ундей демоқчимасдим, ...Мен сизнинг орангизда бир кун ёки икки кундан ортиқ бўлмасман», деди. Ушбу сұзларнинг (ҳақлигини исботлаш учун) гувоҳликка табибларни чақыртирди ва амирлар барча кечмишни сұзлаб бердилар. (Соҳибқирон табибларга): «Ростини айтинг, хушомад құлманг, чунки менга тўғрилик ёқади», — деди. Табиблар дедилар: «Аллоҳнинг инояти билан ҳали қуп йиллар яратганинг сояси (бўлмиш подшоҳимиз) рубъи маскундаги мамлакатлар узра барқарор бўлгай, деган умиддамиз. Бироқ тиббиёт қоидасидан келиб чиқылса, (Аллоҳнинг) қули бўлмиш ҳазрат (Соҳибқирон) айтганларича эрур». Бундан мулозимлардан баъзиларининг, нега бундай дедингиз, деб жаҳли чиқди. (Аллоҳнинг) бандаси бўлмиш ҳазрат (Соҳибқирон) эса, уларга таҳсиллар айтди»<sup>1</sup>.

Демак, соҳибқирон тўғри гапни ўлим тушагида ётганида ҳам унутмади. Бундан бошқача булиши мумкин ҳам эмасди. Чунки у умрининг охиригача жасорат, адолат, ростгуйлик, ҳалоллик сингари олий фазилатлар билан ҳаёт кечирди. Унинг васияти ҳам шунинг исботидир: «Англаб турибманки, руҳ қуши қалб қафасидан парвоз қилмоқчи. Тангри таолонинг даргоҳига жонимни бахш этаётиман.

<sup>1</sup> Уша жойда, 399—400-бетлар.

Сизларни унинг лутфу марҳаматига топширдим. Оби дийда қилиб ўлтирунглар, оху нола чекманглар, чунки бундан фойда йўқ. Руҳимни фотиҳа ва такбир билан шод этинглар. Алҳамдуиллоҳ, тангри таолонинг ёрдами-ла маъмурайи оламни шундай забт этдимки, бугун тамом Эрону Туронда бирон кишининг бошқаларнинг ишига аралашиб ёки жабру бепок қўлини бечораларга озор бериш учун кўтаришга мажоли йўқдир... Тангри таолонинг мулкини бекиёс саҳиийлик билан қуриқладим, золимларнинг тааррузли қўлини мазлумларнинг ҳаёт этагидан юлиб ташладим, ...зўравоннинг заиф устидан зуравонлик қилишига йўл қўймадим...

Шу кундан эътиборан фарзандимиз Пирмуҳаммад Жаҳонгирни узимизга валиаҳд ва тожу тахт вориси этиб тайнинладикким, Самарқанд тахти унинг амр-фармонида бўлгай, тамкинлик ва истиқдол билан мулқу миллат, лашкар ва раиятнинг муҳим юмушлари билан машғул бўлсин. Сизлар (эса) унга тобелик ва бўйинсуниш маросимини урнига қўйинглар, уни биргаликда қўллаб-қўлтиқланглар, токи олам бузилмасин... Миллатнинг дардларига дармон булмоқ вазифангиздир. Заифаларни қўринг, йўқсулларни бойлар зулмига ташламанг. Адолат ва озодлик — дастурингиз, раҳбарингиз ўлсин. Мен киби узун салтанат сурмақ истасангиз, қиличингизни яхши ўйлаб чекингиз. Орангизга нифоқ тухумлари экилмаслиги учун кўп диққат бўлинг. Баъзи нодимларингиз ва душманларингиз нифоқ тухумлари сочмакка, бундан фойдаланмакка чалишажақдурлар. Фақат васиятимда сизга идора шаклини, унинг илқуларини кўрсатдим. Буларга содиқ қолсангиз, тош бошингизга тушмас...

Мендан сўнг хоқон — Пирмуҳаммад Жаҳонгир ўлажақдир. Онга, менга итоат этар киби итоат этажаксиз. Қўмондонларим, менга ҳозир итоат омини изҳор этингиз<sup>1</sup>.

Ушбу васиятни эшитган барча лашкарбошилар, сарой одамлари кўз ёшлари билан «омин» деб фотиҳа ўқидилар. Шундан кейин, 1405 йил 18 февралда соҳибқирон дунёдан кўз юмди.

Васиятда соҳибқироннинг Ватан ва халқ олдидағи буюк хизматлари, ворислар, мансабдорлар ва лашкарбошиларга қолдирган топшириқлари шу даражада ишончли ва лунда баён қилинганки, уларни ортиқча изоҳлашнинг ҳожати йўқ. У соҳибқироннинг нафақат ўзбек халқи, балки бошқа барча миллатлар халоскори, меҳрибони ва ғамхўри бўлганлигини курсатади. Аммо вазият соҳибқирон ўйла-

<sup>1</sup> Амир Темур ўйтлари. Т., 1992, 60—61-бетлар.

ганидек булиб чиқмай, тус-тұпполонлар бошланиб кетди. Ҳофизи Абрүнинг сүзи билан айтганда, соҳибқирон: Шундай бир шаҳаншоҳ эдикі, унинг йүқлигидан жағонда парокандалик бошланды<sup>1</sup>.

### **Ворислар хиёнати ва тахт учун курашлар**

1405 йил 19 февраль тунида соҳибқироннинг жасади Сароймұлкхоним, Тұкалхоним, Тумон Оғо, набираси Улугбек ва бошқа атоқли кишилар кузатувида Самарқандга юбориладиган бұлды. Улар Ҳожа Юсуф ва Али Қавчин бошчилигіда йүлга чиқдилар. Шундан кейин соҳибқирон васият қилаёттанда унга жонлари чиққунга қадар соғықлигини ва нима деган бұлса, барчасини оғишмай амалға оширишларини изҳор қылған амирлар — Шоҳ Малик ва Шайх Нуриддин кенгаш үтказиб, соҳибқирон режалаштирган ҳарбий юришни давом эттириш ҳақыда қарор қабул қылдилар. Айни пайтда улар соҳибқироннинг вафоти ва васиятини салтанатнинг турли жойларida ҳукмдорлик қилаёттан үғиллари Мироншоҳ ва Шоҳрухга, набирала-ри Халил Султон, Пирмуҳаммад, Умар ва бошқаларга хат орқали маълум қылдилар. Шоҳ Малик ва Шайх Нуриддин ҳарбий юришни давом эттиришга ҳаракат қылдилар, лекин соҳибқироннинг үғил ва набираларидан ҳеч қандай мадад ололмадилар. Аксинча, уларнинг ҳар бири соҳибқироннинг Пирмуҳаммадни ҳукмдор этиб тайинлағанлиги ҳақидаги васиятини тан олмай, тахтни эгаллашга ҳаракат қылды. Тошкентда истиқомат қилаёттан Халил Султон васиятта хиёнат қилиш йўлига үtdи. Бу Шоҳ Малик ва Шайх Нуриддинни ташвишга солди ва қушин билан Самарқандга жұнашларига сабаб бұлды. Улар соҳибқирон жасадини олиб келаёттанлар билан Сирдарёдан үтгандаридан учрашдилар. Шарафуддин Али Йаздийнинг ёзишича, бу ерда «эру хотун йиғламоқ била фарёду зори күтардилар ва андоқ фифону шўри оламда туштиkim, садоси гунбази афлокдин үтти. Беклар ва қавчинлар дасторларини бошларидин ташлаб, ўзларини туфроққа солдилар. Ва оғолар соchlарини узуб, юзларини йирттилар ва кулу туфроқ бошларига сочиб, фарёд этар эрдилар»<sup>2</sup>.

Шу тариқа жамоа аҳлинини жудолик ва қайғу-алам қоплаб, аксадоси осмону фалакни қамраб олган эди. Юракларни ўртовчи бун-

<sup>1</sup> Низомиддин Шомий. Зафарнома (иловада), 402-бет.

<sup>2</sup> Шарафуддин Али Йаздий. Зафарнома, 298-бет.

дай мотам ҳукм сурәётган пайтда соҳибқирон айрим ворисларининг фикри-зикри қандай бўлмасин таҳтни эгаллашдан иборат бўлди. Чунончи, Халил Султон қимматбаҳо совғалар тарқатиш орқали атрофига тарафдорларни тўплашга эришди ва куч тўплаб, Тошкентдан Самарқандга отланди. Бир гуруҳ амирлар, соҳибқирон васиятини писанд қилмай, Халил Султонни қувватладилар. Уларнинг орасида соҳибқироннинг яна бир набираси ҳам бор эди. Шу тариқа «амирзода Аҳмад Умаршайх ва амир Ҳудайдоди Ҳусайний ва амир Аббос ва Ёдгоршоҳ Арлот ва амир Шамсуддин Аббос ва Бурундуқбек ва ўзга бекларким анда эрдилар, барча иттифоқ қилиб оғолар била ва Шайх Нуриддинбек била ва Шоҳ Маликбек била кенгаш қилмай, амирзода Халил Султонни подшоҳ қўтардилар»<sup>1</sup>.

Бу ерда шуни айтиш лозимки, Халил Султон ва унинг тарафдорлари соҳибқирон васиятига содиқликларини ва Пирмуҳаммаднинг валиаҳдлигини тил учиди тан олган ҳолда ҳаракат қилдилар. Буларнинг ҳаммаси қўзбўямачиликдан иборат эди, холос. Энг фожиалиси, соҳибқирон томонидан пойтаҳт бошлиқлигига тайинланган Арғуншоҳ жасадни шаҳарга киритиб, Сароймулхоним, Тўкалхоним, Тумон Оғо ва бошқа маликаларни қўймаган. Шунингдек, Улуубек, Шоҳ Малик ва Шайх Нуриддинга ҳам шаҳар дарвозаси очилмаган. Бундай хоинлик ва адолатсизликлардан газабланган маликалар, Улуубек ва беклар Бухорога йўл олишга мажбур бўлганлар. Шу равища соҳибқироннинг жасади унинг фарзандларисиз, набирадарисиз, содиқ лашкарбошиларисиз Муҳаммад Султон мадрасасига кўмилди. Бу маросимда соҳибқироннинг Самарқандда қолган хотин ва қариндошлари қатнашганлар, албатта. Ҳусусан, шаҳарнинг чеккасидаги «соҳибқироннинг ҳарамлари баъзи кичик шаҳзодалар била, мисли Бойқаро ва Ийжал ва Саъд Ваққос ва Суйурғатмиш ва гайруҳу ва жамоат хосса кишилари билан Алиободдин кўчуб, соҳибқироннинг түғ ва наққораси била Самарқанд сари мутаважжих бўлдилар ва таъзият тўнларини кийиб, нола ва фарёд била Чаҳорроҳа дарвозасига еттилар. Ичкаридаги беклар йамон андишалар қилиб, аларни киргали қўймадилар. Ва ул кун улар шаҳзода Шоҳруҳнинг боғиким, дарвозага йақин эрди, анда бориб туштилар ва ул кечада турдилар. Тонглasi... шаҳарга кирдилар ва Муҳаммад Султон мирзонинг мадрасасига бордиларким, соҳибқиронни анда қўйуб эрдилар. Анда тушконда аза очиб, фарёд ва фифонга машғул бўлдилар.

---

<sup>1</sup> Уша жойда, 301-бет.

Оғолар юзларини йиртиб, соchlарини узиб, андоқ зори бирла йиглар эрдиларким, шарҳ қиласа бўлмас. Ва шаҳзодаларнинг хотунлариким, шаҳарда эрдилар ва бекларнинг хотунлари ва бузургларнинг хотунлари барча қаро кийиб, бўйунлариға қаро кийизлар солиб, барча келиб жамъ бўлуб, фарёд қилур эрдилар. Ва амирзода Муҳаммад Жаҳонгирким, шаҳарда эди ва ўзга шаҳзодалар ва беклар ва акобиру ашроф, мисли Хожа Абдул Аввал ва Хожа Асомиддин ва Сайид Шариф Журжоний ва Амирак Донишманд ва ғайруху барча либосларини тағаййур бориб, ҳозир бўлдилар. Ва самарқандийларнинг аҳли барча дўконларини боғлаб, нола ва фарёд қилур эрдилар...

Шаҳрнинг эру хотуни барча  
Қилдилар бу алам учун афғон.  
Йақоларини қилдилар юз чок  
Кўзлари эрди барчанинг гирён»<sup>1</sup>.

Бинобарин, шаҳар ва унинг атрофидаги ҳалқнинг барча тоифалари қора либосга ўралиб, жудолик аламини тортганлар. Бу умумхалқ мотамида кўзёш тўкмаган кимса қолмади. Ўша куни савдосотик, меҳмондорчилик, тўй ва бошқа маросимлар тўхтатилди. Соҳибқирон дафн қилингандан кейин бир ой мобайнида шаҳарда аҳолининг ҳаёти ваҳима ва хавотирликда кечиб, турли мишишлар вазиятни янада кескинлаштириди. Чунки, салтанат ҳамон ҳукмдорсиз ва тартибсиз бўлиб, юқори табака вакиллари саросимага тушиб қолгандилар. Ниҳоят, 1405 йил 18 марта Халил Султон, васиятга итоат қилмай сотилган беклар ва қўшин билан, Тошкентдан Самарқандга келиб, тахтни эгаллайди. Манбаларнинг курсатишича, бу ерда унга қаршилик кўрсатилмаган. Аксинча, юқорида тилга олинган Арғуншоҳ бошчилигидаги бир гуруҳ беклар ва нуфузли кишилар Халил Султонга тахт ва хазинани икки қўллаб топширилар. Шарафуддин Али Йаздийнинг ёзишича, бу вақтда «Самарқанддек ер юзида маъмур шаҳар йўқ эрди. Ва атроф оламдаги фозиллар ва донишмандлар ва ҳунармандлар кўчлари била анда эрди. Ва хазиналарким, анда бор эрди — олтуну кумиш ва раҳту қумош ва аслача — ҳар нимадин хазиналар тўла эрди, андоқким, агар барча олам нависанда бўлиб, ҳисоб этса эрдилар, бир хазинанинг уҳдасидан чиқа олмас эрдилар... Ва ўтгуз олти йилким, ҳазрат соҳибқирон оламни мусаххар қилиб эрди ва вилоятларнинг молу хирожи

<sup>1</sup> Ўша жойда, 305-бет.

мунда тушар эди, мундоқ хазина ва йароқ бу шаҳзоданинг эли-  
кига тушти»<sup>1</sup>.

Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, нодир бойликлар, соҳибқирон ният қилганидек, таҳт вориси Пирмуҳаммад эмас, бал-  
ки хаёлда йўқ Халил Султон томонидан осонлик билан эгалланди.

Таҳтни файриқонуний босиб олган ҳукмдор хазинани мамлакат ва  
халқ манфаати учун эмас, балки ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва  
ҳузур-ҳаловатини таъминлашга сарфлади. Чунончи, у лашкарбоши-  
лар, мансабдорлар, дин пешволари ва бошқа атоқли кимсаларни ўз  
тарафига жалб қилиш мақсадида олтин, кумуш ва жавоҳирларни буғ-  
дой тортадиган тарози билан улашди. Унинг бундай қилмасликдан  
ўзга иложи ҳам йўқ эди. Чунки Шоҳруҳ, Пирмуҳаммад ва бошқа  
шаҳзодалар таҳтдан воз кечишмаган, беклар ва лашкарбошилар ора-  
сида соҳибқирон васиятига содик кишилар кўп эди.

Халил Султон бобоси соҳибқиронга «содиқлиги»ни намойиш қилиш  
ва мавқенини мустаҳкамлаш учун унинг жасадини Муҳаммад Султон  
мадрасасидан олиб, ҳозирги гумбазли мақбарага дағн этиш билан шу-  
гулланди. Бу таъдир қандай амалга оширилганлигини Ибн Арабшоҳ  
қўйидагича таърифлаган: Жасадни «тобутга солиб, бошлиқлар бошла-  
рида кутардилар. Унинг жанозаси маросимида подшоҳлару қушинлар  
бош яланг, қора кийим кийган ҳолда бордилар, улар билан бирга амирлар  
ва аъёнлар тоифалари ҳам бор эдилар. Темурни набираси Муҳаммад  
Султоннинг ёнига, набираси мадрасасига, Руҳбод деб аталадиган жой  
яқинига қўйдилар... Халил Султон унинг (жасади) устида аза шартла-  
рини: хатим Куръон, рубъа поралари, дуо ўқитиш, садакалар тарқа-  
тиш, таомлар ва ширинликлар улашишни бажо келтирди. (Кейин) у  
қабрни сафана қилиб ишлатиб, (Темур) ишини ниҳоясига етказди»<sup>2</sup>.

Шундай қилиб, соҳибқирон жасади шаҳарда икки маротаба дағн  
қилинди. Бу галги мотам маросими ҳам оммавий тус олиб, жамоа  
аҳлининг барча табақалари соҳибқироннинг руҳини ёд этдилар. «Қабри  
устига кийимларини ёйиб, деворларига эса қурол-аслаҳа ва анжом-  
ларини осди. Буларнинг ҳаммаси қимматбаҳо тошлар ва олтин билан  
безатилиб, заркаш берилиб ишланган эди. Улардан энг арзимагани-  
нинг қиймати бир иқлим хирожига баробар ва у жавоҳирлар уюми-  
дан бир буғдой донаси (миқдорининг) баҳоси тақвимдан ортиқ эди.  
Унинг қабри шифтлари самосига олтин ва кумуш қандиллар юлдуз-  
ларини илди... Темур қабри (аввалги) машхур жойида бўлиб, унга

<sup>1</sup> Ўша жойда, 307-бет.

<sup>2</sup> Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. 2-китоб, 11–12-бетлар

назр-нузурлар келтирилиб, кишилар ўз ҳожатларини тилайдилар, унинг ёнида дуо қилиб, рико истайдилар. Агар қабр ёнидан подшоҳлар үтиб қолсалар, таъзим билан бош эгадилар, кўпинча унга ҳурмат ва иззат юзасидан ўз уловларидан тушадилар»<sup>1</sup>.

Демак, соҳибқирон қабри шу даражада қадрли зиёратгоҳ ҳисобланганки, одамлар уни тавоғ қилганлар, мадад сўраб, тилакларини изҳор қилганлар. Шубҳасиз, соҳибқирон ўзи озодликка чиқарган ва ардоклаған халқининг бошини руҳан силади, эркалади, дардига дармон булиб, мушкулларини осон қилди. Ўз халоскори ва ҳукмдори соҳибқирондан миннатдор халқ оммаси унинг буюк хизматларини унутмай, қабри олдида отдан тушиб, ҳурмати ва қадр-қимматини ўрнига қўйганлар.

Халил Султон тўрт йиллик ҳукмдорлиги мобайнида майшат билан шуғулланиб, давлат ишларига етарли даражада аҳамият бермади. Олдинига соҳибқирон тұплаган бойликларини совурди. Устига устак у Шодмулк исмли аёлга уйланиб, унинг чизган чизигидан чиқмади. Бу айёр хотин билан майшат қилиб, унинг асирига айланди. Натижада, «Халил Султон хотин тили билан, хотини эса Халил Султон тили билан сўзлайдиган булиб қолди». Бошқача айтганда, Халил Султон хотинининг розилигисиз фармонга имзо чекмасди. Ўша хотин ўзига яқин кишиларни мансабларга, ҳатто вазирлик лавозимига тайинлади. Уларнинг барчаси қобилиятсиз ва нопок кишилар эди. Соҳибқирон васиятига хоинлик Бухорода ҳам содир булиб, шаҳар бошлиғи Рустам Шоҳ Малик, Шайх Нурилдин, Улугбек ва Иброҳим Султонларга ҳужум қилди. Аммо улар қочиб, Шоҳруҳ ҳузурига бордилар. Шоҳ Малик эса Амударё бўйида ўнашиб, курашни давом эттириди. Умуман, соҳибқироннинг ўғли ва набиралари Шоҳруҳ, Халил Султон, Султон Ҳусайн, Пирмуҳаммад, атоқли бек ва лашкарбошилар ўтрасида таҳт учун кураш қизиб, салтанат заифлашди. Бундан фойдаланган душманлар — Мўгулистондаги мўгуллар бош кутарди. Олтин Ўрада амири Идиқу Хоразмни эгаллаб, Бухоро атрофида талончилик билан шуғулланди. Қора Юсуф эса Озарбайжонни забт этди.

Ниҳоят, 1409 йилда Шоҳруҳ Халил Султонни маглубиятга учратиб, Самарқандни эгаллади ва таҳтга ўғли Улуғбекни ўтқазди, Халил Султон тарафдорларини қаттиқ жазолади. Айниқса, Шодмулкка нисбатан алоҳида чора кўрилди: «Шодмулкни кўлга олиб ҳўрладилар, уни ҳимоя қилган кишиларни таҳқирлаб, шаънини пастга ур-

<sup>1</sup> Ўша жойда, 12-бет.

дилар. Уни гүё тиконли дарахтга боғлагандек азоб билан үрадилар ҳамда ундағи мол-дунёни олишда золим амалдорлар құллайдиган қыйноқтарни құлладилар. Шу зайлда хұрлаб, турли-туман бойликтарни ундан олғач, уни маҳкамалаб арқон билан қаттиқ боғладилар ва бозорларда жарчи қақыртириб, (уни) халойиққа сазойи қилдилар<sup>1</sup>. Халил Султонға эса Шоҳрух Эрондаги Рай шаҳри ҳокимлигиги-берди. У, шу ерда 1411 йилда вафот этгач, рафиқаси Шодмулк бу жудоликка чидолмай үзиге ханжар уриб жонидан кечди.

Шоҳрухнинг ҳукмронлик йилларида (1409—1447) Хоразм, Озарбайжон ва бошқа жойлар қайта құлга киритилиб, салтанат қаддини анча ростлаб олди. Бироқ салтанат дардга чалинган эди.

**Хулоса:** Соҳибқирон васиятини дастлаб ворислари, сұнг айрим мансабдор ва лашкарбошилар бузиб, күпроқ шахсий манфаатларини үйлаб иш юритдилар. Натижада, салкам беш йил мобайнида бехуда қонлар түкилди, бойликлар таланды ва парокандалик ҳукм сурди. Шу йилларда салтанат «баданига чиққан яра» борган сари катталашиб, уни ич-ичидан заифлаштириб борди. Подшоҳларнинг, шу жумладан, Амир Темурнинг ҳам күп хотинлилиги үзаро курашларни авж олдирди. Чунки, отаси бир, онаси бошқа фарзандлар ва набиравларнинг ҳар бири үзини таҳтни әгаллашга ҳақдор, деб билди.

Соҳибқирон вафотидан кейин мураккаб вазиятни бартараф этиб, салтанат жиловини маҳкам ушлашға қодир кучли шахс, яńни ҳукмдор топилмади. Айниқса, катта үғил Шоҳрухнинг билимдоңлық ва шиддат билан ҳаракат құлмай, Хуросонда «беркиниб» үтириши үтә салбий оқибатларга олиб келди. У амалда салкам беш йил аянчли воқеаларнинг томошабини булиб турди. У барча шаҳзодаларни үз атроғига жипслаштириб, Самарқандни зудлик билан құлга олиши лозим эди. Шоҳрух кеч бұлса-да, пойтахтни құлга киритди, лекин бу иш «темирни қизигида бос» дейилганидек, үз вақтида қилинмади.

Шоҳрух пойтахтни Ҳиротга күчириб ҳам катта хатога йұл қўйди. У бу ерда салтанат ҳукмдори сифатида иш юритиб, давлатнинг юраги бўлмиш Туркистон заминининг, хусусан, Самарқанднинг шоншуҳратига путур етказди. Амалда салтанат иккига ажralди. Чунончи, үғли Улуғбек Самарқандда туриб, ҳозирги Ўзбекистонга қарашли ҳудудларни бошқарди. У, даставвал, отасининг вассали ҳисобланған кейинчалик эса мустақил иш юритадиган булди. Шоҳрух эса Ҳиротда салтанатнинг иккинчи қисмига бошчилик қилди. Пойтахтнинг

<sup>1</sup> Үша жойда, 61-бет.

Ҳиротга күчирилиши ва салтанатнинг парчаланиши давлатнинг куч-қудрати ҳамда халқаро мавқеи пасайишига олиб келди. Бундан ташқари, у ёки бу вилоятларни бошқараётган шаҳзодалар мустақилликка эришишга ҳаракат қилдилар. Натижада, Амир Темур вақтидаги метиндек интизом ва жипслик сусайиб кетди.

Шубҳасиз, салтанат, шу жумладан, Самарқанд аҳолиси мустақиллик, озодлик ва тараққиёт баҳш этган соҳибқирон васиятига соғиқ бўлиш дарди билан яшаган. Бироқ, уни сотқинларга қарши курашга отлантирадиган моҳир раҳбар чиқмади. Афтидан, соҳибқироннинг фарзандлари ота васиятини инобатга олмай, ўзаро урушларни бошлаб юборишгани халқни ваҳима ва саросимага солиб қўйган кўринади. XVI—XIX асрларда, яъни уч хонликлар даврида Амир Темур томонидан яратилган оламшумул салтанат ва тараққиёт барбод бўлди.

---

## ТЕМУРИЙЛАР ДАВЛАТИНИНГ ШАЙБОНИЙЛАР ТОМОНИДАН БОСИБ ОЛИНИШИ

Олам узра донғи кеттган Амир Темур давлатининг тугатилиши ўта салбий оқибатларни юзага келтирди. Бу фожиали воқеадан кейин Туркистон минтақасида салкам 600 йил мобайнида қудратли давлат вужудга келмади. У тарих саҳнасидаги мавқеини йўқотиб, тараққиётдан орқада қолди. Шу боис Амир Темур давлатининг ағдарилиши сабабларини билиш ва тегишли хуносалар чиқариш айни муддаодир.

Темурийлар таҳтини эгаллаган Мұхаммад Шайбонийхон насленасаби жиҳатидан Чингизхоннинг ўғли Жўжи сулоласига бориб тақалади. Жўжининг фарзанди Боту XIII асрнинг 30-йилларида Волга бўйидаги Олтин Ўрда давлатига асос солди. Олтин Ўрда чегаралари рус князликларидан утиб, жанубда Крим, денгиз бўйи шаҳарлари ва Дарбандгача бориб тақалган. Унга Кавказ ва бальзида Боку, Шимолий Хоразм, Урганч шаҳри қараган. Фарбда Днепрдан бошланган даштликларни, шарқда Сибирь ва Сирдарё этакларини қамраб олган. Олтин Ўрдага рус князликлари ҳам тобеъ эди.

Бу вақтларда Туркистонда Чингизхон ўғли Чифатойнинг ворислари ҳукмронлик қилмоқда эди. 1256—1258 йилларда Чингизхоннинг набираси Ҳулогу Эронни эгаллади. Шу тариқа Жўжи, Чифатой ва Ҳулогу бошчилигидаги мӯгулларнинг учта сулоласи жуда катта ерларда ҳукмронлик қилдилар. Туркистон минтақаси узоқ йиллар мобайнида мазкур сулолаларнинг кураш майдонига айланди. Унинг босиб олиниши эса, даставвал, Боту даврида бошланди. У Мовароуннаҳрни жанг билан қўлга киритди. Бироқ XIII асрнинг 60-йилларида Чифатойнинг набираси Олғухон таҳти эгаллаб, сулоланинг мустақиллигини тиклади.

1273 йилда Эрон ҳукмдори Ҳулогу Шаҳрисабз ва Қарши, сўнгра Бухорога қўшин юборди. Бу тўғрида ўрта аср тарихчиси Рашидиддин шундай ёзган: Ҳулогу аскарлари Бухоро шаҳридаги одамларни қириш ва бойликларини талашга муккасидан тушиб, уни вайронага айлантирди. Одамлар шунчалик ёппасига Ўлдирилдики, бутун шаҳар қон-

га беланди. Жами 50 минг кишининг калласи танидан жудо қилинди. Бундан ташқари, кўп одамлар асир олини. Масъудбек номидаги ҳашаматли мадраса ва у ердаги нодир асарлар ёндирилди. Талафот ва вайрон қилиш шу даражада даҳшатли бўлдики, Бухоро шаҳрида етти йил мобайнинда бирор бир тирик жон кўринмади<sup>1</sup>. Бу Чингизхоннинг Бухорога ваҳшиёна хужумидан кейин қилинган иккинчи даҳшатли қирғин эди. Ҳулугунинг кўшини Бухорони яксон қилиб, бойликларини олгандан сўнг Эронга қайтган.

1387 йилда Олтин Ўрда хони Тўхтамишхон (1376—1391) Сирдарёнинг кўйи оқимига бостириб кириб, Мовароуннаҳри эгаллашни режалаштириди. У бундан кейин ҳам хужумни давом эттириди.

Шу боис Амир Темур 1389, 1391 ва 1394—1395 йилларда Олтин Ўрдага ҳарбий юришлар қилиб, уни бўйсундирди. Олтин Ўрда Кўк ва Оқ Ўрда деб номланган икки қисмни ўз ичига олган эди. Улар Жўжи сулоласи сultonлари ўртасида тақсимланган бўлиб, якка ҳокимлик учун курашлар узоқ давом этган. Бундан ташқари, ҳар бир Ўрданинг ичидаги таҳтни эгаллаш учун курашлар олиб борилган. Пировардидаги Жўжининг ўғли Шайбонийхоннинг авлоди — Абулхайрхон (1428—1468) Оқ Ўрдада анча кучли давлат тузишга эриши. Унинг чегараси шимолда Тура (Фарбий Сибирь)га, жанубда Орол денгизи ва Сирдарё этакларига, фарбда Ёйиқ (Урал) дарёсига бориб тақалган. У Волганинг ўнг қирғофидан то Дарбандгача ёйилган ерларни ҳам қамраб олган. Шу тариқа Шайбонийлар давлати юзага келган эди.

Абулхайрхон 1441 йилда Хоразмга хужум қилиб, халқ бошига кўп азоб-уқубатлар ёғдиргани маълум. «Тарихи Абулхайрхоний» асарида ёзилишича, хоразмликлар жанг қилишга аҳд қилганлар, бироқ бир гуруҳ руҳонийлар бундай қилишнинг фойдаси йўқ, деб ҳисоблаб, душманга шаҳар дарвозасини очиб берганлар. Абулхайрхон аскарлари шаҳардаги қўйматли бойликларни кўтарганларича олганлар<sup>2</sup>. У Хоразмда вабо касаллиги бошланганлиги учун ўз юртига қайтган. 1446 йилда эса Абулхайрхон Сирдарёнинг икки қирғофидаги Оққурғон, Аркуқ, Ўзганд, Сифноқ ва Сузоқ шаҳарларини Темурийлардан тортиб олади. Унинг босқинчилик урушлари, айниқса, Шоҳруҳ (1409—1447) вафотидан кейин кучайиб, Самарқанд ва Бухоро атрофидаги қишлоқларни харобага айлантиради. Кўп бойликларни ўлжага олади.

<sup>1</sup> Сборник летописей. т. III, с. 57.

<sup>2</sup> Тарихи Абулхайрхоний. Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар жамғармаси. Рақами 5392. 319—320 варақлар; Материалы по истории казахских ханств в XV—XVIII вв., Алма-Ата, 1969, с. 169.

Шундай қилиб күчманчилар Темурийларнинг қўл остидаги шаҳарларга ваҳшийларча ҳужум қилиб турдилар. Бу ҳолат Темурийлардан босқинчиларга қарши бир ёқадан бош чиқариб курашиш ва мамлакат мустақиллигини сақлаб қолишни тақозо қиласди. Бироқ улар бунинг ўрнига, тахт талашиб ўзаро урушларни авж олдиришди. Бу ҳам камлик қылганидек улар Абулхайрхондан ҳарбий ёрдам сураб, бош эгардилар, унинг «ниҳоятсиз иноят ва ривоятларидан тўлиқ лаззат ва насиба олиб, баҳраманд бўлардилар. Шулар жумласидан буюк Амир Темур курагонининг улуғ авлодларидан Султон Абусаъид мирзо, унинг акаси Минучеҳр мирзо, Муҳаммад Жуқий мирзо ва Абулғозий Султон Ҳусайн мирзолар хоннинг хизматига келиб, давлат каби унинг узангисига мулозим бўлдилар, ҳимоят қўллари билан унинг эҳтиромли этакларини тутамлаб, мадал ва ҳимоялари баракотидан ўз орзуларининг ниҳоясига етдилар ва тахту давлат авжида ҳамда салтанат тожининг тепасида қарор топиб, ором олдилар<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат, 1450 йилда Абусаъид (1451—1469) Абулхайрхоннинг ҳарбий кучлари иштирокида Самарқанд таҳтини эгаллади, бу ёрдам эвазига Самарқандда Абулхайрхон номига хутба ўқиттириди ва танга зарб эттирди. Бундай қилиш Абулхайрхонга қарамликни тан олиш эди. Бу билан Абусаъид Темурийлар давлатининг нуфузи ва шаънига катта доф туширганди. Эндиликда Оқ Ўрда ҳукмдорларининг Темурийлар давлатининг куч-кудрати ҳақидаги тасаввuri ўзгариб, уни босиб олишга ишончи кучайди. Буни, айниқса, Абулхайрхоннинг набираси Муҳаммад Шайбонийхон (1488—1510) яхши англади. У, даставвал, Бухорода мавлоно Муҳаммад Жалолиддин ва Мансур сингари шайхларга мурид бўлиб таълим олган. Мовароуннахрнинг бошқа жойларида ҳам бўлиб, Темурийлар давлатининг куч-кудрати заифлашиб, ҳалокат ёқасига келиб қолганини ўз кузи билан кўрган. Муҳаммад Шайбонийхон Оқ Ўрдага қайтиб, рақибларини енгиб, тахтни эгаллагач, анча кучли кўшин билан Темурийларнинг қўл остидаги ерларига бостириб кирди. У Туркистон, Сайрам ва бошқа жойларни эгаллаб, гоҳ ғалабага, гоҳ мағлубиятга учради. Шахрисабз ва Қаршига ҳужум қилиб, бойликларини талади. Сунг Самарқандни қамал қилди. Лекин Бухородан Темурийларнинг ҳарбий кучи келаётганлигидан хабар топиб, уларга қарши отланди. Дабусияда бўлган жангда Муҳаммад Шайбонийхон устун келиб, 1500 йилда Бухорони урушсиз эгаллади<sup>2</sup>. Шундан кейин у Самарқанд томон кетаётганида

<sup>1</sup> Ҳоғиз Таниш ал-Бухорий. Абдулланома. Биринчи китоб. Т., 1999, 54-бет.

<sup>2</sup> Таворихи гузида — Нусратнома. Т., 1967, 121-бет.

Бухорода унга қарши ҳаракат бошланғанлиги ҳақида хабар олади. Дархол орқага қайтиб, Бухорога яқинлашганда Темурийлар у билан тұқнашишдан чүчиб, қочадилар. Мұхаммад Шайбонийхон шаҳарға урушсиз кириб, аҳолини қиради, асир олади, мол-мұлкини эса ас-карларига талаттиради. Шаҳардаги ҳарбий истеҗомларни буздириб товон солади.

1500 йилда у Самарқандни ҳам жангсиз әгаллайди ва бу ерда 600 кишилик ҳарбий қисмни қолдириб, үзи шаҳардан ташқарида, узоқроқ жойға ўрнашади. Шу орада шаҳарнинг нуғузли кишиларидан Абулмакорим, Самарқанд таҳтини әгаллашни сұраб, Андижонга Бобурга хат жұнатади. Шунга биноан шаҳарға етиб келган Бобурни аҳоли ҳұрсанდ қарши олади. Мұхаммад Шайбонийхон қолдирған 600 кишилик ҳарбий қисм ва унинг тарафдорлари үлдирилади. Гарчанд шаҳар босқынчилардан озод қилинганды бұлса-да, очарчилик ва қаҳатчилик бошланиб, ҳаёт жуда ёмоналашади. «Әлга, — деб ёзған эди Бобур, — бисёр танқислик бұлды. Анга еттиким, фақир ва мискин ит этини, әшак этини йия кириштилар. Отқа бұғуз кам ёфт бұлды. Даражатларнинг баргларини отта берурлар эди. Анда тажриба бұлдиким, бори яфроқлардан тут яфроғи ва қора ёғоч яфроғи отта созворроқ эмиш. Баъзи қуруқ йиғочларни ранды қилиб, тарошасини сувга ибитиб отта берурлар эді!». Бобур озиқ-овқат билан таъминлашнинг иложи йүқлигидан Фарғона аскарларига водийға қайтишларига рухсат берди. Мұхаммад Шайбонийхон 1501 йилда Бобурнинг оғир ахволини билиб, Самарқанд томон ҳарбий юриш қилди. Зарафшон атродиғидаги Сарипулда иккى үртада бұлғып үтганды Бобур мағлубиятта учради. У шаҳарға қайтиб, жангни давом эттирди. Мұхаммад Шайбонийхон Самарқандни қамал қилиб, сұнг жангсиз әгаллади. Бобур кичик ҳарбий қисм билан яширинча Тошкентта жұнади. Шаҳар аҳолисининг талай қисми турли жойларға қочди. Бобурнинг тарафдорлари, жумладан, Хожа Абулмакорим үлдирилди.

1503 йилда Мұхаммад Шайбонийхон Андижонни ҳам босиб олди. Бу вактда Хоразм ва Хурсонни әгаллаб турған Темурийларнинг танықли вакили Ҳусайн Бойқаро кечикиб бұлса-да, үғли Бадиuzzамонга душманға қарши курашишни буюрди. Унга Ҳисор, Хатлон, Кўлоб, Қундуз ва Бадахшон ҳокимлари қўшиладиган бұлдилар. Шундан кейин Бадиuzzамон 20 минг кишилик қўшин билан Термизга келди. Аммо отаси Ҳусайн Бойқаро ва Ҳисор ҳокими Ҳусравшоҳ вайда қилған

<sup>1</sup> Бобурнома. Т., 1989, 83-бет.

қўшимча ҳарбий кучларни юбормадилар. Бадиuzzамон босқинчилар билан тўқнашишдан чучиб, орқага — Балхга қайтди.

Шундан кейин Муҳаммад Шайбонийхон Андижон, Қоракўл, Шоҳрухия, Уратепа, Конибодом, Кўқон ва бошқа жойларни босиб олди. 1505 йилда, ўн ойлик қамалдан кейин, у Хоразмни ҳам эгаллади. Айрим маълумотларга кура, Урганч аҳолиси унга қарши қаҳрамонларча жанг қилган. Ҳатто аёллар ҳам жасорат ва мардлик намуналарини намойиш этганлар. Зеро, «Муҳаммад Шайбонийхон сонсаноқсиз сипоҳ билан Хоразм устига юриб, унинг қатъасини қамал қилган замонда, бир куни жанг чоғида Ҳамза султоннинг яқин мулоғимларидан бўлган Бийроқ баҳодир (душман томонидан) бир киши билан муқобил келиб қолади. Бу киши қон тўкиш ва фитна қўзғатишида ғоятда чаққон ва эпчил бўлган. Мисра: (Турклар каби гузал юзлиларнинг икки кӯзи қўрқмасдир). (Бийроқ баҳодир) кўп урушиб-талашиб найзабозлик қилиб, иқтидорлик жангидага (душманга) ҳисобсиз зарбалар бериб, (улардан) бирини қўлга туширгандан сўнг маълум бўлди, (у) эр киши эмас, хотин киши экан. (Бийроқ) баҳодир бениҳоят ажабланиб, уни ўз султоннинг (Ҳамза султоннинг) ҳузурига олиб келди (ва султонга) унинг паҳлавонлик қиссани ва қаҳрамонлик ҳикоясини бирма-бир сўзлаб берди. Ҳамза султон (уни) ғоят шижаатли ва жасоратли бўлганидан (узининг) ҳимояси тасарруфига олиб (ва) жуда севиб қолиб никоҳига олди»<sup>1</sup>.

1506 йили Ҳусайн Бойқаро вафот этгач, унинг ўғиллари Бадиuzzамон ва Музаффар ҳамкорликда давлатни бошқара бошладилар. Улар 1506 йилнинг кузида Балхни қамал қилган Муҳаммад Шайбонийхонга қарши отландилар. Кобулдан келган Бобур ҳам аскарлари билан уларга қўшилди. Шу орада Муҳаммад Шайбонийхон очликдан толиққан Балхни ер билан яксон қилди, бироқ Бадиuzzамон бошлиқ қўшин билан тўқнашишдан чучиб, Мовароунахрга кетди. Бадиuzzамон бу куляй фурсатдан фойдаланиб, унинг орқасидан кувганида, ғалаба қилиши эҳтимолдан ҳоли эмас эди. Чунки Муҳаммад Шайбонийхоннинг чекингани унинг заифлиги белгиси эди. Аммо Бадиuzzамон куляй фурсатни бой берди. Унинг қул остидаги ҳарбий қисмлар тарқалиб кетди.

1507 йил 7 майда Муҳаммад Шайбонийхон қўшини тўсатдан Хиротга ҳужум қилиб, уни эгаллади. Бадиuzzамон Қандаҳорга, Музаффар Астрободга қочишиди. Амирлар ва қўшин турли томонга тарқалиб

<sup>1</sup> Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдулланома. Биринчи китоб, 53-бет.

кетдилар. Шаҳарнинг дин пешволари ва бошқа нуфузли кишилар Мұхаммад Шайбонийхон ҳузурига катта совға-саломлар билан келишиб, таслим бўлганликларини маълум қилдилар. Хазина босқинчилар қулига ўтди. Аҳолидан 100 минг динор товоң олинди. Жоме масжидда Мұхаммад Шайбонийхон номига хутба ўқилиб, ҳукмдорлиги тан олинди. У Хурросоннинг гарбий қисмидаги Астробод, Гургон ва бошқа жойларни ҳам босиб олди. Бадиузвазмон Истамбулга қочиб, ўша ерда ўлди, Музаффар ҳам кўп ўтмай вафот этди. Ҳофиз Таниш Бухорий ёзишича, 1509 йилда Бобур эронлик Исмоилшоҳнинг ҳарбий ёрдамига таяниб, Шайбонийлар босиб олган Ҳисорга ҳужум қилди. Бу ерда Мұхаммад Шайбонийхоннинг ўғли Ҳамза султон ҳоким эди. «Пули Сангин (куприги)нинг тепасида, — дейди ўша муаллиф, —... (бу) икки фирмә бир-бирлари билан муқобил булдилар. Бобур подшоҳ у мардана фирмә устидан фалаба қилиб... Ҳисор мамлакатини босиб олиб, (ўзининг) муборакбод овозасини кўк гумбазига отди»<sup>1</sup>.

Мұхаммад Шайбонийхон Кермонга бостириб киргач, унинг Эрон ҳукмдори Исмоилшоҳ билан тўқнашиши аниқ булиб қолди. 1510 йилда Марвда ҳар икки томон ўртасида даҳшатли жанг бўлиб, Мұхаммад Шайбонийхон ва унинг лашкарбошилари ўлдирилди, аскарлари ҳам ҳалок этилди. Исмоилшоҳнинг кўрсатмаси буйича Мұхаммад Шайбонийхоннинг бош чаноги олтин билан сирланиб, зиёфатларда шароб ичиладиган идишга айлантирилди. Бошининг териси шилиниб ва ичига сомон тиқилиб, Туркия султонига жунатилди. Бундан мақсад шиаларнинг суннийлар устидан фалабасини намойиш этиш эди. Мұхаммад Шайбонийхоннинг ўлдирилиши Бобурни янги курашга отлантирилди. У 1512 йилда Самарқандни эгаллади. Унинг қўл остида яхши қуролланган ва кучли қушин етарли бўлмаган. 1512 йилда Бухоро атрофидаги Кўли Маликда Шайбонийлардан Убайдуллахон бошчилигидаги қушин билан Бобур ўртасида булиб ўтган жангда Бобур енгилиб, Ҳисорга чекинди. Бироқ у Исмоилшоҳдан яна ҳарбий ёрдам олиб, Термиз орқали Қаршиға ва бу ердан Бухоро томон юрди. Фиждувонда Шайбонийларнинг қўшини фалабага эришиб, Бобур Кобулга кетишга мажбур бўлди. Шундан кейин Шайбонийларга қарши кураш узил-кесил ниҳоясига етди. Бобур курашни давом эттиришдан воз кечиб, эътиборни Ҳиндистонга қаратди. Унинг ўзи бу ҳақда шундай деган: «Бизнинг ашаддий душманларимиз Мұхаммад Шайбонийхон бошлиқ кўчманчилар Темурийлар қўл ости-

<sup>1</sup> Уша жойда, 60-бет; Бу жангда Бобур Ҳисор ҳокими, Мұхаммад Шайбонийхоннинг ўғли Ҳамза султон ва унинг сафдошларини асир олиб, сунг озод этган.

даги ерларни эгалладилар. Мен Кобулда ёлғизланиб қолдим. Душман құдратли, биз эса заифмиз. Сулұ тузиш ёки қарши курашишнинг иложи йүқ. Шу боис душманга қарши курашишни давом эттиришнинг ҳам иложи йүқ. Эндиликда Бадахшон ёки Ҳиндистонга йүл олишимиз лозим»<sup>1</sup>. Ҳақиқатан ҳам, үша вақтдаги қалтис ва мураккаб шароит Шайбонийларга қарши курашни тұхтатишина тақозо қыларди. Бобур вазиятни тұғри тушунди ва Ҳиндистонға ҳарбий юриш қилиб, бу мамлакатда ұқымиятни құлға олды.

Юқорида баён қилингандардан шундай холоса чиқариш мүмкін: бириңчидан, Темурийларнинг күпроқ шахсий манфаатни үйлаб таҳт учун олиб борған давомли курашлари мамлакатда тарқоқлик ва пароқандаликни юзага келтирди. Ұзаро келишмовчиликтер ва адөвөт уларнинг онги ва қалбини шу даражада чулғаб олдики, умуммиллат ва давлат манфаатлари билан ҳисоблашмай қўйдилар. Оқибатда қўшиннинг жанговарлик қобилияти ва мамлакатнинг мудофаа құдрати пасайиб кетди. Бундай ҳолат, айниқса, Шоҳрух вафотидан кейин яққол кўзга ташланди. Үлкада оғир аҳвол юзага келган вақтда Оқ Үрдада Абулхайрхон бошлиқ Шайбонийлар анча кучли давлатни ташкил қўйдилар. Темурийлар ұқымиятининг заифлигидан фойдаланиб, Мовароуннахрга ҳарбий юришлар уюштириб турдилар. Шуниси ачинарлики, Темурий султонлар таҳт учун курашларда кучманди хукмдор Абулхайрхоннинг кучларига таяндилар. Бу билан улар душманга мамлакат дарвозасини очиб бериб, янгидан-янги ҳарбий юришларга отлантирилар.

Шуни алоҳида айтиш лозимки, Ҳусайн Бойқаро Темурийлар давлатининг салоҳиятини сақлаб қолишига ҳаракат қилиб, муҳим ютуқларга эришди. Бироқ умрининг охирги йилларида ичкиликка берилиб, давлат ишларида фожиали хатоликларга йүл қўйди. Айниқса, ўғли Бадиuzzамон билан келишмаслиги ва у билан жанглар қилиши вазиятни кескинлаштириди. У Мұхаммад Шайбонийхон тажовузлари вақтида атрофига Темурий султонларни жипслаштириб, умумдushmanга қарши курашни уюштира олмади. Энг нозик вазиятда, яъни давлатнинг тақдиди қил устида турганда ҳам лоқайдлик ва масъулиятсизликни намойиш қилди. Айниқса, унинг Ватан мустақиллiği учун жонини тиккан Бобурга ҳарбий ёрдам бермагани тузатиб бўлмайдиган сиёсий хато бўлди. Ваҳдоланки, Бобур икки маротаба Самарқандни эгаллаб, Шайбонийларга анча зарба берган эди. Агар Ҳусайн Бойқаро зудлик билан ҳарбий ёрдам берганида, босқинчилар тор-мор этилиши

<sup>1</sup> Бобурнома. Т., 1989, 83-бет.

турган гап эди. Бироқ Бобур қанчалик ҳаракат құлмасин, ҳеч қаердан ёрдам ололмади. «Ҳар неча атроф ва жавонибқа, — дейди Бобур, — әлчиilar ва кишилар йиборилди, ҳеч кимдан құмак ва мадад етишмади. Ул маҳалдаким, зүр ва қувватимиз бор эди, ҳеч нағыз ва шикаст ва нұқсон бұлмайдур эди. Құмак ва мадад құлмадилар ... Султон Ҳусайн мірзодек мардона ва соҳибтажриба подшоқ бизга мадад құлмай ва құмаклар бериб әлчи йибормай, Шайбокхонга Камолиддин Ҳусайн Гозурғохийни мухосара овонида әлчиликка юборди... ҳеч тарафднин умидворлик қолмади. Озуқ ва захира кам эди. Бұлғони ҳам тугади, ҳеч тарафдан озуқ ва захира келмади»<sup>1</sup>.

Ушбу сатрлардан аёңки, Бобур Самарқандда турган вактида ёрдам сұраб Ҳусайн Бойқаро ва бошқа сұлтонларға мурожаат қилишига қарамай, ҳеч кимса ҳарбий құмак ва озиқ-овқат юбормаган. У айтганки, «ул маҳалдаким, зүр ва қувватимиз бор эди», яғни ҳарбий күчлар етарли булиб, бирлашиб ҳаракат қилинганды, душманни енгиш мүмкін эди. Аксинча, Темурийлар бир-биридан ҳадиксираб ва ҳар ким «ўзим бўлай», деган фикр билан иш юритгандар. Темурий сұлтонлар бир ёқадан бош чиқариб ва ҳарбий күчларни марказлаштирган ҳолда Самарқанд, Бухоро ва Хоразмга юбориб, Мұхаммад Шайбонийхонга қарши жанг қилишлари лозим эди. Аксинча, Ҳусайн Бойқаро кўрсатилган жойларни уз ҳолига ташлаб қўйди. Ҳатто унинг Хоразмдаги ҳокими Мұхаммад Шайбонийхон қўшинига қарши ҳарбий ёрдам сұраганда у: «Урганчни деб бутун Хуросонни хавф остида қолдиришни хоҳламайман», — деб жавоб берган<sup>2</sup>. Бобур мәлубиятларга Ҳусайн Бойқарони айбдор, деб ҳисоблайди: «Султон Ҳусайн мірзодек Амир Темурбек ўрнига ўлтиргон улуг подшоқ ғаним устига юрмакни демасдан бепарволик қылса, эл ва улусқа не умидворлик қолгай?». Ҳақиқатан ҳам, давлат бошлиғи барча күчларни бирлаштириб, душманга қарши мардонавор ҳужум қилиш ўрнига орқага тисланса, бепарволик қылса, халқ оммасини душманга қарши отлантириш қийин кечади, албатта.

Умуман айтганда, Темурийларнинг ноаҳиллиги, журъатсизлиги ва таҳт учун шахсий манфаатларни кўзлаб олиб борган курашлари мамлакатнинг Шайбонийлар томонидан босиб олинишига кенг йўл очиб берди.

Иккинчидан, Олтин Ўрданинг туб аҳолиси — қипчоқларнинг тил ва дин жиҳатидан Туркистон аҳолисидан фарқи бўлмаган. Аммо дастлабкилари кучманчи, кейингилари утроқ халқ ҳисобланган. Ол-

<sup>1</sup> Бобурнома. Т., 1989, 83,84,85-бетлар.

<sup>2</sup> Таворихи гузида — Нусратнома, 119-бет.

тин Ўрда хукмдорлари ва улар билан келган мұгуллар вақт үтиши билан қипчоқларга аралашиб, тили ва урф-одатларини йүқотиб бордилар. Бу ҳақда Умарийнинг сұzlари ҳам далолат беради: «Қадимги замонда Олтин Ўрда қипчоқлар мамлакати бұлған, лекин татар (мұгул)-лар үнга эга булиб чиққандан кейин қипчоқлар уларнинг ақолисига айландилар. Кейин улар (мұгуллар) аралашиб, қипчоқлар билан қавм-қариндошлашиб кетди... Уларнинг ҳаммаси қипчоқлар билан бир уруф-дек булиб, бир-бирови билан аралашиб-қуралашиб кетди»<sup>1</sup>.

Бу турклашған мұгуллар ислом дини ва исмларини қабул қылдилар. Аммо уларнинг хукмрон табақаси үзи аслида Чингизхоннинг авлоди эканлигини онғы ва қалбіда мустақам сақлади. Бу хукмдорлар Чингизхон ва уннинг фарзандлары томонидан босиб олинған мамлакатларни сурбетларча үзларининг ҳақиқиү мұлки, деб ҳисобладилар. Уларнинг тушунчасида Амир Темур ва уннинг ворислари Туркистон таҳтини хорижий босқынчилар сифатида әгаллаган эмишлар. Менинг бобом Абулхайрхон, деган эди Мұхаммад Шайбонийхон, Темурийлар сұлтони Абусаъиддә ҳарбий ёрдам бериб, Самарқандни уришиб олған вақтта таҳтни үзи бемалол әгаллаши мумкин эди. Бироқ, Аллоҳнинг ҳоҳишига күра, бундай қылмай, таҳтта бизнинг «хорижий душманимиз» Абусаъидни үтқазди. Ҳозир Мовароуннахр вилоятларини Амир Темур авлодларидан тортиб олишимиздан асосий мақсад подшохлик қилиш ва еримизнинг озлигидан әмас, балки ота-боболаримиздан мерос булиб қолған мамлакат-мұлкимизни құлымизға қайтариб олишдан иборатдир<sup>2</sup>.

Чигатой сұлтонлардан бири Туғлуқ Темур (1338—1362) Шарқий Туркистон, Еттисув, Тянь-Шань этаклари Балхаш құли, Иртиш ва Или дарёлари атрофидаги жойларда Мұгулистан номида давлат тұзған эди. Мұхаммад Шайбонийхон Мовароуннахрни әгаллаш учун курашаёттанида Мұғалистан сұлтонларига шундай деган:

*Мен Жұжи үглиману сиз икки хон,  
Чигатой үглисиз, бұлсын бу аён.  
Баримиз бир онанинг үглимиз,  
Барчамизниң отамиздір Чингиз.  
Жұжихону Чигатойхон ҳасил,  
Сурғолу ушбу жаҳондин махмил.  
Бизинг сизнинг аро бұлмади қон,  
Хар киши үз ерида бұлды хон.*

<sup>1</sup> Б. Д. Греков, А. Ю. Якубовский. Олтин Ўрда ва уннинг қулаши. 57-бет.

<sup>2</sup> Фазлаллах ибн Рузбихан Исфахани. Михманнамайи Бухара. М., 1972, с.96.

Күриниб турибдики, Мұхаммад Шайбонийхон Жұжи ва Чигатай сулолаларининг насл-насаби битталигини англатиб, бирлашган ҳолда иш юритишига даъват қылган. У узини мұғулларнинг фарзанди ва Чингизхоннинг меросхўри сифатида гавдалантириб, Туркистон заминида мұғулларнинг ҳукмронлигини қайтадан тиклашга эришиди. Шундан кейин Бухоро хонлигиде Шайбонийлар сулоласи XVI асрнинг охирларигача ҳукмронлик қылдилар.

Учинчидан, Мұхаммад Шайбонийхон Туркистон үлкасида олиб борган урушлар ва унинг бу ҳудуддаги ҳукмронлиги иккى жиҳатдан фожиали оқибатларни юзага келтирди. Авваламбор, у кўп шаҳар ва қишлоқларни вайронага айлантириб, минглаб кишиларни үлдирди ва асир олди. Катта бойликлар таланди. Мұхаммад Шайбонийхоннинг кўрсатмасига мувофиқ Вахшувор шаҳри ва унинг атрофидаги жойлардан 50 минг нафар киши асир олинди, 110 минг қўй, 50 минг от ва 200 минг тия қўлга киритилди. Шоҳрухияда 1,5 минг аскар, аҳолидан 3 минг киши асир олинди, 5 минг от үлжа сифатида олиб кетилди. Хоразмнинг Қиёт ва Бўлдимсоз шаҳарлари аҳолиси Бухорога мажбурлаб кучирилди. Қоракул шаҳрида одамларнинг каласидан минора ясалди.

Умуман айтганда, Мұхаммад Шайбонийхон қайси жойда жанг қилмасин, ўша ернинг бойлигини талади ва минглаб кишиларни үлдирди. Бу билан у бобоси Чингизхоннинг ваҳшиёна сиёсатини давом эттириди.

Мұхаммад Шайбонийхон ва унинг ворислари кўчманчилар ва-киллари булғанликлари учун, Амир Темур ва Темурийлар давридаги такомиллашган давлат бошқаруви ва тараққиётнинг қадрига етмай, оёқ ости қылдилар. Улар бундай оламшумул аҳамиятга молик катта ютуқларга душманлик кўзи билан қарадилар. Натижада, ҳашаматли бинолар, ажойиб-таройиб bogлар, обод кучалар, бозор ва карвон йўллар борган сари харобага айланди. Улугбекнинг машҳур расадхонаси бузилиб, ерга кумиб юборилганлиги туфайли XX асрнинг бошлиригача қаердалиги номаълум бўлиб келди. Шахрисабздаги гўзаликда тенги йўқ Оқсарой ҳам бузилди. XVI асрнинг 80—90-йилларида Самарқандда «буюк Амир Темур ва унинг авлодларидан қолган ҳамда бузилиб, вайронликка юз тутган иморатлар» мавжудлиги манбаларда аниқ ёзиб қолдирилган. Бундай ҳолат кўпроқ Мұхаммад Шайбонийхоннинг ҳарбий юришлари вақтида содир бўлган, албатта.

Фан ва маданият намуналари барбод булиб, дунёвий фанларни ривожлантиришга йўл берилмади. Мадрасаларда асосан диний таъли-

мот ўқитилди. Айниқса, диннинг сиёсатлаштирилиши ва фанатизмнинг авж олдирилиши тараққиётни буғди. Туркистон минтақаси Бухоро, Хива, сўнгра Қўқондан иборат уч хонликка парчаланиб кетди.

Минтақада Муҳаммад Шайбоний ҳукмронлигининг ўрнатилиши ўз ўрнида Олтин Ўрдага ҳам катта талафот ўтказди. Чунки Даشت қипчоқдаги қабилалар ўз она юртини ташлаб, Туркистон вилоятларига келиб ўрнашиши Оқ Ўрдада одам ресурслари камайиб, унинг хувиллаб қолишига олиб келди. Ушбу ҳолат унинг сиёсий ва иқтисодий инқизозини янада чуқурлаштирди. У ерда ташқи душманга қарши курашадиган қудратли куч қолмади. Бу рус давлатига жуда қўл келиб, XVI асрнинг иккинчи ярмида у Олтин Ўрда ерларидаги Астрабаханъ, Қозон, Сибиръ, сўнгра Крим хонликларини босиб олди. Бу жойлардаги олтин, кумуш, темир, мис, кўмир ва бошқа хилма-хил табиий бойликлар, унумли ерлар ва ўрмонлар Россиянинг қудратли давлатга айланишида асосий омил ҳисобланади.

Хуллас, Муҳаммад Шайбонийхон Олтин Ўрдага ҳам, Туркистон заминига ҳам жуда катта зиён ва талафотлар етказди. Бундай фожиаларнинг рўй беришига биринчি навбатда Темурийлар сулоласи сабабчи бўлғанлигини унутмаслик керак. Улар ўзаро адоват, чиқишимовчилик ва таҳт талашишга берилиб, буюк давлатнинг инқизозига сабаб бўлди.

---

## ТОШКЕНТ – ШОН-ШАВКАТЛИ ШАҲАР

*Тошкент тасодиған пойтахт бўлган эмас. Ўзининг кўп ийлилк тарихи давомида буюк ипак йўлидаги бу шаҳар коммуникация жиҳатидан Мағрибу Машриқни, жаҳнуб ва шимолни том маънода боғловчи муҳим манзил, Турон, Туркистон, Ўрта Осиё заминидаги Буюк марказ сифатида маълум ва машҳурдир. Тошкент икки минг йилдан зиёд тарихга эга.*

**Ислом Каримов**

Юргашимиз Тошкентга берган мазкур таърифда бу азим шаҳарнинг минтақа тарихида туттан ўрнига бежиз юқори баҳо берилмаган. Ҳақиқатан ҳам, Тошкент узоқ тарихий даврларданоқ Туркистон заминининг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган. У умуман тараққиёт, шу жумладан фан ва маданият учоқларидан бири сифатида шуҳрат қозонганд. Аммо шаҳар ҳаёти ҳамиша кенг ва равон йўлдан бормай, кўп талафот ва вайронагарчиликларни ҳам бошдан кечирган. Ҳатто ҳалокат ёқасида турган вақтлари ҳам бўлган. Аммо халқ-нинг ватанпарварлиги, жасорат ва меҳнатсеварлиги туфайли шаҳар ҳалокатдан кутулиб қолиб, тараққиётга эришган. Унинг аҳолиси чет эл босқинчиларининг тажовузи ва ҳукмроњлигига қарши курашларда ҳам қаҳрамонлик ва Ватанга садоқат намуналарини намойиш этган. Бу ерда мустақиллик ва озодлик фоялари ҳамиша қайнаб, она юрт манфаатлари учун нимаики зарур бўлса, барчаси амалга оширилган. Хуллас, тошкентликлар кўп асрлик тарихи давомида мустақилликни ҳаёт рамзи ҳисоблаб, унинг учун жонларини ҳам, молларини ҳам аямаганлар. Тошкент ўзбек халқининг эркесеварлиги, жасорати, меҳнатсеварлиги ва Ватанга садоқатининг рамзи бўлган шаҳардир. У халқимизнинг тақдирни ва тарихида муҳим ўрин эгаллаб келмоқда. Шу боис унинг ўтмиши ва ҳозирги тарихини билиш шу куннинг талабидир.

## Үтмиши

Тошкент серқүёш, мусаффо ҳаволи, серсув ва унумдор тупроқли воҳада юзага келган. Унинг ажойиб табиий шароити, аҳолиси-нинг меҳнатсеварлиги ва Ватанга садоқати, жасорати, мардлиги шаҳар мазмуни ва қиёфасида ифодасини топган.

Тарихий манбалар курсатишича, шаҳарнинг юзага келишида Чирчик, Оҳангарон ва Сирдарё сингари сув манбалари муҳим ўрин эгаллаган. Улар туфайли сунъий сурориши тармоқлари ривожлантирилиб, янги ерлар ўзлаштирилган, дехқончилик, чорвачилик, хунармандчиликнинг ривожланиши ва савдо алоқаларининг ўсиши таъминланган. Натижада, милоддан аввалги ва милодий асрларда Тошкент воҳасида шаҳарлар юзага келган. Шоштепа, Кўргонтепа, Мингурек, ҳозирги Чилонзор ва Юнусободда жойлашган тепалар шулар жумласидандир. Туркистон заминида мил. авв. III аср охири—II асрда қудратли Қанға салтанати ҳукм суриб, Туркистон заминининг талай қисмини эгаллаган. У милодий V аср урталарида тутатилди. Унинг пойтахти Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманида, Сирдарё қирғогидан 8 километр нарида жойлашган Қанға (Қанға тела) шаҳри ҳисобланган. Қанға салтанати Тошкент шаҳрининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатган.

Афсуски, Тошкентнинг энг қадимги даврига оид маълумотлар жуда оз. Айрим маълумотларга кўра, у VI—VIII асрларда ривожланиб, минтақанинг йирик шаҳарларидан бири бўлган. Бу вақтларда дехқончилик, чорвачилик, хунармандчиликда катта ютуқларга эришилди. Тошкент VIII—IX асрларда араб халифалиигига қарам бўлиб, мусулмон дини кенг ёйилди. Тошкент узининг кўп асрлик тарихи давомида «Чоч», «Шош», «Бинкат», «Таркан» номлари билан аталган. Араб тилида «ч» ҳарфи «ш» талаффузи билан ўқилиши туфайли «Чоч» сўзи «Шош» деб юритилган.

Абу Райхон Беруний Тошкент атамаси ҳақида, Бинкат Шошнинг маркази, турк тилида Тошқанд, юнонча эса Тош минорани англатади, деб ёзган. Яна бошқа бир жойда эса Шош шаҳарнинг номи, у турк сўзидан олинган бўлиб, Тошқанд — Тошли қишлоқ, деган маънони англатади, деган.

Тошкент атамаси X асрдан бошлаб кенг кўламда ишлатилган. Шу боис ҳам Берунийнинг эътиборини жалб қилган, албатта. X асрга тегишли маълумотга кўра, Тошкентда хунармандчилик ривожланиб, ташқи бозор учун маҳсулотлар ишлаб чиқарилган. Масалан, эгар, пичок, уқ-ёй, кийим-кечак, газлама ва бошқа молларни курсатиш мумкин. Шунингдек, Тошкентда тайёрланган кулолчилик маҳсулотларига талаб кўп бўлган.

Тошкент X асрда Сомонийлар, XI—XIII аср бошларида Қорахонийлар, хоразмшоҳлар давлати қўл остида бўлди. Шу орада у қатор уруш ва талафотларни бошдан кечирди. Аммо шаҳар ҳаёти ҳалокатта учрамай, ўз мавқеини сақлаб қолди. Бироқ XIII аср бошларида мўгулларнинг тажовузи натижасида шаҳарда қаттиқ жанглар олиб борилгани боис кўп одам ҳалок бўлди. Душман шаҳарни остин-устун қилиб, вайронага айлантириди. Натижада у бошидан чукур инқизозни кечирди. Тошкент Амир Темур ва Темурийлар даврида қаддини ростлаб, тараққиёт йулида борди. Аммо шаҳар гоҳ у, гоҳ бу хукмдорнинг қулига утиб турган вақтлари ҳам бўлди. 1503 йилда у Мұхаммад Шайбонийхон томонидан эгалланди. Шундан кейин Тошкентда Бухоро, сунгра Кўқон хонликларининг хукмронлиги үрнатилди. Бу даврларда ҳам шаҳар ӯзаро қонли урушлар азобини чеккан бўлса-да, аҳолининг куч-ғайрати ва Ватанга фидойилиги туфайли унда ҳаёт қайнаб тураверди. Халқ оммаси она юртни сақлаш ва унинг келажагини таъминлашга нимаики зарур бўлса, барини оғишмай амалга ошириди. Шунинг учун тарихий асарларда шаҳар аҳолисининг фаолиятига юқори баҳо берилган.

Халқи, — дейилади уларнинг бирида, — жасорат ва сипоҳгарчиликда машҳурдир. Пичоқ ва ярглари ҳамиша ёнларидадир. Ҳатто деҳқонлар ҳам яроқсиз юрмайдилар. Бошқа манбада эса шундай ёзилган: Шош аҳолиси жасур, мард ва чавандоз булиб, табиатан жангчидир. Улар бирорвонларга буйин эгмайдилар ва юртларини тарқ этмайдилар<sup>1</sup>. Тошкентда ажойиб ва гаройиб нарсалар ҳам бўлган. Чунончи, қора рангли тариқ киши баданидан оққан қонни дарҳол тўхтатган. У ерда сеҳрли булоқ бўлиб, ҳаво тиниқлигига суви куринмай, қачонки ҳавони булат ва туман босса, сув қайнаб чиққан. Бундан ташқари, яна бир сирли қудуқ ҳам бор. Бу сув бошқа жойга олиб борилганда қонга ўхшаб қолган. Кўп сақланса тошга ўхшаб қотган.

Тошкентда лоланинг шундай бир тури бўлганки, бунақаси бошқа жойларда ўсмаган. У узининг ранги ва нағислиги билан кишини завқлантирган ва ором баҳш этган. Бу хусусда манбада шундай дейилган: Тошкент лоласи машҳурдир, саккиз ва ўн икки барглилари бордир. Ҳар бир барги турли рангда бўлиб, бир-бирларига ўхшамайди. Лоланинг баъзи баргларида етти ва баъзисида ундан кўп ранглар товланиб туради. Лолазор майдонида бир булоқ бордирким, уни Қайнар булоқ дейишиган. Суви доим оқиб туради. Аммо лола очилган вақтда 20 газ ҳавога отилиб ва атрофга сочилиб, лолаларни сугорган. Афсуски, юқорида курсатилган ажойиботлар бизгача сақланмаган.

<sup>1</sup> Маҳмуд Ибн Вали. Море тайн. Т., 1977, с. 56.

Үтмиш замонларда ҳаёт кечириш оғир ва машаққатли бўлган, одамлар куч-ғайрати ва топган-тутганинг талай қисми мамлакатнинг мудофаасига сарфланган. Чунки, босқинчилар қўққисдан ва тез-тез тажовуз ва талон-торож қилиб туришган. Бундан сақланиш учун шаҳар ва ҳукумат саройи қалин ва баланд девор билан қуршаб олинган. Масалан, мил. ав. II—I асрларда Тошкент воҳасидаги шаҳарлар деворлар билан ўралган. IX—X асрларда Тошкентнинг ўзи ҳам икки қатор девор билан ўралган булиб, биринчисида Ҳадмин, Сахда, Рашиджак, Ҳакан сингари дарвозалари булган. Иккинчи, ташқи девор Фаргет, Ҳаскет, Сандижак, Темир, Бакирдижак, Секрек ва Саграбадлардан иборат еттита дарвозага эга эди. «Шаҳар, — дейилган манбада, — боғу роғлар билан қопланиб, Мовароуннаҳрнинг энг соғлом ва куркам даргоҳи ҳисобланади. Уйлар пахсадан қурилган булиб, кенглиги билан ажралиб туради. Барча хонадонларда сув оқади». Шунингдек, у ерда дәхқончилик, ҳунармандчилик ва савдонинг ривожланганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд.

IX асрда Чирчиқ воҳаси «Девори сойлиқ» деб номланган узундан-узун девор билан тусилган эди. Тошкентнинг мазкур мудофаа девори Чорток тоғларнинг этакларидан, хусусан, Фазалкентдан бошланиб, ҳозирги Бўстонлиқ ва Чирчиқ шаҳри орқали Қорасув, Назарбек, Янгийўл туманларигача чўзилиб кетган. Девор Чиноздан Сирдарёгача бориб тақалган. Унинг узунлиги таҳминан 200 километрга борган. Тошкентнинг ўзи ҳам қалин ва баланд девор билан уралиб, дарвозалари бўлган. Атрофи сув тўлдирилган зовур билан тусилган. 1730—1740 йилларга тегишли ҳужжатларга кўра, Тошкент шаҳрининг атрофи ҳамон девор билан уралиб турган. Деворнинг устки қисми анча кенг булиб, икки отлиқ киши бемалол юрган. Унинг Қўқон, Қашқар, Лабзак, Тахтапул, Қорасарой, Чигатой, Кўкча, Самарқанд, Камолон, Каймақ сингари жами 12 дарвозаси бўлган. Уларнинг тепасидаги минора ва девор устида соқчилар доимо атрофни кузатиб турғанлар. Улар душман шарпасини сезишлари биланоқ девор устида чопиб, «ёв келаётир» деб бақиришиб, шаҳар аҳолисини жангга даъват этган.

Шаҳар ичida ҳокимият вакиллари учун алоҳида сарой булиб, у ҳам баланд девор билан уралиб, олтида дарвозага эга эди. Деворнинг катта дарвозалари от-арава, савдо карvonлари ва қўшиннинг ўтишига мўлжалланган. Айрим кишиларнинг шаҳардан чиқиши ёки кириши учун Тешик қопқок, Янги маҳма ва Сарбоз номли кичкина дарвозалар қурилган. Шаҳар деворининг баландлиги 7 метрдан 9 метргача борган. Унинг таг қисми бўйлаб кенг ва чуқур зовур (хандақ) қазилиб, сув билан тўлдирилган. Бу душманнинг деворга яқинлашишига

йўл бермайдиган тўсиқ ҳисобланган. XIX асрнинг биринчи ярмида Кўқон хонлиги ҳукмронлиги даврида ўн минг аскар сифадиган катта ҳарбий қалъа қурилди. У Бузсувнинг қирғоғидан бошлаб ҳозирги Хадиҷа Сулаймонова номидаги кўча ва атроф жойларида «Ўрда» номида бунёд этилган. Бу ерда ҳокимият саройи, ҳарбий ярог-аслаҳалар ва қўшин жойлашган. Ҳозирда Навоий кучасидаги «Ўрда» номи ўша қалъанинг юзага келиши билан боғлиқдир. Бу қалъанинг ён бағридаги собиқ Қашқар маҳалласида ҳам сарбозлар оилалари билан яшаганлар. Шунингдек, казарма ва отхоналар қурилган.

Шундай қилиб курдикки, тошкентликлар юз йиллар мобайнида девор қуршовида яшашга мажбур бўлган. Узундан-узун ва баҳайбат де-ворни кетмон ва бел билан куришнинг ўзи бўлганмикан? Шубҳасиз, бу иш кўп вақт, маблаг ва машаққатли меҳнатни талаб этган. Кўп миқдорда қурол-аслаҳа, озиқ-овқат тайёрлаш, ҳарбий машқларни ўзлаштириш ҳам жуда қимматга тушган. Ҳалқнинг бундай оғир ва машаққатли вазифани бажонидил амалга оширишининг сабаблари бор, албатта. Авваламбор, унинг Ватанга содиқлиги, мустақиллик ва озодликни ҳаёт рамзи, деб ҳисоблаши муҳим ўрин тутди. Даҳшатли қирғинлар ҳам, оғир талафотлар ҳам ҳалқнинг озодлик йулидаги курашларини тўхтата олмади. Аксинча, озодлик фоялари кишиларнинг онги ва қалбида яшайверди. Шунинг учун ҳам одамлар бир қулида иш асбоби, иккинчисида эса қурол-аслаҳа билан юрган. Улар, ҳатто, тунлари ёстиқ остида пи-чоқ, ёнида ярог-аслаҳа сақлаб ухлаган. Чунки душманнинг ҳар дақиқада ҳужум қилиши oddий воқеа эди. Бироқ ҳалқ оғир ва хавф-хатарли шароит асирига айланмай, она юртнинг моддий ва маънавий ҳаётини таъминлаш учун тинимсиз меҳнат қилди. Бу соҳада асрлар оша қўлга киритилган ютуқларни кўз қорашибидек сақлаб ва такомиллаштириб борди, уларни моҳирлик билан авлоддан авлодга ўтказиб келди. Натижада, шаҳарда дехқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик, ички ва ташқи савдо ўз йулида давом этади.

Шаҳар инқирозга учраган вақтлар ҳам бўлган. Чунончи, XVIII асрда қалмоқлар ва бошқа кўчманчиларнинг ҳужумлари ҳамда ҳукмронлиги даврида оғир шароит юзага келди. Босқинчиларга қарши курашларда кўп қонлар тўкилди, бойликлар таланди. Аммо ҳалқ курашни тўхтатмади. Натижада, 1780 йилда Юнус Ҳўжа бошлиқ мустақил Тошкент беклиги ташкил топди, унга Тўйтепа, Паркент, Чордара, Оҳангарон, Ҳумсон, Чимкент, Сайрам, Туркистон ва умуман Сирдарёгача чузилган ерлар буйсундирилди. Шу равишда Тошкент қаддини ростлаб, ривожланиш йулига ўтди. Дехқончилик, ҳунармандчилик ва савдода ўсиш кўзга ташланди. Шаҳарнинг мудофаа

девори ва дарвозалари мустаҳкамланди. Күшин чүян ва темирдан ясалган кичик түплар билан қуролланиб, жанговарлик қувватини ошириди. Юнус Хужа төг маъданларининг ҳаётдағи аҳамиятини англаб, Россия ёрдамида конларни ишга солишга қаратылған чораларни күрди. Шу муносабат билан Тошкентта рус кон мутахассислари келген бұлсалар-да, бироқ шароит тақозосига кура мақсад амалға ошмади. Аммо Россия билан савдо алоқалари ривожланиб борди. Бунда ҳар икки томон уртасида элчилик алоқаларининг йүлға қўйилиши муҳим аҳамият касб этди. Бу вақтларда Россияда, хусусан, Сибирда ўзбек газламалари, кийим-кечаклари ва бошқа молларига талаб катта эди. Айни пайтда Тошкентта рус молларига эҳтиёж мавжуд эди. Умуман, ҳар икки томон савдо алоқаларини ривожлантиришдан манфаатдор эди. Бу борада Тошкент ҳукмдори, мустақил ва тенг ҳуқуқли давлат сифатида, Россия билан алоқа үрнатған. Бундай алоқалар хусусида қўйидаги мисол эътиборга лойик. Юнус Хужа ўзининг биринчи маслаҳатчиси Муллажон Охун ва Аширмат Ботир мингбошини элчи сифатида Петербургга жунатди. Улар 1796 йилда Омск, Екатеринбург, Пермь, Қозон ва Москва орқали Петербургга етиб боришиди. Бу ерда элчиларга зўр ҳурмат ва иззат қўрсатилиб, улар шахсан император томонидан икки маротаба қабул қилинди.

Тошкент элчиларига рус императорининг Юнус Хужа номига ёзилған ёрлиги, канцлер А.А. Безбородконинг хати ва турли совфалар топширилди. Юнус Хўжанинг рус императорига юборган 45 түп ипак газламаси ва 10 жуфт қимматбаҳо мўйнаси эвазига ҳар бири 20 газ келадиган икки түп қимматбаҳо газлама (парча), 12 газ кўк мовут ва олтин занжирли соат берилган. Муллажон Охун ва Аширмат Ботир мингбошига 12 газдан газлама (парча) ва 6 газдан кўк мовут совфа қилинган. Муллажон Охун рус императорига шахсан ўз номидан қалам ва 3 та қоплон териси совфа қилғанлиги учун унга олтин соат ва олтин узук қўшимча туҳфа этилган. Бу совфалардан ташқари, ҳар икки элчига 1000 сўм пул мукофоти, бирга келган қариндошлари ва хизматкорларига ҳам совфалар топширилган.

Тошкент беклигининг кучайиши ва мавқеининг мустаҳкамланиши Қўқон хонлигининг маңбаатларига зид эди. Шу боис ҳар икки томон уртасида тўқнашувлар бўлиб, гоҳ у, гоҳ бу томон ғолиб келди. Пировардида, 1809 йилда шаҳар хонлик томонидан босиб олинди. Шунингдек, ҳозирги Жанубий Қозогистон ва Қирғизистон ерлари хонликка бўйсундирилди. Шаҳарнинг эгалланиши Қўқон хонлиги салоҳиятининг кучайишига олиб келди. Шу боис хонлар Тошкентнинг аҳамиятини ҳисобга олиб, қозоқ ва қирғизларни бошқариш

ваколатини унинг ҳокимлари зиммасига юклаганлар. Ҳатто уларга бекларбеги мақоми берилган. Аммо шаҳар хонлар таҳт учун олиб борган ўзаро курашларнинг даҳшатли оқибатларидан ҳоли қолмади. Бу ерда уларнинг акс-садоси яққол кўзга ташланиб турди.

Шаҳарнинг асрлар давомида девор куршовида туриши мустақилликни сақлашда муҳим ўрин эгаллаган бўлса-да, шаҳарнинг кенг кўламда қулоч ёйиши ва ривожланишига тўсқинлик қилди. Девордан ташқарида яшаш хавфли бўлгани сабабли иморатлар зич ва пала-партиш курилди. Натижада кучалар тор, эгри-буғри ва боши берк бўлиб қолди. Бунинг устига кучаларнинг қишида лойга, ёзда эса тупроққа беланиб ётиши ободончиликка ва озодагарчиликка халақит берган. Кексаларнинг айтишича, ҳар маҳаллада 30—40 этик маҳсус тайёрлаб қўйилган. Улар лойгарчиликда мурдаларни мозорга олиб боришда кийилган. Бироқ тор ва боши берк, яъни «жин» кўчаларнинг маълум даражада фойдаси теккан. Чунончи, душман шаҳарга бостириб кирган вақтларда кучаларда ҳам жанг қилинган. Уларнинг оғзи турли нарсалар билан тўсилиб, баррикадалар курилган. Борди-ю душман бостириб кирса, у вақтда одамлар уз уйларининг томларидан тош, гувала, найза ва бошқа нарсаларни душман устига ёғидрганлар.

Шаҳарда ернинг танқислиги туфайли кўп ҳолларда икки қаватли уйлар қурилган. Иккинчи қавати — болохонада ўтин, ем-хашак, таппи, рўзфор буюмлари сақланган. Шунингдек, одамлар яшайдиган болохоналар ҳам бўлган. Уйларнинг томлари ҳар йили ёки икки йилда бир маротаба сомонли лой билан суваб турилган. Бу иш анча оғир бўлганлиги учун қўшнилар иштирокида ҳашар йўли билан бажарилган. Юқорида келтирилган оғир ва машаққатли шароитга, шу жумладан, хавф-хатарга қарамай, шаҳарда ҳаёт ҳамиша қайнаб турган. Бунда халқнинг ўта меҳнатсеварлиги, сабр-қаноатлилиги, чидамлилиги ва она юртини дилдан севиши ҳал қўйувчи ўрин тутган.

Тошкентда VII—VIII асрларда рақс тушиш ривожланиб, довруғи Хитойгача таралган. Тошкентликлар моҳирона ижро этилган рақслари билан томошибинларни лол қолдиришган. Ҳатто уларга атаб шеърлар битилган. Хитойда узбек мусиқа асбобларидан фойдаланилган.

Шаҳарда Абу Бакр Мұхаммад Қаффол Шоший (Х аср), Абу Мансур Саолибий (961—1038), Абу Раби Балхий, Бадриддин Чочий (XIII аср), Зайнiddин Восифий (XV—XVI аср бошлари) сингари олим ва шоиirlар бадиий ҳамда фалсафий асарлар яратдилар. Фан соҳасида Мұхаммад ибн Аҳмад Али Илоқий, Али ибн Аҳмад ибн Мұхаммад Банокатий (XIII аср), Жамшид Шоший (XIV аср), Ҳамид Тошкандий (XV аср), Абу Сулаймон Фахриддин Али Мұхаммад Банокатий (XIII—XIV

асрлар) самарали ижод қылғанлар. Тошкентда тиббиёт соҳасида ҳам асарлар яратилған. Шарафиддин Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Юсуф Илоқийнинг асарлари (XI аср) шулар жумласидандир.

Кейинги асрларда ҳам олимлар, шоирлар ва зиёлиларнинг бошқа вакиллари фаолият күрсатдилар. Ҳусусан, Әрмуҳаммад ибн Пирмуҳаммад Тошкандий, Боқи Тошкандий, Жамил Мирак Тошкандий, Холис Тошкандий, Шоҳий Ақмал Тошкандий, Ҳофиз Құхаки, Алим Сидиқий, Мирза Мұхаммад Ҳайдар, Эшон Ҳұжа ва бошқалар қимматли бадиий асарларни яратдилар. Убайдулла ибн Мұхаммад Юсуф Қаҳқол, Боқи Жарроҳ, Юсуф Табиб тиббиёт соҳасида катта хизмат қылдилар. Тошкентда мусиқа ҳам ривожланды. Меъморчиллик санъатининг ёрқин намунаси бўлмиш Қаффол Шоший, Шайх Хованд Тахур, Юнусхон мақбаралари, Кўкалдош, Бароқхон, Ҳұжа Аҳрор мадрасалари ва бошқа масжидлару мадрасалар бунёд этилди.

Шаҳар маъмурӣ жиҳатдан Шайх Хованд Тахур (Шайхонтахур), Себзор, Бешёғоч ва Кўкча номли турт қисмдан иборат бўлган. Уларнинг ҳар бирининг ўз раҳбари, қозиси, миршаби бўлган.

### **Мустақиллик учун кураш маскани**

Маълумки, жаннатмакон Туркистон заминига қўп босқинчилар ҳужум қилиб, уни эгаллаш учун ҳеч нарсадан тоймаганлар. Бундай вақтларда минтақадаги шаҳарлар қатори Тошкент ҳам Ватан озодлиги учун курашларда фаол қатнашди. Йулбошчимиз Ислом Каримов сўзлари билан айтганда, «Тошкент бошига не-не синовлар, кулфатлар тушмади. У араб истилоси бўладими, мўғул босқини, шимолдан келган ганимлар тажовузи бўладими — барчасига қарши мардонавор курашди. XIX асрнинг иккинчи ярмида чор Россияси ҳужумига ҳам биринчи бўлиб қўксини қалқон қылған ҳам, жабрини тортган ҳам мана шу Тошкентимиз ва унинг мард ва жасур халқи бўлди»<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат, Тошкент аҳли қадим тарихий даврларданоқ чет эл босқинчиларига қарши курашиб келган. Зеро, 712 йилда араб лашкарбошиси Кутайба Самарқандга ҳужум уюштиришга ҳаракат қилаёттанди, Тошкент қўшини у ерга ёрдамга борган. Аммо Кутайба лашкари жанғда галаба қозонган. 713 йилда Тошкентга ҳужум қылғанда эса уни ололмаган. Араб халифалигига қарши Тошкент, Самарқанд ва Фаргона уртасида иттифоқ тузилган эди. Бу иттифоқнинг бирлашган қўшинлари 723 йилда Қувада халифа қўшинига зарба берди.

<sup>1</sup> И. А. Каримов. Халқ ишончи — олий масъулият. Т., 2000, 249-бет.

739 йилда ҳар икки томон ўртасидаги жангда ҳам тошкентликларнинг қули баланд келган. Бироқ душман аскарларининг сон жиҳатидан қўплиги ва ички ўзаро курашлар сабабли Тошкент халифалик томонидан тамомила босиб олинди. Шунга қарамай, тошкентликлар озодлик учун курашдан қайтмадилар. Чунончи, улар X асрда юрт мустақиллигини таъминлашда фаол қатнашдилар. Тошкентликлар Чингизхон бошлиқ мўғуллар тажовузига қарши курашда ҳам жонбозлик курсатдилар. Мўгулларнинг лашкарбошилар Алай нуён, Сухэту-Чорби ва Тугай бошлиқ 5 минг кишилик қўшини Тошкент воҳасига бостириб кириб, маҳаллий аҳоли билан 3 кун мобайнида жанг қилди. Пировардида душман голиб келиб, кўп одамлар ҳалок этилди. Шундан кейин Тошкент ва атрофдаги жойлар Амир Темур давригача хароб ҳолда ётди.

Тошкентликлар чоризм тажовузига қарши курашларда ҳам қаҳрамонлик намуналарини намойиш этди. Душман кучлари XIX асрнинг 50—60-йилларида Оқ мачит (Қизил Урда), Авлиё ота (Жамбул), Туркистон ва Чимкентни урушиб олаётган вақтда тошкентликлар ҳам жанг қилган эдилар. Генерал Черняев бошчилигига қўшин 1864 йил 27 сентябрда Чимкентдан Тошкент шаҳрига ҳарбий юришларни бошлади. Бу вақтда халқ жангга тайёр турган эди. Улар шаҳарни туп ва милтиқлардан ўққа тутиб, дарвоза ва деворларга ҳужум қилдилар. Икки томон ўртасида шиддатли жанг бўлиб, Ватан ҳимоячилари ғалабага эришдилар. Душман аскарлари олға чопиб, зовурға ўзларини урдилар. Уларнинг иккинчи гурӯҳи ёрдамга келмоқда эди. Шу онда девор устидаги шертабиат ва довюраклар ўзларини пастга ташлаб, зовур ичидаги ўруслар билан ёқама-ёқа ушлашиб, бир-бирларини ханжар билан ўлдира бошладилар. Ҳатто баъзи кишилар қочиб кетаётган душман орқасидан қувиб ва ушлаб, ханжар ва қилич билан жанг қилдилар. Зовур ичидаги ўруслардан уруш ва талаш билан 72 кишининг боши танасидан кесилиб, яроғ-аслаҳалари ўлжа олиниб, фозийларга бўлиб берилди. Ватан ҳимоячилари ҳам анча одам йўқотганлар. Манбаларда зовурда 80 киши, шу жумладан, 4 офицер ҳалок бўлганлиги қайд этилган. Шу тариқа шаҳар аҳолиси бир ёқадан бош чиқарип қаҳрамонона курашганилклари туфайли катта ғалабага эришдилар. 1865 йил 28 апрелда генерал Черняев 9 рота аскар ва 12 туп билан Тошкентдан 25 чақирим масоғадаги Ниёзбек қальясига яқинлашди. Уларга қарши шаҳардан 3 минг кишилик ватан ҳимоячилари келишиб, қаттиқ жанг қилишди. Оқибатда душман устунлик қилиб, қалъани эгаллади. Шундан кейин кўп ўтмай генерал Черняев шаҳардаги Салор ариғи атрофига ўрнашди. Бу ерда Ватан ҳимоячилари шу

даражада қаттиқ жанг қилдиларки, пировардиде душман чекинди. Бу катта галаба карнай-сурнай садолари остида, зур шоду хуррамлиқ билан қарши олинди. Ушбу галабада аҳоли мадади ва ғамхұрлығы бенихоя мұхим ўрин тутди. Вокеанинг жонли гувоҳи бүлган Мұхаммад Солиҳ додхоҳ Тошкандий бу хусусда шундай ёзған эди: «Шаҳар аҳлиниң етти ёшдан етмиш ёшгача әркак-хотин, ёш-қариси хизмат камарини белларига боғлаб, пишган таомларни бошларига кутарып, қатиқ, сут, шарбат, иссиқ нонлар ва шириң меваларни саватта солиб, ғозийлар ва мужоҳидлар турған жойларга олиб бориб, илтижо, тавалло ва дилдорлик қилиб, күzlаридан ҳасрат ёшларини оқизиб, күз ёшлари билан ғозийлар ва мужоҳидлар юзларидаги chanгу губорларни ювиб, артиб күзгудек тозалаб, (келтирған нарсаларни) еб битиришларини илтижо қилдилар».

Киши қалбини ҳаяжонга солувчи мазкур сатрлар тошкентликлар Ватан учун жонини ҳам, молини ҳам фидо айлаб, чинакам әркесварлық ва садоқат намуналарини намойиш этғанликларидан гувохлик беради.

Тошкентликлар замонавий қурол-аслаҳа билан қуролланған мұнтазам чор аскарлари устидан бириң-кетин галабага эриштан бұлсалар-да, айрим хоинларнинг душман тарафига үтиб, унға ёрдам беришлари орқасида катта талафот күрілди. Айниқса, Чувалачи маҳалласида истиқомат қилувчи Абдураҳмон Шодмон үглиниң сотқынлиғи душман галабасини таъминловчи мұхим омиллардан ҳисоблады. Генерал Черняев унинг маслаҳати билан Бұзсұв тұғонини бузиб, уни Чирчиқ дарёсига буриб, шаҳарни сувдан маҳрум қилди. Натижада аҳоли сувсизлиқдан азоб чекди. 1865 йил май ойида босқынчилар билан Ватан ҳимоячилари үртасида даҳшатли жанглар булиб, ҳар икки томондан күп одам үлди ва жароҳатланды. Душманға қарши жангларға Күжөн хонлигининг лашкарбошиси Олимхон құмандонлик қилди. Жангда «тұплар ва милтиқлар оғзидан думалоқ үт-оловлар чиқиб, ҳавога парвоз этиб, душман устига ёғар эди. Жасур, фидойи сарбозлар ва мужоҳидлар уруш майдонида душман ёқасидан ушлаб ва муштлашиб, құлларидаги тиғ, қылич ҳамда наизалар билан жант қилдилар. Майдонда үлаётғанлар ва жароҳатланғанларнинг охвоғы фарёдлари ҳар томонға әшитилиб турарди. Шу пайт лашкарбoshi Олимхон оғир жароҳатланиб сафдан чиқади ва күп үтмай вафот этади. Оқибатда сардорсиз қолған Ватан ҳимоячилари орасида парокандалық юзага келади. Душман күчлари шаҳарға бостириб кирганды баррикадалар билан түсилған күчаларда ва, ҳатто, масжидларда жанг давом этади. Үй-жойлар ва дүконларға үт тушиб, шаҳар остин-устун

қилинди. Ҳимоячилар охирги имкон қолгунча жангни давом эттирдилар. 1865 йил 17 июня вайронага айланган Тошкент босқинчилар томонидан босиб олинди.

Аммо тошкентликларнинг озодлик кураши давом этади. Чунончи, 1892 йилда Чор ҳукуматининг ҳукмронлигига қарши ҳалқ қўзғолони кутарилади. Мустамлакачилик сиёсати ва миллий зулмдан сабр косаси тўлиб-тошган шаҳар аҳли қўлига нима тушса, шу билан қуролланиб, шаҳар маҳкамасига ҳужум қўлди. Маҳкамам биноси тошбўрон қилиниб, дераза ва эшиклари синдирилди. Оломон маъмурият вакилларини жазолашни талаб қилиб, шаҳар оқсоқоли Ёқуббекни уларнинг қўлига топширишни сўради. Шаҳар бошлиғи Путинцев қалтакланди. Ҳарбий қисм қўзғолончиларни шаҳар маҳкамасидан ваҳшийларча ҳайдагандан кейин галаёнлар Эски Жўва бозорида давом этди. Менинг раҳматли бувам Шорасул ота (1840—1950) хотираларига кўра, аскарлар оломоннинг орқасидан қувлаб кетаётганида одамлар шошиб қолганидан ўзларини Ўрда сувига ташлашга мажбур бўлганлар. Бундан ташқари, аскарларнинг ўзлари ҳам қўзғолончиларни сувга чуктирганлар. Кейин сувдан 80 та ўлиқ олинган экан. Аскарлар билан Эски Жўвадаги тўқнашувда қўзғолончилардан ўн киши отиб ўлдирилди. Қўзғолон шафқатсизларча бостирилиб, 93 киши айборд сифатида тергов қилиниб, улардан 57 киши қамоқда ушланди. Суд С. Абдурашидхожиев, З.Исамуҳаммедов, А. Мирсалимбеков, И.Чукурбеков, А. Қассобов, М. Файриддинов, М. Қассобов, Т. Туйчиевни осиб ўлдиришга ҳукм қўлди. Улардан ташқари 25 киши турли муддатларга қамоқ жазосига ҳукм этилди. 1892 йилги Тошкент қўзғолонининг тарихий аҳамияти шундан иборатки, у чоризм ҳукмронлиги ўрнатилгандан кейин илк бор кўтарилган йирик умумхалқ кураши эди. Унинг акс-садоси улка бўйлаб тарагиб, мазлум ҳалқни озодлик курашига чорлади. Бу борада 1916 йилги ҳалқ қўзғолони алоҳида ўрин этгалиди. У бутун Туркистон заминини қамраб, империяни ларзага солди.

Мазкур қўзғолон Тошкентда 11 июлда ўзбек аёлларининг шаҳар кучаларидағи дод-фарёди ва эркакларни бош кўтаришга даъватлари билан бошланган эди. Улар эркакларни орқаларидан эргаштириб, шаҳар полицияси бошқармасига боришиди. Бу ерда 2000—3000 кишилик оломон ҳукуматнинг фронт орқасидаги ишларга туб аҳоли вакилларини жалб этиш ҳақидаги фармонига қарши эканликларини баён этдилар. Аслида мустамлакачилик сиёсати ва миллий зулм қўзғолоннинг асосий сабаби ҳисобланниб, фармон қўзғолон кўтарилишига туртки бўлган эди, холос. Халойиқ полиция бошқармасига ҳужум қилиб, маъмурият вакилларини жароҳатлади. Аскарлар узган ўқдан

А. Мирсоатхұжаев, Ш. Абдукаримов ва бошқа — жами 11 киши ҳалок бұлды. Аёллардан Рузвонбиби Ахмаджонова отиб үлдирилди. Зухрабиби Мусамуҳаммедова ярадор қилинди. Құзғолон қатнашчиларидан бир неча киши, жумладан, А. Қаюмсұфиеv, М. Шомуҳаммедов осиб үлдиришга ҳукм этилди. Бир неча киши эса узоқ муддатли қамоқ жазосига тортилди.

Шундай қилиб, тошкентликтер чор ҳукуматининг тажовузига, сұнгра 1892 ва 1916 йилларда унинг ҳукмронлигига қарши, мустақиллік ва озодлик учун кураштылар. Аммо қанчадан-қанча қон тұқылған курашларни мохирлик билан бошқара оладиган сиёсий арбоб топтылмади. Вақты-соати келиб бундай жасоратли, билимден ва ташкилотчи давлат арбоби күз үнгіміздә намоён бұлды. Бундай табаррук зот Президенттің Ислом Каримов сиймосида гавдаланды. Аввалиннан, ҳали тоталитар тизим ҳукмронлық қылаёттан ниҳоятта хавфхатарлы шароитта Президенттік лавозими собық иттифоқдаги республикалар орасыда биринчи бўлиб мамлакатимизда ўрнатылди. Бу лавозим мустақиллік ва озодлик жарчиси сифатида муҳим сиёсий аҳамиятта эга бўлди. Тарихан шаклланган миллий-озодлик кураши юртбошимиз Ислом Каримов раҳнамолигида 1991 йил 31 августда ғалаба қозониб, ниҳоясига етказилди. Ушбу тарихий воқеа Тошкент шаҳрида содир бўлғанлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Шу тариқа миллий давлат, миллий қўшин, миллий бошқарув тизими яратылди, ўз парламенттің, байрогимиз, мадҳиямиз ва гербимизга эга бўлдик. Айни пайтда сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни ҳаётта татбиқ этиш бошланиб, бу борада улкан ютуқларга эришилди. Маънавият ва маданият соҳалари равнақ топмоқда.

Тошкент жағон андозаси даражасида ривожланаёттан ва гўзалликда тенги йўқ шаҳардир. У ўзининг нуфузи ҳамда салоҳияти, кўркамлиги ҳамда ободлиги билан кишиларга завқ-шавқ ва ором баҳш этмоқда. Жаннатмакон Ўзбекистоннинг юраги бўлмиш қадимий ва ҳамиша навқирон Тошкент Шарқнинг порлоқ юлдузидир.

---

## ДИН ВА ҲАЁТ

Ислом дини Туркистонда VIII асрға келиб узил-кесил жорий этилди. Вақт үтиши билан у жамият маънавий ҳаётини бойитиш ва тараққиётни таъминлашда муҳим ўрин эгаллагани ҳам маълум. Шу билан бирга мусулмончиликнинг мамлакатимиздаги тарихида бир-бирига зид бўлган икки ҳолат кузга ташланади. Қуйида улар ҳақида сўз кетади.

### Ватанни севмоқ иймондандир

Исломда меҳнатсеварлик, адолат, поклик, жасорат, ватанпарварлик сингари олий фазилатларни шакллантиришга алоҳида эътибор берилган. Айниқса, Ватан мустақиллиги ва озодлигини сақлашга қаратилган foялар ўз ифодасини топган «Ватанни севмоқ иймондандир» ҳикмати алоҳида аҳамият касб этган. Руҳонийларнинг илғор вакиллари бу ҳикматга қатъий равишда амал қилиб, халқни озодлик курашларига даъват қилгандар. Уларнинг ўзлари биринчи навбатда ташаббус курсатиб, қаҳрамонлик намуналарини намойиш қилгандар. Айрим мисолларни келтираман. Чингизхон бошлиқ мӯғуллар ўлкага ваҳшийларча ҳужум қилгандарида Бухородаги руҳонийлар халқни босқинчиларга қарши жангга отлантиргандар. Шу боис улар Чингизхон томонидан қириб ташланган.

1145 йилда Хивада туғилган машхур Шайх Нажмиддин Кубро-нинг жасорати ва Ватанга садоқати тилларда достон бўлди. Бу ҳақда буюк давлат арбоби ва олим Улугбек шундай ёзади: «Муршиди аъзам Шайх Нажмиддин Кубро худо амри билан Хоразм учун бошини тикиди. Бошини топширишда қотил яловига ёпищди. Дини ҳақ иқлимнинг шоҳи. Ул пийр сарпанжасидан ўн забардаст йигит яловни (байроқни) чиқарип ола олмадилар»<sup>1</sup>. Бу сатрларда Нажмиддин Кубро Ватан озодлиги учун жонини фидо айлаган буюк киши сифатида тасвиранган.

---

<sup>1</sup> Мирзо Улугбек. Тўрт улус тарихи. Т., 1994, 165-бет.

Аслида ғалвир тұқувчи булган, сұнгра шайхлик даражасига етиш-  
ган Маҳмуд Торобийнинг ватанпарварлиги ҳам таҳсинга сазовордир.  
Улуғбекнинг сұзicha, унинг минглаб мухлислари булиб, катта обру  
қозонган. Маҳмуд Торобий 1238 йили Бухоро атрофидаги Тороб қиши-  
логида мұғуллар хукмронлигига қарши ҳалқ құзғолонини уюштири-  
ди. Сұнгра шаҳарга бостириб кириб, ҳокимиятни эгаллади. Шундан  
кейин «халойиқ шу даражада унинг манзилига ёпирилиб кела бош-  
ладики, бирор ҳузурига кирған киши дарвозадан чиқиши машкул  
булиб қолди. Издиҳом ҳаддидан ошавергандан кейин, одамлар ул  
табаррук зотни күрмай қайтиб кетмадилар»<sup>1</sup>.

Шайх Торобийнинг обрүйи шу даражада баланд күтарилдики,  
маҳаллий ва мұғул амалдорлари унга қарши ошкора қурашищдан  
чүчіб, махфий равищда үлдириш режасини туздилар. У буни пайқаб  
Бухоро атрофидаги бир қишлоққа қочиб боради. Бу ерда у түпланған  
халойиққа дейди: «Эй, ҳақ толиблари, қачонгача кутамиз ва инти-  
зорлик тортамиз. Рүйи заминни (Тангридан) құрқмайдығанлардан  
пок құлмоқ лозим. Кимнинг қандай куролға қурби етса, қиличми,  
үқ-ёйми, калтакми құлға олсин. Құлидан келганча, (Тангридан)  
құрқмайдығанларнинг бирортасини ҳам қўймаслик лозим»<sup>2</sup>. Шундан  
кейин ҳалқ куролланиб, шайхни шаҳарга олиб кирди. Амалдорлар  
турли томонларға қочдилар. Маҳмуд Торобий ҳокимиятни эгаллаши  
мұносабати билан унинг номига хутба үқилди. У мұғуллар ва улар-  
нинг тарафдорлари мол-мұлкини мусодара қилди.

Аммо мустақиллик узоққа өтсілмади. Құзғолончилар ва мұғул  
аскарлари үргасидаги жаңгда Маҳмуд Торобий мардонавор ҳалок бўлди.  
Бу эса құзғолоннинг бостирилишига олиб келди.

Рұҳонийлар 1365 йилда Самарқандда күтарилған сарбадорлар  
құзғолонида ҳам қатнашдилар. Мадраса талабаси Мавлонозода бош-  
чилигидә мұғулларнинг хужумига қақшатқич зарба беріб, ғалабага  
эришилди. Құзғолон раҳбарлари бошқа бир мұғул амири Ҳусайн  
томонидан хоинларча үлдирилди. Аммо Амир Темур туғайли Мавло-  
нозода үлимдан сақланиб қолди.

Рұҳонийларнинг миллатпарвар вакиллари ватан мустақиллигини  
тиклаш мақсадида Амир Темурни құллаб-куватлаганлар. Чунончи,  
уламо ва машойихлар мұғулларни йўқ қилиш ҳақида унинг номига

<sup>1</sup> Үша жойда, 299-бет.

<sup>2</sup> Үша жойда, 300-бет.

фатво ёзіб берганлар. Үнда, жумладан, шундай дейилгән эди: «Мовароуннардаги бутун ахыл ислом, сипоху раият ёхуд уламою машойих бұлсин, Амир Темурға иззату икром күрсатиб, уни Амир Темур Құтби салтанати Олий деб атасынлар ва уни Аллоқнинг (ердаги) құдрати — салтанат таҳтига лойиқ күрсинашын. Мусулмонларнинг ери, номуси, мол-мұлқи ҳамда жонига зулм-ситам қулини құзған (мұғуллар) тоифасини дағы қилишда ва умуман йүқотишида Темурға (ёрдамлашиш учун) үз мол ва жонларини (аямай), тиришиб ҳаракат қылсинашын. Биз үз ахду байъатимизга содиқ, қолурмиз. Агар берган ахд-паймонаимиздан қайтсақ, Аллоқнинг құдратиу қуввати ва ёрдамидан чиқиб, шайтон құдрати ва ёрдами йулиға кирған бұлайлик»<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат, рұхонийлар үzlари берган вәйдаларыда туриб, Амир Темурни халқнинг халоскори сифатида ҳар қандай шароитта құллаб-қувватладилар. Соқиқириң қокимиятни эгаллагандан сұнг динни ҳар жиҳатдан ривожлантириш ва рұхонийлар қадри-кимматини үрнига қўйиш борасида катта ишларни амалга ошириди. Бироқ у динни сиёсийлаштиришга йул бермай, ички ва ташқи сиёсатни мустақил олиб борди. У рұхонийларни қокимиятта шерик қилишдан сақланди. Аммо унинг ворислари инқизозга учраган сұнгти йилларда ахвол үзарыб борди. Айрим Темурий султонлар үз қобилиятсизлиги ва онғызылиги орқасида рұхонийларнинг кучидан фойдаланишга мажбур бўлдилар. Бундай ҳолат Самарқандда содир бўлди. Бундан хабар топган Алишер Навоий норозилик билдирган. Бу хусусда унинг паноҳида ижод қилган машхур тарихчи Хондамир шундай ёзган: «905 (1499—1500) йилда Мовароуннар томонидан, Хожа Носириддин Убайдулло үғли Хожа Яҳъёғоятда шавкат ва азamat билан яшайди ва Султонали Мирзо бу жанобнинг фикрисиз ҳеч бир ишга киришмайди, балки ҳар куни у кишининг мулозаматига боради, деган гаплар аниқ развишда ва кетма-кет етишиб турарди. Бу гапдан мақсад шуки, мазкур йилнинг охирларида, бир куни Олий ҳазрат (Навоий) Амир Сайд Юсуф доғлоқчига илҳом тили билан хитоб қилиб, Хожа Яҳъёнинг тутган йули дарвишларнинг феъл-атвори учун муносиб эмас. Шу нарса муқаррарки, кимики үз ота-бобоси хулқидан четга оғишса, унга катта зарар етишади»<sup>2</sup>. Бу ерда Алишер Навоийнинг рұхонийлар нуфузли вакилларининг қокимият ишларига аралашиб, сиёсат билан

<sup>1</sup> Темур тузуклари. Т., 1991, 20—21-бетлар.

<sup>2</sup> Хондамир. Макоримул ахлоқ. Т., 1967, 121-бет.

шұгулланишлари яхшиликка олиб келмаслиги ҳақидаги фикри катта ақамият қасб этади.

Рұхонийларнинг илғор ва соғлом фикрли вакиллари ҳар қандай шароитда ватан посбонлари сифатида иш юритғанлар. Қунончи, улар XVI аср бошларыда Мұхаммад Шайбонийхон тажовузига қарши курашғанлар. Шунинг учун Мұхаммад Шайбонийхон бундай рұхонийларни үлдириб, мол-мұлкини мусодара қылган. Унинг ҳукмронлиги үрнатылғандан кейин ҳам рұхонийлар қурашни тұхтатмаганлар. Бу ҳақда бир тарихий асарда шундай дейилган: Самарқандда Мұхаммад Шайбонийхон ҳокимиятини агдариш мақсадыда рұхонийларнинг таниқи вакили Хожа Абдулкарим бошчилигида давлат тұнтарышини үюштириш режалаштирилди. У Бобурга пойтахтни әгаллаши, шаҳар дарвозасынинг очиб берилиши ва ақолининг ҳаммаси күчманчиларға қарши қурашиши ҳақида хат юборади. Бобур үнча күп бұлмаган аскар билан Зарафшон тоғлари орқали Самарқандға келганды шаҳар дарвозаси очиб берилиб, тантана билан қарши олинди. Шаҳар ақолиси Мұхаммад Шайбонийхон тарафдорларининг күпини үлдириб, уй-жойларини вайрон қылдилар. Бинобарин, рұхонийлар Бобурға Самарқандни әгаллашиға катта ёрдам берған эди.

Рұхонийларнинг миллатпарварлари чоризмнинг тажовузи ва ҳукмронлиги даврида ҳам яққол құзға ташланды. Масалан, таниқли мударрис, олим ва тарихчи Мұхаммад Солиқ додхө Тошкандий 1865 йилда генерал Черняев бошчилигидеги солдатларға қарши олиб борылған жангларда бевосита қатнашды. Шаҳар ақолисини душманға қарши қурашға отлантириди. Жамоа ахли орасыда халқпарвар, жасоратли ва мард киши сифатида шұхрат қозонған мударрис бир гурух тарафдорлари билан биргаликта энг хавфли душман сифатида Черняев томонидан Омскка сурғун қилинған ва у ерда махфий равища үлдирилған.

Рұхонийлар 1892, 1898, 1916 йил миллий-озодлик қурашларыда ҳам қатнашғанлайлар мәдени. Улар совет ҳокимиятининг дастлабки йилларыда озодлик қурашини давом эттириб, Туркестон мухториятими тузиш ва мустақиллік учун қурашларда фаол қатнашдилар. Ҳатто «Шуройи Исломия» ва «Уламо» партияларини тузиб, озодликни тиклашға ҳаракат қылғанлар. Шундай қилиб, рұхонийларнинг вакиллари күп асрлар мобайнида ватан ва умуммиллат манфаатлари учун қурашиб, мұқаддас бурчларини сидқидилдан бажардилар.

## **Динни сиёсийлаштириш ва фанатизм**

*Динда ҳаддан ташқари фулу кетманглар. Чунки сизлардан илгари үтган қавмлар динда ҳаддан ташқари фулу кетганилклари учун ҳалок бўлганлар.*

### **Ҳадиси шариф**

Муҳаммад пайғамбаримизнинг ушбу огоҳлантиришларида динга муккадан кетиши үзаро зиддият ва душманчиликни чуқурлаштириб, фожия билан тугалланиши уқдириб ўтилган. Динда фулу кетишининг илдизлари узоқ ўтмиш даврларга бориб тақалади. Бундай ҳолат бизнинг тарихимизда ҳам юз берган.

Маълумки, қадимдан фаолият кўрсатиб келаётган таниқли шайхлар қўл остидаги дарвишлар дин асосларини холисона тарғиб қилишда муҳим үрин эгаллаганлар. Умуман олганда, улар олиб борган ишларни ижобий баҳолаш мумкин. Аммо шундай даврлар ҳам бўлганки, манфаат, бойлик ва шуҳратпарастликка берилган шайхлар қўл остиларидаги дарвишлар билан биргаликда динни сиёсийлаштириш ва фанатизмни авж олдиришга ҳаракат қиласканлар. Бундай манзара, айниқса XVI—XIX асрларда, яъни хонликлар даврида кўринди. Бу вақтда кўчманчи муҳит вакиллари бўлмиш Шайбонийлар ва улардан кейин ҳукмронлик қиласкан сулолалар давлатни етарли даражада бошқариш ва тараққиётни таъминлашга ожизлик қилиб, туб аҳоли орасида мустаҳкам таянчга эга бўла олмадилар. Шу боис улар ўз мақсадларини руҳонийларга таяниб амалга оширишни асосий вазифа ҳисобладилар. Чунки бу вақтда у ёки бу шайхнинг қўл остидаги бир неча минг кишидан иборат дарвишлар мамлакатда анча уюшган ва бакувват жамоани ташкил этган эди. Улар оила ва уйжойларидан воз кечиб, кўпроқ тарки дунё қиласкан кишилар булишган. Улар «бу дунё фоний, охират боқий» деган шиорни баланд кутариб, шаҳар ва қишлоқлар бўйлаб кезиб юрганлар. Садақа ва хайрия ҳисобига яшаганлар. Шуни айтиш лозимки, дарвишлар ўз сардорлари — шайхлар чизган чизикдан чиқмай, топшириқларни қандай бўлса шундай адо этганлар. Бинобарин, шайхлар дарвишларни хоҳлаган йўлга солиш имкониятига эга эдилар. Буни яхши англаған тахт даъвогарлари шайхларга мурид тушиб, ўз келажагини таъминлашга қаттиқ киришганлар. Авваламбор, Муҳаммад Шайбонийхон Ватанига хоинлик қиласкан руҳонийларнинг айrim вакилларини ўз тарафига тортди ва уларга таянди. «Таворихи гузида — Нусратнома»

асарида кўрсатилишича, Муҳаммад Шайбонийхон билан жангда енгилиб, Самарқандга чекинган Бобур аҳволи танг бўлиб турганда, Хожа Шамсиддин бошлиқ бир гуруҳ руҳонийлар душманга шаҳар дарвозасини очиб, она юртига хоинлик қилганлар<sup>1</sup>.

XVII асрнинг иккинчи ярмида бирмунча марказлашган давлат барпо эттан Абдуллахон шаҳар атрофидаги Жўйбор қишлоғида яшовчи Шайх Хожа Муҳаммад Исломга ёшлигидан мурид тушган. Шайх эса уни таҳтни эгаллашга тайёрлаб борди. Пировардида Хожа Жўйборий номи билан шуҳрат қозонган Хожа Муҳаммад Ислом Абдуллахоннинг таҳт учун олиб борган курашларида фаол қатнашиб, унинг фалабасини таъминлашда мухим урин эгаллади. Уз даврининг таниқли тарихчиси Ҳофиз Таниш Бухорий шундай ёзган эди: «Ул ҳазрат (Хожа Муҳаммад Ислом Бухоро шаҳрига) келишлари билангина қалья олинди, бўлмаса, бу вилоят буйсундириш гирдобидан тушиб ётган эди. (Бу галаба) ул кутли сифат зотнинг баракотлари орқасида бўлди»<sup>2</sup>.

Шунингдек, Хожа Муҳаммад Ислом Абдуллахоннинг ашаддий душмани — Бухоро ҳокимини улдиришга фотиҳа берган. Унинг курсат-масига биноан Чоржўй вилоятининг ҳокими Абдуллахонга иhtiёрий равишда буйсунган. Абдуллахон ўзининг пири Хожа Муҳаммад Ислом курсатмаларини сидқидилдан бажарди. «Ул ҳазрат (Абдуллахон), — дейди Ҳофиз Таниш ал-Бухорий —...динни қўллаб-қувватлашда, яқин ва содик кишиларни жой-жойига қўйишда, мамлакат ва үлкаларни забт қилиш ва йўлларни қўриқлашда, ...художўй кишиларни ҳурматлашда, раъийятга риоя қилишда ва халойиқни ҳурматлашда унинг (Хожа Жўйборийнинг) амру фармонига қулоқ солар ва (уни бажариш учун) кучи борича тиришар ҳамда сўз билан таъриф қилиб бўлмайдиган даражада ҳаракат қиласр эди»<sup>3</sup>.

Демак, ҳокимият жилови Хожа Муҳаммад Исломнинг қўлида бўлган. Унинг ҳокимиятга таъсири шу даражада кучли эдики, нимани хоҳласа шуни қиласверарди. Абдуллахон бунга қаршилик кўрсатишга журъат қилолмаган. Масалан, деҳқонлар: «Хожа Ислом бошқаларнинг кичкина ерини, уй-жойини бузиб, ўзининг ерларига йул очмоқда ва сув ўтказмоқда», деб шикоят қилганларида Абдуллахон қулига қамчи олиб: «Хожа менинг икки қошим орасидан ариқ ўтказса ҳам майли, ҳеч нарса дейишга ҳаққим йўқ», деб жавоб берган<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Таворихи гузида — Нусратнома. 123-бет.

<sup>2</sup> Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдулланома. Биринчи китоб Т., 148-бет.

<sup>3</sup> Ўша жойда, 173-бет.

<sup>4</sup> Узбекистон ССР тарихи. Т., 1958, 232-бет.

Курилаётган даврда диннинг қанчалик сиёсийлаштирилганлиги-ни ва ҳокимият тақдирни шайхлар бошлиқ дарвишларнинг ихтиёрида булганлигини Ҳофиз Таниш ал-Бухорий шундай тасвирлаганди:

*Ҳар икки жаҳон(нинг) давлати — дарвишларнинг хизматидадир,  
Дину дунё(нинг) ҳаммаси — дарвишларнинг сұхбатидадир.*

*Камолига нұқсон етмайдиган давлат азалий булади.*

*Азалдан агадгача дарвишларнинг давлатидир.*

*Гадога төж бериш (ва) шоҳдан таҳт олиш —*

*(Буларнинг) ҳаммаси — дарвишларнинг құдратлы құлидадир.*

*(Агар) сенинг ишинг юришмаса саросимага түшма.*

*Чунки унинг күшоди дарвишларнинг ҳиммати эшигидандыр<sup>1</sup>.*

Юқорида кўрсатилган воқеалар Хожа Мұҳаммад Ислом ва унинг бошчилигидаги дарвишлар жамоаси катта сиёсий кучга айланғанидан далолат беради. Шунинг учун, Абдуллахон таҳтни эгаллагандан кейин ҳам, пири Хожа Мұҳаммад Исломнинг қадр-құмматини яна-да кутариб, бойликларига бойлик құшди.

Айрим маълумотлар кўрсатишича, Бухоро, Миёнқол, Насаф (Қарши), Қоракүл ва Марвда Хожа Мұҳаммад Исломнинг 2,5 минг гектар ери, 10 минг қўйи, 700 оти, 500 туяси, 300 қули, юзлаб ов қушлари, 104 та савдо дўкони, корхона ва устахоналари булган. Демак, шайх савдо билан шуғулланган. Унинг авлодлари ҳам жуда бойиб кетдилар. Унинг ўғли Хожа Саъд (Хожа Калонхўжа) нинг Бухоро, Миёнқол, Нурота тоғларида, Самарқанд, Тошкент, Сайрам, Туркистон, Андижон, Ахсикент, Насаф, Ҳисор, Термиз, Балх, Ҳирот, Бадаҳшон ва бошқа жойларда 12 минг гектар ери, 1000 нафардан ошиқ қули, минглаб қўй, от, туя ва уй ҳайвонлари бор эди. Унинг авлодларидан бири Сайид Тоҳиддиннинг 500 нафар қули, жуда күп ери ва мол-мулки булган. Хожа Мұҳаммад Исломнинг вафотидан (1563) кейин Хожа Калонхўжа Абдуллахонга пирлик қилиб, отасининг сиёсатини давом эттириди.

Рұхонийларнинг хонлар томонидан ҳокимиятга шерик қилинishi уларнинг жамоа аҳлига таъсирини янада кучайтириди. Дарвишлар жамоасининг фаолияти жүш уриб, минглаб оддий кишиларни орқаларидан эргаштиришга муваффақ бўлдилар. Ўзаро қонли урушлардан, мамлакатнинг чуқур инқизозга учрашидан, нотинчлик ва зулмдан толиққан халқнинг ўз кучи ва имконига ишониши ниҳоятда заифлашиб кетди. Уларнинг ибодатга берилиб, Аллоҳдан мадад сўрашдан бошқа иложи қолмади. Уларнинг онгини авлиёлар тушлари ва башорат-

<sup>1</sup> Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдулланома. Биринчи китоб, 64-бет.

лари, ажайиб ва гаройиб диний ҳикоялар чулғаб олди. Бу дунё фо-  
ний, нариги дунё боқий, ҳаёт лаззатларига күнгил қўймаслик син-  
гари foялар кенг кўламда тарғиб қилинди. Шу тариқа мамлакатда  
диний фанатизм авжига минди.

«Шайбонийлар авлодидан бўлган хонлар, деб ёзган эди акаде-  
мик Яҳё Фуломов, руҳонийларга жуда катта имтиёзларни берганлар.  
Бу руҳонийларнинг ёрдами билан айрим хонлар тахтга кутарилган.  
Булар фақат иқтисодий ҳаётда эмас, балки давлатнинг сиёсий ишла-  
рида ҳам ҳал қўйувчи роль ўйнадилар. Хонлар руҳоний-дарвишлар-  
нинг юқори доираларига таянишининг сабаби, биринчидан, улар-  
нинг иқтисодий базалари кучли ва улар дин-шариатни илгари су-  
риб, «халқпарварлик» ниқоби остида халқнинг қолоқ табақасини  
ўзларига эргаштирган эдилар. Иккинчидан, марказий давлатнинг  
ролини сақлаб қолиш учун курашар эдилар. Кўп вилоят ва туманларни  
эгаллаб олган кечаги қабила бошлиқларигагина таяниб, давлатнинг  
бир бутунлигини сақлаш фоятда қийин эди. Буларда сепаратик ҳара-  
кат кучли булиб, бош хукмдорлар бу ҳаракат билан узлуксиз кураш  
олиб боришга мажбур эдилар. Руҳоний — хўжаларнинг бошлиқлари  
учун эса бу даврда кўчманчи аристократиянинг талончилик ҳаракат-  
лари қаршисида буларга бўйсунган, ҳатто ўзларини хўжаларининг  
муриди деб эълон қилган хоннинг хукмронлиги афзалроқ эди. Шай-  
бонийлар хонлари ичида, ҳатто Абдуллахондек давлатни марказлаш-  
тириш учун жиддий курашган хон ҳам хўжалар манфаатларини ил-  
гари сурар эди. Шунинг учун ҳам у Хожа Ислом маслаҳатидан бир  
қадам четга чиқа олмас эди»<sup>1</sup>.

Динни сиёсийлаштириш ва фанатизм XVII—XIX асрларда Бухо-  
ро, Хива ва Кўқон хонликларида давом этди. Хонлар саройида мах-  
сус шайхулислом лавозими жорий этилиб, унга энг нуфузли шайх-  
лар тайинланди. Улар ўлқанинг сиёсий ҳаётида салмоқли үринни эгал-  
ладилар. Машҳур Маҳдуми Аъзамнинг набираси Эшон Хожа Ҳошимий  
аштархонийлардан бўлмиш И момқулини (1611—1642) тахтга ўтқа-  
зиша мұхим рол ўйнади. Айрим хонлар, хусусан, Убайдуллахон  
(1702—1711) руҳонийларнинг чангалидан қутулиш учун уларнинг  
ерларини қисқартиришга ҳаракат қилиб, Жўйборий хожаларнинг қар-  
шилигига дуч келди ва кўп ўтмай ўлдирилиб, саройи таланди.

Фанатизм шу даражада қизгин тус олдики, ҳатто баъзи хонлар  
дарвишликни бўйнига олган. Масалан, Шоҳмурод (1785—1800) ўзи-  
ни Шайх Сафарнинг муриди ҳисоблаб, ҳаёт лаззатларидан воз ке-

<sup>1</sup> Ўзбекистон ССР тарихи, Т., 1958, 231-бет.

чиб, кундалик яшаш харажатини бир танга (20 тийин)дан оширма-ди. Ашула, мусиқа ва ўйин-кулгини тақиқлади. У мадрасаларда тала-баларнинг сонини кўпайтириб, дарвишона ҳаётни тарғибот қилди ва ўзи биринчи бўлиб намуна курсатди.

Жўйборий хожаларнинг сиёсатта араласиши XIX асрда ҳам давом этди. 1842 йилга тегишли маълумотга кўра, ўша сулоланинг вакилла-ридан бири Хўжанд ҳокимлигини бошқарган. Бу даврда диннинг сиё-сийлаштирилиши ва фанатизм мамлакатни чуқур инқирозга мубтало этиб, ҳар жиҳадан қолоқлик ва парокандалик ҳукм сурди. Жамоа аҳлининг талай қисмида Аллоҳнинг «сендан — ҳаракат, мендан — баракат» деганига аҳамият бермай, Аллоҳга қуруқ сифиниш ва ибодат билан шуғулланишнинг ўзи ҳамма нарсани ҳал қиласди, деган заарали фоя кенг тарқалди. Бу ҳолат хонларнинг ҳам онгини чулғаб олган эди. Динни сиёсийлаштириш ва фанатизмнинг даҳшатли оқибатлари, вақ-ти соати келиб, чор ҳукуматининг тажовузи вақтида намоён бўлди. Воқеанинг жонли гувоҳи Аҳмад Доңишнинг сўзича, «Уламолар жи-ҳод ва ғазот фарздир, деб шовқин-сурон қилдилар. Улар билмас эди-ларким, бу ғазот нима учун фарз ҳисобланади ва унинг вожиблиги сабаби нимада? Қайси бир қурол-аслача билан урушиш мумкин? Ҳатто сўрамас эдиларким, душманнинг куч-қудрати қандай? Аскарлар ҳалқ ҳисобидан маош олиб юрадилар, шу боис улар биринчи навбатда урушда қатнашишлари шартдир. Борди-ю, улар мағлубиятга учраб, қирилган тақдирдагина жанг қилиш навбати фуқароларга келади. На-ҳотки, тинчлик пайтда аскарлар ўз қонларининг пулини олдиндан олган бўлсалар-у, уруш вақтида фуқаролар олдинги сафда турса, бун-дай тартиб ҳеч бир мамлакат ва миллатда йўқ. Аксинча, уламолар урушдан олдин фуқарога ҳарбий машқ, хусусан, ўқ, милтиқ, туғанг отишни ҳамда қиличбозликни ўргатишлари лозим эди. Буни қуяй-лик, аскарларнинг ўзи ҳарбий машқни яхши ўзлаштирумagan ва уруш майдонини кўрмаган безори ва саёқ кишилардан ташкил топганди-лар, бечора фуқаро нима қилсин»<sup>1</sup>.

Ҳақиқатан, хонлар ҳам, ҳокимиyатга шерикчилик қилган руҳо-нийлар вакиллари ҳам мамлакатда замон талабига жавоб берадиган фан ва маданиятни ривожлантириш, қушинни янги қурол-аслаҳалар билан таъминлаб, жанговарлигини оширишга аҳамият бермадилар. Улар, Аллоҳга сифинишнинг ўзи галабани таъминлайди, деб ўйлади-лар. Бу фанатизмнинг маҳсули эди, холос. Бунинг ўта фожиали оқиба-ти 1866 йилда чор ҳукуматининг аскарлари билан Сирдарё атрофида-

<sup>1</sup> Аҳмад Доңиш. Рисолайи мухтасари аз тарихи манғит. Д., 1960, 46-бет.

ги Оқжар деган жойдаги жангда үз ифодасини топди. Бухорода душманга қарши «газот» әэлын қилинганды, карию ёш аралаш 100 минг кишидан иборат оломон тұпланды. Улар құлларига нима түшса, шу билан қоролландилар. Аслида улар уруш нималигини умрларда күрмаган әдилар. Уларнинг орасида жанговарлиги жуда паст хон қүшини ҳам бұлған. Душманнинг тұп ва мильтикларидан минглаб оддий кишилар ҳалок бұлды. Амир Музаффархон ва руҳонийлар биринчилар қатори қочдилар. Тирик қолғанлар чүлларда очлик ва сувсизликдан қирилиб кетдилар ёки ваҳшій ҳайвонларга емиш бұлдилар.

Ҳарбий қоролсиз ва умрида жанг майдонини күрмаган халқни тиши-тироғига қоролланған душман аскарига рупара қилиш адоллатданми? Албатта, іyük. Тұғри, халқнинг ҳеч нарса билан ҳисоблашмай, ватан ҳимоясига отланиши ва күкрагини үққа тутиши олийжаноблик ва әркесеварлик намунасидир. Бироқ халқ қонининг беҳуда тұқишишига йұл құйилиши нодонликдан бошқа нарса эмас.

Руҳонийлар орасидан чөр ҳукуматига сотилған хоинлар ҳам чиқған. Шайхулислом мулла Исоқ (Түркістан), Қози Мирза (Чимкент), Қози Калон Юсуфхұжа Абдуллахұжаев (Хұжанд) ва Қози Калон Ка-ландар Ҳожа Жұнаидхон (Ұратепа) шулар жумласидандыр. Демек, динни сиёсийлаштириш ва фанатизм Туркестон заминининг мустақилигі ва озодлигини барбод этган фожиали омиллардан бири бұлған.

Айтілғанлардан қуйидагича холоса чиқариш мүмкін. Биринчидан, руҳонийларнинг илфор ва ватанпарвар вакиллари диннинг соғлиғини сақлаш учун курашиб, соғлом жамиятни шакллантиришга улкан ҳисса күшгандар. Улар Ватан мустақиллігі ва озодлигини сақлаш ва тараққиётни таъминлашни муқаддас бурч ҳисоблаганлар. Босқинчиларға қарши курашларда қатнашиб, Ватанга салоқат ва қаҳрамонлик намуналарини намойиш қылғандар.

Аммо шундай даврлар бұлғанки, руҳонийларнинг шахсий ман-фаатни үйловчи айрим вакиллари динни сиёсийлаштириш ва фанатизмни ривожлантириш учун курашдилар. Бундай фожиа XVI—XIX асрларда, яғни хонликлар даврида авжига күтарилди. Дин пешволари, марказий ҳоқимиятнинг заифланиши ва үзаро таҳт учун курашлардан фойдаланыб, хонларни үз таъсир доираларига тортишга әрішдилар. Бу борада Ҳожа Мұхаммад Ислом бошчилигидаги Жүйборий хожалар сулоласи етакчilik қилди. Улар ҳоқимият жиловини құлға олиб, сиёсатға мүккадан тушиб кетдилар. Шу даврда руҳонийларнинг сиёсий мавқеи ошиб, фанатизм минглаб кишиларнинг онгини заҳарлади. Ҳатто у хонларға ҳам үз таъсирини күрсатди. Натижада, диний ғоя миллий ғояни бир бурчакка сиқиб, маънавиятнинг йұналтирувчи

кучига айланди. Бу ерда шуни айтиш лозимки, диний фоя ҳеч қачон миллий фоя ўрнини боса олмайди. Чунки, миллий фоя у ёки бу халқнинг сиёсий ва ижтимоий-иктисодий ҳаётига оид барча масалаларни ўзида мужассамлаштиради. Диний фоя ва диний таълимот эса маънавий ҳаётнинг таркибий қисмларидан бири ҳисобланниб, халқни тарбияловчи муҳим омиллардандир. Миллий фоянинг чекинтирилиши бутун ўлкада турғунлик, қолоқлик ва парокандаликни юзага келтирди. Сиёсий ва иктиносий ҳаёт, фан ва маданият чуқур инқирозга учради. Тўгри, мадрасалар қурилди, лекин уларда дунёвий фанлар деярли ўқитилмай, асосан диний таълимотга катта эътибор берилди. Улугбек даврида Самарқандда 50 кишидан иборат математика соҳасида олимлар ижод қылган бўлса, хонликлар даврида улардан асар ҳам қолмади.

Динни сиёсийлаштириш ва фанатизм мамлакат ҳарбий кучларини ва мудофаа қобилиятини ҳам мисли қурилмаган даражада заифлаштириб юборди. Юқорида қайд қилинган фожиаларнинг барчаси биргаликда мустақиллик ва озодликнинг барбод бўлишига олиб келиб, Туркистон чор Россияси томонидан босиб олинди.

Иккинчидан, динни сиёсийлаштириш ва фанатизм унинг ўзига ҳам катта талафот келтирди. Зеро, у чоризм даврида қаттиқ назорат ва таъқиб остига олинган бўлса, қизил империя вақтида таг-туби билан кутарилиб, мадраса ва масжидлар вайронага айлантирилди. Руҳонийларнинг минглаб вакиллари ўлдирилди, умрлари қамоқ ва сургунларда ўтди. Ҳатто Куръони карим ваҳшийларча ёқилди.

Мамлакатимизда мустақиллик ўрнатилгандан кейингина, шахсан юртбошимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси ва раҳнамолигида ислом дини Ўзбекистонда янгидан туғилиб, мисли қурилмаган дараҷада ривожланди. Минглаб ҳашаматли масжидлар қурилди, диний ўқув масканлари очилди. Мусулмончилик мана шундай эркин нафас олиб ва гуллаб-яшнаб турганда, руҳонийларнинг айрим реакцион вакиллари динни сиёсийлаштириш ва фанатизмни тиклаш учун ҳеч нарсадан тоймадилар. Улар, «алдагани бола яхши» дегандек, ёшларнинг маълум қисмини фанатизм ва экстремизм руҳида тарбиялаб, террор ўюштирилар. Улар тарих фидирагини орқага суришга бехуда уриндилар. Чунки, ўзбек халқи динни сиёсийлаштириш ва фанатизм оқибатида келиб чиққан азоб-уқубат ва талафотларни 130 йиллик мустамлакачилик ва миллий зулм даврида хўп торти.

Эндилика ватанимизда диннинг соғлиги ва поклиги тұла сақланиб, дин арబблари она юрт тараққиётини таъминлашга хизмат қилмоқдалар. Диннинг одамларда олий фазилатларни шакллантиришдаги ўрни юқори чўққига кутарилди.

---

## ТАЖОВУЗ ВА ҚАТАГОНЛАРНИИГ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ ЁХУД БЕКОВИЧ-ЧЕРКАССКИЙНИНГ ҲАРБИЙ ЮРИШИ

*Пётр I икки армон билан дунёдан кўз юмди:  
бири — Прут соҳилидаги мағлубият учун Тур-  
киядан, иккинчиси — Бекович-Черкасский мағ-  
лубияти учун Хивадан уч ололмаганилигига эди.*

Машҳур рус шоири А.С. Пушкиннинг мазкур сўзлари тарихий ҳақиқатни акс эттиради. Зоро, Пётр I Хива хонлигига юборилган Бекович-Черкасский бошчилигидаги ҳарбий қисмнинг тор-мор қилинишидан шу даражада қайғу-аламга тўлганки, ҳатто улим тушагида ётганида ҳам хонликдан «қонга қон» тарзида хун олинишини васият қилган. Пётр I нинг бундай қаҳр-ғазаб билан ўч олишга даъват қилиши бежиз эмас эди. Чунки Россиядек қудратли империя ҳарбий қуши нининг нисбатан кичик бир хонликтан шармандаларча мағлубиятга учраши уни нафақат мамлакатнинг ўзида, балки жаҳон миқёсидаги обруси ва салоҳиятига путур етказган эди. Иккинчидан, ўзбекларнинг чор ҳукумати тажовузига қарши қаҳрамонона кураши ва ғалабасининг шуҳрати бутун дунёга тарафанди. Айни пайтда чор ҳукуматининг ўзбек хонликларини босиб олиш нияти барбод бўлганди. Бундан Пётр I ғазабга тулмаслигининг иложи йўқ эди. Шуни айтиш лозимки, Бекович-Черкасский бошчилигидаги ҳарбий юриш чор ҳукуматининг ўзбек хонликларини тажовуз ва қатағонлар воситасида босиб олишга қаратилган сиёсатининг дебочаси ҳисобланади.

Юргашимиз Ислом Каримов Тошкентдаги Шаҳидлар хотираси музейини куздан кечираётib, XX асрнинг 30-йилларидағи қатағонларни намойиш қилиш билангина чегараланмай, уларнинг тарихий илдизларига эътибор бериш лозимлигини алоҳида таъкидлаганликларини эслатиб ўтмоқчимиз. Ушанда давлатимиз раҳбари Бекович - Черкасский ҳарбий юришини ҳам тилга олиб, унинг тафсилотларини музейда акс эттиришни таклиф қилдилар. Бинобарин, қуйида ушбу масалага алоҳида тўхталишни лозим топдик.

XVIII асрнинг биринчи чорагида эришилган қатор ҳарбий ютуқлар натижаси улароқ Пётр I Россияни империя деб эълон қилди, ўзи эса император унвонини расмий суратда олди. Бу вақтларда Россия Европанинг хом ашё манбаи ва тайёр маҳсулотлари бозори хисобланиб, тараққиётда орқада қолган эди. Шу боис ўзга мамлакатларни, хусусан, ўзбек хонликларини босиб олиш ва бойликларини кўлга киритиш билан аҳволни яхшилаш режаси тузилди. Бу вақтда Рус давлатининг олтинга булган талаби, айниқса, ошди. Шунингдек, молларини сотиш учун талаб булган бозорга ҳам эҳтиёж катта бўлган. Пётр I уруш харажатларини қоплаш ва армияни таъминлаш мақсадида сенатга «олтин давлатнинг қон томиридир» деб хат ёзиб, олтин-кумуш конларини қидириб топиш зарурлигини уқтириб ўтди. Худди шу вақтда, яъни 1713 йилда Нафасхўжа исмли туркман Астронгана келиб, Амударёдан олтин қум олиниши ва ўтмиш замонларда унинг Каспий денгизига қўйилганлиги ҳақида рус ҳукуматига маълумот беради. Шу билан бирга Амударёни Каспийга буриш мумкинлигини ва бу ишда туркманлар ёрдам беражагини ҳам айтади. Бундай ахборот Пётр I ни васвасага солиб, у хонликларни босиб олиш ҳаракатига тушди. Чунончи, у 1714 йилнинг 19 майида Хива хонлигини забт этиш ҳақидаги фармонни сенатга юборган. 1716 йилнинг 14 февраляда эса ҳарбий юриш бошлиғи қилиб тайинланган Бекович-Черкасский билан сұхбатлашиб, амалга ошириладиган ва-зифаларни қўйидагича белгилаб берган:

1. Бир вақтлар Амударё Каспий денгизига қўйилган жойда 1000 кишилик ҳарбий истеҳком қурилсин. Амударё оқими ва тўғонларини синчковлик билан ўрганиб, имкони бўлса, эски йўлига буриб юборилсин. Сувни Орол денгизига йўналтирадиган тұғонлар бузилсин. Бу ишларни бажаришга қанча киши кераклиги аниқлансин.

2. Хива хонлигининг рус давлати тобелигига ўтишига эришилсин ҳамда бизнинг манфаатимизга хизмат қилиш шарти билан ҳарбий қисм қолдирилсин. Агар хон рози бўлса ва шароити кутарса, ҳарбий қисмни ўзи таъминласин. Бордию буни қила олмаса, ҳарбий қисмни бир йил давомида таъминлаш кафолати олинсин, кейинги йиллардаги харажатлар эса унинг зиммасига юқлатилсин.

3. Агар Хива хони розилик билдирса, унинг кишиларига икки русни кўшиб, Сирдарё суви бўйлаб олтин борлигини аниқлаш учун Ёркент (Шарқий Туркистон)га жўнатилсин. Шунингдек, савдогарларимизнинг Амударё бўйлаб Ҳиндистонга боришлари учун кемалар берилиши хондан сўралсин. Савдогарлар кетаётганларида қуруқлик ва сув йўлларини, дарё ва кўлларни, айниқса, Ҳиндистонга боради-

ган йўлни яхши ўргансиnlар ва маълумотлар тўпласинлар. Агар савдогарлар Ҳиндистондан Каспий денгизига борадиган йўл борлигини эшитсалар, у вақтда шу йўл билан орқага қайтсиnlар ва кўрганларини қофозга туширсиnlар.

4. Хива хонлигидаги Бухоро хонлигининг рус давлати тобелигига утишга хоҳиши бор-йуқлиги ҳақида аниқ маълумот қўлга киритилсин.

5. Кўрсатилган топшириқларни амалга ошириш учун 4000 кишидан иборат мунтазам қўшин ва кераклича кемалар ажратилсин. Бундан ташқари, Ёйиқ казакларидан 1500, эшкакчилардан 500 ва отлиқлардан 100 киши берилсин. Улар савдо карвонларини муҳофаза қилиш ниқоби остида Астрахандан ҳарбий қальва ва шаҳар қуриладиган жойга, яъни Каспийнинг шарқий қирғогига юборилсин.

6. Денгиз офицерларидан поручик Кожин ва навигаторлардан 5 ёки купроқ киши ҳарбий қисмга қушилсин. Кожин савдогар ниқобида иш юритиши, навигаторлар эса Ёркентга юборилиши лозим. Кулюмов ўқув юрти талабаларидан икки инженер олинсин. Кожин зиммасига борган жойидаги молларнинг турларини ва умуман, савдо-сотиқни яхши ўрганиш юклатилсин. Унга савдогарлардан икки киши бириктирилсин.

Куриниб турибдики, Пётр I Хива хонлигини босиб олишга қаратилган чораларни белгилаб, мустамлакачилик сиёсатини амалга оширишга киришган. Пётр I зўравонлик ва сурбетликка берилиб, шу даражада ҳаддидан ошганки, хонлик бўйсундирилган тақдирда рус қўшинини таъминлаб туришни хон ўз зиммасига олиши керак эди. У кучли ҳарбий флотга ишониб, Амударёни Каспийга буриб, сув йули орқали Хива ва Бухоро хонликларига ҳамда Ҳиндистонгача бостириб киришни мақсад қилиб қўйган. Аммо у Амударё оқимини ўзгартиришнинг ҳеч иложи йуқлигини ҳисобга олмай, хом хаёл билан иш юритган эди.

Бекович-Черкасский 1716 йил 15 сентябрда 69 кемада Каспий денгизи бўйлаб Манқишлоққа келади. У бу ерда Святой Пётр I номида ҳарбий истеҳком қурдиради. Шундан сунг Красноводскда яна бир қальва қуради. Мазкур истеҳкомларда қўшиннинг маълум қисмини қолдириб ва хонликка юриш учун таянч жойларни тайёрлаб, Астраханга қайтади. Бу ерда Ухивага қарши ҳарбий юришнинг охирги тайёргарликлари билан шуфулланади. Астрахан ва бошқа жойларда Хива хонлигига қарши олиб борилаётган тайёргарликлар ҳақидаги овозалар Туркистон ўлкасига ҳам етиб келган эди. Чунончи, 1716 йили Астрахан орқали Россияга борган Хива хонининг элчиси уни ўз кўзи билан кўрган ва эшитган эди. У ватанига қайтгач, бу ҳақда хонга маълумот берган. Хива хони Шерғозихон (1714—1728) ўз кўл

остидаги ерларга ҳарбий тайёргарликни күриб, таҳт булиб туришни буюрган. Үзбек, қорақалпоқ ва қозоқлардан иборат 2000 кишилик ватан ҳимоячилари чегарага жойлаштирилган.

1717 йилнинг 14 марта Бекович-Черкасский Пётр I фармонини амалга оширишга қаратилган талабларни ҳукumat сенатига маълум қилди. Сенат унинг талабларини қондириш ҳақида қарор қабул қилди. Қарорга биноан Қозон, Астробод, Саратов, Царицин, Самара ва бошқа жойлардан ҳарбий қисм жамланиб, унинг умумий сони бир ҳужжатда 6344, иккincinnсида эса 6100 киши деб курсатилган. Иккала ҳолда ҳам 6000 кишидан кам бўлмаган. Кўшин билан олиб кетиладиган тўплар учун 481 пуд пороҳ, 1230 пуд қўроғшин ва бошқа нарсалар ажратилди. Аскар ва офицерларнинг ичишлари учун 4000 челак вино ва 597 чеҳлак пиво бериладиган бўлган. Хуллас, ҳарбий қўшин ипидан-игнасиғача тўла таъминланаб, қанчадан-қанча яроғ-аслаҳалар ажратилган.

Бекович-Черкасский 1717 йил май ойининг охири ёки июнь ойининг бошларида Гурьевдан чиқиб, Хива томон юради. У Ёмба ирмогини кечиб ўтиб, икки кундан кейин Бағачат деган жойга қўнади. Шундан кейин қўшин саҳрордаги Дучкон, Монсулмас, Чилдон, Сон Дурали ва Янгисув сингари кудукларни босиб ўтган. Бу вақтларда жазира маисиқ ўтларни қовжиратиб юборганлиги сабабли от ва туяларни бокиш анча қийин бўлган.

Бекович-Черкасский Янгисувга келганда, ўзининг босқинчилик юришини ниқоблаш мақсадида, тинчлик ва дўстлик элчиси сифатида бораётганлигини маълум қилиш учун Михаил Коретовни Шерғозиҳон ҳузурига жунатган. Шундан кейин қўшин йўлни давом эттириб, Шершик қудуги ва Қорақумобод ариғи орқали Оққўл ариғигача келган. Кўп ўтмай Шерғозиҳон номидан икки киши Бекович-Черкасский ҳузурига борган. Хива элчилари хон номидан от, тўн ва бошқа нарсалардан иборат совғаларни Бекович-Черкасскийга топширишган. Шу тарзда Шерғозиҳон, душманнинг ёвуз ниятини яхши билса-да, сир бой бермай иш юритади.

Бекович-Черкасский Хива элчиларига ўзи гүё элчи ва дўстлик мақсадларда келганлигини тақрорлайди. Рус қўшини Оққўлдан чиқиб Қораёғоч номли ариқ бўйига қўнади. Бу манзилдан Хивага 4 кунлик йўл қолган эди. Бу ерга хонлик қўшинлари ҳам келтириб қўйилган эди. Воқеа гувоҳларининг сўзларига қараганда, ватан ҳимоячилари пилта милтиқ, қилич, найза, ойболта, ўқ-ёй ва бошқа оддий қурол-аслаҳалар билан қуролланган эдилар. Душман қўшинида эса росмана милтиқ, тўп ва бошқа такомиллашган қуроллар бор эди. Архив манбаларида Хива қўшинининг сони турлича: 100 минг ёки 60 минг киши деб курсатилган.

Қораёғочда ҳар икки томон ўртасида уч кун қаттиқ жанг булиб, одамлар үлдирилди. Тұртинги куни Шерғозихон Эшонтұра исмли әл-чисини юбориб, ярашишни таклиф этди. Хоннинг бу әлчи орқали сұрови шундан иборат бўлдики, агар Бекович-Черкасский ҳақиқатан ҳам әлчи сифатида келган бўлса, у бунга бизни ишонтиrsин. Шунда Бекович-Черкасский: мен рус императори Пётр I номидан ёрлиқ ва оғзаки топшириқлар билан әлчи сифатида келдим, деган. Шу орада ҳар икки томон бир-бирларига элчиларни юбориб, масалани тинчлик билан ҳал қилишга интилдилар. Шерғозихон, агар Бекович-Черкасский ҳақиқатан ҳам әлчи сифатида келган бўлса, у вақтда хон ҳузурига үзи келсин, деб айтган. Бу вақтда ватан ҳимоячилари ҳам үз фикрларини изҳор этиб, агар Бекович-Черкасский ҳақиқатан ҳам әлчи сифатида келган бўлса, у вақтда буни үзи ўртага чиқиб айтсан ёки урушадиган бўлса, жангга тушсин деб, бақиришган. Шу орада душман қўшини икки кун мобайнида ватан ҳимоячиларига қарши тўп ва милтиқларни ишга соглан. Шу тариқа ватан ҳимоячилари билан душман қўшини ўртасида икки маротаба қонли тўқнашув содир бўлди.

Ниҳоят, икки томон бир-бирларига хужум қиласликка вაъда бердилар. Ҳатто Бекович-Черкасский Шерғозихоннинг ҳузурига келиш таклифига рози бўлиб, у билан учрашди ва биргаликда овқатлашиди. Бир-бирларига совғалар бериб, узаро ҳурмат-иззатни ўрнига қўйдилар. Шерғозихон рус аскарларининг барчасини Хивага жойлаштириш ва таъминлашнинг имкони йўқлигини билдириб, уларни беш қисмга тақсимлаб, турли шаҳарларга жойлаштиришни таклиф қилди. Беш қисмга ажратилган душман аскарлари хон амалдорларининг кузатувида беш тарафга олиб кетилди. Душман кучлари шу тариқа булакларга ажратилиб заифлаштирилгандан кейин Бекович-Черкасский ва унинг яқин одамларининг боши қиличдан ўтказилди. Йулларда душман аскарлари ҳам қириб ташланди, бир қисмигина асирилликка олинди. Шерғозихон ўтқир зеҳн, эҳтиёткорлик ва билимдонлик билан юритган сиёсат натижасида бир неча баробар кўп яроғ-аслаҳага ва жанговар қобилиятга эга бўлган душман кучлари тор-мор қилинди. Ватан ҳимоячилари тўп, милтиқ ва бошқа қуролларни ўлжа олдилар.

Шерғозихон чор ҳукумати уч олишини билиб, бу ҳақда ахборотни қўлга киритиш мақсадида у билан дипломатик ва савдо алоқаларини тикламоқчи бўлган. Шу ниятда 1720 йилда Увайс Муҳаммадни Петербургга әлчи сифатида юборди. У Бекович-Черкасский хонликни босиб олмоқчи булғанлиги учун унинг аскарларига зарба берилганигини әлчи орқали Пётр I га етказди. Пётр I нинг нафрати ва алами шу даражада кучли эдики, у дипломатия қонун-қоидаларини

жаҳолат билан бузиб, элчи Увайс Мұхаммад бошлиқ беш кишини пойтахтдаги Петропавловск қамоқхонасига ташлаб, уша ерда қатл эттирган. Унинг уч ҳамроҳи эса қамоқ ва каторгага ҳукм қилинган.

Умумий хулоса шуки, чор ҳукуматининг ўзбек хонликларига нисбатан мустамлакачилик сиёсати ва ҳарбий юриши илк бор Пётр I замонида бошланган эди. Ўзбек хонликларини бўйсундириб, олтин ва бошқа бойликларга эга булиш, ички ва ташқи савдони қўлга киритиш асосий вазифа этиб белгиланди. Пётр I Хива хонлигидага ўз ҳукмронлигини ўрнатгач, Ҳиндистонга суқилиб киришни ҳам ният қилиб қўйган. Унинг энг яқин одамларидан бири Волинскийнинг эсадаликларига кўра, Пётр I Ҳиндистон ва Хитойгача бўлган ерларни ўз қўлига киритиш ниятида бўлган. Унинг таъкидлашича, Пётр I тирик бўлганида, бу мақсадларнинг амалга ошиши турган гап эди. Бироқ у бошлаб берган сиёсатни ворислари, хусусан Романовлар сулоласи ҳукмдорлари, сўнгра совет давлати уч юз йил мобайнида давом эттирилар. Бу даврларда ҳарбий юришлар, мустамлакачилик сиёсати, қирғинбарот ва қатағонлар занжир ҳалқалари сингари бир-бирларига уланиб, айниқса, совет даврида авжига минди. Бу мустабид тизим даврида Пётр I нинг олтинни қўлга киритиш ҳақидаги орзуси рӯёбга чиқарилиб, минглаб тонна олтин ва бошқа ноёб бойликлар метрополияга жунатиб турилди. Унинг Ҳиндистонни эгаллаш мақсадини амалга оширишга қаратилған чоралар ҳам кўрилди. Зоро, совет давлатининг Афғонистонга бостириб киришдан мақсади, пайти келганда Ҳиндистонга ҳам ўз таъсирини ўтказиш ва қалбаки «социализм»ни экспорт қилишдан иборат эди.

Бекович-Черкасский бошчилигидаги кучли қушиннинг хонлик томонидан қириб ташланиши биринчи навбатда ўзбек халқининг Ватанга садоқати, жасорати ва эркесварлигидан далолат беради. Шунингдек, Шерғозихоннинг катта ҳарбий маҳорати тарихда ўчмас из қолдириди. Шу маънода Хоразмда Бекович-Черкасский устидан қозонилган буюк ғалаба ҳақидаги хотирани абадийлаштириш лозим, деб ҳисоблайман. Зоро, бундан юзлаб йиллар илгари босқинчилар устидан эришилган ғалаба Ўзбекистон мустақиллиги учун олиб борилган курашлар тарихи саҳифаларига зар ҳарфлар билан битилгандир.

---

## **ХИВА ХОНЛИГИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ АҲВОЛИ<sup>1</sup>**

Хива хонлигининг ҳудуди Амударё қўйи оқимининг ҳар икки томонидаги аҳоли яшайдиган жойлардан иборатdir. Хонликнинг жануб томони мазкур дарёning ҳар икки қирғоғи бўйлаб чузилиб кетган тоғларга тулашиб, гарбда чўл, қумликлар ҳамда Устюрт яйлови, шимолда Орол денгизи, шарқда эса Амударёning ўнғ қирғоғидаги қумлик ва чуллар билан чегараланган. Хонлик тасарруфидаги бу ерлар шимолдан жанубгача 300 чақиримдан зиёдроқ, гарбдан шарққа-ча 100 чақирим бўлган масофани ташкил қиласди.

Бироқ Хива хони уз давлати чегарасини Сирдарё бўйлаб, то Кўқон хонлигининг ерларигача, ундан нари Амударё қирғоқларида жойлашган Кабакли деган жойларгача чузилган, деб ҳисоблайди. Хивадан Бухорога олиб борадиган йўлнинг уртасида хонликнинг бекати бўлиб, унда 40 киши хизмат қиласди. Марв шаҳрида 500 кишилик Хива гарнizonи бўлган. Маридан Каспий денгизининг шарқий қирғоғи бўйлаб Эмба дарёсигача бўлган талай жойлар хонлик таъсирида бўлган. Бу ерларда яшовчи кўчманчи элат ва қабилаларнинг баъзилари Хива хони хукмронлиги остида бўлса, баъзилари унинг таъсирида эди.

### **Топографик маълумотлар**

Хива хонлиги Амударё ҳавzasидаги водийга жойлашган бўлиб, умуман, пасттекисликдан иборат. Баъзи жойлари дарё саҳтидан 1—3 саржин<sup>2</sup> баланд; ўлканинг баъзи ерларини, дарё қирғоқларидағи унча баланд бўлмаган айрим қумлоқ тепаларни ҳисобга олмаганда, ер усти тузилиши қарийб бир хилда текис. Водийнинг ўзига хос шароити

---

<sup>1</sup> Ушбу қисмда келтирилаётган маълумотлар Россия архивларида сақланаётган ва шу пайттacha эълон қилинмаган хужжатлар асосида тайёрланган бўлиб, Хива хонлигининг XIX аср 30—40-йилларидағи аҳволини акс эттирган.

<sup>2</sup> Саржин — уч газга teng улчов бирлиги.

Амударёning хусусиятлари билан чамбарчас боғлиқ булиб, хонлик аҳолисининг турмуши, худди мисрликларнидек, фақат дарё хосиятига асосланган. Шунинг учун ҳам аҳоли орасида Амударё катта аҳамиятга эга.

### Амударё таърифи

Амударё Хива хонлиги буйлаб, аввал шимоли-ғарб томонга, сұнгра Хузий... шаҳри ёнидан шимолга бурилиб, Күнғирот шаҳри биқинидан шимоли-шарққа қараб оқади. Дарё суви соатига б чақирим тезлик билан оқиб, тошқин пайтларида бу тезлик янада ошади. Дарё оқими буйлаб елкансиз ва эшкаксиз сузид кетаётган қайиқ билан баробар кетиш учун қирғоқ буйлаб отда йұртиб бориш лозим булади.

Дарёнинг эни 200 дан 500 саржингача боради; тұлиб оққан вақтда эса 2—5 чақиримга етади. Дарё ҳар йили 3—4 марта тошиб туради. Тошқин аксар ҳолларда апрелнинг урталари ёки охирларыда, майнинг бошларыда юз беріб, бундай кезларда сув қирғоқдан 0,5—1 саржин, ҳатто ундан ҳам баланд күтарилади. Сув бир ёки икки ҳафта шу қабилда туриб, сұнгра аслига қайтади. Ёз мобайнида ҳам дарё сатқи шу хилда икки, уч марта ва ундан ҳам күп күтарилиб-пасайиб туради. Баъзан қишлоғда ҳам дарё сатқи күтарилади. Лекин буларнинг ҳаммаси биринчи тошқинчалик бұлмайды. Дарёнинг тез оқишига қарамай, унда сузиш жуда құлай. Тұымýйин деб аталаған табиий түсиқ Юмур ва Иланқир тоғлары рұпарасида баланд қирғоқларнинг емирилишидан ҳосил бўлған остоналар булиб, улар дарёда сузишга асло монелик қилмайди. Дарёда кечувлар йўқ; дарё туби қум, лой ва балчиқдан иборат булиб, суви лойқароқ.

Бу чүкинди, лой тўқ қулранг булиб, жуда ёпишқоқ. Унда Нил дарёсидаги чүкинди каби ерни ҳосилдор қилиш хусусияти йўқ. Шунинг учун хиваликлар каналларни тозалаш вақтида бундай чўкиндилярни олиб ташлашади ёки ўз уйларини сув тошқинидан сақлаш учун уни ҳовлиларига ташиб келтиришади. Дарё суви бундай чўкинди лойни кўплаб оқизиб келиши натижасида каналнинг ичини бир газ ва ундан ҳам зиёд қалинликда лой босиб ётади.

### Каналлар ва дарё шохобчалари таърифи

Амударё водийсида жуда күп канал ва табиий шохобчалар бор. Дарёнинг чап соҳилида: Полвон, Фазовот, Шовот, Ёрмиш, Қиличбой, Гурлан, Янги каби каналлар, Арна, Қораузак, Лоузан, Шарқраук, Сува-

ли ва бошқа шохобчалар мавжуд. Ўнг соҳилда эса: Инак, Майхар ва Элтузархон каналлари бор (1-жадвал).

I-жадвал

Канал номи	Юқори оқимининг кенглиги (саржин ҳисобида)	Кўйи оқимининг кенглиги (саржин ҳисобида)
Полвон	20—25	—
Фазовот	20—25	10
Шовот	25—30	6
Ёрмиш	10—12	4
Қиличбой	20—25	15
Инак	8—10	2
Майхар	4—5	2
Элтузархон	6—8	2
Гурлан	15—20	Гурлан яқинида 4
Янги	12—15	Хитой яқинида 4

Каналларнинг чуқурлиги жойнинг ҳолатига боғлиқ; умуман, Амударёнинг ўнг соҳилидаги каналлар чуқурлиги, ер дарё сатҳидан анча баланд бўлганлиги сабабли, З саржингача боради. Бу каналлар сув тошқинини ҳисобга олган ҳолда, дарё сатҳидан 2 газ паст қилиб қазилган. Рус асиirlарнинг айтишига кура, жадвалда санаб ўтилган канал ва шохобчалардан ташқари Амударёнинг чап соҳилидаги ерларнинг икки жойида: 1) Фазовот ва Шовот каналлари оралиғида; 2) Ёрмиш, Қиличбой каналларининг ўрталарида шу дарёнинг эски узани куриниб туради. Ерли аҳоли биринчи эски узани Доудан, иккинчисини эса Кўхна дарёлик ёки тўғридан-тўғри «эски дарё узани» деб юритади. Уларнинг ҳар иккиси ҳам фарб томонга — Каспий денгизига бориб, ботқоқ ва қумлоқ чуқурликлар билан туташиб кетган. Эски узан анча чуқур бўлганлиги сабабли, сув қўпайиб кетган вақтларда, тошган сув шу узанларга оқизилади. Бундан ташқари, Парси деган қишлоқнинг қарши томонида, Лоузан шохобчасининг бошланиш жойига яқин, яъни тўғон қурилган жойда жуда кенг сойсимон пастлиги булиб, баъзан унга сув уриб кетган; бу пастлик ўрмонга туташганд жойда бир қанча тармоқларга булиниб кетади. Тармоқлар Кўхна Урганч шахри яқинида қайта бирлашиб, Шарқрауқ

номини олади. Сұнг Күхна дарёлик үзанига (иккінчи эски үзан) келиб туташади. Эҳтимол, шунинг учун ҳам бу пастлик бир вақтлар Амударё эски үзанининг бир тармоғи бўлгандир. Ҳозир яшаб турган кишиларнинг фикрича, бу тармоқнинг суви қуриб қолганлиги сабабли Күхна Урганч шаҳри таназзулга учраган.

## Кўллар

Бу ерда кўллар, айниқса, Хива хонлигининг ғарбий чегараларида ва шимол томонда Күхна Урганчдан Орол дengизигача чўзилган жойларда жуда кўп. Бу кўллар турли шоҳобчалар билан бир-бiriга туташган булиб, каналлар ёки юқорида қайд этилган дарё шоҳобчалари орқали сувга тўлади. Дарёда сув қўпайиши билан кўлларнинг ҳам суви ортади. Кўллар соҳилини қамиш, қуға, қиёқ босган.

## Ўрмонлар

Хивада ўрмонлар йўқ ҳисоб. Бу ерда қора терак, қайрағоч ва бошқа дараҳтлар ўсади. Бу дараҳтлар кўпроқ Парси қишлоғидан Айберур... ва Орол дengизигича бўлган ерларда учрайди. Ўнг соҳилда, Гурлан шаҳрига қарама-қарши томонлар эса Шиу-жели тоғлари этағида тулашган; шаҳарнинг жанубий томонида ўрмон жуда кам. Хиваликлар ўзларининг хўжалик эҳтиёжлари учун канал ёқаларига ва боғларга дараҳт кўчатлари ўтқазишиади. Шунга қарамай, миңтақадан ташқарида, утроқ аҳоли яшайдиган, масалан, Питнак шаҳрининг жанубий томонида ўрмонлар бор; дарёning иккала соҳили бўйлаб Уч-учака деган жойгача икки чақиримча ерда қора терак, қайрағоч ва бошқа хил дараҳтлар ўсади; аҳоли яшайдиган жойлардан 50 чақирим нарида — шарқ ва ғарб томонларда эса саксовул ўсади. Лекин хиваликлар бу ўрмон ва дараҳтзорларни иморат, ўтин ва кўмир ўрнида ишлатиш учун кўплаб қийратишиган.

## Ернинг сифати ва юзаси

Ҳамма жойда ер юзаси қизил ва сариқ тусда, 0,5 ва 1 саржин, ҳатто ундан ҳам зиёд қалинликда оқ ва сариқ қум билан қопланган ёпишқоқ, лойли заминдан иборат. Қора тупроқли ер жуда кам булиб, шурхок ерлар кўп. Амударёдан сув ичалиган жойлар яхши ишланиб, жуда кўп дараҳтлар экилган; аҳоли яшамайдиган ва экин экилмайдиган ерлар кам.

Амударёning чап соҳилидаги канал ва шохобчалар тезоқардир, айниқса, уларнинг юқори қисмларида сув тез оқади. Сув кўпайган чоғлари уларда сузадиган қайиқларнинг тезлиги соатига 4—4,5 чақиримга тўғри келади. Бу каналларнинг ҳаммаси гарбга ва шимолигарбга қараб оқади. Чунки дарёning чап соҳили табиатан Каспий денгизи томон нишаб бўлиб кетган ва каналлардаги сувнинг тез оқишига қараганда бу нишаблик анча изчил бўлиши керак. Хўжайли шаҳри билан Келласкап шохобчаси, Кўхна Урганч ва Ойбурги орагифидаги ерларнинг гарбга томон нишаби унча билинмайди, шунинг учун ҳам Урганч бекатидан Ойбургигача бўлган, саксовулзорлар билан қопланиб ётган жойлар анча баланд. Бу ерлардан сув тошиб ўтолмаслиги сабабли кўл ва шохобчалар пайдо бўлган. Амударёда сув камайиши билан уларнинг бир қисми дарёга оқиб тушади, қолган қисми эса Орол денгизига қуйилади. Келласкап шохобчаси Амударёning чап қирғонига Устюрт яйловининг яқинлиги сабабли дарёга нишаброқдир. У ерда бир қанча шохобчалар мавжуд бўлиб, улар ё бевосита дарёга, ёки Орол денгизига қуйилади.

Сув кўпайган тақдирда Амударёning ўнг соҳилидаги каналларда сув секин оқади. Бу каналлар анча чукӯр, бу эса дарёning ўнг соҳили чап соҳилидан баланд эканлигидан далолат беради. Бу ҳол шуни курсатадики, Амударё этагидан Каспий денгизи томон ер табиий нишаб бўлиши керак. Бинобарин, дарё бир вақтлар уша томонга оққан бўлиши мумкин.

Хива хонлигига асир бўлган Козъма Шмелёвнинг берган маълумотига қараганда, 1834 йилдаги Амударё тошқинида Шарқраук ұзания шунчалик кўп сув уриб кетганки, натижада, хоннинг бўйруги билан Амударё орқали Кўхна Урганч шаҳрига кемалар келтирилиб, шаҳарни кўчиришга ҳаракат қилинган. Бу вақтда Шмелёв Гурлан шаҳрида бўлган ва хиваликларнинг тошқиндан жуда хавфланиб, сув қаерга босганини билмоқ учун чопарлар юборишганини ҳамда ўзаро «руслар бизнинг еримизда ўрнашиб олишади; энди худо уларга сув ҳам берди, дарё улар томон, Болқон бўғозига оқиб бормоқда», деб ташвишланиб гапиришганини эшитган. Бошқа асирлар ушбу маълумотни тасдиқлашмади. Козъма Шмелёвнинг ўзи эса Амударёдан тошган сув қайси томонга қараб оққанини батафсил айтиб беролмаган.

## Ороллар

Орол денгизигача бир қанча ороллар бор. Уларнинг баъзилари шурхок; рус асирларининг айтишича, Амударёning қуишиш жойидан 20 чақирим нарида жойлашган Тўқмоқота ороли ана шу орол-

ларнинг энг каттаси ҳисобланади. Оролда ўтлоқ ва дарахтзорлар бор, чорвачилик ва деҳқончилик учун қулай шароит мавжуд. Тұқмоқота деган фоят машхур авлиёнинг қабри бўлиб (оролнинг номи шунда бўлса керак), хоннинг ўзи ҳам куз мавсумида зиёратга боради. Чунки йилнинг ана шу фаслида оролни қытъадан ажратиб турадиган сув анча саёzlаниб қолади. Шу туфайли саёзликдан кечиб, оролга бемалол ўтиш мумкин бўлади. Амударё оқизиб келган чўкиндилар сабабли бўғоз йилдан-йилга саёзлашиб борган. Кишда бу оролга қорақалпоклар кучиб келишади ва чорваларини ҳам олиб ўтишади.

### Иқлим

Хиванинг ҳавоси мусаффо, бу ерда, айниқса, ёз вақтида иситма ва безгак касаллиги кўпроқ учраб туради, буни ҳаддан ташқари кўп қовун истеъмол қилинишининг оқибатидан, дейишади. Улат ёки шунга ўхшаш маҳаллий юқумли касаликлар бўлмайди. Бироқ 1829 йилда вабо пайдо бўлиб, узоқ давом этди<sup>1</sup>.

Хива ҳалқи, умуман, соғлом бўлади ва кўп яшайди; баъзилари 100 йил ва ундан ҳам кўп умр кўришади. Бу ерда қиши, одатда, ноябрь ойидан бошланиб, февраль ва ундан кейин ҳам давом этади; қиши баъзан жуда совук келиши туфайли Амударё юзаси чорак-чоракам бир газгача қалинликда музлайди. Лекин баъзан сира музламайди ҳам. Қор жуда кам ёғади, дарахтзор жойларни ҳисобга олмаганда, 3—4 кун ичida эриб кетади. Шунинг учун бу ерда чана расм булмаган. Ёмғир ва дўл ҳам кам ёғади, момақалдироқ аҳён-аҳёнда бўлиб туради. Шундай бўлсада, куклам ва куз мавсумларида булутли қунлар кўп, ёзда кам бўлади; баъзан бехосият туман ва шамоллар бўлиб туради; айниқса, кукламда шимол ва гарб томонлардан кучли шамол келади; бундай кезларда қуюқ шудринг тушади. Аҳён-аҳёнда ер қимирлади. Кейинги вақтларда иқлимининг қаттиқлашиб бораётганлиги кузатилган.

### Табиат маҳсуллари

#### Усимликлар олами

Хиваликлар бугдойни фақат кузда, сентябрнинг охирларида сепадилар; уни, асосан, ўзбеклар кўпроқ сепишади; Питнак қишилоги-

<sup>1</sup> Вабони Эрон юришида қатнашган Хива хонининг аскарлари юқтиришган. Анча аскарлар йўлдаёқ вабога дучор бўлиб, улиб кетган. Вабо Хиванинг ўзига ҳам етиб келиб, бу ерга кенг кўламда ёйилиб кетди. Хива шаҳрида ёз мавсумида бошқа шаҳарларга қараганда, умуман, ўлим кўпроқ. Бунинг сабаби шаҳар ичига ўлик кумилишида бўлса керак.

дан то Шовот шаҳригача булган жойлар буғдойга кон ерлардир. Бир таноб ерга 3—5 пуддан сепилади. Ҳосил яхши булган йили ҳар танобдан 60 пудгача галла олинади. Буғдой июннинг охирида уриб олинниб, унинг ўрнига баъзан қовун, тариқ, жӯхори экиласди.

Майнинг ўрталарида жӯхори сепилади. Уни кўпроқ ўзбеклар Шовотдан Кўнғиротгача чузилган ерларда экишади. Жӯхори мавсумда 4—6 марта сурорилади, шунга кўра у сувга сероб жойларга экиласди. Жӯхори дони жуда тўйимли бўлиб, одамлар уни овқат ва отемига ишлатишади; бўйи бир саржиндан зиёд, йуғонлиги бир дюймча бўлиб, ўсадиган поясини қорамол яхши ейди; бир таноб ерга сепилган 6—10 қадоқ уруғдан 100 пуддан ҳам кўпроқ ҳосил ва 250 дан 400 пудгача поя олинади. Жӯхорини экишдан олдин ва экилгандан кейин ерга 2 бор гўнг солиниб, мола бостирилади.

Сўк серсувларни хоҳлаганлиги учун кўпроқ пасттекисликларга сепилади. Бир таноб ерга сепилган 3—4 пуд уруғдан 40—50 пуд ва ундан ҳам кўпроқ ҳосил олинади.

*Кунжут* етиштириш учун таноб бошига 5 қадоқдан уруғ сепишиб, 10 пудлаб ҳосил кўтаришади; кунжутдан мой олинади; бир пуд кунжут ярим пуд мой беради. Кунжарасини молларга беришади. Кунжут кўп сув талаб қўлмайдиган экиндир; у кўпроқ Ҳужайли, Кўнғирот, Тошовуз, Илалли, Фазавот, Мангит, айниқса, Гурлан томонларида экиласди.

Пахтанинг ҳар танобидан 15 дан 25 пудгача ҳосил олинади. Шунча ҳосил эса 4—5 пуд тола ва 7—10 пуд чигит беради. Чигитдан мой ва кунжара олишади, кейин бу ёғни оқлаб олиб истеъмол қилиш мумкин. Чигит, одатда, апрелнинг охири ва майнинг бошларида экиласди. Чигит экиласдиган ер, агар ориқлаб кетган бўлса, экин чоғида 3 марта, фуза тўртқулоқ бўлганда ва ниҳолларнинг бўйи ярим газ бўлганда яхшилаб гўнгланади; семиз ерга фақат экиш бошланишида бир марта гўнг солинади. Августнинг охирларидан ёки сентябрнинг бошларидан бошлаб пахта пишиб етилади ва у шундайгини қўл билан териб олинади, фузапоялари ё жойида қолиб кетади, ёки йигиб олинниб, ўтин ўрнида ёқилади. Пахта кўпроқ Гурлан, Янги Урганч, Хива, Хонқа ва Фазавот атрофларига экиласди.

Бундан ташқари, *мош, тариқ, арпа* каби дон экинлари ҳам экиласди.

*Зигур*. Унинг донидан мой олинниб, пояси ҳеч нарсага ярамайди. *Канопдан* ҳам мой олинади, поясидан эса арқон ишланади. *Кўкноридан* фақат афюн тайёрланади. Шунга кўра кам экиласди.

Беда жуда кўп жойларга экилиб, ундан мол учун пичан тайёрланади, бошқа дон ўсимликларига ўхшашиб чалги билан эмас, балки оддий ўроқ билан уриб олинади. Бир марта сепилган уруғдан униб

чиққан ўтдан мавсумда 3—5 мартағача пичан олинаверади. У жуда қалин, тизза бүйі булиб үсади. Таноб бошига сепилған 6—10 қадоқ уруғдан бир мавсумда 500 пудгача пичан үриб олинади.

**Чигин** (майда тарықнинг бир тури). Унинг дони молларга ем бұлади. Рұяң үсімлігінінг илдизидан олинадиган қызил бүёқ жун ва ип бүяшда ишлатилади. Уни йилнинг хоҳлаган вақтида, асосан, июнь ойида сепиши мүмкін; уруг устидан албатта гүнг сепилади, сұнгра кейинги йиллари ҳам ер гүнглаб турилади. Экин учинчі йилга борибгина етилади, шундан сұнг илдизләри кавлаб олиниб қуритилади, сұнг туйилиб, ғалвирдан ўтказилғач, сув құшиб қозонда қайнатилади. Тегишли миқдорда ранг ташлаб аралаштирилған ана шу қозонга ип ёки жун бостирилади, натижада, бүёқдан чиққан нарсаннинг ранги айнимайди.

Полиз экинләридан қовун, тарвуз, бодринг, қовоқ, гармдори, пиёз, саримсоқ, сабзи, лавлаги, тамаки, картошка ва карам әкилади.

Хивада ўтлоқ ерлар йүк ҳисоб. Шунинг учун хиваликлар молларга құқ қамиши ва қызылмия деган ўт беришади. Бу ўт ариқ ва зовурларда, ҳамма пасттекисликларда, шудгор ўрталарда, уватларда жуда күп учрайди. Куз кезләри галласи үриб олинған далаларга ҳам мол қўйиб юборилади.

Мевали ва мевасиз дараҳтлардан: тут, олма, олча, олхури, хурмо, шафтоли, ўрик, ток, қоратерак, қайрагоч, сариқтол, қараман (қайрагочга яқин турған қаттиқ ёғоч бұлғанидан арава гилдирағи учун ишлатилади), нарвон (20 саржингача үсадиган үхаша бир нав) каби ҳар хил дараҳтлар ўстирилади. Булардан ташқари, үрмонларда ёввойи хурмо, шунингдек, саксовул ва турли хил буталар үсади.

### Ҳайвонот олами

Қамишзорларда тұнғиз, оққүйрүк<sup>1</sup>, қоплон, чиябұри, қуён, бұри ва бошқалар күплаб учрайди.

Үй ҳайвонларидан түя, үйлеки, әшак, қорамол, қүй ва эчки боқилади.

Паррандалардан ғоз, турна, үрдак, қур<sup>2</sup>, қирғовул, бедана, лойхурак, каклик, зағизғон, қарға, чумчук, булбул (жуда күп) ва түргай бор.

Пашша ва чивин жуда күп бұлади, сұна ва чигиртка ҳам учрайди.

Балиқларнинг тури ҳам жуда күп; бу ердаги сувларда лаққа, осётр, үрттан, сазан, судак<sup>3</sup>, леш ва бошқа хил балиқлар бұлади. Асосан,

<sup>1</sup> Туёқливар түркүміннің кенжә оиласига кирадыған сут әмізувлы ҳайвон.

<sup>2</sup> Үрмонаңда яшайдыған ёввойи товуқларнинг бир хили.

<sup>3</sup> Олабуга балиқлар оиласига киради.

ұзбеклар ва қорақалпоқлар балиқ овлаш билан шуғуланишади; улар дарёларда, күлларда ва сув тошган жойларда ов қилишади, балиқ түр билан, шунингдек, саёз жойлардаги балиқларни маҳсус таёқлар билан ҳайдаш орқали овланади.

Хонликда қазилма бойликлар ҳам бор: Хива шаҳридан 30 ёки 40 чақиримча жануби-ғарбда жойлашган тоғлардан олтингутурт ва оҳак қазиб олинади. Питнак юқорисидаги тоглардан тош кӯчириб тегирмон тошлари ясалади. Кўхна Урганч атрофларида ерлардан селитра олинади. Питнакдан 35 чақирим узоқда жойлашган Устюртдаги Қо-раумбет ери остидан туз қазиб олинади. Металл рудалари йўқ; қурғошин, мис, темир, чўян Россиядан; олтин ва кумуш Эрон, Россия, Кўқон ва Бухородан келтирилган.

### Суғориш ишлари

Амударё сатҳидан унча баланд булмаган водийда жойлашган Хива хонлигининг ҳудуди тошқинлар вақтида сув остида қолиб кетиши ҳам мумкин. Шу хавфнинг олдини олиш учун хиваликтар дарёning ҳар икки қирғоғи бўйлаб сув уриб кетадиган жойларга кўтармалар ишланган. Далаларни суғориш учун дарёдан бир қанча каналлар чиқарилган. Амударёдан чиққан шохобчалар ва каналларнинг ҳар икки қирғоғи бўйлаб тегишли жойларда ҳамда экинзорларга яқин ерларда дала ва қишлоқларни сув тошқинидан ҳимоя қиладиган кўтарма ишланган. Бундай кўтармалар жойига қараб, баъзи ерларда оқим бўйи ва ундан ҳам баланд қилиб ишланган. Хон канали деб аталағиган энг асосий каналлар хусусида юқорида айтиб ўтилган эди.

Асосий каналлардан ташқари шу каналлардан ва шохобчалардан оқиб чиқадиган, эни 4 ёки 5 саржинча келадиган яна кўпгина майда, ёрдамчи каналлар ҳам мавжудки, улар айрим жамоаларга қарашли бўлган. Ана шу майда каналлардан ҳар бир ер эгаси ўз даласига қараб алоҳида ариқлар ўтказади. Канал қазищдан чиққан тупроқ каналнинг икки томонига олиб ташланиши натижасида далаларни тошқиндан асрайдиган кўтармалар ҳосил бўлган. Сув олиниши керак бўлган жойларда ана шу кўтармаларнинг бир четини озгина бузиб ёки кўтармаларга ўрнатилган маҳсус ёғоч тарновлар орқали экинзор ёки боғларга сув юборилади. Шу тариқа, ҳар бир боғбон ёки дехқон ўз ерининг керакли қисмини суғоради. Дарё қирғоқлари ва каналларда яратилган мазкур кўтармаларга қарамай, баъзан Амударё тошқини натижасида кўтарма остида қумлоқ тупроқдан сув уриб кетиб, далаларни, экинзорларни босган ва талай зарар келтирган вақтлар ҳам бўлади. Бундай кезларда одамлар ўз ерларини бутунлай ташлаб кетишга мажбур булишади.

Кўпинча сув хон каналларидағи, шохобчалардаги ёки Амударё-нинг ўзидаги кўтартмани шиддатли куч билан бузиб, бутун атрофни босиб кетади; бундай вақтларда ҳамма аҳоли бир жон-бир тан булиб, сув урган жойни дарҳол беркитишга киришишади. Бу машаққатли иш шундай бажарилади: сув уриб кетган жойга бир неча қатор қозиқ қоқилади; яқинроқ бир жойга каноп толасидан эшилган маҳсус арқонлар ёзиб қўйиб, унга қамиш ёки шох-шабба ташланади, сўнгра устига қалин қилиб тупроқ ёки чим босилади, кейин яна бир қават шох-шабба ёки қамиш тушалади, унинг устидан эса яна тупроқ босилади, шу тариқа унинг қалинлиги б вершок<sup>1</sup> қилинади; кейин ҳосил булган қатламни маҳкамлаб ўраб, арқонлар билан пишиқ қилиб bogланади; узунлиги бир ярим ёки икки саржинча, қалинлиги бир-бир ярим саржин булган бир неча шундай қатламлар ясад, сув урган жойга қоқиб қўйилган қозиклар устига ташланади, қатламлар орасига ва уларнинг устига тупроқ ташлаб яхшилаб шибба урилади. Бу усул оддий булишига қарамай, жуда қулайдир, қатламлардаги шох-шабба ёки қамишлар орасига солинган чим ва тупроқларни сув осонликча ювиб ҳам, оқизиб ҳам кетолмайди, улар ўз оғирлиги билан қозиклар орасига маҳкам ӯрнашиб қолади. Қиши кунларида ёки бошқа зарурият туғилиб қолганда, асосий каналлар ҳам ана шу усул билан түсиб қўйилади. Сув жуда кўпайиб кетган кезлари сув уриб кетишининг олдини олиш мақсадида хиваликлар фалокат рўй бериши эҳтимоли туғилган жойларга қоравуллар қўйишади, кетмон, бел ва бошқа асбоблар билан куролланган одамларни олдиндан тайёрлаб туришади. Айни вақтда сув уриш жойларини камайтириш мақсадида якка хўжаликларга қарашли ҳамма ариқ ва зовурларни беркитиб ташлашга амр қилинади. Лекин сувнинг дамини қайтариш учун Амударё, Довудану ва Дервилик каби эски дарё ўзанларига Шовот, Фазавот, Қиличбой, Ёрмиш каналларидан сув йўли очиб қўйилади. Хивадаги асосий каналлар ва шохобчаларнинг суви қиши кунлари чўкиндиларга тўлиб қолмаслиги учун ҳар йили кузда уларнинг суви ташлаб қўйилади. Қиши ичи умуман каналдан сув келишининг ҳожати ҳам йўқ. Бу тадбирнинг яна бир муҳим томони шуки, борди-ю, Амударё йилнинг ана шу вақтида тошгудек бўлса, фалокатни бартараф қилиш қийинроқ кўчади, чунки сув уриб кетган жойларни қиши кунларига қараганда кузда тузатиш осон, кўкламда сувсиз канал, ариқларни тозалаш кишини қийнайди.

---

<sup>1</sup> Вершок — 4,4 сантиметрга баробар узунлик ўлчови.

## Аҳолининг жойлашиши

Хонликда дала ва экинзорлар қўрғонга яқин бўлади. Айниқса, боғларни ва экинзорларни суғориш иши буни тақозо қиласди. Шунга кўра, хиваликлар ҳовлиларда яшайдилар. Бу ерда катта ери ва кўп қули булган хўжаликлар кам. Кўпчилик хўжаликларда қул бўлмайди, ерни уз оила аъзолари кучи билан, гоҳо бир ёки икки одам ёллаб, ишлайдилар. Ҳар бир хўжаликда 8—12 таноб ёки 4—6 ботмонгача ер бўлади. Шунинг учун ҳам Хива хонлигининг аҳолиси бирбирига яқин турган жуда кўп қишлоқчаларда жойлашиб, уларда битта, иккита, учта хўжалик, шунда ҳам қариндош-уруглар бирга туришади. Фақат Хива атрофларида, Нов, Урганч, Ҳазорасп, Шовот, Хўжали шаҳарларида 20 ва 30 хонадонни уз ичига олган бир қанча қишлоқлар бор. Шундай қилиб, Хива хонлигида ҳалқинг кўпчилик қисми қишлоқчаларга сочилган ҳолда канал бўйларида, сувли жойларда яшайди. Одам яшайдиган жойларнинг атрофи, шаҳар ва қишлоқлардагидек, сув тошқинидан сақланиш мақсадида баландлиги бир саржин булган тупроқ девор билан үраб қўйилади. Янги жойга кўчишини истаган ҳар бир хонадон бундай девор қуриб олиш учун қўшнилардан ёрдам олади. Шунингдек, пахса ёки кесак девор ёхуд ярим саржин қалинликда, 1—2 саржин баланд кўттарма қуради. Ҳовли иккига ажратилган бўлади; йул ёки каналга туташадиган ташқари қисмida меҳмонхона, отхона, сарой, молхоналар жойлашади. Ичкарида эса оила аъзолари учун уйлар, ошхона, омборхоналар<sup>1</sup> жойлашган бўлади. Уйлар пахса ёки гуваладан қурилади. Уйнинг баландлиги 2 саржинча бўлиб, томлари ясси қилиб қамиш, бордон билан ёпилади, қамиш устидан тупроқ солинади, сўнг лой билан сувалади; тутун чиқиши ва ёруғ тушиши учун мўри чиқарилади. Уй ичидаги буюм ва ашёлар қозоқлардагидек тартибда жойлаштирилади, яъни турда сандиқ туради, деворга кийим-кечак осиб қўйилади, уйнинг икки ёнида бошқа уй анжомлари туради, уртада ут ёқиладиган чуқурча бўлади. Уй ичига ё гилам, ёки намат тушалади. Қўргон орқасида ёки уйнинг атрофига боғлар бўлади. Канал ва ариқларнинг ёқасига дараҳтлар ўтқазилиб, уларни жуда авайлаб парвариш қилишади. Хиваликлар кўпинча шу дараҳтларни кесиб, иморатга ҳам ишлатишади. Уларнинг далалари қўрғондан узоқ бўлмайди.

<sup>1</sup> Дон сақланадиган бу омборларнинг тагига похол тушалади, четларига чий-қамиш терилиб, буғдой тўлдирилгач, қамишлар буғдой устига ёпиб қўйилади ва яна похол тушалиб, унинг устидан тупроқ тортилади.

Хива шаҳарлари тартиб ва режасиз қуриб ташланган ҳовли ва бинолардан ташкил топган; кӯчалар эгри-буғри ва ҳаддан ташқари тор бўлғанлиги сабабли қарши келиб қолган икки арава ўтиб кетолмайди, баъзиларига эса арава мутлақо киролмайди. Шаҳарларда амалдорлар, савдогарлар, хунармандлар яшайди, деҳқонлар йўқ ҳисоб. Ҳар қайси шаҳарнинг теварак-атрофида болгар мавжуд. Ҳар бир шаҳар ёки қишлоқда ҳафтада икки марта бозор булади.

Энг йирик шаҳарлардан Хивада хон қароргоҳи жойлашган бўлиб, у узунлиги 3 ёки 4 чақирим келадиган пахса девор билан уралган. Хон саройида ҳарбий анжомлар, қурол-аслаҳалар туради. Шаҳарда 10 та гиштли масжид, гиштдан ишланган 2 та минора; шаҳар четида 2 та гиштин кўпприк бор. Хива атрофида жуда катта ерларни қоплаган бир талай обод болгар бор. Хива пойтахт шаҳар бўлғанлиги сабабли, бу ерда турли уруғлардан ва бир-бирига дўст бўлмаган қабилялар вакиллардан иборат давлат бошқармалари тупланган. Агар улар итоатдан бўйин товласалар, хон осонлик билан, ҳатто қурол ишлатмай, уларни итоаткор қилиб қўяди, яъни ўз қароргоҳини улардан ажратиб турган бош каналларга сув қўйдирив юборади.

Ҳазорасп Хивадан кичикроқ бўлса ҳам, давлатнинг энг мустаҳкам шаҳри ҳисобланади; бу шаҳарда хоннинг укаси туради. Шаҳар тупроқ кўтарма ёки пахса девор билан уралган бўлиб, унинг атрофида чуқурлиги салкам икки саржин, эни 20 саржинча келадиган сув тула ҳандақ бор. Шаҳар атрофида, айниқса, олмалари билан донг чиқарган яшнаб турган жуда кўп бог-роғлар мавжуд.

Янги Урганч Хивадан анча кичик. Шаҳарни ўраб турган деворлар бутунлай ҳаробага айланган; бу шаҳар ўз саноати ва савдоси билан хонликда муҳим аҳамиятга эга.

Тошовузнинг майдони Хивага тенг келади, атрофи пахса девор билан уралган, аҳолиси камроқ бўлиб, унда асир тушган эронийлар яшайди.

Шовот, Гурлан, Хўжайли, Қўнғирот шаҳарлари ҳам катталиги жиҳатидан Ҳазорасп шаҳрига тенг бўлиб, уларни ўраб турган деворлари бузилиб кетган.

Тинтак, Уйфур, Качавот, Манғит, Қипчоқ, Қиличбой, Илалла, Хитой, Анбар ва бошқа кўпгина шаҳар ва қишлоқларда аҳоли кам. Бир вақтлар улар атрофига қурилган пахса деворлар ҳозир нураб, бузилиб кетган.

Хива хонлигининг чеккаларида харобалар кўп; собиқ Кўхна Урганч шаҳри харобалари улар ичида энг мўътабаридир. Бу ердаги эски масжид биносининг баландлиги ҳам 8 саржинга боради. Собиқ ша-

ҳарда яна бир обида — тагининг эни б саржин, баландлиги 20 саржин келадиган гиштин минора, унинг ичидан юқорига чиқиш учун ўзига хос нарвон бор<sup>1</sup>. Хиваликларнинг айтишича, минора тепасига чиқиб, душманлардан бохабар булиш учун чор атрофни кузатиб туришган. Бу ерда бузила бошлаган яна бир минора бор. Бундан ташқари, тошдан бунёд қилинган бир неча мақбаралар кўзга ташланиб, улар ичida Друахон ёки Тохананинг<sup>2</sup> мақбараси хиваликлар назарида энг муқаддас ҳисобланади. Бу мақбараларнинг ичи ва ташқариси катта кошинлар ёки кошин-ғиштлар билан қопланган.

Кўхна Урганчда селитра чиқадиган мозор ҳам бор. Хиваликлар бу селитрадан мильтиқ дори ишлайдилар. Яқинда ана шу харобалар ўрни бозор қилинниб, яна аҳоли яшайдиган жой булиб қолди.

Амударёнинг ўнг қирғоғида ҳам илгари аҳоли яшаган жойлар ва шаҳарларнинг кўпгина харобалари учрайди. Аёзқалъя (айтишларига қараганда, унинг бир қисми ер остида қолиб кетган), Душанқалъя, Гулдурсин, Шаббоз ва Сидмарой харобалари шулар жумласидандир. Бу харобаларнинг баъзиларида Кўхна Урганчдагидек гиштдан барпо қилинган миноралар ҳам бор. Бундан 25 йил муқаддам дарёning ўнг қирғоғидаги ерларга канал қазиб сув чиқарилиши билан бу ерларга кўплаб хиваликлар кўчиб келиб, тегжойлик булиб қолиши. Инак, Шаббосвали, Овли ва бошқа қишлоқлар ана шундай барпо булган. Бу ерда қадимий сув йўлларининг изи ҳозир ҳам сақланиб қолган.

### **Хонликда яшайдиган қабилалар**

Хива хонлигининг аҳолиси ўзаро ноаҳил бўлган ва хонга зўр-базур итоат этган турли-туман қабилалардан ташкил топган. Шаҳарларда ва шаҳар атрофларида, асосан, Xўжайлидан Тошовуз ва Гурлангача чўзилган ерлардаги қишлоқчаларда ўзбеклар яшайди. Ўзбеклар, асосан, балиқ ови, боғдорчилик, дәхқончилик ва ипакчилик билан шуғулланишади.

Хива, Янги Урганч, Кеш ва Шовот шаҳарлари атрофларида ва купроқ шаҳарларнинг ўзида ўзбеклар яшайди, чунки улар галлакорликдан ташқари, асосан, савдо, хунармандчилик ва ипакчилик билан шуғулланишади.

<sup>1</sup> Ҳар икки қатор гиштдан сўнг кўндалангига ташланган, узуналиги минора диаметрига тенг бўлган тут ёғочидан ишланган тусинчалар минора деворини қулф-калит қилиб туриш билан бирга, айни вақтда нарвон вазифасини ҳам бажарган.

<sup>2</sup> Ушбу номлар манбада бузиб кўрсатилган.

Күнғирот ва унинг атрофларида оролліклар яшайды. Улар ғалла-корлик, чорвачилик ва балиқ ови билан шуғулланишади.

Амударё этакларida, Хужайлидан Орол денгизи томон чұзилған ерларда ва Орол денгизидаги оролларда қорақалпоқ хонадонлари жойлашған. Улар, асосан, чорвачилик ва қисман галлакорлик билан шуғулланишади. Қорақалпоқдарнинг қарийб ҳаммаси күчманчилик билан ҳаёт кечиришади. Уларнинг жойлари волост ёки округларга булинған булиб, ҳар қайси әлат үз округлари доирасидагина құчиб юришіга ҳақы.

Тамагур ва Илалли шаҳарларидан Күхна Урганчгача чұзилған ерларда туркманлар яшайды. Буларнинг машгулоти ғаллакорлик ва чорвачиликдір.

Хонликнинг Толгузи, Илалли ва бошқа жойларida қизилбошлар деб юритиладиган собық эроний асирлар яшайды. Улар деҳқончилик билан шуғулланишади. Ҳали озодликка чиқмаганлари үз хұжайнинларининг ерида ишлаб, уша ерда яшайдилар.

Илалли ва Тошовуз оралиғида деҳқончилик ҳамда ипакчилик билан шуғулланувчи бухоролик асирлар тагжойлик булиб кетишиганды.

Хонликнинг түрли жойларida озод қилинған рус асирлари яшайды. Уларнинг сони жуда оз булиб, деҳқончилик, ҳунармандчилик билан шуғулланишади. Ҳали озод бұлмаганлари үз хұжаларига қарашли жойда яшашади. Руслар күпинча ёлланиб иш қилишади, баъзилари бойлар құлида гумашта сифатида хизмат қиласы.

### **Аҳолининг асосий машғулотлари ва маҳсулот ишлаб чиқарыш усуllари**

Хива хонлигидегі аҳолининг асосий машғулотлари озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш; бойиш деҳқончилик, чорвачилик, савдогарчилик, ҳунармандчилик ва боғдорчилик орқали бұлади.

#### **Канал қазиши**

Хива хонлигининг замини иқлим шароитига ва бошқа хусусияттарға күра, күпроқ ҳосил бериши учун етарли равища сув булишини талаб қиласы. Шунинг учун ҳам Амударёдан чиқарылған каналдарни үз вақтида тозалаш, қазиши каби ишлар деҳқончилик қиласынан аҳолининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу ишга жуда күп мөхнат сарфланади. Хон каналлари ёки асосий каналларни чуқурлаштириш ёки кенгайтириш учун, шунингдек, янги каналлар

қазиши учун ҳар йили бутун хонлик миқёсида ўлпон тұлайдиган ва ери бұлған хонадонлардан қозон бошига бир кишидан ишловчи олиниади. Бу одамлар иш күламиға қараб бир неча қысмаларға булиниб, навбатма-навбат ишлашади. Ҳар қайси навбатда киши 15 кундан ишлаб беришгә мажбур. Ишни тұлағайрат билан қылиш талаб этилади. Ишбошилар ёки ясовуллар дангаса ёки секин ишлаёттандарни шафқатсиз жазолашади. Ҳатто чала үлкін қылиб калтаклаш ҳоллари ҳам бўлган. Бу оғир меҳнат азобидан кутулиш мақсадида баъзи бирлар ўз ўрнига кунига 2—3, ҳатто 15 сўмгача бўлса ҳам одам ёллашган. Қазишишлари шитоб билан бажарилган. Бир хивалик бир кунда лойикумли заминда 2 куб саржинга яқин жойни қазиий олади. Ёшликтан бошлаб ишнинг ҳадисини олиш, бу ишнинг ўрганиш бўлиб қолганлиги ҳамда яхши ишланган Хива белкураклари бу укубатли меҳнатни енгиллатишга ёрдам берувчи омиллардандир. Бу хил белкураклар темир ёки темир билан чўян қотишмасидан ишланади, бўйи ярим, чорак кам бир газ, оғирлиги 5 қадоқ, ўрта жойнинг эни 6—10 вершок бўлади, чети бироз букилган бўлиб, уни үткир, тилсимон чузиқ доира шаклида ясалади.

Жамоа каналларини ёки майда каналчаларни тозалаш учун ҳар бир округда ҳар 8—10 таноб ерга битта одам ҳисобидан ишловчи олиниади, ишлар бир ой ва ундан ҳам кўпга чўзилади. Ҳар бир ер эгасининг жойидан ўтган ариқ ва кичик каналчаларни тозалаш эса унинг ўзига юклатилади.

### Деҳқончилик

Деҳқончилик аслида сермеҳнат ишдир. Хива хонлигига сепила-диган доннинг асосий хиллари юқорида санаб ўтилди. Бу экинларнинг парвариши учун тўхтовсиз меҳнат қылиш керак бўлади. Тошқин олиб келган чукинди лой бу ерда ерни асло семиртирмайди. Ундан ташқари, қора тупроқли ер ҳам йўқ, шунинг учун кузда ва қишила ерга солинадиган ўғит тайёрлаб қўйилади. Чунончи, даланинг маълум бир жойига даставвал қум ташиб келтирилиб, 2 вершок қалинликда ерга ёйилади. Унинг устига шу қалинликда гунг ташланади, ундан сўнг бир қатлам шўрхок тупроқ солиниб, ҳаммаси қориширилади; сўнгра унинг устига яна шу уч қатлам қайта-қайта солиниб аралаштирилади. Шу тариқа 2000 ва ундан ҳам ортиқ арава гунг тайёрлана-ди. Баҳор бошланиши билан март ойининг боши ёки урталаридан канал, ариқ ва зовурларни тозалаш ва тузатишга киришилади, сўнгра тайёрлаб қўйилган ҳалиги ўғит далага ташланади. Бунда,

масалан, қовун ва жұхори әкіладиган жойлар ҳам танобига 250—300 арава, буғдой учун 200 арава ҳосибидан үғитланади. Пахта, кунжута үғит солинмайды, чунки улар илгари буғдой ва жұхори әкілган ерларга әқилиб, агар мавриди бұлса, 10—12 марта шудгор қилиниб, устидан сув берилади. Нам ерга уруғ сепилгач, яна иккى марта шудгорланади ва устидан мола бостирилади. Пахта, кунжут, мош, тарық сепиладиган ерга эса аввал сув берилади, сұнғ уруғ сочиб, иккى-уч марта шудгор қилинади, кейин мола бостирилади. Экінлар ичіда әнг әрта әкіладиган қовундир; май бошларыда пахта, жұхори, майнинг үрталарыда кунжут, мош, сұқ ва тарық, августнинг охирларыда, кузда буғдой сепилади. Мола бостириш иккى усулда: биринчи бор сих мола, кейинги сафар таhta мола билан амалға оширилади. Қовун, жұхори уруглари ва чигит ердан униб чиққаң, кетмөн билан ниҳоллар остига тупроқ тортиб, бегона үтлар үлдирилади. Бошқа дон экинлари эса бу хил парварищсиз ҳам үсаверади.

Июнь ойіда буғдой пиша бошлайды. Июль үрталаридан үримга тушилади. Ана шу вақтда қовун ҳам пишади, октябрь бошларыда ёки үрталарыда жұхори ҳосиلى йиғиб олинади, бордио бундан бурунроқ үрілгүдек бұлса, ғарамланғанда бұрсыб, чириши мумкин. Шундан кейин фаллани янчиш бошланади. Бу иш от-улов ёрдамида бажарылади. Фалла янчиладиган жойлар қышга шай қилиб құйилған бұлади. Шунинг учун ҳам бу ерда йил бүйі иш тұхтамайды. Хиванинг ери қаттық бұлиб, бир жуфт ұқызы ва бир жуфт оти бор одам, агар канал тозалаш ва бошқа ишларға сафарбар этишдан озод қилинса, бінші 7 таноб ерни аранг әплайди. Агар сувни чигириқ билан чиқарып дәхқончилик қилинадиган бұлса, 5 танобдан зиёдига күч етмайди. Бу ерда ер асосан омоч билан шудгор қилинади.

Омочга чұяндан ишланған тиіш үрнатылған бұлади. Хивада тошлоқ ва шагалли замин қарийб үйкелігі сабабли бундай чұян тишлиар темирдан қилинганиң қараганда яхшироқ бұлади, улар букилиш ва үтмасланиш үрнига ишлатылған сары үткірлашаверади ҳамда әхти-әтсизлик оқибатида баъзан құшга құшилған ұқызларнинг оёйнін қирқиб ҳам кетиши мумкин.

Омочнинг узун шотиси бұлади, шотига бүйинтуруқ үрнатылған ва унга бир жуфт ұқыз құшилади. Бүйинтуруқда мих кириб турадиган бир неча тешикчалар бұлади. Агар майда шудгор қилиш керак бұлса, михларни яқынроқдаги тешикчаларға киритилади, бордио, шудгорни чуқурроқ қилиш лозим бұладиган бұлса, михлар узокроқдаги тешикчаларға суқиб құйилади. Бу қурилмада, ұқызларнинг

юқори бүйни, ён томонларига күпроқ күч ва оғирлик тушадиган бұлғани учун бүйинтуруқнинг пастки, бүйиности томони фақат арқон билан маҳкамланади. Хиваликлар ерни даставвал 1—1,5 вершок чукурлиқда майда шудгор қилишади, сұнгра омочни аста-секин чукурроқ тушириб, чорак газгача етказиб шудгорлашади. Бир жуфт яхши ұқыз ва бир омоч билан бир кунда бир таноб ерни 2 марта ҳайдаб, уруг сепиб, икки марта молалаш мүмкін.

Хиваликларнинг үропи тұғри булиб, уч томонига бир оз эгік қилиб ишланған. Чалғи мутлақ ишлатилмайды. Хивада шұрхок ерлар күп, бироқ уларга бұғдой сепилаверилади; бунинг учун ернинг шури ювилади, ерга уруг сепилгач, тез-тез суғориб туриласы. Агар ер тепалик бұлиб, сув чиқиши қыйин бұлса, шұрхок ерлардаги оқарыб турған дөғ жойлар қыртишлаб ташланади, сұнг иложи борича күпроқ үғит солиниб, турли хил дон уруғлари сепилади.

Хосилнинг күп-озлиғи дарёдан оқиб үтадиган сувнинг миқдорига боғлиқ бұлса-да, сув танқис келган йиллар учун сув захира қилинадиган жамоа сув омборлари йўқ. Лекин хонликнинг гарб томонига, Хива яқынинда жойлашған қўпгина қўллар ана шундай сув омборлари қуришни енгиллаштириши ҳам мүмкін эди. Чиғириқ воситасида ёки каналларни бўғиб баланд жойларга сув чиқариш мүмкін. Умуман, Хиванинг жануб қисмидә, дарёнинг чап соҳилидаги жойларга қарийб ҳамма вақт чиғириқ орқали сув чиқарилади, чунки бу ерлар анча баланд. Агар сув камчил бўлса, чиғириқнинг ҳам нафи тегмайды, бундай вақтларда каналларнинг үзида сув қурийди, натижада, ҳалокатли ҳосилсизлик бошланиб, бир пуд бұғдойнинг нархи 5, ҳатто 15 сүмгача чиқиб кетади. Лекин бундай қийинчиликлар ва етишмовчиликларга қарамай, дәхқончилик хонликнинг ривожланиб бораётган соҳаси булиб, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг асосий усули ҳам ташқи савдонинг муҳим воситаси ҳисобланади.

### **Богдорчилик ва ўрмончилик**

Хонликда bogдорчилик ва ўрмончилик ҳам яхши аҳволда, дейиш мүмкін. Улар билан күпроқ шаҳар атрофия яшовчи аҳоли шуғулланади. Бу ерда тут, олма, нок, олхўри, урик, шафтоли, хурмо ва бошқа мевали дараҳтлар уруғдан экиб кўкартирилади. Шунингдек, қоратерак, қайрағоч, сариқтол, ёввойи хурмо, тоғтерак, терак сингари ўрмон дараҳтлари ўстирилади. Улар эрта баҳорда қозиқ қилиб ёки бүйи ярим газ, йўғонлиги жимжилоқдек бўлган кўчатларни ўтказиш йўли билан кўпайтирилади. Дараҳтлар бир-биридан ярим газ

чамаси оралиқда канал бүйларидан үтқазилиб, уларға сув құйилади ёки ариқ очилади. Мевали дараҳтларға етарли миқдорда гүнг солинади. Дараҳтлар бу ерда яхши үсади. Мевали дараҳтлар туртинги йили ҳосилга киради; болгарда капалак құрти бұлмайды, лекин күпинча қиши совуғи меваларни уриб кетади.

### **Чорвачилик**

Хива хонлигіда чорвачилик билан асосан құчманчи қабилалар шуғулланишади, үтроқ ахоли эса ем-хашакнинг камлиги сабабли фақат деңқончиликтә, юқ ташиш, миниб юришда иш берадиган зарур ҳайвоңларни ва әчки, құйларнегіна сақлады.

### **Савдо**

Хиваликлар учун савдо тирикчиликнинг муҳим омилларидан бирини ташкил қиласы. Үзиге түқ кишиларнинг қарийб ҳаммаси савдо билан шуғулланишади. Хивадан Россияға, Эронға түя карвонлари қатнайды. Бухорога эса моллар, туялардан ташқари, сув орқали кемаларда ҳам жунатилған. Ички савдо қуруқлик йүллари билан түя, икки фидирекли аравалар орқали; Амударё ва каналлар бүйлаб сув орқали олиб борилади. Ахоли яшайдын ҳар қайси қишлоқ ва ша-харда бозорлар мавжуд булиб, уларда қорамол, түя, от ва құй (уларни күпроқ қозоқлар ҳайдаб келишади) каби чорва моллари, ғалла, кийим-кечак, чопон, ипак ва ип газламалар, порох, қурол-аслақа, белқурак, деңқончилик қуроллари, икки фидирекли аравалар, әгар ва бошқа жабдуқлар; ёғоч, күмир, ишқор, туз ва бошқа жуда күп моллар олди-сотди қилинади. Бу моллар айирбош ҳам қилинади, пулға ҳам сотилади. Хива хонлигіда пул құммати тилла ҳисобида юритилади: 1 тилла 28—35 танга үрнида: танга кумуш булиб, икки танга 1 аббосға баравар, 1 танга эса 35—50 пул ёки қора чақа үрнида юритилади; қуриләттән давр рус пулида танга ярим сүмликка, 1 аббос — сүмга, тилла — 15 сүмга баравар келади. Пул қиймати доим үзгариб туради. 1837—1838 йилларда олтин ва жезнинг қадри ошған, кумушнинг қадри эса паст тушган, кумуш рупия ҳисобида Эрондан олинади. Шу йилларда бир тилла 18 кумуш сүмгача чиққан; бир танганинг қиймати эса 37 пулдан ошмайды. Ишлатғанлық учун ҳақ ва молларнинг нархи ҳосилга, баршчинага ва бошқа омилларға қараб үзгариб туради. Күрсатылған йилларда амалда юриб турған нарх-наволар қуйидагича бўлган:

бир одамни от-араваси билан дарёдан ўтказиб қўйиш бир танга, отлиқ кишини ўтказиб қўйиш ярим танга, 25—30 пуд юкни Гурландан Хивагача от-аравада олиб бориш 5 сўм туради. Бир кишининг бир ойлик иш ҳақи 7 сўм бўлади. Ариқлар учун бир танга, хон ариқлари учун 5—6 танга ва ундан ҳам ортиқ туланади. Судхурлар ой сари фоиз олади. Қарздорлар бир тиллага ҳар ойда 1 сўмдан тूлашга мажбур. Рус асирлари ёши ва куч-қувватига қараб 60—90 тилладан сотилади. Лекин ўша пайтда бу нарх 30—35 тилладан ошмаган, чунки улар рус ҳукумати томонидан олиб кетилмоқда эди. Эроний асирларнинг баҳоси бу нархдан 15—30 тилла паст юради. Туя баҳоси 4 тилладан 12 тиллагача, кўй Россияядагидан қиммат, ҳўқиз ва отлар эса арzon бўлади; эшакнинг баҳоси 5 сўмдан 30 сўмгача боради, араванинг баҳоси 4—8 тилла, ҳозир эса 10 тиллагача сотилади. Уларнинг оғирлиги тахминан 20 пудгача боради, фиддиракларига темир қопланмайди<sup>1</sup>. Бир ботмон буғдой 60 тийиндан 1 сўмгача сотилади. Бошқа моллар ҳам ботмон ҳисобида қўйидагича бўлади: жухори 40—80 тийин; арпа 40—60 тийин; гуруч 2—3 сўм; кунжут 2—4 сўм; кунжут мойи 6—8 сўм; тариқ 40—60 тийин; туршак 3—4 сўм; чигитдан тозалангтан пахта 3—4 сўм; (1837—1838 йилларда 2—3 сўм); чигитдан тозалангтан пахта 8—10 сўм (1837—1838 йилларда 7—8 сўм); пахта толаси 14—16 сўм (1837—1838 йилларда 12—14 сўм); пахта толасини хиваликлар рус савдогарларига 30 сўм ва ундан ҳам қимматга сотишади. Лекин Оренбургга олиб бориш учун йўл харажати хиваликлар учун ҳаммаси бўлиб 3—4 сўмдан ошмайди.

Бир ботмон темирнинг баҳоси 8—10 сўм (1837—1838 йилларда 18—20 сўм) туради; чуян 2,5—3 сўм (1837—1838 йилларда 6—8 сўм); оддий плуг тиши 1—1,5 сўм, қўнғиротники 2 сўмгача; ўроқ 50—75 пул; унча катта бўлмаган рус оддий болталарига қараганда икки баравар энсиз бўлган болталар 2—3 сўм (1837—1838 йилларда 5 сўм); мотигалар 3 сўм (1837—1838 йилларда 4—5 сўм); оддий белкураклар 2 сўм (1837—1838 йилларда 3 сўм); чуян темирлиси 3—4 сўм (1837—1838 йилларда 6—6,5 сўм), узунлиги 4 саржинча, йўғонлиги 6 вершок бўлган қоратерак ходалари 12—15 сўм; бошқа хил ёғочлар бундан қимматроқ; арава ўқи ясаладиган ғулалар 11,5 сўм; этиклар 4—5

<sup>1</sup> Фиддирак тўғинларига балиқ елими суриласди, сунг ёриқ ва четноқларни майдалangan кумир аралаштирилган пахта мойи билан мойланади. Бу тадбир фиддиракни чиришдан сақлайди. Фиддиракнинг баландлиги бир саржин, тегарчакнинг эни 1—1,5 вершок бўлади. Фиддирак кегайлари, одатда, 18 дона қилиниб, йўғонлиги бир вершок қилиб ишланади, гупчакнинг узунлиги ярим газ.

сүм (1837—1838 йилларда 14 сүм); булфори чарм 10—12 сүм (1837—1838 йилларда 30—40 сүм); порох 1—2,5 сүм; ернинг бир таноби, сифатига ва жойига қараб, 15—500 сүмгача баради; Хива ва Янги Урганчга яқинлашган сари ернинг нархи ошиб боради.

### Касб ва ҳунармандчилик

Хива хонлигининг мануфактураси ва фабрика саноатида йирик корхоналар йўқ. Хиваликлар пахта ва ипакни фақат ўз оила эҳтиёжлари ёки чакана сотиш учун ўз уйларида оддий усул билан ишлайдилар. Пахта савдоси, асосан, Янги Урганч ва Хивада бўлади, у ерлардан эса Россияга чиқарилган.

Пахта қуйидагича қайта ишланади: далада териб олинган пахтани аёллар қўлда пучоқлардан тозалаб олиб, офтобда 3—4 ҳафта қуритишгач (агар пахта етилиб пишган бўлса, бир ҳафта ва ундан ҳам оз вақтда қуритилади), чигитдан тозаланади, бу иш икки валикли дастгоҳ ёрдамида бажарилади. Бу икки валик соп ва валиклар учига ўрнатилган тишлиғидар воситасида айлантирилади. Фиддираклар бирбирига қарама-қарши айлангани сабабли улар орасига туширилган пахта тишларнинг ҳаракати билан чигитдан тозаланиб чиқади. Шундан сўнг тозаланган пахта чархда йигирилади, бунда бир қўл билан чарх қулоғи айлантирилса, иккинчиси билан чархда айланниб турган дукка ўралаётган пахта ип тутиб турилади. Пахтани тозалаш, йигириш ва ундан оддий бўз тўқиб чиқариш аёлларнинг уйда ўтириб бажарадиган юмушлари жумласига киради.

Жуда кўплар, айниқса, шаҳарликлар косибчилик ва ҳунармандчилик билан шуғулланишади. Бу ердаги асосий касб ва ҳунарлар тубандагилардир: биринчидан, қурол-аслаҳа ясаш, темирчилик, қўймачилик ҳунарлари бор; хиваликлар ўzlари милтиқ, найза ва бошқа қурол-аслаҳалар ясай олишади. Қурол ясашда донг чиқарган икки уста бор, уларнинг бири Янги Урганчда, иккинчиси Ҳазораспда яшайди. Хивалик темирчилар устара, қайчи, пичноқ, уроқ, гиддираклар учун втулка<sup>1</sup>, appa, болта, мотига ва шу сингари турли-туман темир ва пулат буюмлар ясашади. Рус асиirlари, айниқса, хиваликларнинг белкуракларини жуда мақташган. Бу ерда темирдан ва темир-чӯян аралашмаси қотишмасидан ишланган белкураклар бўлади. Булардан биринчи хили русларни кидек ясалади, аммо иккинчиси бошқачароқ, яъни тубандагича ясалади: кум аралаштирилган лойдан

<sup>1</sup> Втулка — сербар, ҳалқасимон темир.

кұра ясалиб, ичи үра қилиб кавланади. Үранинг чуқурлиги ва эни 0,5 газ бұлади. Үранинг бир ёнида тешик қолдирилиб, унга иккита босқон үрнатилади. Құрага құмир, сұнgra темир ва чұян ташланиб, құмир үт олдирилади. Босқонларға берилған дамнинг таъсирида құмир аланга олиб, темир билан чұян эрий бошлайды, керак бұлса, яна құмир ташланиб, олов кучайтирилади. Құрадаги металл бутунлай әриб, суюқ ұлға келгач ва ранги оқарғақ, темир чүмич ботириб олиніб, қолип үрнида тайёрлаб құйилған құм ичига керакли миқдорда құйилади: шундан кейин тегишли шаклда қотиб қолган металлни тоблаш үйли билан ҳақиқиit белкурак шаклига келтирилади. Құрада ёқиши учун саксовул құмири ишлатилади; бу құмири ёнганда жуда зұr иссиқлик ҳосил қиласади. Плуг тишлоар ҳам худди шу усул билан ясалади. Құнғиротда эса тайёр маңсулотнинг мұртлигини камайтириш ва ёпишқоқлигини орттириш мақсадида қориshmaga бир оз мис құшиб әритишади. Бу тишлоарнинг орқа учи қалин шаклда құйилиб, унинг ичидә кавак қолдирилған бұлади. Тиши ана шу кавак орқали сұқага кийгизилади. Тайёр бўлған тишининг учи айланиб турган тегирмон тошида чархланиб, ўтқир қилинади ёки сұқага кийдиріб, қаттқа ерда солиниб тобига келтирилади.

Иккинчидан, олтин ва кумуш буюмлар ясайдиган заргарлар бўлади. Учинчидан, тувак ва гишт қуювчи хунармандлар сопол идиш ва гиштларни янтоқ ёқиб пиширишади. Идишлар ҳар хил ҳажм ва шаклда, жуда пухта ва чиройли қилиб ясалади. Уларнинг сифати русларни-кidan яхшироқ бўлиб, ҳар хил нақш-гуллар солиб ишланади. Кулолчилик лойига қамиш момиги ва шунга үхшаш нарсалар қушилади, натижада лой жуда ёпишқоқ ұлға келиб, ундан катта ҳажмдаги идишлар ясаш осон бўлади. Хивада, айниқса, бу ердаги руслар орасида дурадгорлар ҳамда тўкувчилар, косиблар кўп, татарлар орасида эса кийим тикувчилар, шунингдек, кўнчилар, кигиз босувчилар, токарлар ва бошқа касб әгалари ҳам жуда кўп.

## Кемачилик

Хонликда кемачилик яқындагина<sup>1</sup> ривожлана бошлади. Кемалар фақат Шовот ва Полвон каналлариданғина қатнамасдан, Амударё бўйлаб Бухорога ва Орол денгизи бўйлаб Сирдарёning қуйилиш жойигача боради.

Кўпчилик юқ ташувчи кемалар Хивадан чиқиб, Амударёning қуйилиш жойидан Орол денгизига тушади ва денгизнинг шарқий

<sup>1</sup> Яъни, вақт 1837—1838 йилларга нисбатан назарда тутилмоқда.

соҳили бўйлаб сузиб, Сирдарёнинг кўйилиш жойига боради. Хиваликлар бу узоқ сув йўлидан сузиб ўтаётганда, айниқса, Орол денгизининг ўрталарида бўладиган гирдобларга тушиб қолишдан қўрқиб, мумкин қадар қирғоқча яқинроқ жойлардан ўтишади. У ерларга фалла ва бошқа ҳар турли моллар олиб боришади; хиваликлар каналлар бўйлаб туз, кўмир, фалла, қамиш ташишади, ёғочни сол қилиб оқизишади. Кемаларнинг таги ясси бўлади, кеманинг икки томони узунасига солинган 2 ёки 3 та тўсиндан, таги эса қора терак ёки бошқа хил ёғочдан ишланади. Кеманинг ён томонлари тирноқ ва ўйиқ чиқариб бир-бирига маҳкамланган калта тахталар билан бекитилади. Бу тахталар ёғоч михлар воситасида узунасига қўйилган тўсинларга қоқилади. Михлар чиримайдиган тут ёғочидан ясалади, тахталарнинг уни темир скобалар билан маҳкамланади, шунингдек, кеманинг уни ва қўйруқлари ҳам темирлар билан бириттирилади. Кемалар боғларда ҳамда ариқ бўйларида хиваликлар ўзлари экиб кўкартирган қора терак, терак, сариқтол каби дараҳт ёғочларидан ишланади. Куриб битказилган кеманинг чок ва тирқишилари қамиш момиги билан яхшилаб беркитилади.

Кеманинг рули ва елкани булмайди, уни узун ходалар ва қўпол ишланган эшқаклар ёрдамида юргизилади, баъзан у ходаларга тахтачалар ҳам қоқишади. Кеманинг катталиги ҳар хил бўлади. Узунлиги 10 саржинга борадиган кеманинг эни 2,5, баландлиги 1,5 газ бўлади. Лекин узунлиги 12 саржин ва ундан ортиқ бўлган, 700 пудгача юк кўтара оладиган кемалар ҳам бўлади. Бундай кемаларда устига юк ортилган 10 та түя ёки 100 кишини бир йўла ташиш мумкин; кема бир газ чамасида сувга ботиб туради. Аҳолининг жуда кўпчилигига, айниқса, уз шахсий қайиқларига эга бойларда бир ва иккитадан росмана кема бўлади. Ҳар бир шаҳарда ана шундай кемадан 20 тача бўлиб, улар мол, фалла, ёғоч, туз ташишдан ташқари, карвонларни Амударёдан ўтказишида ҳам ишлатилади. Карвонларнинг дарё бўйлаб Бухорога боришида Хонқа орқали йўл асосий ҳисобланади. Янги Урганч, Гурлан шаҳарларининг қаршисида, Юмур шаҳрининг пастрогидаги Қипчоқ, Ҳужайли, Қунғирот шаҳарлари яқинида ҳам кемалар нариги соҳилга юк олиб ўтади. Бундай ўтиш жойларини ясси кемалар танлаб беради. Сувнинг чуқур жойларидан ўтиш қийинроқ бўлиб, бунда юқорида тилга олинган ходалар (эшқаклар)нинг ҳам нафи тегмайди. Кемани бир оз буриб дарё оқими бўйлаб солинади. Бу вақтда кема эшқакка ўхшатиб ишланган узун ходалар ёрдамида бошқариб борилади. Шу йўсинда кема сузиб бориб, саёз дуч келиб қолса, яна ходалар билан бошқаришга ўтилади. Дарёнинг нариги қирғогига ўтиш учун кемани сув оқимига қарши, юқорига томон 4

чақирим ва ундан ҳам күп ҳайдаб бориш лозим булади, лекин баъзан оқим уни аксинча, орқага оқизиб кетади. Шу сабабларга кўра, дарёдан ўтиш жуда машаққатли иш ҳисобланади. Шунинг учун дарё суви купайган вақтларда кема бир кунда бир марта дарёдан ўтиши мумкин, сув камайган кезларда эса кунда икки марта ўтса булади.

## Йўллар ҳақида

Хива хонлигининг кучалари, умуман, тор булиб, дала томонга кетганлари шудгор ўрталаридан кесиб ўтади. Эни 3—10 саржин кела-диган кучалар ҳам бор, бунака кучаларни сув тошқинидан сақлаш мақсадида уларнинг икки чети күпинча кутармалар билан иҳота қилинганди. Куз ва баҳор чоғлари, ёмғирли ёз кунларида ҳам кучаларнинг кўпи лой ва ботқоқ булиб ётади, бунга сабаб бу ерларда, умуман, шўрхок ва лойли жойларнинг кўп бўлишидир. Айниқса, Амударё ёқалаб кетган йўл дарё тошқини вақтида күпинча сув остида қолиб кетади. Бунақа кезларда бу кучадан аравалар мутлақо юрмайди, фақат отларга ёки тяяларга миниб аранг ўтиш мумкин. Кўхна Урганчдан Хўжайлига ва ундан Қўнғиротга олиб борадиган кўча ҳам шу аҳволда. Шунинг учун сув тошқини вақтида, аравада Қўнғирот ёки Қорагумбат шаҳарларига бориш учун Кўхна Урганч орқали Ойбурги шаҳрига ўтиб, сўнг ундан Устюрт бўйлаб Қўнғиротга боришга тўғри келади.

Хива хонлигига Кўхна Урганчга қадар бўлган йўлнинг ҳар икки томонида кўчманчиларнинг қишлоқлари ва экинзорлари бор. Кўхна Урганчдан Ойбуғригача ва ундан нари — Устюрт томондаги ерларда ҳам экинзорлар, кўллар ва қамишзорлар бор. Бу ерларда йилқичилик учун бой манбалар кўп, айниқса, баҳор ва ёзда қамишлар отлар учун яхши озуқа булади. Устюртнинг пастлик ва баландликлари Ойбуғри, Качак Суат ва Карагушбет деган жойларга қараганда жуда қулай, ҳатто аравалар ҳам ўтиши мумкин. Ҳазораспдан Хивага ва ундан Шовот, Тошховуз ва Булдумсаз шаҳарларига олиб борадиган йўл Хива хонлигига энг яхши ва қулай йўл ҳисобланади.

Хонликда ҳамма асосий каналларнинг йўлларни кесиб ўтадиган жойларига ёғоч кўприклар солинган. Бу кўприклар шунчалик торки, ундан битта арава зўрға ўтади. Унча катта бўлмаган ариқларда эса кўприкнинг узи бўлмайди. Ариқнинг йўлни кесиб ўтган жойларида унинг икки томони қиялатиб, ясси ҳолда нишаб қилиб қўйилади, натижада, бундай нишабликлардан аравалар ҳам ўтиб кетаверади.

Умуман, ёғоч камлиги сабабли хонликнинг жуда кўп ариқлари устуна кўпприклар қурилмаслиги айрим тур қўшинларнинг, масалан, тўплар ва обозларнинг<sup>1</sup> ҳаракатини қийинлаштириши мумкин, чунки битта йўл бўйлаб битта колоннада келаётган қўшин учун йулнинг тор булиши олға силжишни сусайтиради. Бундан ташқари, йулларнинг ҳар икки томони (бироз қумлоқлигини ва экин экилмайдиган жойларни ҳисобга олмаганда) тилим-тилим ариқлар чўзилиб кетган дала-лардан иборатлиги ва ариқ ёқаларига дараҳтлар экиб ташланганлиги ҳам қўшиннинг ҳаракатига фов бўлади.

### **Ҳалқнинг мол-мулк ва ҳукуқ масалаларига қараб табақаланиши**

Хива хонлигидаги, Россияда бўлгани каби, мол-мулкка қараб кескин айирмачилик йўқ. Ҳар қандай хивалик ёки умуман Муҳаммад уммати бўлган мусулмон киши ҳам савдогар, ҳам навкар, ҳам деҳқон, ҳам ҳунарманд булиши ва қул ишлатиб, ерга ёки бошқа мулкка эга булиши мумкин. Лекин ҳамма мажбуриятларни ўз вақтида адо этиши, чунончи, жон бошига солиқлар тўлаши, канал ва ариқларни тозалашга одам бериши лозим. Қул хожанинг шахсий мулки ҳисобланганлиги, инсонлик ҳукуқидан маҳрум бўлганлиги учун хожалар қул учун солиқ тўлашмайди. Кўпчиликда 10 нафар ва ундан ортиқ қул бўлади. Ўрта ҳол хиваликларнинг ҳам бир ёки икки қули бўлади.

Қорақалпоқлар ҳам айни шу ҳукуқларга эга булишади. Қорақалпоқлар тўлайдиган солиқлар бошқача бўлади, улар хон талабига мувофиқ, урушга, шикорга чиқишга мажбурдирлар (хон ҳар йили кузда Амударёning кўйи оқимидағи жойларга шикорга чиқади). Бу ерларга кучиб келган туркманлар жон бошига солиқни хиваликлар билан бир хилда тўлашади, лекин хон талаби билан ҳар 10 хонадондан битта навкар беришлари лозим, бунинг эвазига хон оила бошига 10 танобдан ер беради.

Хива хонлигидаги ҳалқнинг фақат бир гурӯҳи, яъни хожалар деб аталадиган саййидзода руҳонийлар (Муҳаммад авлоди) алоҳида ҳукуқларга эгадир. Улар ҳеч қандай солиқ тўлашмайди, ишлашмайди, хон каналлари ва ариқларни тозалашга чақирилмайди. Хожаларнинг ҳаммаси 1500 оиласдан иборат бўлиб, асосан Ҳўжайли

<sup>1</sup> Обоз — аравалар карвони.

яқинида истиқомат қиласылар. Уларнинг асосий касби савдогарчилек, деҳқончилик ва ҳунармандчиликдир. Ҳалқ хожаларни жуда ҳурмат қиласы, хожалар хон назарида ҳам мұтабар ҳисобланиб, баъзи ишлар ҳусусида хон улар билан кенгашади.

### Хонликнинг нуфуси

Баъзи маълумотларга асосланиб, Хива хонлигидаги аҳолининг сонини тахминан аниқлаш мүмкін. Юқорида хон каналларини қазиша тозалаш учун ҳамма хиваликлар жон бошига солиқ тұлаши ва одам бериши тұғрисида гапирилган эди. Шу ишлар бажарилаёттан вақтда ишләётган ҳамма ишчиларнинг сонини аниқлаш натижасыда солиқ тұлаган аҳоли сонини билиб олиш мүмкін.

Чунончы, Шовот каналини қазиша ҳар 200 ишловчига 50 саржиндан канал қазиша тақсимланған, қазилаёттан канал эса Шовотдан Омбор деган жойгача бұлған 20 чақиримлик масофага құзилған эди. Ана шу ҳисобға қараганда, каналда 40000 киши ишлаган бўлиб чиқади. 15 кундан кейин уларнинг үрнига ишловчиларнинг бошқа навбати келған. Уларнинг ҳам сони худди шунча бўлған. Айни шу вақтда Полвон каналида ҳам 40000 киши ишлаган. Шундай қилиб, Полвон каналини қазишга келгандар 120 минг кишини ташкил қильған. Ҳар бир хонадон ёки қозонбошидан бир ишловчи чиққанлиги сабабли хонадонларнинг сони ҳам 120 мингга тұғри келади. Ҳар қайси хонадон, үрта ҳисоб билан 4 жондан деб ҳисобласак, 480000 рақами келиб чиқади. Бунда солиқ тұлайдиган асл хиваликларнинг нуфуси келиб чиқади.

Хива құшинидаги 40000 навкарни назарга олсак, уларни юборған хонадон ёки оиланинг сони ҳам шунча бўлади: туркманлар ҳам тахминан 1000 хонадондан иборат, қорақалпоқлар 10000 уйлик. Шундай қилиб, бояғи 120.000 оила билан ҳаммаси бўлиб, 171.000 оила келиб чиқади. Ҳар бир оила үрта ҳисоб билан 4 кишидан иборат деб ҳисобласак, хонликда яшаб турған бутун аҳолининг нуфуси 684000 киши эканлиги келиб чиқади. Бу XIX асрнинг 20-йиллардаги ҳисоб-китоблиги эътиборга олиниб, кейинги вақтларда құшилған асирлар ва қуллар билан бирга ҳисоблаганда, 1837—1838 йилларда хонликда яшаб турған аҳоли сони 800000 кишидан иборат бўлған, дейиш мүмкін. Хонга тобеъ бўлған кўчманчи қозоқлар ва туркманлар бу ҳисобға кирмайди.

## **Хоннинг даромади ҳақида**

Хон қуидаги даромад манбаларига эга булган:

1. Хожалар, навкарлар ва күчіб келганд туркманлардан ташқари барча үтрок озод хиваликлардан жон бошига солиқ ундириб олиниб, 3 даражага бўлинган: энг бадавлат кишилар хонадон ёки қозон бошига 3 тилладан (салкам 45 сўмга тўғри келади), уртача давлатманделар 2 тилладан, камбағаллар эса 1 тилладан тулаган. Бу солиқни хонлик амалдори қушбеги йиғади. Халқни шу даражаларга булиш, рўйхатга олиш ҳам ана шу қушбеги қўлида бўлади. Солиқ солиш учун ҳар 6—7 йилда бир марта рўйхат қилинади. Чунончи, қушбеги хонликни айланиб чиқар экан, округ оқсоқолларидан ва имомлардан маълумот олади. Имомлар қасамёд қилишиб, ўз қўл остиларида бўлган хонадонлар сони ва уларнинг ахволи ҳақида хабар берадилар. Қушбеги улар берган маълумотларга ишониб рўйхат тузади ва шунга асосан солиқ йиғилади. Агар оила бошлиғи вафот этса, у хонадон солиқдан озод қилинади. 3 тилладан солиқ толовчи хонадонлар ахолининг ярмини, 2 тилладан толовчилар учдан бирини, қолган хонадонлар 1 тилладан солиқ толовчиларни ташкил қиласи. Шу ҳисобга кўра, 120 000 сўм солиқ ундириб олинган бўлади. Бу солиқ хиваликларнинг тинкасини куритади, айниқса, солиқ йиғишга мутасадди бўлган амалдорлар фирибгарлик ва алдамчилик қилишади.

Қорақалпоқлар ва Хива атрофидаги кўчманчи аҳоли кўй бошига 25 тийин ва қорамол бошига 74 тийин ҳисобидан чорва солиғи тўлашади, йилқи ва туялар учун солиқ олинмайди. Пули йуқлар баҳосига қараб чорва билан тулайверади. Кўчманчи туркманлардан эса ҳар қирқ бошга бир ҳисобидан чорва солиғи олинади.

2. Хива хонлигидаги экин экиладиган ернинг қарийб ярмиси хоннинг ўзиға қарашлидир. Хон бу ерларнинг бир қисмини маош ўрнида амалдорларга улашиб берган, бир қисмига ўзининг шахсий қуллари орқали экин эктиради, бир қисмини эса ижарага беради, ижара ҳақи хоннинг жўмардлигига боғлиқ; талай даромад йиғиб олинади.

3. Бождан келадиган даромадлар. Хива хонлиги орқали Россияга, Эронга ва Бухорога борадиган ёки Хиванинг ўзидан чиқиб кетадиган савдо карвонларидан ҳар бир юкли тия бошига 1 тилладан бож олинади. Хивага кириб келган моллардан эса қирқдан бир улуш олинади. Бундан ташқари, бозорларда сотиладиган жами моллардан ҳам бож олинади. Битта тия сотганлиги учун — 3 сўм, от, ҳўқиз, сигир учун — 1 сўм, кўй учун — 50 тийин, кул сотгани учун — 15 сўм ҳисобида хонлик хазинасига бож тўланади; шунингдек, келтирилган асиirlарнинг ўндан бири, баъзан эса бешдан бири хонга тегишли ҳисобланади.

4. Хон даражтзорларидан кесиб олинган ҳар арава ёғоч учун 1 сүмдан жарима олинади.

5. Хива ерлари атрофидаги күчиб юрадиган күчманчи қозоқ ва туркманлардан улар босиб олган молларнинг ўндан бир улуши ҳисобида ўлпон олинади. Хонлик ерида жойлашиб қолган туркманлар, қорақалпоқлар ва озод этилган қуллар дастлабки икки ёки уч йилда ҳамма жарималардан озод қилинади.

6. Хонга қарши жиноят қилган кишиларнинг бутун мулки хон тасаруфига ўтади.

7. Мөхмонхоналардан келадиган даромадлар, совғалар ва яна бошқа хил даромадлар ҳам хоннинг хазинасига тушади.

## Кўшин

Хива хонининг қўшини қўйидагича ташкил топган: 1) маош олиб хизмат қилаётган узбеклардан. Навкарликка кўпинча солиқларни тулашга қурби етмаган камбағаллар ёзилади. Навкарликка ёзилган ҳар бир кишининг яхши оти булиши керак, меҳтарнинг буйруги билан отга тамфа босилади ва шу кундан бошлаб бу от лашкарга қарашли ҳисобланади. Навкарликка ёзилган киши ҳарбий юришларга ўз отини миниб чиқади. Хонлик лашкарининг сони 40000 навкардан иборат бўлган. Лашкарга ёзилган кишининг оиласи солиқлардан, хон каналларини қазишга чақиришдан озод этилган. Ҳар қайси юришдан сўнг навкарлар 5 тилладан, ҳарбий амалдорлар эса курсатган хизматлари ва хоннинг жўмардлигига қараб 10, 20, 50, 100 тилладан ва ундан ҳам кўпроқ инъом олишади. Бийлар 50—100 тилла, юзбошилар 10—20 тилладан олишади. Шуни ҳам айтиш керакки, фақат амалдорларгина пул маош олишади, оддий навкарларга эса хон тайин қилган баҳода фалла берилади. Хон лашкарини яхши деб бўлмайди. Лашкарга яхши отлар танлаб олинса-да, юришларда ем-хашакнинг етишмаслиги сабабли кўп отлар ўлади. Юришда ўлган от учун эгасига фақат беш тилла туланади, холос. Шунинг учун кўплар юришга ночор от билан чиқишга ҳаракат қиласи, баъзилар ўз ўрнига одам ёллаб юборади, порахур амалдорлар бундай найранглардан кўп фойда куришади.

Тинчлик вақтида навкарлар ҳеч қандай маош олишмайди. Улар ўз мулкида яшаб, хўжалик ишлари билан шуғулланишади. Агар хон бирор-бир юришга чиқишни ихтиёр қиласиган бўлса, одатда, бир неча ҳафта ёки ой илгари бозорларда жар солдиради, бундан хабар

топган навкарлар белгиланган кунга тайёр булишлари ва отларини боқишилари лозим. Бунда йиғилиш вақти ва жойи белгиланади. Белгиланган вақтда хоннинг ўзи ёки биродари тұплар билан қоролланған, күпчилігі үзбеклардан тузилған Хива атрофидаги лашкар билан юришга чиқади. Лашкарнинг йигилиб улгурмаган қисми ҳам жам булиб, хон буйруғига биноан унинг кетидан йулга чиқади. Йулға чиққан хон, одатда, қолған лашкарларни кутиб бирон чүлда 10—15 кун құниб туради. Юриш вақтіда хон лашкарни озиқ-овқат билан таъминламайды. Ҳар бир навкар үз ризқини ўзи топиб ейиши керак. Одатда, 2 ёки 3 навкар шерик булишиб, 1—1,5 ойга етадиган үз озиқ-овқатини тұяға юқлада олишади, камбагаллар эса овқатни үzlары минған отда олиб юришади. Озиқлари тугаса, үғирилик, босқинчилик, талончилик қилишади, йүлларда учраган қорамол ва йилқи-ларни сүйиб гүштини олишади. Хон алохіда үрнак құрсатған навкарларға үз аслақаонасидан милтиқ, үқ ва порох инъом қиласы. Бундай навкарлар юришда ҳам, жаңға ҳам хонға яқын жойда юради, уни муҳофаза қиласы. Бундай навкарлар энг мушкул дамларда хавфли жойларда жаңғ қилишади. Улар 1000 нафар булишади. Қолған навкарлар дуч келған нарсалар билан қоролланған булади. Умуман, лашкарларнинг жуда озчилигіда милтиқ булиб, уларнинг асосий қороли найза, қилич, үқ-ёй ва шу кабилардир. Уларнинг милтиқлари оғир, бунинг устига тепкисиз булиб, пилик ёқиб отилади. Отилма секин булса ҳам, күпчилик үқ хато кетмайды ва 100 саржин масофадаги одамға тегади. Үқларни қурғошиндан үzlары қуишишади. Отлик лашкар ортидан тұплар олиб юрилади. Хоннинг тұплари унчалик кучли әмас. Хон саройда энг каттасининг оғзига муштум аранг сиғадиган кичик калибрли 20 тача тұп бор холос; уларнинг 6 тасигина лафетта үрнатылған булиб, юришларға олиб чиқылади. Бу тұплар яхши үрна-тилмаган булиб, уларнинг чуқурча булиб қолған жойлари бор, бу тұплардан нишонга тұғри отиб бүлмайды. Илгари темирни тоблаб ясаларди, лекин үқларнинг үлчови тұпнинг калибрига мутлақ тұғри булиши кераклиги ҳақидаға қоидага амал қилинмайды. Үқлар, одатда, кигиз ва латтага үралыб тұп оғзига солиб отилади. Порохни хива-ликлар үzlары тайёрлаб, бозорларда сотишади, лекин улар жуда си-фатсиз булади; Хивада рус порохи ҳам булади. Тұп хизмати учта тұпдан иборат булиб, ҳар бирида 4 тадан рус асири, 2 ёки 3 тадан әроний құллар туралди. Бундай тұп хизмати эпчил ҳаракат құлмайды, 100 саржиндан ҳам нишонга теккизолмайды. Хон томоша учун баъзан машқ үтказади, бунда у тұпнинг фақат тез ва қаттық овоз чиқарып отишига қизиқади, үқнинг нишонга теккан-тегмаганлығы билан иши булемайды. Юришларда тұпларни 4 та ёки 5 та, ҳатто ундан ҳам күп от

тортиб юради. Порох, ўқлар эса отларга ортилади. Умуман, бу тұплар мунтазам лашкар учун құрқынчылықтың үзлари ҳам уни ёвни құрқытиш мақсадыда ишлатышади.

2. Хива хонлиги ерида ўрнашиб қолған туркманлар ҳар 10 хона-донга биттідан навкар беришади. Буларга ҳам хонликдан маош ва озиқ-овқат берилмайды, туркманлар үз истаклары билан юришларға чиқаверишади.

3. Хива хонлиги яқыннан түркмен жаңынан көзөө қамда қарақалпоқлардан солиқ тұлашта қодир бүлмаганлардың тағынан қызынан түркменлардың қызынан да қаршылашади. Шунинг учун ҳам уларнан күп түркменлар күнгилли бўлиб чиқади.

Хон навкарлари орасыда туркманлар энг довюрак ҳисобланади. Лекин улардаги бу довюраклик қизиққонлик ва тезоблик бўлиб, бир-икки ҳужумдан сұнг сұнниб қолади. Шундан кейин агар душман уларга ташланиб қолгудек бўлса, туркманлар қочишига чоғланадилар. Қарақалпоқлар аксинча бўлиб, яхши навкар ҳисобланышади, мудо-фаада туришганда кўпдан-кўп душман ҳужумларини мардларча қай-таришади. Ўзбеклардан ҳам ботир навкарлар кўп чиқади.

### **Давлатии идора қилиш усули ва илм даражаси**

Хива хонлигини идора қилиш усули яккажокимлик асосига қурилған бўлиб, үлем жазосидек оғир ҳукмларни ҳам хоннинг ёлғиз үзи чиқаради, қогозга ёзилған ва аниқ бўлған қонунлар йўқ; кишиларнинг ҳуқуқи аниқ белгиланмаган. Халқ ривоят, урф-одат, куръон ва удум маслаҳати билан идора қилинади. Шунинг учун ҳам зуравонлик, адолатсизлик ҳодисалари кўплаб содир бўлиб туради. Порахурлик катта-кичик барча амалдорлар ўргасида одат тусига кириб қолған, ҳатто хоннинг үзини ҳам ҳар қандай иш учун маълум совға бериш билан қўлга олиш мумкин.

Хон агар ўз қўл остидаги фуқароларга тегишли яхши аргумоқларни ва шунга ўхшаш шахсий мулкни ёқтириб қолгудек бўлса, зўрлик қилиб тортиб олган вақтлари кўп бўлған; унинг амалдорлари ҳам бу ишда хондан қолиши мумкин. Халқ хондан норози, бироқ бунга сабр қилиш одат бўлиб қолған. Халқ наздида ҳокимият ва зуравонлик бир-биридан ажралмас тушунчалардир.

Хон йўқ вақтларда унинг ўрнига уласи үтиради.

Хива хонлигидаги асосий амалдорлар: 1) вазир ёки қушбеги биринчи амалдор ҳисобланыб, у каналларни қазитиши учун ишловчилар

рўйхатини туздиради ва хонликнинг Кўнгиротдан Хивагача ва ундан Янги Урганчгача бўлган шимолий қисмидаги соликларни йигади, жанубда, Питнаккача бўлган ерларда эса хоннинг укаси учун маҳсус амалдорлар солиқ йигади; 2) меҳтар навкарларга маош тўлаш, уларга хизмат вазифасини тузиш билан шугулланади; 3) мечак маҳрам ва унга ёрдамчи Хожа маҳрам карвонлардан, Хивага келтирилган қорамолдан ва бозорларда сотиладиган моллардан закот йигади; 4) бийлар тинч вақтларда ўз зиммаларига топшириб қўйилган шаҳар ва округларни идора қиласди; қушбегининг фармонига биноан солиқ йигади; 5) қозилар бийлар билан биргаликда суд қилишади, кишилар уртасидаги жанжалларни ҳал қилишади; бий бўлмаган вақтларда унинг ўрнига иш куришади; 6) раислар шаҳарларда булиб, у ерларда тартиб сақланиши, бозорлардаги тош-тарозу, ўлчаш ва диний маросимларнинг бажарилиши устидан назорат қилиб юришади; 7) бачманлар мечак маҳрам қўл остидаги хизматчилар булиб, шаҳарларда ва бозорларда сотилаётган чорва молларидан закот йигишишади; 8) юзбoshi уруш вақтида хизмат қилувчи кичик амалдор; 9) ясовуллар хон каналларини қазиш устидан назорат қиласди.

Хива мусулмонлари суннийлар мазҳабига мансубдир. Шунинг учун ҳам уларга эронийларни қул қилиш хукуки берилган. Охун руҳонийларнинг бошлиғи ҳисобланниб, у Хивада истиқомат қиласди. Жожалар, қозилар, раислар, муллалар, имомлар унинг қўл остида ҳисобланади. Имомлар худога ибодат қилиш маросимларини амалга оширади. Давлат қарамоғида бўлган, болалар ўқитиладиган билим юртлари йўқ. Лекин хусусий кишилар қулида мактаблар булади, унда муллалар болаларга савод ва қонунларни ўргатишади. Саводли кишилар анчагина бор. Ерни таноблаб ўлчашларига қараганди, хиваликлар геометриядан бошланғич тушунчаларфа эга. Ҳалқ жуда ишchan ва меҳнаткаш.

\* \* \*

Хива хонлиги илм-фан соҳасида паст даражада туради, лекин бу ерда дәхқончилик, боғдорчилик ва гидротехника ишларининг аҳволи яхши. Хонлик аста-секин кучайиб бормоқда; аҳоли кўпаймоқда, каналлар кенгайтирилмоқда, уларнинг умумий узунлиги ошмоқда, яна янгилари қазилмоқда; кўчманчи ҳалқлар хон томонидан қилинаётган имтиёзлар туфайли ўз куч ва имкониятларини ривожлантиришга бажону дил киришмоқдалар.

Хиваликлар Россиядан темир ва чўян келтиришади ва ундан белкурак, ўроқ, мотига, болта, омоч тиши, милтиқ, қилич, пичоқ, исказа, найза ва бошқа энг зарур қуроллар ясашади. Белкурак имо-

рат солиши, девор қуриш, канал қазиш ва боғдорчилик ишларидан керак бўлади. Белкураклар бу ердаги оғир ва тинимсиз ишларда фақат 2 ёки 3 йилгача чидаш беради. Ҳар бир хонадонда биттадан бўлса, унинг вазнини 5 қадоқдан деб ҳисобласак, у ҳолда жами хонадонлардаги белкуракларнинг умумий вазни (уларнинг сони 160000) 20000 пудни ташкил қиласди. Демак, ҳар икки, уч йилда биргина белкурак ясаш учун ана шунча металл керак бўлади, йилига эса бу эҳтиёж учун 6—10 минг пуд металл кетади. Омоч тиши ҳам шунча вақтга етади. Агар битта тишнинг ўртача вазнини 5 қадоқ деб олсан, ҳамма хонадонлар учун омоч тишлари қўйишга ҳар йили 6 минг пуд чўян кетади. Бундан ташқари, ҳар хил уй-рўзгор буюмлари, сих, мола, арра, кемаларни бириктирадиган темир қисм, қурол-аслаҳа ва турли-туман асбоблар ясаш учун ҳам анча миқдорда темир ва чўян зарур. Яна Россиядан олинадиган бошқа зарур нарсалар, чунончи, аччиқтош, тўтиё ҳамда пойабзал, юган ва бошқа анжомларни ясаш учун булгори чарм ҳам борки, аҳолининг кўпайиб бориши билан уларга бўлган эҳтиёж йилдан-йилга ошаверади.

Хива савдогарларининг чор ҳукумати томонидан Россияда ушлаб қолиниши Хивада рус молларининг нархи фавқулодда кўтарилиб кетишига бевосита турткни бўлди. Буни 1837 йил январда Хивага юборилган Бухоро вакили тузган тубандаги жадвалдан кўриш мумкин:

2-жадвал

Моллар	Оренбургдаги баҳоси	Хивадаги баҳоси	
		1836 йилдан аввал	1836 йилдан кейин
Қўнғир чарм, 10 тери	120 сўм	130 сўм	270 сўм
Арзимас чарм, 10 тери	140 сўм	135 сўм	300 сўм
Аччиқтош, 1 пуди	8 сўм	12 сўм	40 сўм
Симоб, 1 пуди	200 сўм	240 сўм	600 сўм
Бўёқлар, 1 пуди	140 сўм	155 сўм	600 сўм
Кашинини <sup>1</sup> , 1 пуди	460 сўм	500 сўм	675 сўм
Чит, 50 гази	30 сўм	35 сўм	40 сўм

<sup>1</sup> Манбада шундай ёзилган, афтидан бўёқнинг турларидан бири бўлса керак.

Қанд, 1 пуди	45 сүм	50 сүм	68 сүм
Митқол ип газлама, 50 гази	18 сүм	22 сүм	30 сүм
Коленкор, 10 дона 16 газдан	200 сүм	240 сүм	300 сүм
Чуян, 16 пуди	72 сүм	112 сүм	150 сүм
Тахта тунука, 1 пуди	4 сүм	9 сүм	15 сүм
Пұлат, 1 пуди	7 сүм	12 сүм	20 сүм
Рангли сукно, 1 пуди	125 сүм	150 сүм	240 сүм
Пахта толаси, 1 пуди	24 сүм	12 сүм	6 сүм

Бу нархлар бир жойда туриб қолмай, балки чарм, тахта тунука каби молларнинг нархи борган сари ошиб кетмоқда. Бу үринда Янги Урганч аҳолисининг Амударё бўйлаб сув йўли орқали Бухоро билан алоқа қилаётганикклари ҳам, хоннинг буйруғи билан Бухоро карвонларининг Хиванинг ҳар икки томонидан шаҳарга мажбуран киритилиб, Россиядан олиб келишаётган молларининг бир қисми сотирилиши ҳам бунга ёрдам бермаётир.

Хива хонлиги Туркистондан Россияга олиб борадиган йул устида жойлашганлиги, Бухоро ва Балхга олиб борадиган Амударё сув йўли ҳамда Тошкент ва Қўқонга кетадиган Сирдарё сув йўли бошлирида туриши Россиянинг Туркистондаги барча савдо корхоналари учун алоҳида лиққатта сазовор даражадаги жой ҳисобланган. Туркистон билан бўладиган савдонинг русларга фойдаси шубҳасиз катта, бунга қуидаги мисол далил бўла олади. Читнинг бир гази Нижегород ярмаркасида 48—54 тийин туради. У ердан Оренбурггача бўлган йўл харажати 0,5 тийин, яна олинадиган хирож 0,5 тийин, Бухорагача йўл харажатлари 3 тийин туради; шундай қилиб, бир газ читга қилинадиган жами харажатлар 5 тийиндан иборат. Лекин Бухорода шу читнинг бир гази 61—71 тийиндан сотилади. Ёки ҳар тўпи 32 сүм туради (бир тўп чит 45—52 газ бўлади). Бинобарин, бир газ чит 10 тийин ёки 20 фоиз фойда келтиради. Шу ҳисобдан келиб чиқсан, турли товарларнинг фойда фоизлари тубандагича бўлмоқда: нанка 30, коленкор 18, ип рўмол 33, рўмол 37, қизил сукно 46, бошқа рангдагилари 41, зарбоф кимхоб 18, чарм 29, мум 44, қанд 44,

хивичсимон сим 6, тахта тунука 9, чүян қозон 35, мис 2, қалайи 15, симоб 42, зангори тутиё 75, хомсурп 5 фоиз.

Осиё товарларидан келадиган фойдалар: пахтадан йигирилган ипнинг бир пуди Бухорода 48 сүм бўлади. Хивада ипнинг ҳар пудидан 1 сўм 20 тийиндан бож олишади. Оренбургда ундан 4 сўм бож олиниади. Нижний Новгород шаҳригача йўл харажати 2 сўм бўлади. Ҳаммаси бўлиб, ҳар пудига 12 сўм 20 тийиндан тўғри келади. Бу ерда унинг пуди салкам 80 сўмдан сотилади ва фойдаси 33 фоизни ташкил этади. Шу ҳисобдан, йигирилган мункал пахта или 56 фоиз, йигирилган Бухоро ва Хива или 53 фоиз, бир той пахта 15 фоиз фойда келтиради. Осиёга юбориладиган рус товарлари ўрта ҳисобда 24 фоиз, Осиё товарларидан келадиган фойда 33 фоизни ташкил қиласди. Бинобарин, ҳар бир савдо оборотидан келадиган даромад 100 сўмнинг ҳозирги 65 сўми ҳисобига тўғри келади.

Архив ҳужжатларида кўрсатилишича, Туркистон билан савдо қилиш Россияга анча фойда келтириши мумкин бўлган. Зеро, биринчидан, бу бозор жуда кенг бўлиб, Хитой, Тошкент, Қўқон, Бадаҳшон, Балх, Бухорони ўз ичига олади ҳамда бу ерда Афғон ва Лоҳурга транзит савдо йули ўтган. Иккинчидан, у ерда саноат ишлаб чиқариш мавжуд. Ҳар йили савдо карвонлари қатнаб турари, улар Фулжадан Кашмирга 20 кунда, Қашқарга (Хўтан, Ёркент, Оқсув орқали) 30 кунда, Қашқардан Қуқонгача 23 кунда, Қуқондан Туркистонга (Тошкент орқали) 13 кунда, Бухорога 21 кунда боради. Шунингдек, Бухородан Афғонистонга, Самарқанд, Тошкент, Туркистон, Балх, Файзобод шаҳарларига ва бу шаҳарларнинг биридан иккинчисига ҳам карвонлар қатнаб турган. Учинчидан, йўлларни яхшилаш, Амударё ва Сирдарёда сув йўлларини тартибга солиш орқали савдо алоқасини яна ҳам кучайтириш мумкин. Тұртингидан, Туркистон Россиянинг баъзи маҳсулотларига жуда эҳтиёжманд, рус савдогарларида эса керак бўлган ҳамма маҳсулотларни у ерга бошқа европаликларга нисбатан арzonроқ баҳоларда чиқариш имконияти бор. Бешинчидан, у ердан баъзи моллар (пахта, ипак, чой, кўк ранг, нил бўёғи, зальфар, қалампир, равоч, феруза, шоли ва бошқалар)ни Россияга келтиришнинг қулийлиги бор. Олтингидан, Россиянинг Бухоро билан бораётган савдоси хиваликларнинг душманлиги ва Афғонистондаги исёnlар туфайли юзага келаётган нокулай шароитларда ҳам узлуксиз ўсиб бормоқда. Еттингидан, савдо ишларida тажрибакор бўлган инглизлар Ҳиндистон ва Эрон орқали бу ерга суқилиб киришга интилмоқда. 1830 йилдаёқ Фулжа, Хитой орқали Чоржуй ва бошқа жойларга

уларнинг оз миқдордаги товари, Банорас орқали Бухорога қўпроқ миқдордаги товари келтирилиб, ақл бовар қўлмайдиган арzon баҳоларда сотилган эди. Масалан, 16 газли коленкор тўпи Россияда 25 сўмдан бўлса, инглизлар 3 сўмдан, 12 газли икки энли читни 2 сўмдан сотишиди. Бу, гарчи, уларнинг ўзларига зарап келтирса-да, русларнинг савдосига путур етказишига қаратилган тадбирdir.

Ушбу таҳлил асосида чор ҳукумати мутасаддилари қуйидаги хуносага келганлар: биз нима қилиб бўлса ҳам осиёликларга ён беришимиш лозим; Туркистоннинг шарқий қисмида Чоржўй ва Қашқар билан бевосита алоқалар ўрнатиш, гарбий қисмида энг асосий бозор ҳисобланган Бухорога олиб борадиган йўлларни Хивага ижобий таъсир кўрсатиш орқали бехатар қилиш ва Каспийда кемалар қатновини кенгайтириш шартдир.

---

## ХОНЛИКЛАР ДАВРИДАГИ ИНҚИРОЗ ВА ҚОЛОҚЛИК САБАЛЛАРИ

*Нега жаҳонга Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад  
Хоразмий, Ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Имол  
Бухорий, Амир Темур, Улугбек, Алишер Навоий,  
Бобур каби буюк сиймоларни берган бу миллат  
XVII—XIX асрларга келиб, то шу чоққача эриши-  
ган юксалии дараҷаларидан тушиб кетди? Нега  
сўнгги уч аср мобайнида бошимиз қолоқликдан  
чиқмай қолди? Аждодларимизнинг қаттиқ қар-  
шилигига қарамай, чор Россиясининг ўлкамизни  
нисбатан осон забт этишида ана шу қолоқлик-  
нинг ҳам ўрни бўлмаганмикан?*

**Ислом Каримов**

XVI—XIX асрларни ўз ичига олган хонликлар даври ўзига хос ху-  
сусиятлари билан ажralиб туради. Бу вақтларда ҳукмдорларнинг ўзаро  
чиқишиловчиликлари ва таҳт учун курашлари авжига миниб, фожиали  
оқибатларга олиб келди. Давлатнинг куч-кудрати синди, салоҳияти ва  
самарадорлиги пасайиб кетди. Бутун мамлакатда парокандалик ва но-  
тинчлик ҳукм сурди. Шу ўринда нега шундай бўлди, бунинг сабаблари  
нималардан иборат бўлган, деган савол туғилиши табиийдир.

### Сиёсий мұхит

XVI асрда Бухоро хонлигига ҳокимият тепасида турган Шайбо-  
нийлар сулоласи, аввалимбор, Амир Темур ва Темурийлар давридаги  
салтанат ва тараққиётни қадрламай, барбод қилдилар. Марказлашган  
ва такомиллашган давлат бошқаруви тизими тутатилиб, мамлакат  
Бухоро, Хива, Қўқон хонликларидан иборат уч қисмга парчаланиб  
кетди. Таҳт жанг майдонига айланди. XVI асрнинг иккинчи ярмида  
Абдуллахон (1558—1598) Хива хонлиги, Бадаҳшон, Балх, Ҳирот,  
Хурросон, Машҳад ва бошқа жойларни Бухоро хонлигига қушиб олди.

Сиртдан қараганда у анча салоҳиятли давлат бунёд қилганга ўхшарди. Бироқ мамлакат ичкариси ўзаро зиддиятлар ва курашлар билан тулиб-тошиб ётарди. Воқеаларнинг жонли гувоҳи бўлган Ҳофиз Таниш Бухорийнинг ёзишича, Тошкент, Туркистон, Хўжанд, Самарқанд, Ахсикент, Насаф, Термиз, Андижон ва бошқа жойларда исёнчиларга қарши қаттиқ жанглар олиб борилган. Кўпдан-кўп одамлар ўлдирилди ва жароҳатланди. Ҳофиз Таниш Бухорий бундай фожиалардан бирини шундай тасвирлайди:

*Тиф ва ўқдан ўлганлар устида,  
Совутдан бошқа ҳеч ким ачиниб йигламади.  
Кина найидан бошқа йигловчи бўлмади.  
Қарғадан ўзга қора кийувчи бўлмади.  
Қондан ер ўқубат моясига<sup>1</sup> айланиб,  
Бало даштидан фитна гули бош чиқарди.  
У чулда ҳар бир ноумид қони кетидан,  
Қизил толдан бошқа ҳеч бир гиёҳ кўкармади<sup>2</sup>.*

Муаллифнинг сўзича, таҳт учун курашларда талафотлар шу даражада катта бўлганки, одамларнинг қонлари бамисоли дарё суви каби оқсан.

Абдуллахоннинг кўп вақти ички душманларга қарши курашлар билан ўтди. Бироқ у давлатни ички томондан мустаҳкамлашга эришолмади. Бунинг оқибатида 1598 йилда унинг вафотидан кейин таҳтга ўтирган ўғли Абдулмўмин ўлдирилди. Хива хонлиги мустақилликни тиклади, Хуросон ва бошқа жойлар хонликдан ажралиб кетди. Қозоқ хони Таваккал фурсатдан фойдаланиб, вақтинча бўлса-да, Туркистон, Тошкент, Андижон ва Самарқандни босиб олди.

1601 йили олий таҳт 1556 йилда Россия Астраханни босиб олгандан кейин у ердан қочиб келган Аштархонийлар сулоласи қулига ўтди. Аштархонийларнинг ҳукмронлиги вақтида ҳам ўзаро урушлар давом этаверади. Қозоқ, қорақалпоқ ва қалмоқ сингари кўчманчиларнинг ҳужумлари аҳволни янада ёмонлаштириди. Гарчанд, И момқалихон (1611—1642) уларга зарба бериб, нисбатан осойишталиктни таъминлаган бўлса-да, лекин унинг укаси Надр Муҳаммадхон (1642—1645) вақтида яна кўчманчиларнинг тажовузи бошланди. Кўп ўтмай унинг ўғли Абдулазиз отасидан таҳтни тортиб олди. Надр Муҳаммадхон қочиб жонини сақлади.

Абдулазизхон (1645—1680) ва Субҳонқулихон (1680—1702) вақтида ҳам маҳаллий исёнларга қарши кураш олиб борилди. Шунингдек, Убайдуллахонга ҳам (1702—1711) бундай курашларни узлуксиз

<sup>1</sup> Моя — моҳият, бир нарсанинг асл мoddаси; ўғит ачитқи.

<sup>2</sup> Ҳофиз Таниш ибн Мир Муҳаммад Бухорий. Абдулланома. II жилд., Т., 1969, 69-бет.

давом эттиришга тұғри келди. Хусусан, у Термиз, Шахрисабз, Балх ва бошқа жойларға қарбий юришлар уюштириб, бүйин товловчиларға қарши жанг қилди. У ҳокимиятни бошқаришда амир ва бошқа нуфузли кишиларнинг таъсирини қупоришга ва рухонийларнинг вақф ерларини қысқартыришга ҳаракат қилди. Шунинг учун 1711 йилда фитна уюштирилиб, у үлдирилди. Үзаро урушлар шу даражада талафот келтирдіки, 1735 йилда ақоли хавфсиз жойларға қочиши оқибатида Самарқанд ҳувиллаб қолган. Бухорода эса иккитагина маҳалла-да одамлар жон сақлаган.

1747 йилда Аштархонийлар сулоласининг охирги вакили Абулфайзхон үлдирилгач, Бухоро хонлигининг таҳти манғитлар сулоласи қулиға үтди. 1920 йилгача ҳукмронлиги давом этган бу сулола даврида ҳам ички зиддият ва курашлар тинмади.

1511 йилда олтинурдалиқ Элбарсхон Хоразмда таҳтни эгаллаб, Хива хонлигига асос соглан. Бу сулола 200 йилдан ортиқ ҳукмронлик қилди. Элбарсхон 1558 йилда үлгандан кейин, таҳт учун үзаро курашлар қизиб, ҳокимият бир құлдан иккінчи құлға үтиб турди. Масалан, Араб Мұхаммадхонга (1602—1623) қарши үғиллари жанг қилиб, унинг үрнини эгалладилар. Оталари күзига мил тортиб ва күр қилиб қамадилар. У шу ахволда вафот этди.

Үзаро курашлар кейинги хонлар вақтида ҳам давом этаверди. Хонлар тез-тез алмашиниб туришидан «хонлар үйини» деган ибора юзага келади. Иш шу даражага бордикі, хонликнинг юқори табақалари XVIII асрнинг 40-йилларидан бошлаб күчманчилар вакилларини таҳтта номига үтказиб, улардан шахсий манфаатлари йулида фойдаландилар. Бундан ташқари, туркманлар ҳукмдори Хивага ҳужум қилиб, бойликларни талаб, ақолини ғоят оғир ахволга солди. Натижада ақоли Бухоро ва бошқа жойларға қочишига мажбур бўлиб, Хивада 40 оиласына қолади. Шаҳарда қаҳатчилик ва азоб-уқубатлар ҳукм сурди. 1687—1716 йилларда Хивада үнта хон алмашди. XIX аср бошларидан эса ҳокимият құнғиротлар сулоласи қулиға үтди.

XVIII аср бошларидан Фаргона водийсіда ташкил топған Құқон хонлигіда ҳам таҳт учун курашлар күзга ташланади. Ҳокимият тепасида турған минг сулоласи ҳукмдорлари ички ва ташқи душманларға қарши тинимсиз курашишига тұғри келди. Ҳокимият даъвогарлари үртасидаги курашлар оқибатида уларнинг орасида үлдирилғанларни ҳам куриш мүмкін эди. Масалан, Олимхон, Шерали, Муродхон ва Маллахонлар қатл этилди. Таҳт учун курашлар жараённанда Худоёрхонга ҳокимиятни уч маротаба құлға олишга тұғри келган эди.

Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларида таҳт учун ички курашлар билан бир қаторда улар ўртасида олиб борилган урушлар ҳам жуда фожиали кечди. Чунончи, Хива хонлари Абулғози (1644—1664) ва Ануша (1664—1687) Бухоро атрофларига ҳужум қилиб, талон-торож ва зуравонлик билан шугулландилар. 1804 йилда Бухоро қўшини Хива хонлигига ҳужум қилиб, катта талафот келтириди. Бундай ўзаро урушлар XIX асрнинг биринчи ярмида ҳам давом этди.

Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлиги ўртасида узоқ йиллар мобайнида даҳшатли жанглар бўлди. Айниқса, 1842 йилда Бухоро амири Насруллонинг Қўқонга ҳужуми жуда даҳшатли оқибатларга олиб келди. Мадалихон, Нодирабегим ва бошқа нуфузли кишилар улдирildi. Сарой хазинаси ва ҳалқнинг бойликлари таланди. Шаҳар ҳаробага айлантирилди. Насрулло Мадалихоннинг ёш ўғлини одамларнинг кўз ўнгидаги үлдираётганида унинг онаси келиб шундай деган: «Эй золим, санга осий бўлган атоси, бу мурқиҳи begunoҳ нима гуноҳ қилди?! Эй бераҳм золим, қизил қонга буядинг, худонинг олдида сенинг ила мурофаа қиласман, сен ҳам нури чашмингдан ажраб, хонавайрон бўлиб, қизил қонингга бўял, хонадонингдан ажраб ҳароб бўл». Шаҳзоданинг онаси Насруллонинг шаънига ҳақорат сўзларини ёғдириб, жасорат ва мардликни курсатади. Амир фармонига мувоғиқ жигар-бағри тилка-пора бўлган она ҳам сўйилди. Насруллонинг Қўқонда амалга оширган ваҳшиёна қирғин-бароти ва талон-торожи кишилар қалбида нафрат ва қаҳр-газаб уйғотиб, шоирлар марсиялар ёздилар. Уларнинг бирида куйидаги сатрлар битилган эди:

*Сўйдурмоққа хонни амр этуб қолди,  
Ўшал дамда жаллод қиличин олди,  
Раҳм айламай хоннинг бўйнига солди,  
Қаро соқол қизил қонга бўёлди,  
Аҳли ҳарамлари фигон айлади<sup>1</sup>.*

Хонликларда узлуксиз давом этаётган ўзаро урушлардан ва уларнинг заифланишидан фойдаланиб, чор Россияси ҳарбий юришларни ўюштиришга киришди. Бу хавф-хатарни яхши анлаган айrim ақлидирокли кишилар амир Насруллони Қўқон хонлиги билан муроса қилиш ва биргаликда душманга қарши туришга даъват этдилар. Жумладан, амирнинг вазирларидан бири Абдусамад ноиб унга, энди Қўқон забт қилинди, Фарғона катта мамлакатdir, қанча аскар ва сипоҳу хазина олинди, ҳозирда Русиянинг келиш хавфи бор, агар Мада-

<sup>1</sup> Ибрат. Фарғона тарихи. «Мерос» туркуми. Т., 1991, 294-бет.

лихонни онт ичтириб, тавба қылдириб, Қўқонга кўйиб, Бухорога тобе қилиб қўйилса, бизларга келган душманларга қарши қалқон бўлур эрди, деганда амирга маъқул бўлмай, унинг оғзига кавуш билан урдирган<sup>1</sup>.

Демак, вазир амирлик ва хонликнинг кучларини бирлаштириш ва мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш истагини ўринли изҳор қилган, лекин жазоланганд. Бу амирнинг калтафаҳмлиги ва нодонлигидан далолат беради, албатта. Қўқонликлар кўп ўтмай бош кўтариб, бухороликлар қўшини ва амалдорларини қириб ташлашди. Тахта Шералихон ўтқазилиб, Қўқон хонлиги тикланди. Шундан кейин ҳам таҳт учун курашлар давом этаверди.

Фожиа яна шундан иборат эдики, хонлар ҳокимиётни белгилаб қўйилган қонун ва тартиб (дастур, тузук) асосида бошқармай, шахсан ўзлари нимани хоҳласалар, шуни қиласкерганлар. Пайти келганда шариат билан ҳам ҳисоблашмаганлар. Уларнинг орасида хотинбозлик, ичкилиkbозлик, зулм ва адолатсизлик ва бошқа ноҳуш ишлар билан шуғулланган кимсалар оз эмас эди. Бухоро ҳукмдорлари Абулфайзхон, Насрулло, Музаффар, Қўқон ҳукмдори Олимхон (лақаби золимхон)<sup>2</sup>, Худоёрхон ва бошқалар шулар жумласидандир. Амир Насрулло қонҳур булғанлиги учун ҳалқ орасида «Қассоб амир» деб юритилган. Ўзининг қадрини билган айрим хонлар бундан мустасно, албатта. Юқорида кўрсатилган омиллар инқизор ва қолоқликнинг сиёсий қиёфасини шакллантириди.

### Иқтисодий муносабатлар

Маълумки, давлатнинг аҳволи қандай бўлса, иқтисодий ҳаёт ҳам унга монанд равишда шаклланади. Авваламбор, узоқ давом этган уруш харажатлари, кўрилган талафот ва вайроналиклар дехқончилик, ҳунармандчилик, ички ва ташқи савдога салбий таъсир кўрсатди. Ҳозирги тил билан айтганда, миллий даромад жуда камайди, солиқ ва мажбуриятлар эса ошли. Масалан, Худоёрхон «ҳаводан бошқа» барча нарсаларга солиқ жорий этганилиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Ҳукумат иқтисодиётни ривожлантириш чораларини деярли кўрмай, солиқ йигиши орқали давлат даромадини ошириш билан шуғулланди. Тўғри, сунъий сугориш ва маълум даражада янги ерларни ўзлаштиришга ҳаракат қилиниб, айрим ютуқларга эришилди. Бироқ улар изчил ва кенг кўламда олиб борилмай, қилинган фойдали ишлар ўлда-жўлда бўлиб қолаверган. Иқтисодий масалаларда ҳалқ ўз ёғига

<sup>1</sup> Ўша жойда, 293-бет.

<sup>2</sup> Ўша жойда, 287-бет.

ўзи қовурилиб, ўз ҳолига ташланган ҳолда яшади. Бу борада давлат томонидан онда-сонда кўрсатилган марҳамат ва ёрдам денгиздан бир томчи эди, холос. Айниқса, ер (аграп) сиёсати катта зиён келтирди. Унумдор ва сувли ер майдонларининг катта қисми ҳукмрон табақалар кўлида булиши, вақф ерларнинг меъёрдан ошиб кетиши ва қатор қишлоқларнинг одамлари билан уларга бириктирилиши, зулм ва адолатсизлик ишлаб чиқариш кучларининг ўсишига тўсқинлик қилди. Натурал ҳужаликнинг ҳукмронлиги оқибатида пул муносабатлари ривожланмай қолди. Тўғри, тангалар зарб этилди, лекин муомалада салмокли үринни эгаллай олмади. Молни молга алмашиб юз йиллар мобайнида давом этиб, иқтисодий ҳаётнинг юқори даражага кўтарилишига йўл бермади. Савдо соҳалари узлуксиз ва кенг кўламда қанот ёза олмади. Карvon йўлларидағи хавф-хатар ва талон-торожлар, божундиришдаги адолатсизлик ва бошқа турли тусиқлар етарли даражада бартараф қилинмади. Айниқса, ишлаб чиқариш техникасини такомиллаштиришга аҳамият берилмагани натижасида ҳунармандчилик маҳсулотлари рақобатга бардош беролмай қолди. Бу уларнинг ташки бозордан аста-секин сикиб чиқарилишига олиб келди. Бундай ўта зарарли ҳолат XIX асрнинг 40—60-йилларида кўзга ташланди. Бу — Туркистон замини хом ашё манбаи ва тайёр маҳсулотлар бозорига айланишидаги дастлабки қадам эди. Бу ҳол иқтисодий жиҳатдан инқиroz ва қолоқликни юзага келтирди. Бунга ўлка аҳолисининг ўтроқ ва кўчманчилардан иборат икки қисмга булиниши ҳам сабаб бўлган эди. Маълумки, ўлка аҳолисининг маълум қисмини кўчманчилар ташкил қилиб, уларни газлама, кийим-кечак, уй-рўзгор буюмлари ва бошқа моллар билан таъминлаш ўтроқ аҳоли зиммасида эди. Кўчманчилар молларининг сифати паст эди. Шу боис ўтроқ аҳоли уларнинг «қолоқ» талабига мос тушадиган маҳсулотларни тайёрлашга мослашиб қолганди. Ҳатто ўтроқ аҳолининг ўзи ҳам кўп ҳолларда асрлар давомида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни улар қандай бўлса, шундай ишлатишга одатланиб қолганди. Рус саноат моллари кириб келгандан кейингина ички маҳсулотнинг сифати орқада қолаётганлиги маълум бўлган, лекин фурсат бой берилиб, фафлатда қолинган эди.

Ўтроқ ва кўчманчи ҳаёт бутун Туркистон замини учун яхлит бир сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тузумни яратиш имконини бермади. Бундай бир-бирига зид икки ҳолат қудратли давлат барпо этишига тўсқинлик қилди. Шунга монанд равишда ўтроқ аҳоли билан кўчманчилар ўртасидаги иқтисодий ҳамда маданий алоқалар узлуксиз ва бир текис ривожланмай, шароит тақозосига кўра, гоҳ маълум даражада ўсиб, гоҳ пасайиб турди.

## Маданий ҳаёт

Хонлар даврини фақат қонли урушлар ва талафотлар доирасида таърифланса хато бўлади, албатта. Чунки ҳалқ оммаси ҳар қандай азоб-уқубат ва қийинчиликларни мардонавор енгиг, ота-боболарининг дехқончилик, хунармандчилик, савдо, манавий ҳаётдаги бой меросини кўз қорачигидек сақлаб, тарихий анъаналарини асрлаб келди. Аммо ҳукмдор доираларнинг айби билан маданият соҳаларини кенг кўламда ва самарали ривожлантириш имкони бўлмади. Тўғри, янги мадрасалар, масжидлар, бозорлар ва бошқа ҳашаматли бинолар қурилиб, юксак меъморчилик маҳорати намойиш қилинди. Адабиёт, тарих ва санъат соҳаларидағи ютуқлар ҳам диққатни жалб этади. Бироқ мактаб ва мадрасаларда асосан савод чиқариш, узбек, араб, форс тилларида ўқиш ва ёзиш, диний таълимотларни такомиллаштириш билан шуғулланилиб, аниқ ва техника фанлари эътибордан четда қолдирилди. Бу соҳада Амир Темур ва Темурийлар давридаги катта ўзгариш ва тараққиётдан деярли ҳеч нарса қолмади. Бутун ўлкада биронта маҳсус мактаб биноси қурилмаганлиги кишини таажжублантирмасдан қўймайди. Таълим асосан масжид ва бошқа дуч келган жойларда ташкил этилган. Мактаб ва мадрасаларда айрим тартиб ва қоидалар қўлланилган бўлса-да, лекин амалда таълим олиш муддати аниқ белгиланмай, муллаваччалар (талабалар) ўн-ун беш ва ундан ортиқ йиллар мобайнида шуғулланганлар. Масалан, менинг отам Аҳмад ўғли мулла Зиё ҳар йили эрта баҳорда бoggат кўчиб бориб, кеч кузда шаҳарга қайтганидан кейин, яъни қиши фаслида мадрасада ўқишини давом эттирган. Бундай узилиш билан ўқиш 15 йилга ҷузилган экан. Шу сабабли мадрасаларда ёши катта талабалар ҳам бўлган. Бундай ҳолат хонликлар давридан қолган мерос ҳисобланган, албатта.

Умуман, мактаб ва мадрасалар замон талабига мослаштирилмай, асрлар мобайнида бир қолипда ушлаб турилган. Мадрасаларда асосан, диний таълимотларга ургу берилиши фанатизмнинг кучайишига олиб келди. Бунга диннинг сиёсийлаштирилиши ҳам замин ҳозирлади. Чунончи, хон саройида шайхулислом лавозими таъсис қилинди. Таниқли руҳонийлар қўл остидаги минглаб дарвишлар шаҳар ва қишлоқларни кезиб, тарғибот ишлари билан қаттиқ шуғулландилар. Улар оила қуришдан воз кечиб, «бу дунё фоний, нариги дунё боқий» деган ғояни кишилар онгига сингдирдилар. Жамиятда йирик руҳонийлар ва дарвишларнинг куч-кудрати шу даражада ошиб кетдики, улар ҳатто хонлар ва шаҳзодаларнинг тақдирини ҳал этадиган бўлишди.

Том маънода сиёсий кучга айланган диннинг таъсир доираси кенгайиб, йирик дин пешволари мамлакат тақдирини ўз қўлтарига олдилар. Убайдуллахон Бухорода ҳокимият бошқарувида дин пешволарининг таъсирини йўқотиш мақсадида вақф ерларини қисқартиришга ҳаракат қылганида, фитна уюштирилиб үлдирилди. Бу фитнада ундан норози бўлган амирлар ҳам қатнашдилар. Донёлбий (1758—1785) муҳим давлат ишларини руҳонийлар билан маслаҳатлашган ҳолда юритиб, уларсиз бир қадам ҳам қўймаган. Шундай қилиб, хонликларда олиб борилган ички ва ташқи урушлар, диннинг сиёсийлаштирилиши ҳамда фанатизм, тараққиётни таъминловчи аниқ ва техника фанларига аҳамият бермаслик, мадрасалар фаолияти такомиллаштирилмаганлиги илм, маориф ва маданият соҳаларини қолоқликка мубтало қилди.

### Паранжи ва гиёҳвандлик фожиаси

Ўзбек аёллари юзлаб йиллар мобайнида паранжи ва чачвон ичидаги жоришига мажбур қилинди. Паранжи ва чачвон қачон ва қайси тарзда жоријат бўлгани ҳақида маълумотлар ҳозирча топилгани йўқ. Афтидан, паранжи хонликлар даврида, фанатизмнинг ўта кучайиши оқибатида жоријат қилинган бўлса керак. Негаки, испан элчиси Клавихонинг гувоҳлигига қараганда, Амир Темур даврида аёллар ҳукумат зиёфатларида «юзларини беркитмасдан» ўтирганлар. Тұғри, бу ерда күпроқ сарой маликалари ҳақида сўз кетган, оддий аёллар ҳам очиқ юрган-юргани ҳақида элчи ҳеч қандай маълумот бермаган. Менинг фикримча, ўша даврларда аёллар паранжи ёпинмаганлар. Негаки, Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, Амир Темур оддий аёллардан ҳарбий қисмлар тузган, улар душманларга қарши жангларда мардонавор қатнашганлар. «Темур аскари ичидаги, — деб ёзганди тарихчи, — аёллар ҳам кўп булиб, улар жанг тўс-тўполонлари ва шиддатли тўқнашувларда матонат кўрсатардилар. Улар (душман) эркакларига қарши туриб, мардонавор уруш қиласардилар, жангда найза санчишда, қилич билан зарба беришда ва камондан отишда моҳир эркаклардан кўра ҳам ортиқроқ иш қиласардилар»<sup>1</sup>. Куриниб турибдики, аёллар нафақат ёпинмай юришган, балки жангларда кишини ҳайратга соладиган даражада қаҳрамонлик намуналарини намойиш қилганлар.

Хонликлар даврида аҳвол тамомила ўзгариб, аёллар очиқ ва эркин юришлардан маҳрум бўлдилар. Тарихий манбаларда аёлларнинг жамиятда тутган ўрни ва фаолияти ҳақида маълумотларни учратиш

<sup>1</sup> Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. 2-китоб, 99-бет.

қийин. Бироқ шу нарса аёнки, улар хонадонларида дәхқончилик, хунармандчилик, уй-рұзғор ишлари, фарзандларни тарбиялаш сингари машаққатли меңнат билан мунтазам шуғулланғанлар. Отинлар күлида савод чиқарған айрим аёлларни ва шоираларни ҳисобға олмағанда, аёлларнинг деярли ҳаммаси саводсиз бўлган. Биламизки, саводсизлик зулматда яшашидир. Бу ҳам камдек, аёлларнинг паранжига ўралиб юриши саломатлик ва маънавий жиҳатдан ҳам салбий оқибатларга олиб келган. Бечора аёллар ташқи дунё билан танишиш ва мулоқотдан четлаштирилиб, ўзларини эркин ва озод тутишларига имконият берилмаган.

Аёлларнинг ҳақ-хуқуқлари белгиланмай, улар уй ишлари билан тамомила ўралашиб қолган эдилар. Уларнинг орасида кундош азобини тортаётганлар ҳам бор эди. Бироқ шуни унутмаслик лозимки, аёллар «бир бурчакка» сиқиб қўйилган бўлса-да, эркаклар томонидан уларга ҳурмат-иззат кўрсатилиб, қадри-қіммати ўрнига қўйилган. Айниқса, фарзандлар оналарини бошга кутариб юришган. Умуман айтганда, паранжи ва чачвон аёлларни жамиятнинг сиёсий ва маданий ҳётида фаол қатнашишига йўл бермаган. Шунга қарамай, озодлик, эркинлик ва жамоа ишларida эркаклар билан ёнма-ён қатнашиш истаги ҳеч қачон сўнмади.

Хонликлар даврида қорадори ва наша сингари гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш тақиқланмаганлиги сабабли жамият ҳётига доғ туширилди. Кексалар ва ёшларнинг матьум қисмининг гиёҳвандликка ошкора берилиши қанчадан-қанча оиласарнинг қашшоқлашишига олиб келди. Уларнинг фарзандлари қаровсиз қолиб, ҳатто тиламчилик қўлганликларини кекса одамлардан эшигтанман. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда қорадорига берилган бир киши билан суҳбатлашганман. Менинг, қандай қилиб қорадорига ургангансиз, деган саволимга бундай жавоб берган: мендан сураб куйдирманг, чойхонада ўтирганимда бир дўстим озгина қорадори бериб, истеъмол қилгин, маза қиласан, деди; бир-икки марта ичганимдан кейин, қарасам, осмон билан ерни ўртасида юрибман; шу тариқа унга одатланиб, устачилик касбим ва бойлигимдан, хотиним ва фарзандларимдан, қариндошларим ва дўстларимдан айрилдим; шу орада дардга чалинадиган бўлдим; пировардида, кўриб турибсиз, ахлатни титиб, эски-тускиларни олиб утилга топшириб, пулига қорадори сотиб оламан; ишончим комилки, мен ахлатхонада жон бераман ва жасадимни итлар ғажишади.

Дарҳақиқат, унинг үлиги ахлатхонадан топилди.

Хонликлар даврида шаклланган гиёхвандлик ва бангилик асрлар давомида жамиятни орқага суреб келган омиллардан бири эди. Аёлларнинг ёпинтириб қўйилиши ҳам яхшиликка олиб келмади. Паранжи ва чачвон тутилиши натижасида онги ва дунёқараши торайган, жамиятдан ажратилган аёлларнинг маданий ҳаётда эркаклар билан бир қаторда фаол қатнашишининг ҳеч иложи йўқ эди. Бу хонликлар даврида фан ва маданиятнинг кенг кўламда ривожланишига катта тўсик бўлган эди.

Демак, Бухоро, Хива ва Қўқон хонлари аслида кўчманчилар вакиллари бўлганлиги учун юксак фан ва маданият учоғи — Туркистонни юқори даражада бошқаришга ожизлик қилдилар. Уларнинг орасидан ақл-идрокли, жасоратли, дунёқараши ва бафри кенг, ватан келажагини ўйладиган, халқ ҳаёти ва баҳти учун жонини тиккан чинакам давлат арбоби чиқмади. Тахт учун олиб борилган қонли урушлар давлатни ич-ичидан емириб, инқироз ва қолоқликни юзага келтирди. Бунга фанатизмнинг авж олиши ҳам сабаб бўлди. Хонлар сиёсат бобида заиф ва ночор бўлганликлари учун руҳонийларнинг йирик вакиллари ва дарвишларга таяниб иш юритдилар. Уларни узига оғдириш учун ҳокимият ишига жалб қилиб, катта имтиёзлар бердилар. Натижада руҳонийлар орасидан ўз даврининг бой-бадавлат кишилари етишиб чиқди. Улар, хонлар сингари, шахсий манфаатларни ўйлаб, ўз мавқеини сақлаш учун мутаассибликни авжига миндирдилар. Диний фанатизм аёлларни паранжи-чачвонга киритишга ва гиёхвандлик ривожланишига ҳам олиб келди. Бу миллий тараққиётга тўсик бўлган омиллардан биридир. Ташқи дунё билан иқтисодий ва маданий алоқалар изчил йўлга қўйилмаганлиги ҳам катта зиён келтирди. Чунки мамлакатнинг «ўз ёғига ўзи қовурилиб ётиши» орқасида жаҳон янгиликлари ва тараққиётидан четда қолинди. Шуни ҳам ҳисобга олиш лозимки, ўзбек халқи хонликлар давридаги мисли қўрилмаган оғир шароит асирига айланмай, моддий ва маънавий бойликларни барбод булишдан сақлаб қолди. Уларни имкони борича такомиллаштириш ва авлоддан-авлодга ўтказиш учун тинимсиз курашди. Бироқ хонлар ҳокимияти бу курашга илҳомбахш таянч бўлолмади. Аксинча, хонлар давлатга шахсий мулк сифатида қараб, ватан ва халқ олдидаги бурч ва масъулиятларини англай олмадилар. Давлат томонидан меҳрибонлик, ғамхўрлик ва оқибат курмаган, қонли урушлардан тинкаси куриган халқнинг хонлардан кўнгли совиши турган гап эди.

XVI—XIX асрлардаги үзаро урушлар, қүшиннинг замонавий қуроласлаҳалар билан таъминланмаганлиги ва жанговарлик қудрати оширилмаганлиги, инқироз ва қолоқлик мамлакатнинг чор Россияси томонидан босиб олинишига қулай замин ҳозирлади. Босқинчиларнинг ўлкага ҳарбий юришлари вақтида ҳам хонлар ўзларининг қобилиятсизликлари ва нодонликларини қурсатдилар. Фақат қалбida озодлик, эркинлик ва Ватанга садоқатни, сақлаган халқ душманга қарши қаҳрамонларча курашди. Аммо бу курашни катта маҳорат ва билимдонлик билан бошқарадиган етук шахснинг йўқлиги оқибатида мустақиллик барбод бўлди. Хонлар подшо Россияси ҳукумати олдида хизматкор сингари бош эгиб, тиз чўкиб жонларини сақладилар.

---

## ХАҚИҚАТ САРИ ТАПІЛАНГАН ДАСТЛАБКИ ҚАДАМ

Жадидлар ҳаракатини юзага келтирған сабабларни, бу ҳаракат-нинг моҳияти ва йұналишларини үрганиш бугун тарихчиларимиз олдидә турған эң долзарб вазифалардан бири эканлыги шубҳасизdir. Шу маънода совет даврида жадидчилик тарихини үрганиш услублари, ёндашувларини белгилаб берган бир илмий кенгаш ҳақида батағсил фикр юритиш фойдалан холи бұлмайды.

Илмий кенгаш 1966 йилда Ұзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти қошида үткәзилған эди. Совет давлати жадидлар вакилларини ашаддий душман сиғатида отиб ташлаган ёки умрларини қамоқшарда, сургунларда чириптанлиги, уларнинг яқин қариндош-уруғларини ҳибсга олғанлыги ёки таъқиб қылғанлыги инобатта олинса, ушбу кенгашни ташкил этишнинг үзи бұлмаганлығы аёnlлашади.

Жадидлар совет даври илмий ишлари ва оммавий ахборот воси-таларидә «халқ душманлары», «империализм ва Туркия айгоқчилари» сиғатида қораланиб, уларнинг озодлик гояларига ҳамоханғ бұлмиш 1873—1876 ва 1898 йиллардаги құзғолонлар ҳам қора бүекә бүяб күрсатылғанидан бугунғи ёш авлоднинг хабари йүк, албатта.

XX асрнинг 60-йиллари иккінчи ярмида тұрт жылдлик «Ұзбекис-тон ССР тарихи»нинг учинчі жылдини нашрға тайёрлаш муносабати билан жадидчилик, 1873—1876, 1898 йиллардаги халқ құзғолонлари масалаларини ҳам қайта күриб чиқыш зарурияты туғилды. Бу үта қал-тис ва нозик тадбیرрга Ұзбекистон Республикаси Фанлар академияси-нинг үша вақтдаги вице-президенти И.Мүминов ва таниқли олим Я.Фуломовлар бошчылық қылдилар. Уларнинг ташаббуслари билан ил-мий кенгаш үткәзиладиган булиб, уни ташкил этиш менинг зиммам-га юқлатылды. Чунки жадидлар ҳаракати ва құзғолонлар тарихини үрганиш мен раҳбарлық қилаёттан бұлымга тааллукلى эди. Айни пайт-да Тарих институтыда илмий ишлар буйича директор үринбосари эдим.

Илмий кенгаш күн тартибига киритилған «Туркистан ұлқасида жадидлар ҳаракати» номли мавзу бүйича умумлаشتырылған маъруза-ни тайёрлаш К.Е.Житов, Х.Турсунов, О.Әшонов ва бошқаларга топ-

ширилди. Уларга жадидлар ҳаракатининг замини, моҳияти ва йуналишини чукур ва атрофлича таҳдил қилиш вазифаси юклатилди. 1873—1876, 1898 йиллардаги халқ құзғолонларини үз ичига олган иккинчи мавзу буйича Ҳ.Иноятов ва Ҳ.Турсунов маъruzачи қилиб тайинланди.

Илмий кенгашни уюштириш жараёни анча мураккаб ва оғир кечди. Хусусан, Ҳ.Турсунов ва Ҳ.Иноятовварни күндириш қийин бўлди. Улар менга шундай дейиши: «Биласизки, биз иккимиз Ўзбекистон коммунистик партияси марказий комитети пленумининг махсус қарори асосида 1873—1876 ва 1898 йиллардаги халқ құзғолонларини роса қоралаб ёзғанмиз. Бунинг учун одамлардан кўп таъналар эшитдик. Илмий кенгашда хатоларимизни бўйнимизга олиб, құзғолонларни «оқлаб» чиқдик ҳам дейлик. Бироқ кейин компартия марказий комитетига чақириб, нотуғри иш қилибсизлар, деб яна қоралашга даъват этишса, нима деган одам бўламиз. Бундай бўлмаслиги га ким кафолат беради?»

Уларнинг гапларида жон бор эди, албатта. Мен уларни бошлаб И.Мўминов ҳузурига кириб, вазиятни тушунтирдим. Хотиржам бўлинглар, деди у, ҳеч қандай тазиик ва хавф-хатар бўлмайди, бу хусусда «юқоридагилар» билан келишганимиз. Улар чиқиб кетгач, у менга шундай деди: «юқоридагилар» халқ құзғолонлари ҳақида олимлар нима дейишса, шуни эътиборга олинглар, жадидлар масаласига жуда эҳтиёткорлик билан ёндошинглар, дейиши. Шунинг учун маърузачилар ишончли маълумот асосида пухта тайёргарлик қурсинлар ва янги фикрлар билан чиқсинлар. Одатдагидек, одамларни илмий кенгашга мажбурий суръатда жалб қилманглар, негаки ғаламис кишилар «сувни лойқалатиб» юборишлари мумкин.

Бунга жавобан, 200—250 нафар кишига мўлжалланган таклифнома тайёрламоқчимиз, имкони борича кенгашни юқори савияда ўтказамиз, деганимда, И.Мўминов, яхши, кенгашда 100—150 атрофифа одам қатнашса ва тинчлик билан ўтказилса, айни муддао бўларди, деб уқтириди.

Илмий кенгаш яқинлашган сари ишончсизлик ва хавфсизлик қўзғутвчи ҳар хил миш-мишлар қизиб борди. Булар пировардидаги үз таъсирини курсатди. Чунончи, 1966 йил 22 сентябрда — Я.Фуломов раислигига кенгаш очилган кунида бор-йуғи 25 нафар киши келди. Бунинг устига К.Е.Житов ва Ҳ.Турсуновлар маърузани тайёрламаганликлари ни билдириллар. Бундай ноxуш ва ачинарли ҳолат И.Мўминов, Я.Фуломов ва бошқаларни қаттиқ ранжитди. Улар мени чақириб, нима учун бундай ҳолат юз берганлигини сўрашди.

Кенгаш хусусида, дедим мен, олимлар билан гаплашганимда хавотирланиш аломатларини сезган эдим, лекин күпчилик қатнашади деб үйлаган эдим. Таклифномалар үз вақтида тарқатилди. Маърузачилар эса тайёрмиз, дейишганди. Я. Гуломов, күнгилсиз ҳодисалар олдинроқ хаёлига келганлигини, лекин иш шу даражага бормас, деб ўзини юпатганини айтди.

Бугун тегишли ташкilotлар зимдан иш юритиб, илмий кенгашни тор доирада үтказиш чораларини кўрганликлари сир эмас. Кенгашнинг биринчи куни X.Турсунов ва X. Иноятовнинг чиқишлари тингланди ва муҳокама қилинди<sup>1</sup>. Улар 1873—1876 ва 1898 йиллардаги қўзғолонларни қоралашга барҳам берилиши ва бу қўзғолонларни озодлик ҳаракати сифатида таърифлашга барча асослар борлигини уқтириб үтдилар. Аммо улар масалани охиригача ҳал этишга журъат этмай, қўзғолонлар умумроссия революцион ҳаракатининг таркибий қисми сифатида чоризмга қарши кураш бўлганлигини курсатдилар. Шунингдек, қўзғолонларга қушилган маҳаллий юқори табақаларнинг илфор вакиллари фаолияти қаттиқ қораланди. Умуман, маърузачилар ва музокарага чиққанлар қўзғолонларнинг, асосан, Ватан мустақиллиги ва озодлиги учун қаратилганлигини очиб бера олмадилар.

Кенгашнинг иккинчи кунига қолдирилган жадидлар масаласи, асосий маъруза тайёрланмаганлиги сабабли, барбод бўлиши хавфи туғилган эди. Бироқ О.Эшоновга топширилган масала тайёр бўлганлиги туфайли кенгаш үз ишини бошлади. Афсуски, унда 23 киши қатнашди, холос. Улардан 7—8 нафари маърузачи ва музокарачилар эканлиги ҳисобга олинса, тингловчиларнинг сони жуда кам эди. Ваҳоланки, биз камида 100—150 нафар кишини жалб қилиш чораларини кўрган эдик. Бироқ, бунга зимдан йўл берилмади. Илмий кенгаш Я.Гуломов раислигида, деярли бўм-буш залда О.Эшоновнинг Бухоро ва Хива жадидларига багишланган маърузаси билан бошланди. У, авваламбор, илмий ишларда Туркистон генерал-губернаторлиги, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигидаги жадидларнинг фаолиятини ялписига реакцион ҳаракат сифатида таърифлашни нотуғри деб ҳисоблади. Олим, улар икки хил шароитда шаклланган ва ривожланган, деган фикр билдириди. Зоро, Туркистон генерал-губернаторлигидаги завод, фабрикалар, банклар, фирмалар ва умуман капиталистик алоқаларга хос шунга ўхшаш ўзгаришлар содир бўлаётган эди. Амирлик ва хонликда эса ўрта аср қолоқлиги, хон деспотияси ҳукм

<sup>1</sup> X. Турсунов маърузани тайёрламагани учун масалани қисқа ва умумий тарзда оғзаки шарҳлаб берди.

суриб, турғунлик күзгө ташланмоқда эди. Жадидларнинг мана шундай шароитда юзага келган, ислоҳотлар воситасида феодал тузум ва хон ҳокимиятига қарши кураши О.Эшонов томонидан прогрессив ҳаракат сифатида баҳоланди. Маърузачи Бухоро ва Хива жадидлари фаолиятини Туркистон жадидлари билан бир чизиққа қўймай, алоҳида ўрганишни таклиф қилди. У масалани худди шу тарзда ёритиб, Бухоро ва Хива жадидлари ҳаракатининг моҳияти ва йуналиши маданий, маърифатпарварлик ва революцион-демократик курашдан иборатлигини кўрсатди. Музокарада қатнашган К.Е.Житов ва Ҳ.Турсунов сўзларидан ҳақиқатан ҳам улар жадидчилик ҳаракатини чукур ва атрофлича ўрганиш ва янги фикрлар билан бойитишни назарда тутмаганликлари маълум бўлди. Улар гарчи жадидларнинг маърифат-парварлик фаолиятини тан олган бўлсалар-да, уларни табақаларга булиш ва фаолиятини уч йуналишда таърифлашни таклиф қилдилар. Бу олимлар кўпроқ умумий сўзлар билан чегараланиб, иштирокчиларда яхши таассурот қолдирмадилар. Уларнинг кўrsatiшича, жадидлар орасида феодал-клерикал, буржуа-демократик ва революцион-демократик гоялар билан сугорилган уч гурӯҳ фаолият курсатган. Буларнинг ҳар бири бир-биридан фарқ қилувчи мақсадлар буйича мустақил равишда иш юритишган. Музокарага чиққанлар ҳам жадидлар фаолиятида уч йўналиш бўлганлигини қувватладилар ва шу фикрлар руҳида қуйидаги мазмунда тавсиянома қабул қилинди:

1. Ҳақиқатан ҳам, жадидларнинг таркиби бир хил бўлмаган. Туркистон генерал-губернаторлигидаги жадидлар билан Бухоро ва Хива жадидлари бир-бирларидан фарқини ҳисобга олиш лозим. Бухоро ва Хива жадидлари, яъни ёш бухороликлар ва ёш хиваликлар Октябрь революцияси таъсирида Бухоро амирилги ва Хива хонлигидаги феодал тузум ва хон ҳокимиятига қарши курашиб, революцион демократик йўлга ўтди. Туркистон ва хонликлардаги жадидларнинг орасида турли оқимлар шаклланиб, сўл қанот ажralиб чиқди.

Жадидларнинг бъязи илфор вакиллари рус маданиятига мойиллик билдириб, китоблар ва дарсликларни чоп эттиридилар. Уларни оммалаштиридилар ва янги усулдаги мактаблар очдилар. Ҳатто мусулмон ўқитувчilar семинариясини ташкил этишни ўйладилар. Жадидлар орасидан Фитрат, Ажзий, Сиддиқий, Тавалло, Абдулла Қодирий ва бошқа ёзувчilar етишиб чиқди. Улар наср, драматургия ва театрнинг янги жанрларини яратдилар. Жадидларнинг илфор вакилларидан С.Айний, Ҳамза, Файзулла Хўжаев, А.Муҳиддинов, Қори Йўлдошев сингари кишилар Октябрь революциясини қизғин табриклидилар ва ўзларининг бутун умрини совет ҳокимияти учун хизмат қилишга бағишлидилар.

2. Жадиллар вакилларининг маълум қисми миллий буржуазия ва савдо-саноат доираларининг манфаатларини назарда тутиб, дунёвий фанларнинг тарафдорлари сифатида иш юритдилар. Аммо жадиллар орасида шундай кишилар ҳам булганки, улар маданий ва маърифий ўзгаришларнинг тарафдорлари бўлсалар-да, лекин ўзларининг синфий манфаатларини ўйлаб ва меҳнаткаш омманинг бош кутаришидан чўчиб, чоризмни қувватлаб турдилар. Улар, айниқса, 1905—1907 йиллардаги революцион ҳаракатлардан кейин газета ва журнallарда императорга ўз содикларини изҳор этиб, революцион социал-демократларнинг фаолиятини қораладилар.

3. Жадилларнинг ўнг қанотини Абдулаҳат Роҳатбоев ва бошқа кишилар ташкил этиб, улар дин ва шариат асосларини қаттиқ ушлаб, феодал ва мусулмон Туркияси олдида тиз чўқдилар. Улар Туркия бошчилигида Туркистонни Россиядан ажратиб олиш ва буржуапомешчик давлатини тузишни мақсад қилиб қўйдилар. Улар панисломчилар ва пантуркчилар фояси билан сугорилган булиб, илгор рус маданиятига қарши нафрат ўйғотдилар. Шунингдек, чет эл айғоқчилари билан биргаликда Туркистон халқлари орасида миллий низоларни ўйғотиб, халқни руслардан ажратишга ва бу билан революцион курашдан четлатишга ҳаракат қилдилар. Жадилларнинг ўша вакиллари халқ оммасининг норозилигидан ўзларининг тор манфаатлари учун фойдаланмоқчи бўлдилар».

Кўриниб турибдики, тавсияноманинг биринчи қисмида совет давлати томонига ўтган жадилларнинг фаолияти революцион-демократик, яъни прогрессив ҳаракат, деб баҳоланди. Шу равишда совет давлатига бўлган муносабатдан келиб чиқсан ҳолда жадилларнинг бир гурухи «оқланди». Гарчанд масалага бундай бир томонлама ёндашиш нотўғри бўлса-да, лекин бир баҳона топиб жадилларни «оқлашга» уриниш ижобий воқеа ҳисобланарди.

Тавсияноманинг иккинчи қисмида жадилларнинг кураши буржуа-демократик ҳаракат деб таърифланди. Унинг учинчи қисмида эса жадилларнинг Туркистон заминининг мустақиллигини тиклашга қаратилган ҳаракати энг реакцион йўналиш сифатида қаттиқ қораланди. Илмий кенгашда жадилларни ёппасига эмас, балки бир гурӯҳ вакилларини «оқлаш»нинг ўзи ҳам ашаддий коммунист олимларда умуман жадилларга хайриҳоҳлик билдириш, деган тушунча ҳосил қилди. Улар ташвишланиб, норозиликларини билдирилар.

Шунинг учун И.Мўминов менга: «Сиз кенгаш стенограммасини Москвага олиб бориб, у ердаги олимларнинг розилигини олсангиз яхши бўларди. Бўлмаса, тинчимайдиганга ухшаймиз», деди.

Мен стенограммани Москвада СССР Фанлар академияси ижтимоий фанлар бўлимининг мудири, академик Е.М.Жуковга топширдим. Бир неча кундан кейин у шундай деди: «Умуман олганда, илмий кенгаш ўтказишнинг кераги йўқ эди. Чунки жадидлар масаласи аллақачон ҳал этилган. Аммо кенгашда жадидларнинг бир гуруҳи «оқланибди». Биз бунга розимиз». Москванинг «фотиҳаси» олингандан кейингина вазият ўзгариб, тавсиянома кучга кирди.

Илмий кенгашда жадидчиликнинг сиёсий ва ижтимоий, иқтисадий заминлари нотуғри таҳлил қилинган эди. Унда маъruzачи ва музокарага чиққанлар минтақадаги жадидлар бир-бирига зид икки хил шароитда шаклланганлигини таъкидладилар. Тарихий ҳақиқат эса ўзгача эди...

Туркистон генерал-губернаторлигига ҳам, хонликларда ҳам мөхияти бир мустамлакачилик сиёсати ҳукм суриб, бутун минтақа Россиянинг хом ашё манбаи ва тайёр маҳсулотлар бозорига айлантирилганди. Тұғри, Туркистон генерал-губернаторлигига капиталистик ўзгаришлар содир бўлмоқда эди. Бироқ үлардан асосан Россия ва үлкага жойлашиб олган руслар фойдаланиб, туб аҳоли қашшоқлашди, адолатсизлик ва зулм остида яшади. Ҳар икки тарафда феодал тузум сақланиб, ўрта аср қолоқлиги ҳамон давом этаверди. Аҳоли орасида кўзга ташланган айрим ижобий ўзгаришлар бамисоли денгиздан томчи эди, холос. Ҳуллас, минтақада жадидлар икки хил шароитда юзага келганлиги ҳақидаги фикрга қўшилмайман. Буни қўйидагича тушунтиришга ҳаракат қиласан.

Биринчидан, подшо Россияси үлкани қонга белаб, вайронага айлантириб эгаллагандан кейин миллий давлатни йўқ қилди. У рус генераллари ва офицерларини олий ва ўрта, туб аҳоли вакилларини куйи маъмурий лавозимларга тайинлади. Сирдарё, Фаргона, Самарқанд, Еттисув ва Каспийорти вилоятларидан иборат Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилди. Бу ерда сиёсий-маъмурий тизим мустамлакачилик ва миллий зулм асосида тузилиб, сиёсий ва инсоний ҳуқуқларни ҳаётга татбиқ этишни хаёлга ҳам келтирмади. Рус тили давлат тили сифатида юритилди, миллий тил эса бир бурчакка сиқиб қўйилди.

Иккинчидан, чор ҳукумати туб аҳолининг бирдамлиги ва куч-қудратини синдириш учун минтақани Туркистон генерал-губернаторлиги, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигидан иборат уч қисмга бўлиб бошқарди. Гарчанд, амирлик ва хонликдаги маҳаллий сиёсий-маъмурий тизим сақланган бўлса-да, лекин у амалда чоризмнинг

манфаатларини таъминлашга қаратилди. Бошқача айтганда, у шаклан миллий, мазмунан мустамлакачилик бошқарувининг кўринишидан бири эди. Чунки хонлар рус ҳукумати томонидан «қўғир-чоққа» айлантирилган қарам ҳукмдорлар эди, холос. Тўғри, хонликларда қўшин сақланган, лекин унинг вазифаси фақат ички тартиб ва тинчликни таъминлашдан иборат бўлиб, ҳарбий маҳорат ва техника ниҳоятда паст даражада эди. Рус давлати Бухорода «рус сиёсий ваколатхонасини» очиб, хонликни қаттиқ назорат остида ушлаб турди. Хива хонлиги эса Сирдарё вилоятига қарашли «Амударё бўлими» орқали бошқарилди. Туркистон генерал-губернатори лавозимидағи шахслар ҳуқуқи чегараланмаган ҳолда бутун минтақада бошчилик қилганликлари учун «ярим подшо» деб юритилганлар. Улар мустамлакачилик сиёсати ва миллий зулмни изчилилк билан амалга оширилдилар. Мустақилликни барбод этган бундай файритабиий тизим жадидларнинг сиёсий курашига замин ҳозирлади. Вақт ўтиши билан озодлик фоялари юзага қалқиб чиқаверди. Бу ҳақда Фитратнинг «Темур саганаси» пъесаси қаҳрамони номидан изҳор этилган кўйидаги сўзлар далолат беради: «Ҳоқоним, эзилиб таланган, таланиб йиқилган, йиқилиб яраланган турк элининг бир боласи сендан кўмак истарга келди. Бағлари бузулган, гуллари сўлган, булбуллари учирилган Туроннинг қоровули сенга арз этарга келди. Бағрим ёниқ, юзим қора, кўнглим синик, буйим букук, сенинг зиёратингга келдим, сultonим! Эзилган бошим, қисилган виждоним, куйган қоним, ўртаган жоним учун бу саганангдан даво излаб келдим, ҳоқоним! Юз йиллардан бери жафо кўриб, ғам чекиб келган туркнинг қонли кўз ёшларини этакларингта тўкарға келдим. Коронгулар ичра қолган ўзбек қўзлари учун тупрогингдан сурма олгани келдим. Туркнинг номуси, эътибори, иймони, виждони золимларнинг оёқлари остида қолди. Туркнинг юрти, улоги, ўчоғи, турони ёт қўлларга тушди. Туркнинг белгуси, онги, ўйлови, зийраклиги жаҳолат ўлкасига кетди. Сенинг қиличинг билан дунё эгаси бўлган турк тинчгина бир ётоқ тополмай қолди».

Мазкур сатрларда мустамлака даврининг даҳшатли ва фожиали манзараси ҳаққоний тасвирланиб, Туркистон замини мисли кўрилмаган даражада харобага айлантирилганлиги ифодаланган; буюк Амир Темур мустақиллик рамзи, мазлум халқни озодликка ва тараққиётга чорловчи қудратли куч сифатида тасвирланган. Фитрат «Темур саганаси» асари орқали жадидлар ҳаракатининг сиёсий қиёфасини ёритиб берди, дейилса, асло хато бўлмайди.

Учинчидан, чоризм Туркистон заминини Россиянинг хом ашё манбай ва тайёр маҳсулотлар бозорига айлантиришни асосий вазифа қилиб қўйган эди. Бунга эришмоқ учун у биринчи навбатда пахтачилкни ривожлантиришга эътибор бериб, Америка пахта навларини иқлимлаштириди. Натижада, ўлкада пахтачилк йил сайин ривожланиб борди. Айни пайтда Бухоро ва Хива хонликларида ҳам пахтачилк кенг қулоч ёйди. Бироқ пахтачилкни ривожлантиришдан туб аҳолининг ҳаёти яхшиланмади. Аксинча, қашшоқлашди, чунки пахтанинг деярли ҳаммаси арzon нарҳда Россияга узлуксиз юбориб турилди. Факат пахта эмас, балки бошқа қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ҳам ташиб кетилди. Мустамлакачилар ўлканинг табиий бойликларини ҳам таладилар. Россиядан минтақага турли саноат моллари келтирилиши туб аҳолининг аҳволини янада ёмонлаштириди. Ўлканинг хом ашё манбай ва тайёр маҳсулотлар бозорига айлантирилиши, халқнинг қашшоқланиси жадидларнинг эътиборини жалб қилиши турган гап эди. Зеро, улар ўз халқи бошига тушган кулфатларнинг, азоб-уқубатларнинг, бойликлари таланаётганлигининг жонли гувоҳи эдилар. Шунинг учун ҳам Фитрат: «Эллик йилдан бери эзилдик, таҳқир этилдик. Қўлимиз боғланди, тилимиз кесилди. Оғзимиз қопланди. Еримиз боғслиди, молимиз таланди, шарафимиз емирулди, номусимиз фасб қилинди. Инсонийлигимиз оёқдар остига олинди. Тузимли турдик, сабр этидик. Кучга таянган ҳар буйруғга бўйунсундик. Бутун борлиғимизни қулдан бердик», деб ёзган эди. Шундай қилиб, мустамлакачилек сиёсати жадидларнинг иқтисодий мустақилликка қаратилган гояси-ни шакллантириди.

Тұртингчидан, рус давлатининг мустамлакачилек сиёсати маънавиятни қашшоқлаштиришга олиб келди. Чунончи, миллий тил ва маданиятни ривожлантиришга йўл берилмади. Мактабларни, мадрасаларни таъминлашга маблағ ажратилмади. Чунки маҳаллий аҳолининг билимли булиши чор ҳукуматининг улуг миллатчилик сиёсатига зид эди. У ўлкада фан ва маданиятнинг кенг қулоч ёишига имкони борича тусқинлик қилиб, халқни қоронғиликда ва тушкунликда ушлаб туриш чораларини кўрди. Маъмурият ва зиёлилар орасида, агар мактаб ва мадрасаларнинг фаолиятига имкон яратилса, «гафлатда ётган мусулмонларнинг уйгониши» ва «нонимиз яримта бўлиши» мумкин, деган фикрлар йўқ эмас эди. Чор ҳукумати ўлкада матбуотнинг кенг кўламда ва самарали қулоч ёишига тусқинлик қилди. Бу соҳада кўзга ташланган айрим ўзгаришлар умуман етарли эмас эди. Маънавий ҳаётнинг негизи бўлмиш ислом динининг жами-

ятдаги мавқеига анча зарба берилиб, руҳонийлар вакиллари қаттиқ назорат остига олинди. Вақф ерларининг қисқартирилиши ва уларнинг рус маъмурияти назорати остига олиниши ҳам диннинг иқтисодий асосларини қаттиқ шикастлантириди. Мустамлакачилар тарихий ёдгорликларни харобага айлантириш йўли билан ҳам халқнинг маънавий ҳаётини қашшоқлаштириди. Босқинчилар маҳаллий аҳолини ўрта аср қолоқлигига, саводсизлик ва қоронғилик гирдобида ҳаёт кечиришга мажбур қилдилар. Миллатнинг бу кунини эмас, келажагини ҳам барбод этувчи миллий зулм жадидларнинг маънавий курашига замин ҳозирлади. Улар XX аср бошларида ёшларни билим олиш учун Германия, Франция, Миср, Туркия ва бошқа мамлакатлардаги шаҳарларга ўқишга юборишини талаб қилдилар. Масалан, бундай ўта фойдали таклифлар М.Беҳбудийнинг «Эҳтиёжи миллат» (1909), Ҳамзанинг «Муаллиф афандиларга улуғ рижомиз» (1914) ва Чулпоннинг «Дўхтири Мұхаммадиёр» (1915) мақолаларида баён этилди.

Умуман айтганда, жадидлар ҳаракати мустамлакачиликка ва миллий зулмга асосланган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг маҳсули сифатида юзага келди. Унинг асл моҳияти ва йұналиши пировардилда Туркистан мустақиллигини тиклашга қаратилган эди. Бу олий мақсадга эришиш учун биринчи навбатда мазлум ва хўрланган халқнинг саводини чиқариш ва билимини ошириш, миллий ҳис-туйгуларини ва сиёсий онгини ўстириш лозим эди. Шунинг учун ҳам жадидлар фаолиятида даставвал маърифатпарварлик салмоқли үринни эгаллади. Аммо бу уларда сиёсий фоялар ва мақсадлар йўқ эди, дегани эмас. Аксинча, улар жадидлар қалбини чулғаган, лекин уни дарҳол амалга ошириш учун шароит этилмаган эди. 1917 йилда қулагай вазият юзага келиши билан жадидлар қалбидан сиёсий фоялар вулқон каби отилиб чиқиб, «Туркистан мухторияти» ташкил топди. Бироқ бу олий мақсад большевиклар томонидан ваҳшийларча барбод этилди.

Шундай қилиб, 1966 йилдаги илмий кенгашда миллий-озодлик кураши ва жадидлар ҳаракатини маълум даражада «оқлаш»га уриниш кўзга ташланди, дейилса хато бўлмайди. Шукрлар бўлсинки, халқнинг озодлиги учун жонини тиккан жадидларнинг эзгу ниятлари шу кунларда рўёбга чиқиб, уларнинг авлодлари мустақилликнинг гаштини сурмоқдалар.

## МИЛЛИЙ НУҚСОНЛАР ВА УЛАРНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

Ўзбек халқининг тарихан шаклланган олий фазилатлари, моддий ва маънавий бойликлари ҳақида қанча кўп ёзилса, шунча кам. Ҳақиқатан ҳам, ўзбек халқи ўзининг кўп асрлик тарихи давомида сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларда улкан ютуқларга эришиб, умуминсоният тараққиётига муносиб ҳисса қўшди. Милоддан аввалги асрларда ёк Туркистон заминида қудратли давлатлар ва маданият учоқлари юзага келди. Аммо мустақиллик ва тараққиёт занжир ҳалқалари сингари бир-бирига уланмай, орада узилиш ва ўтирилишлар содир булиб турди. Зеро, уч минг йиллик тарихимизни умумлаштирганда, 700—800 йили чет эл зулми остида кечгани маълум бўлади. Бу нима дегани? Ўзбеклар шунчалик жасоратсиз ва она юртига вафосиз халқ бўлганми? Асло! Аксинча, ўзбеклар, ута жанговар ва ватанпарвар кишилар ҳисобланган. Буни Ахоманийлар, македониялик Александр, ҳалифалик, мӯғуллар, чор ҳукумати ва совет давлатига қарши олиб борилган қаҳрамонона курашлар яққол исботлайди. Шундай экан, нима сабабдан ўтмиш замонларда ота-боболаримиз юз йиллаб босқинчиларниң кўл остида яшаганлар? Бундай фожиаларниң рўй беришида кундалик ҳаётда ҳукм сурған миллий нуқсонлар ҳам сабаб бўлган.

### Сиёсий соҳадаги нуқсонлар

Туркистон заминида ҳам, бошқа мамлакатлар ва халқлар тарихида бўлгани каби, ҳокимият учун курашлар ва қобилиятсиз шахслар таҳтни бошқарган ҳоллар бўлган. Бундай шароитларда жамоа аҳли билан ҳокимият уртасидаги алоқа узоқлашиб, ички сиёsat инқизозга учрагани ҳам яхши маълум. Зеро, фуқаролар ҳукмдорларниң ўзаро қонли жангларига қарши бош кутармай, бир четда тураверган. Ўз ҳолига ташлаб қўйилган таҳт даъвогарлари ҳеч қандай қаршиликсиз курашни давом эттиришлари оқибатида давлатнинг куч-кудрати заифлашиб бораверган. Мана шундай вақтда халқнинг бетараф туриши миллий нуқсон намуналаридан бири эди. Айрим мисолларни келтираман. Хо-

размшоҳлар даврида ҳаёт анча яхшиланиб, фан ва маданият ўси. Туркистоннинг жаҳон миқёсидаги мавқеи кўтарилди. Аммо мӯғулларнинг тажовузи бошланиб, мамлакатнинг тақдири қўл устида турганда таҳт учун кураш авжига минди. Довдираф қолган Муҳаммад Хоразмшоҳ қочгандан кейин таҳт учун кураш янада кучайди. Ҳатто, ҳар жиҳатдан етилган саркарда ва ватанпарвар бўлган Жалолиддинни таҳтга йўлатмай, ўлдириш режаси тузилди. Жалолиддин жамоа орасида таянч тополмай, Хоразмни тарк этишга мажбур бўлди. Агар ҳалқ ёппасига кўтарилиб, уни қувватлаганда, босқинчилар тор-мор этилиши турған гап эди. Бироқ бундай қилинмаслиги мамлакатнинг шу даражада яксон қилинишига олиб келдики, уни таърифлашга қалам ожизлик қиласди. Миллий нуқсонлар жамоа аҳлининг ватан хоинларига муносабатида ҳам кўринади. Чингизхон бошлиқ мӯғулларнинг ғалабасини таъминлашда хоразмлик Маҳмуд Ялавоч бошлиқ бир гурӯҳ савдоғарлар «катта хизмат қилдилар». Уларнинг хоинлиги ҳалқнинг кўз ўнгидаги содир бўлиб, мисли кўрилмаган талафотларга ва вайронагарчиликларга олиб келди. Мустақиллик ва озодлик барбод этилиб, ўн минглаб кишиларнинг ёстиғи қуриди. Ватанфурӯш Маҳмуд Ялавоч ва ўғли Масъудбек Туркистонда мӯғулларнинг ноиби сифатида умумлаштирганда саксон йил ҳокимлик қилишди. Мана шу вақт ичида ҳалқ уни жазолаш у ёқда турсин, ҳатто, «мушугини пишт» демай, итоатда бўлди. Амир Темур билан боғлиқ воқеани олайлик. У ўлим тўшагида ётганида набираси Пирмуҳаммадни валиаҳд деб эълон қилди. Аммо ўлимидан кейин унинг васиятини даставвал фарзандларининг ўзлари буздилар ва ўзаро урушларни бошлаб юбордилар. Шу тариқа кечагина олам узра шуҳрат қозонган, мустақиллик ва тараққиётни таъминлаган соҳибқироннинг васияти инкор этилди. Амир Темур саъй-ҳаракати билан озодлик ва фаровон ҳаётга эришган ҳалқ ўзининг ҳалоскори ва сардорининг васиятини бузганларга қарши бош кутармай, томошабин бўлиб тураверди.

Буюк давлат арбоби ва машҳур олим Улугбекнинг қисмати ҳам фожиали кечди. У ўзининг фарзанди томонидан ўлдирилди, жамоа аҳли бу гал ҳам ҳеч нарса бўлмагандек яшайверди. Ахир ҳалқпарварлик, ватанпарварлик ва тараққийпарварликда тенги йўқ. Амир Темурнинг сиёсати ва васиятини сақлаш, Улугбекнинг душманларига қарши курашиш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи эди-ку. XVI аср бошларида мамлакатга Муҳаммад Шайбонийхон бостириб кирганида, мустақиллик ва тараққиётнинг рамзи бўлмиш Темурийлар ҳокимияти ҳалқ томонидан етарли даражада ҳимоя қилинмади. Натижада не машаққатлар ва катта ҳаракатлар эвазига эришилган та-

раққиёт барбод булиб, күчманчилар ҳукмронлиги үрнатилди. Шуниси ачинарлики, жамоа аҳли босқинчилар ва уларнинг тарафига ўтган кимсалар билан ҳам муроса қилди. Унинг фожиали оқибатини ҳам кўрди. Зеро, мамлакат даставвал иккига, сўнгра уч қисмга парчаланиб, таҳт учун курашлар давом этаверди. Ҳокимият тепасига биринкетин қобилиятсиз хонлар келиб, майшат ва ҳузур-ҳаловат билан шуғулландилар. Шунда ҳам жамоа аҳли оғир шароитга қарши бош кутармади. Натижада мамлакат инқироз ва қолоқлик гирдобига қолиб, давлатнинг куч-кудрати ва салоҳияти жуда пасайиб кетди. Ҳалқ билан ҳукумат ўртасидаги масофа анча узоқлашиб, бирдамлик ва ҳамдардлик жуда заифлашди. Чор ҳукумати бундай қулай вазиятдан фойдаланиб, ўлкани босиб олди. Савдогарлар, дин пешволари ва амалдорларнинг айрим вакиллари она юртига хоинлик қилиб, душмандан хизматларини аямадилар, бунинг эвазига мукофотлар ва имтиёзларга эга бўлдилар. Аммо ҳалқ, уларнинг «жазосини худо берсин», деган руҳда иш юритиб, тегишли чораларни кўрмади. Ваҳоланки, ватанфурӯшлар минглаб одамларнинг умрига зомин бўлиб, мустақиллик ва озодликка қаттиқ зарба берган эдилар. Улар чор ҳукуматининг паноҳида гердайиб, ҳеч нарсадан тортинмай ва жабр кўрмай ҳаёт кечирдилар. Тошкент шаҳрида хоин Абдураҳмонбек генерал Черняев тарафига қочиб ўтиб, ҳозир Ўрдадан оқадиган Анҳор сувини бошидан, яъни Чирчиқдан тўхтатишни маслаҳат берди, шунда тошкентликларни сувсизликдан енгиш мумкинлигини душманга маълум қилди. Генерал Черняев дарҳол Анҳор сувини тўхтатиб, шаҳарни сувсиз қолдирди. Бу тадбир Тошкентнинг босиб олинишини жуда осонлаштириди. Генерал Черняев Абдураҳмонбекнинг ҳурматини ўрнига қўйиб, уруш вақтида шаҳарда бузилган жойларни тузатиш вазифасини топшириди. Бу иш учун унга маблаг берилди. Шундан кейин Абдураҳмонбек шаҳарда bemalol юраверди, лекин ҳеч ким уни жазолашни уйламади.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йиларида фуқароларимизнинг маълум қисми «босмачи»ларни, Хива хонлиги ва Бухоро амирлигини тор-мор этишда қатнашиб, ватан ҳимоячиларини ўлдиришда ва бойликларни талашда жонбозлик қилди. Бизлар эса, шу жумладан ушбу сатрлар муаллифи ҳам уларнинг қилмишларини била туриб, уларни фуқаролар уруши қаҳрамонлари ва ватанпарварлар, деб мақтаб юрганмиз. Шунингдек, қатагон йилларида қамалган ва отилган шоирлар, ёзувчилар, олимлар ва бошқа атоқли кишиларни «ҳалқ душманлари», «Америка ва Германия айғоқчилари» деб қоралагани-

мизни ким билмайди, дейсиз. Жамоа аҳли қатағонларга қарши норозилик билдиришга журъат этолмади. Бир гуруҳ хоинларнинг кучи қаёққа ҳам борарди? Уларга урғу бериш шартми, деган савол туғиши мумкин.

Сиртдан қараганды шундай туюлсин ҳам, дейлик. Аслида эса, бир гуруҳ хоинларнинг құлмишлари даҳшатли оқибатларни юзага келтирған. Маълумки, чаён, қорақүрт ёки илон ўзидан бир неча минг маротаба катта ва қудратли одамни чақса, үлдиради. Оддий ва ожиз ари кишининг нозик томирига нишини санчса, ҳалок қиласи. Шунга үхшаш, хоинлар шундай заҳарли кучга әгаларки, қудратли давлатларнинг тагига сув күйгандар. Бунга тарихда мисоллар оз эмас. 1999 йилда Ўзбекистондаги февраль воқеасининг ўзини олайлик. Бу вактда бир гуруҳ ватан хоинлари күп кишиларнинг ҳалок булишига ва жароҳатланишига сабабчи булдилар. Демак, айрим тарихий даврларда жамоа аҳлининг сиёсий фаолиятининг сусайиши ва ватан хоинлари билан муроса қилиши «миллий нуқсонларнинг» сиёсий негизини гавдалантириди.

### Турмуш чорраҳалариды

Миллий нуқсонлар турли урф-одатлар ва маросимларни үтказиша ҳам намоён бұлған. Бу ерда, улар тарихан шаклланған миллий анъаналарнинг таркибий қисми ҳисобланиб, инкор этиш ёки қоралаш мумкин эмас, деган ёндашув ҳам булиши эҳтимол. Аммо уларнинг орасида «ошини ошаб, ёшини яшаб» бүлғанлари бор. Бундан ташқари, түй ва маросимларни үтказища дабдаба, манманлық ва ироғарчилуктарға йыл қўйиш оммавий тус олди. Бундай ҳолатларнинг ташаббускори ва илҳомчиси бадавлат кишилар бүлған. Улар хатти-ҳаракатларининг акс садоси оддий кишиларни ҳам қамраб олди. Зеро, кундалик қозонини зўрга қайнатиб келаётган ота-оналар түй ва маъракаларни юқори даражада үтказиш орзуси билан яшадилар. Улар бунга эришмоқ учун еб-ичиш ва кийиниши тежаш ҳисобига маблағ түплашга қаттиқ ҳаракат қилғанлар. Айниқса, қизларни узатиша күп қийинчилик ва азоб-уқубатлар юзага келген. «Чақалоқни бешикка, сепини сандиққа сол» деган нақл бежиз айтилмаган. Ота-оналар қиз туғилиши билан оқ сепини тайёрлаш дарди билан яшаганлар. Никоҳдан кейинги чаллар, куда чақириқ, бешиктүйи ва йүқлаб туришларнинг оғирлиги асосан, қизнинг ота-онаси зиммасида эди. Ўз навбатида, күёв томонга ҳам оғирлик тушган. «Үйланғанга 40 йил яқинлашма» нақли шундан келиб чиққан. Чунки күп ҳолларда оддий кишилар түй ва маъракаларни қарз ҳисоби-

га үтказғанлар. Айниңса, мұхтарам оналар қыздарининг сепини тайёрлашга алоқида эътибор беріб, маблаг тұплаш ниятида үзларини «сұнга ҳам, үтга ҳам урган»лар. Иккінчи жағон уруши вақтида, одамлар бир бурда нонға зор булиб, бутун мамлакат бүйічә қаҳатчилик ва очарчилик ҳукм сурған ута оғир шароитта қарамай, онам раҳматли синглимга палак сотиб олғандилар. Шунда отам, шунинг үрнігі озиқ-овқатни олсанг яхши бұларди, деганда онам, қызын палаксиз узатиши номус, очдан үлишга розиман, лекин палакдан воз кечмайман, деб жавоб берган әдилар. Тұғри, қыздарнинг сепини тайёрлаш отаннанған бурчи. Бироқ маросимларни «күрпага қараб оёқ узатмай» үтказиши үзіншінде қарзға ботишнинг оммавий тус олиши жамият тараққиетіндең қаттық зиён көлтирди. Күп йиллар мобайнида «ніна билан қудақ қазилғандек» топилған маблағлар фарзандларнинг саломатлиги, саводи ва билимини таъминлашға әмас, күпроқ түй ва маъракаларга сарфланди. Шу тариқа азоб-уқубатлар билан құлға киристилған даромадлар иккінші күнде совурилған. Қарздорлар эса, мол-мұлки ва бир парча еридан маҳрум бұлғанлар. Түй ва бошқа маросимларни үтказиши мусобақага айланиб, ҳар бир оила бир-биридан үзишгә ҳаракат қылған. Жамоа ахлининг түй ва турли маросимлар билан уралашиб, даромаднинг талай қисмими уларға сарфлаши саводсизлик ва қолоқлик ҳукм суришига олиб келди. Дабдабали маросимларни үтказиши маблағни аямаган ман-ман деган катта бойларнинг күпчилігі, фан ва маданиятни ривожлантиришга келганды, үзларини четта тортдилар. Үша бойларнинг орасыда саводсиз кишилар ҳам бор эди.

Жамиятни орқага сураёттан дабдабали маросимлар ута зарап келтираётгандылығы ҳақида бириңчи булиб жадидлар танқидий мақолалар билан чиқдилар. Масалан, Беҳбудий «Бизни кемируды иллатлар» мақоласыда бундай ёзған: «Бизни кемируды иллатлар дейилгандан захму-маразни гумон қилишингиз мүмкін? Әйинки сил касали ёки моховликни тушунарсиз? Йүк, ундан ҳам ёмонроқ хонавайрон ва қашшоқлаштируды бир дард борки, у ҳам бұлса түй ва маъракалардир. Улар бутун Туркистан шаҳарлари ва қишлоқларини қамраб, бизларни инқизорзға, таҳликаға ва жаһаннамға йұналтирумокда.

Күръони Каримда, деб сүзини давом эттиради Беҳбудий, үз құлларынғыз ила үзингизни таҳликаға отманлар, дейилгандар. Биз бұлсак худонинг амрига буйин әгмай, түй ва бошқа маросимларга борығимизни сарфламоқдамиз. Үн-йигирма чақирим узокқылдаги жойда түй бұлса, ҳар ким деҳқончилиги ва бошқа ишларини ташлаб у ерга боради. Деҳқон учун олтиндан қиммат вақт бекорға кетади. Уруғ бир күн кеч сепилгани учун күкармай ёки етилмай қолади. Бир күн кечикиб йигилған ҳосил барбод бұлади».

Куриниб турибдикى, Беҳбудий катта күламда үтказилган маросимларнинг foят заарлигини түгри баён этган. Унинг күрсатишича, у ёки бу одам туйни «ўз қаторидаги кишиларнинг түйидан зиёдроқ» қилиш учун курашган. Бунинг орқасида кулоғигача қарзга ботиб, бор-йўғидан айрилган кишилар кўп бўлган. Борди-ю қарздор вафот этса, фарзандлари уни тұлашга мажбур бўлганлар. Акс ҳолда суд хукми билан мол-мулки тортиб олинган.

Яна Беҳбудийга мурожаат қиласыз: бечора косибнинг мақсади тўй үтказишдан иборатдир. У роҳат юзини курмайди. Бир кеча-кундузда 18—20 соат ишлайдирган косиблар бор. Улар тинимсиз меҳнат қиласидар-ку, лекин ейиш ва кийинишидан ўзларини сириб, топган-тутганларини бир зумда, яъни тўй кунларида совурадилар. Катта тўй қилиб уйланғанларнинг ҳолига йиғлайсан, киши. Уч кунлик тўйнинг ташвиши ва азоби айрим оиласарда ўн йил, ҳатто умр бўйи давом этади.

Қарз ҳисобига уйланиш шу даражада кўпайганки, «қарз узилар, хотин ёнга қолар», деган нақл келиб чиқкан. Беҳбудийнинг қарздорлар қисмати ҳақидаги сұzlари ҳам диққатга сазовордир: Табиийки, қарз пулларини бермоқ лозим. Бонни ҳамда уй жиҳозларини сотишига тўгри келади. Бечора келин ва куёвнинг кўрпа ва ёстиқлари ҳам сотилади. Оила дарбадар бўлади. «Бу нима? Тўғриси, бир нав девоналиқ эмасми? Субҳаноллоҳ, қарз олиб халқقا ош бермоқ ақлсизлик эмасми? Иллати бедавосидир. Ҳар киши бир уйланса ва сўнгра оиласидан бир ўлик кўмса, Аллоҳи акбар, у хона аҳли косиб (хунарманд) бўлса, у дунёга ўзига келмасдан кетади. ... Бир дўкончи, бир гулкор, бир косиб туйи ва таъзиялари ўлимдан қаттиғдир-ки, бунинг учун бечора ҳар кун ўлур, ҳар кун ўлгани билан қутулмас. Узидан кейин бу йуқсуллик ва бу мусибат мерос қўяр. Хўб, яхши, ўз молини тўй ва таъзияга исроф этсун, барбод этсун, кўзи чиқсун. Ҳай банқа ақчасини, бирор пулинин начун барбод этар<sup>1</sup>. Бу девоналикни у тарафи эмасми? Бу ҳол или 20—30 йил ўтса, ер ва ҳовлилар ажнабийларга ўтиб, аксар халқимиз гадойлик даражасига етади. Эллик сана муқаддам ер сотилса бир мусулмон оларди, энди бошқалар олур. Мана, энди биз бу ҳол билан яна йигирма-ўттиз йил ўткарсак, халқимизни ярмидан зиёдаси ватансиз, ерсиз дарбадар бўлатурғони маълум ва ошкордир».

Беҳбудийнинг маълумотига кўра, камбағаллар тўйга 200 сўмдан 1000 сўмгача харажат қилганлар. Бу ўз даврига нисбатан салмоқли маблағ ҳисобланган. Сармоядорлар эса беш ва ўн минг сўмлаб сарфлаганлар. Бу маблағларни Туркистон буйича йиғилса, кўп мактаблар

<sup>1</sup> Бу ерда банқдан қарзга олинган пул ҳақида суз кетаётir.

ва бошқа ўқув масканларини бемалол очиш мумкин эди. Жадидлар тўй ва маросимларга мана шу нуқтаи назардан ёндашиб, даромадларни Миср, Туркия ва Европа мамлакатларига ёшларни юбориб, ўқитишига сарфлашга чақирганлар. Ёш авлоднинг саводини чиқариб ва билимини ошириб, техника бўйича мутахассисликларни, банк ва бошқа идораларнинг хизматчиларини, тижоратчиларни тайёрлаш зарурлигини курсатдилар. Бу ҳақда Беҳбудий шундай дейди: «Бошқа миллатларнинг бойлари камбағаллар учун мактаб ва университетлар очиб, талабаларга маош берадилар. Улар бу ишлари билан фаҳрланиб юрадилар. Бизда ўз уғилларини ўқитмайдиган бойлар бор. Бутун Туркистон бўйича ўнта бой бир йилда минг сўмдан берса, 25 та бола учун Тошкентда «диний ва замонавий» пансионат очиш мумкин. Ўн йилда уларда 200 муҳандис, шифокор, ҳуқуқшунос, муаллим ва техникни тайёрлаш мумкин. «Миллатимиз бойлардан шуни кўз тутар, ҳалойиқни барбод этувчи тўйни эмас. Оҳ, бу сўзларни тушунатурғон бойлар бизда етушганми?».

Жадидлар туй ва маросимларни ўйқ қилиш тарафдорлари бўлмаганлар. Улар туй ва маъракаларни мусобақага айлантирумай ва маблагларни беҳудага сочмай ўтказишга даъват этганлар. Ҳар бир киши маросимларни баҳоли қурдат ўтказиб, қарздорлик кишанига илинмаслигини тарғибот қилганлар. Ишлаб топилган маблагни биринчи навбатда жамият тараққиётига сарфлаш лозимлигини уқдириб ўтганлар.

### Маданий ҳаётда

Чет эл босқинчилари ҳукмронлиги даврида араб, форс ва сўнгра рус тилига ғувонлик билан давлат мақоми берилди. Натижада, ўзбек тили уларнинг соясида қолиб, кенг кўламда ривожлана олмади. Зиёлилар ўша хорижий тилларни эгаллаб, улар воситасида кўп асарлар ёздилар. Чет тилларни билиш фойдали ва шарафли иш, лекин она тилида ижод қилинмаслиги миллий фан ва маданиятнинг ривожланиши ўйлида тусиқ бўлди. Айни пайтда ҳалқ оммасининг хорижий тилларни билмаслиги илм-фан ютуқларидан бебаҳра қолишига олиб келди.

Машхур олиму фозилларнинг она юртидан бош олиб, хорижий мамлакатларга чиқиб кетишлари ҳам фан ва маданиятнинг ўсишига салбий таъсир кўрсатди. Масалан, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Муҳаммад Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино ва бошқа ўнлаб таниқли олимлар хорижий мамлакатларда яшадилар ва ўша ерларда вафот этдилар. Таассуфки, уларнинг қабрлари она юртида эмас, балки ўзга мамлакатлардадир.

Атоқли зиёли вакилларининг ўз ватанидан бош олиб чиқиб кетишларига ижодий иш учун етарли шароитнинг йўқлиги ҳамда уларнинг қадр-қиммати ўрнига қўйилмаганлиги сабаб бўлган, албатта. Улар, эҳтимол, «қорнимга эмас, қадримга йифглайман», дейишган бўлса керак. Ҳатто, у ёки бу хукмдорнинг машхур олимларни қувғин қилганини ва қатл этганини ҳақида маълумотлар мавжуд. Чунончи, Имом Бухорий ватанини согиниб қайтганида Бухоро ҳокими арзимас баҳона топиб, муҳадисни шаҳардан чиқариб юбориш ҳақида фармон беради. Дили озор чеккан Имом Бухорий Самарқанд йўлида дардга чалиниб, ҳаётдан кўз юмади. Улуғбекнинг тақдири ҳам фожиали кечган. У хорижга бош олиб кетаётганида ўғли томонидан үлдирилди, илмий мероси эса оёқ ости қилинди. Иш шу даражага бориб етдики, Улуғбек расадхонасининг қаердалиги юз йиллар мобайнида номаълум қолиб келди. Бу илмий кошона жамоа аҳли кўз ўнгидан «ғойиб» бўлган эди.

Айниқса, XVI—XIX асрларда, яъни хонликлар даврида фан ва маданият чуқур инқизозни бошидан кечирди. Дунёвий фанлар эътибордан четда қолиб, олиму фозилларнинг қадр-қиммати ўрнига қўйилмади. Жаҳон тан олган олимларнинг хотирасини абадийлаштириш борасида ҳеч қандай тадбир курилмади. Шуниси ачинарлики, хонликлар даврида бирорта мактаб қурилмай, болалар, асосан, масжид ва бошқа дуч келган жойларда ўқитилди. Ҳеч кимга сир эмаски, Амир Темур ва унинг ворислари томонидан оламшумул аҳамиятга молик ҳашаматли ва осмонўпар бинолар, ажойиб боғлар ва бозорлар, обод ва кенг қўчалар бунёд этилган эди. Уларнинг барчаси хонликлар даврида харобага айланниб борди. Академик Яҳё Фуломов билан бу масала хусусида сұхбатлашганимда, тарихий обидаларнинг гиштлари ҳукумат вакиллари ва оддий кишилар томонидан ҳам талангани ҳақида куйиниб гапирган эди. Қизил империя даврида тарихий обидаларга ваҳшийларча муносабатда булиниб, уларни бузиш ва талаш авжига минди. Диний ва илмий асарлар ёндирилди. Уларнинг орасида Куръони Карим ҳам бор эди. Масжидлар бузилди ёки турап жойларга, омбор ва отхоналарга айлантирилди.

Юқорида шарҳланган фожиаларнинг барчаси мамлакат аҳлининг кўз ўнгига содир бўлган. Аммо, у «оч қорним, тинч қулоғим» қабилица иш тутиб, адолатсизликка қарши бош кутармади. Жаҳон тан олган олимларни асрамади ҳам, ёдламади ҳам. Жамоа аҳлининг умуммиллат манфаатларига зарба берувчи омилларга бепарволик билан қараганлиги миллий нуқсонларнинг бири сифатида гавдаланди.

Бинобарин, миллий нуқсонлар дейилганда биз, биринчидан икки хил маънони назарда тутдик. Бири — умуммиллат манфаатларига зарба берувчи ҳодисаларни ўз ичига олади. Иккинчиси, жамоа аҳли нинг уларга қарши курашмай, томошабин булиб турганлигини англатади. Масалага бу тарзда ёндашилишига қарши чиқувчи кишилар булиши мумкин. Чунки биз тарихимизни ўрганишда жамоа аҳли фаолиятини танқидий таърифлашга одатланмаганмиз. Ваҳоланки, у ҳамма вақт ўзининг куч-қудратини намойиш этмай, сиёсатдан ва маданий ҳаётдан четда турган вақтлар ҳам кўзга ташланган. Халқ оммасининг куч-қудрати ва курашини моҳирлик билан бошқарадиган раҳбарлар кўп бўлмаган. Натижада, халқ оммаси том маънодаги сардорга эга бўлмай, ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Бундай ҳолат, айниқса, хонликлар даврида яққол кўринди. Бу вақтларда ҳокимият билан халқ ўртасидаги алоқалар заифлашди. Ҳар жиҳатдан толиккан, эзилган ва қўнгли совиган халқ хонларни ўз ҳолига ташлаб қўйиб, рўй бераётган ачинарли ҳолатларга бепарволик билан қаради. Ўз навбатида, хонларнинг кўпчилиги шахсий манфаати ва ҳузурхаловати билан ўралашиб ва халқдан узоқлашиб, бу билан давлатнинг негизини емириб борди. Бундан фойдаланган чор ҳукумати ўлкани босиб олди. Чоризм ва совет даврида миллий давлатнинг тугатилиши оқибатида халқ билан мустамлакачи ҳукумат ўртасида алоқа узоқлашди. Босқинчилар халқнинг сиёсий онги ва фаолиятига зарба бериб, қул каби ишлатди. Қаттиқ назорат ва таъқиб ўрнатилиб, қирғин-баротлар, қамашлар ва сурғун қилишлар авжига минди. Мана шундай фожиалар жараёнида ўлканинг босиб олинишидан бошлаб, империя ағдарилгунга қадар ўтган вақт ичидаги ватанга хоинлик қилиб, душманга қўшилган кимсалар оз эмас эди. Афсуслар булсинки, жамоа аҳли кўп асрлар мобайнида ватан хоинларига нисбатан муроса йўлидан бориб, қасос олмади. Бу ерда шоир Алишер Навоийнинг «кечирилган душман дўст бўлмас», деган доно сўзини келтириш жоиздир. Шу боис ўша замонларда, хоинларнинг «жазосини худонинг узи беради», деб муроса қилиш нодонлик эди.

Шундай қилиб, миллий нуқсонлар, биринчидан айрим давларда жамоа аҳли нинг сиёсатга аралашмай қолиши ва ватан хоинларига нисбатан муросасозлик йўлини тутишида ўз ифодасини топди.

Иккинчидан, асрлар мобайнида ўтказиб келинаётган тўй ва бошқа хилма-хил маросимларда ҳам миллий нуқсонлар яққол намоён бўлди. Улар ўшларнинг соғлиғи, билими ва фаолиятига салбий таъсир қилиб,

жамият тараққиётига путур еткәзди. Афсуски, улар бизнинг замона-мизда ҳам давом этмоқда. Истрофгарчилик ва манманлиқ авжига минди. Ҳатто, үтмиш замонларда бўлмаган ва катта харажатларни талаб қила-диган янгича урф-одатлар юзага келди. Бир мисолни келтираман. Никоҳ куни келин киядиган «император Екатерина қўйлаги» учун 100—150 доллар ижара пули туланмоқда. Бунга ӯашаш кишининг терисигача шилиб оладиган харажатлар оз эмас. Ахир булар даҳшат-ку! Миллий никоҳ қўйлаги ҳақида кўп гапирилмоқда, лекин амалга оширилмаётир. Тўй ва маросимларга ҳеч ким қарши эмас. Гап бу тадбирларни «курпага қараб оёқ узатган ҳолда» үтказиб, истрофгарчилик, дабдабавозлик ва манманликка йўл қўймаслиқда. Тўй ва маросимларни қарз ҳисобига үтказишга йўл бермай, уларни имкон борича ихчамлаштириш зарур.

Айтиш лозимки, маросимларда вақтни мутлақо ўринсиз сарфлаш оммавий тус олди. Наҳорги ош тонг отар-отмас, соат тўрт яrim — бешларда сузилади. Унда қатнашиш учун кечаси соат уч-туртларда уйқудан туришга тўғри келади. Ҳатто, ақиқа маросимларини тонги соат олтида үтказиш одат тусига айланди. Наҳорги ошни жуда эрта сузишдан мақсад, намозхонларнинг масжиддан келишига тўғри-лашдан иборат эмиш. Биламизки, ўрта ҳисобда йигирма-йигирма беш кишидан иборат намоз ўқийдиганларнинг кўпчилиги меҳнат фахрийлари, кексалар бўлиб, улар кундузи бемалол ухлаб, ҳордиқ чиқариш имконига эгадирлар. Шундай бўлгач, нима учун ишга борадиган юзлаб кишилар озчиликнинг қўнглини олиши ва сарсон бўлиши керак?

Марҳумни тонг соат тўрт яrimда масжидга жанозага олиб бориш ҳам одат тусига кирмоқда. Ҳеч кимга сир эмаски, наҳорги ош ва жанозага жуда эрта бориш кундалик режимни бузиб, инсон саломатлигига зиён қиласди. Менимча, наҳорги ошни эрталаб соат етти-саккизларда сузиш мақсадга мувофиқдир.

Агар мамлакат бўйича тўй ва маросимларга сарфланаётган маблағлар умумлаштирилса, бир неча юз миллион, эҳтимол миллиард сўмни ташкил этарди. Борди-ю, тўй ва маросимларни ихчамлашти-риб, ота-оналар маблағни фарзандларининг соғлиғи, тарбияси, би-лими ва тафаккурини ўстириш учун сарфласалар, нур устига аъло нур бўлиб, жамият тараққиёти янада тезлашарди.

Учинчидан, Мустақиллик ўрнатилгандан кейин сиёсий ва маданий ҳаётдаги миллий нуқсонлар улоқтирилди. Юртбошимиз Ислом Каримов бошчилигига илк маротаба давлат ва халқ бир-бирлари билан бирлашиб, чинакам халқ ҳокимияти шакллантирилди. Жамоа

аҳли ўз она тилида таълим олиб, фан ва маданият ютуқларидан баҳраманд бўлган ҳолда озодлик гаштини сурмоқда. Давлатимиз раҳбарининг туй ва маросимларни тартибга солиш ҳақидаги Фармонининг эълон қилиниши ҳам бежиз эмас. Бу Фармон миллий маросимларнинг аҳамиятини таъкидлаш билан баробар маҳаллаларнинг зиммасига муҳим вазифаларни юклайди. Бу борада, ягона дастурни тузиш ва уни амалга ошириш айни муддаодир. Менимча, дастурда туй ва маросимлар тартиблари ва барча вилоятларда бир хилда ўтказилиши белгиланиши лозим. Бу туй ва маросимларда кўзга ташланаётган ҳар хилликни бартараф этиб, миллий турмуш тарзимизнинг бир хиллигини таъминлашда муҳим ўрин тутади. Мақсад ўтмиш замонларда йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф қилиб, ҳар қандай шароитда Ватан ишқи, ҳалқ дарди билан огоҳ ва зийрак яшашга даъват этишдан, мустақиллик ва озодлик, тинчлик ва тараққиётга зиён етказадиган ҳар қандай иллатларга, ички ва ташқи душманларга қарши аёвсиз курашишга ундашдан иборатдир. Шундагина Ватанимизнинг куч-кудрати янада мустаҳкамланиб, миллий тараққиёт юксалади.

---

## ЎЗБЕК ОЛТИНИ ВА УНИНГ ТАЛОН-ТОРОЖ ҚИЛИНИШИ

Табиий шароит ва табиий бойликлар борасида Ўзбекистонга тенг келадиган мамлакат камдан-кам учрайди. Шундай мамлакатлар борки, қиши ва қор ёки иссиқ нималигини билмайди. Бири қўпроқ иссиқ иқлимда яшаса, бошқаси қўпроқ совуқ иқлимда яшайди. Шундай минтақалар учрайдики, баҳор, ёз ёки куз бир зумда, билинар-билинмас ўтиб кетади. Ўзбекистонда эса тўрт фаслнинг гашти сурилади, қўпинча қўёш нури порлаб туради. Шу боис мамлакатимиз «серкүёш Ўзбекистон» номи билан шуҳрат топган. Ўзбекистон нодир ва хилмажил бойликлари, тоғлари, дарёлари, сирли чулу биёбонлари, унумдор ерлари билан ҳам машҳур. Айни пайтда Ўзбекистон қадимдан олтин макони сифатида ном чиқарган. Бу тенги йўқ металлнинг инсоният ҳаётида тутган ўрни фоят муҳимлиги ҳеч кимга сир эмас. Олтин — «давлатнинг қон томири», деган ибора бежиз пайдо булмаган. Ўзбекистонда қадим тарихий даврларда ёқ олтиндан кўп миқдорда турли буюмлар тайёрланган. Милоддан аввалги V асрда ўтган грек олимни Геродот ёзишича, Туркистонда «олтин ва мис ҳисобсиз жуда кўп бўлган». Бундай маълумотни милоддан аввалги I асрда яшаган грек тарихчиси Страбон ҳам тасдиқлаб, туркистонликлар «ажойиб чавандоз ва моҳир жангчилар бўлиб, ўқ-ёй, қилич, совут ва бронзадан ишланган болталар билан қуролланганлар. Улар жангларда олтиндан ишланган камар ва бош кийимларда қатнашадилар. Отларининг жилови, узангиси ва эгар-жабдуқлари олтин ва кумушдан ясалган. Мамлакатда олтин ва мис фоят кўп», деган.

Бу ерда қўшиннинг сони бир неча ўн минг кишидан ташкил топганлиги ҳисобга олинса, у вақтда олтин катта ҳажмда ишлатилганлиги маълум бўлади. Шуниси диққатга сазоворки, олтин тоғ конлари билан бир қаторда Амударё, Сирдарё, Зарафшон ва Чирчик дарёларидан ҳам олинган. Бу дарёлардаги кум таркибида олтин заррачалари бисёр бўлиб, кўп асрлар мобайнида ундан фойдаланиб келинган. Олтинни сув таркибидан олишда қуйидаги услугуб қўлланилган: дарё сувига

қўйнинг териси ташлаб қўйилган, олтин зарралари мана шу тери юнгларининг орасига кириб қолган; дарёда сув камайган пайтларда унинг четидаги лой ёки қум қирғоқча олиниб, олтин зарралари ажратилган; олтин зарралари, айниқса, Зарафшон дарёсида кўп бўлган, шу боис унга олтин, яъни зарни англатувчи ном берилган.

Археологлар милоддан аввал олтиндан ясалган жангчи сиймосини топдилар. Шунингдек, Қорақалпоғистонда Амударё атрофида соғ олтиндан тайёрланган от кўшилган аравача ва унинг устидаги икки жангчининг тасвири туширилган ёдгорликни кўлга киритдилар. Бу далиллар ҳам мамлакатда олтин кўп бўлганлиги ва заргарлик касби юқори даражага кўтарилганлигини кўрсатади.

Милодий I—IV асрларда олтиндан кенг кўламда фойдаланиш давом этди. Самарқанддан, хусусан, Кеш (Шаҳрисабз) ва Маймур деган жойдан олтин хорижий мамлакатларга ҳам чиқарилган. V—VII асрларда олтин ўз аҳамиятини йўқотмади. Аммо машққатли меҳнат эвазига ишлаб чиқарилган олтиналар ва улардан тайёрланган қимматли буюмлар хорижий босқинчилар томонидан талон-торож қилиб турилган. Маълумки, милоддан аввал Туркistonда Ахоманийлар, сунгра македониялик Александр ва унинг ворислари ҳукмронлик қилганлар. Улар ўлканинг бойликларини ўз юртларига ташиб кетишган. Шубҳасиз, уларнинг орасида олтин ва ундан ясалган буюмлар ҳам бўлган. VII асрнинг иккинчи ярми — VIII аср бошларида араб халифалиги мамлакатимизга бостириб кириб, беқиёс катта бойликларни ўлжа сифатида кўлга киритган. Хусусан, Бухоро шаҳрининг биқинидаги Пойкенд шаҳрини босиб олган Кутайба хазинадаги ва аҳоли тасарруфидаги олтин буюмларни эритиб, қўйма ҳолига келтириб, олиб кетган.

Самарқандни эгаллаган Кутайба у ердан ҳам барча олтин ва кумуш буюмларни эритиб, қўйма ҳолда ҳалифа саройига жунатган. Бу вақтларда Самарқандда олтин буюмларни ишлатиш ривожланган, бойлар олтин камар тақиб юрганлар. «Арабларни, дейди муаллифлардан бири, Самарқанднинг фоят бойлиги ҳайратга солди. Бу ерда олтин ва кумушдан ясалган (одам шаклидаги) бут ҳайкаллар бор эди. Араб лашқарбошиларидан бири Саъид Абдулазиз олтин, жавоҳир ва бошқа қимматли нарсаларни солиқ тарзида олишни жорий этди. Туркiston шаҳарларида, айниқса, Самарқандда олтин ва кумушдан турли ҳайвонларнинг ҳайкалларини ишлаш ривожланганди. Бухоро шаҳрида олтиндан икки тоғ эчкисининг ва кумушдан қўённинг ҳайкалини ишлаганлар. 743 йилда Хуросон ҳокими ҳалифа саройига юбориш учун олтин ва кумушдан ясалган қўзаларни, кийик, шернинг калласини ва бошқа нарсаларни солиқ ўрнида туплаб олди».

Х—XIII асрларда олтиндан тилла тангалар ва турли буюмлар тайёрлаш давом этди. Айниқса, хоразмшоҳлар даврида олтиндан кенг қуламда фойдаланилди. Бу ерда дўмбираалар ҳам соф олтиндан ясалган.

XIII аср бошларида Чингизхон бошлиқ мӯгуллар хоразмшоҳлар давлатининг олтин ва бошқа қимматли мол-мулкини ваҳшийларча таладилар. «Бухоронинг барча давлатманд кишилари, — деб ёзди Улуғбек, — мӯгул сипоҳи дастидан омбордаги моли, кўпдан-кўп тиллаларини бериб, Чингизхондан ўз бошларини сотиб олдилар».

Муғуллар минтақанинг бошқа жойларида ҳам олтин, жавоҳир ва бошқа қимматли нарсаларни қўлга киритдилар. Улугбекнинг кўрсатишича, мӯгуллар Термиз шаҳрида одамларнинг қонини бамисоли дарё оқизган: «Қавмнинг аёлу қариси фарёд чекди. Бир аёл деди: «Жоним гардини чиқарманг, мен сизга бир гавҳар берайинки, фалақдаги юлдуз каби товланади». Унинг ёнини титкиладилар. У деди: «Қафтимда сув ичаётib ютиб юбордим. Садафдек унинг сийнасини, яъни қорнини ёрдилар. Унинг ичидан бебаҳо дурни топдилар. Үлдирилган (одам)ларнинг барчасини гавҳар умидида ёриб кўрдилар». Демак, кўп одамлар қўй каби сўйиб ташланган.

Амир Темур ва Темурийлар даврида мамлакатнинг олтин хазинаси тикланиб, ундан турли ажойиб буюмларни ишлаш ривожланди. Испан элчиси Клавихо Бибихоним меҳмонхонасида олтиндан ясалган ва одам бўйига тенг келадиган дараҳтни курган. Бу дараҳтнинг тилладан ясалган шоҳларига мевалар ўрнига қимматли ва ялтироқ тошлар қадалган экан. Бир бутун дараҳтнинг меваси билан биргаликда соф олтиндан ясалиши заргарлик санъати юксак даражага кўтарилиганидан далолат беради. Олтиндан пиёла, ликобча ва бошқа рўзгор буюмларини тайёрлашда кенг фойдаланилган. Олтин ҳашаматли биноларни безашда ҳам қулланилган. XVI—XIX асрларда, яъни хонликлар даврида узаро қонли урушлар ва инқизонинг хукм суриши оқибатида олтиндан фойдаланиш анча сусайиб кетди. Бу вақтларда хонлар, хусусан, Бухоро хукмдорлари олтинни муомалага киритиб тараққиётни таъминлаш ўрнига, у билан хазинани тўлдиришга муккадан тушиб кетдилар. Айрим маълумотларга кўра, олтин ва кумуш Занг тогидан олинган. Бу жой олтинининг кичкинаси нуҳатдек ва каттаси қўйнинг бошидек бўлган. У Амударёдан ҳам олинган. Бу дарёдан олинадиган олтиннинг довруги Россиягача бориб етган эди. Бу вақтда Россияда олтин конлари ҳали яхши ишга солинмаганилиги учун унга қаттиқ мұхтожлик сезилган. Шу боис Пётр I Хива хонлигини босиб олиб, олтинни қўлга киритиш ва Амударёни Каспийден гизига буриш мақсадида турт мингдан ортиқ ҳарбий қисми жўнатган. Бу босқинчи кучлар Хива хонлигига қириб ташланди.

Москва архивларида ишлаб юрганимда Россия сенатининг махфий экспедиция фонидан бир хужжат эътиборимни тортди. Унга кура, ўзбек савдогарлари Россияда олтин савдоси билан шуғулланганлар. 1738 йилда Сибирнинг савдо марказларидан бири Кяхтада Мурод исмли ўзбек савдогари билан маъмурият вакили комиссар С.Свињин уртасида расмий суръатда шартнома тузилган. Шартномага кура, ўша савдогар уч йил мобайнода 12 пуд олтин келтириб давлат хазинасига сотишни зиммасига олган. Шартномада олтиннинг сифати олий даражада бўлиши ва унинг махфий тутилиши ҳақида сўз юритилган. Борди-ю, савдогар вафот этса ёки бошқа сабаб билан ваъдасини бажаролмаса, у вақтда шартнома бўйича иш юритиш ҳукуқи ўғли Абдусаломга берилган. Бироқ савдогар Мурод оз миқдорда олтин билан Кяхтага келиб, ваъдасининг устидан чиқолмаган. Бунга олтиннинг етишмай қолганлиги туфайли хон у билан савдо қилишни ман этганлиги сабаб бўлган. Аммо XVIII асрнинг охирларида ўзбек савдогарлари Оренбургга 40 пуддан ортиқ олтин ва кўп миқдорда кумуш олиб келганликлари ҳақида маълумотлар бор. Афтидан, улар махфий равишда келтирилган.

Хива хонлигига олтиннинг кўплиги ҳақидаги овозалар ҳамиша чор ҳукуматининг диққат марказида турган. Шунинг учун ҳам, 1798 йилда Оренбург маъмурияти муфтий Муҳаммаджон Гусаиновни олтин ҳақида маълумот туплаш учун айғоқчи сифатида Хива хонлигига жуннатган. Бу ерда у Тожи Шайх Жалил номидаги жойга яширинча бориб, эски олтин конининг ўрнини кўриб, бир бўлак олтин жинсини олган. Сўнгра Хивага қайтиб, карвондагилар билан йўлга чиққан. У карвоннинг қароқчилар томонидан таланиши сабабли олтин жинсидан айрилган. Чор ҳукумати ўлкани босиб олгандан кейин олтин конларини очишига шошилмади. Чунки бу вақтларга келиб, Сибир, Олтой ва бошқа жойларда ишга туширилган конлар олtinga бўлган эҳтиёжни қondирганга ухшайди.

Совет даврида олtinga ўчлик юқори чўққисига кўтарилди. 1920 йилда Фрунзе бошлиқ қизил армия Бухорога бостириб кириб, хон хазинасини эгаллади. Бу ишда бевосита қатнашган Муродхужа aka 60-йилларда менга шундай деган эди: «Мен бир гурӯҳ қизил аскарлар билан хазинада олtingдан ясалган от, қўй ва бошқа ҳайвонларнинг кичик ҳайкалларини курдим. Бундай қилишдан мақсад олting таланишининг олдини олиш экан. Агар олtingлар тартибсиз ҳолда сандиқларда сақланса, у вақтда кимдир уларнинг бир қисмини олса, билинмай қолиши мумкин экан. Ҳайвон шаклидаги олtingларни эса санаш, куздан кечириб туриш ва бутлигини аниқлаш қулай экан».

Муродхўжа ака олтинларни вагонга ортишда шахсан қатнашган. Унинг сўзига кўра, иккита вагон олтинга тўлдирилиб, Москвага жўнатилган. Очифини айтсам, ўша вақтларда Муродхўжа аканинг сўzlарига унчалик ишонмаган эдим. Чунки совет давлатини энг ҳалол ва инсофли деб юрган қулсифат коммунистлар эдик-да!

Буни қарангти, орадан бир неча ўн йиллар ўтгандан кейин, 1991 йил 25 сентябрда Россия олтини ҳақида «Известия» газетасида берилган мақолада Бухоро олтини түғрисида қисқача маълумот эълон қилинди. «Фрунзе томонидан, — дейилган газетада, — Бухоро амирининг хазинасидан олиб келинган икки вагон олтин қаерда? 1920—1921 йилларда Озарбайжон, Арманистон ва Грузиядан босиб олинган олтинлар қаерда? Бугун бундай саволларга жавоб йўқ». Шундай қилиб, Муродхўжа аканинг сўzlари тўла тасдиқланди.

Хуш, Бухоро амирлигида шунчалик кўп олтин қаердан олинган? Ҳозирча бунга жавоб бериш қийин булиб, масала маҳсус ўрганишни талаб этади. Эҳтимол хонлар яширин равишда олтин конларидан фойдаланганларлар. Кўпроқ дарёлардан олинган олтин зарраларини кўлга киритган булишлари ҳам мумкин. Менинг фикримча, Муҳаммад Шайбонийхон Темурийлар давлатини агдариб, хазинани кўлга киритганда эга бўлган олтинлар унинг вафотидан кейин Бухоро хонлигига 100 йил ҳукмронлик қилган Шайбонийлар сулоласининг хазинасида сақланган. Бу бойлик кейинги сулолалар ихтиёрига ўтавериб, Сайд Олимхонгача етиб келган.

Совет давлати бой ва савдогарларга қарши кураш жараёнида кўп олтин ва ундан тайёрланган буюмларни зўравонлик билан тортиб олди. 1932—1933 йилларда қаҳатчилик ва очарчилик ҳукм суроётганида Тошкентда ёпиқ озиқ-овқат магазини очилиб, ун, гуруч, ёф ва бошқа маҳсулотлар фақат тилла асбоблар ва заргарлик буюмларига алмаштирилди. Бу вақтларда бир бурда нонга зорлик ва очликдан ўлиш оммавий тус олган эди. Менинг онам куз ёшлари билан иккита қалин тилла билагузугини ўша магазинга олиб бориб топшириб, кичкина халталарда ун ва гуруч олиб келганликлари ҳамон эсимда. Шу тарзда авлоддан-авлодга ўтиб келаётган тилла буюмлар очликдан ўлиб қолмаслик учун арзимаган нарсаларга алмаштирилди.

Совет ҳукумати Ўзбекистонда олтин конларини очиб, катта даромадни кўлга киритди. Айниқса, Навоий вилоятида олтин қазиб олиш ривожлантирилди. Аммо совет ҳукумати маҳфий равишида иш юритиб, олтиннинг исини чиқармай олиб кетаверди. Ниҳоят, юқорида тилга олинган мақолада айрим маълумотлар юзага чиқди. Унда шундай ёзилган: «Совет олтинининг баъзи маҳфий томонларини очиш

бир қатор сиёсий масалаларнинг кўтарилишига олиб келади. Бугун ҳеч ким билмайдики, СССРда олтиннинг талай қисми Ёқутистон, Колима ёки Красноярск ўлкасидан эмас, балки Ўрта Осиёдан, хусусан, Ўзбекистондан олинган. Бу ерда Зарафшонга яқин жойдаги чўлдан олинидиган олтин совет олтинининг учдан икки қисмини (60 фоизини) ташкил этади. Шуниси диққатга сазоворки, Зарафшондаги олтин конидан уран ҳам олинади. Бу далиллар баъзи эксперталарнинг бизнинг социалистик иқтисодиётимизга қайси республикалар кўп ҳисса қўшганилиги ҳақидаги фикрларини ўзгартиришга олиб келиши мумкин».

Шу тариқа ҳақиқат юзага чиқиб, Ўзбекистон олтини СССР олтинининг 60 фоизини қоплаганлиги аниқланди. Расмий маълумотларга кура, СССРда 1986 йилда 400, 1987 йилда 380, 1988 йилда 360, 1989 йилда 340, 1990 йилда 320 тонна олтин ишлаб чиқарилган. Агар ўзбек олтини, юқорида курсатилганидек, СССРда бир йилда ишлаб чиқарилган олтиннинг 60 фоизини қоплаганлиги ҳисобга олинса, ҳар йили Ўзбекистондан марказга урга ҳисобда 160—170 тонна олтин олиб кетилганилиги маълум булади. Баъзи йилларда унинг миқдори 200 тоннагача етган. Умумлаштирганда, 5 йилда 850—900 тонна ўзбек олтини олиб кетилган бўлиб чиқади.

Хуллас, Ўзбекистонда Ахоманийлар, македониялик Александр, халифалик, мӯгуллар, чор ҳукумати ва совет давлати умумий ҳисобда 800 йил ҳукмронлик қилдилар. Улар мана шу кўп асрлар мобайнида олтину жавоҳирларимиз ва бошқа бойликларимизни аёвсиз таладилар. Натижада тонналаб олтинлардан маҳрум бўлинди, тараққиёт ва фаровон ҳаёт қаттиқ зарбага учради. Халқ оммаси шилинди ва қашшоқлашди. Айниқса, совет давлати бойликларимизни шу даражада таладики, таърифлашга сўз ожизлик қиласди. 1991 йил 31 августда Ўзбекистон мустақиллиги тиклангандан кейингина ўзбек халқи олтин ва бошқа бойликларнинг ҳақиқий эгаси бўлиб қолди. Бу ерда шуни алоҳида уқдириб ўтиш лозимки, бойликларни қизил империя чангалидан тортиб олиш мардонавор кураш орқасида амалга оширилди. Бунда юртбошимиз Ислом Каримов ҳал қилувчи ўринни эгаллаб, ўз халқи ва ватанига садоқат намуналарини намойиш этди. У 1992 йилда шундай деган эди: «Мана, олтин ёмбиларимиз борган сари кўпайиб бормоқда (куз тегмасин). Аммо бебаҳо олтин захираларимизни фақатгина олтин тиш қилиб ялтиратиб юриш эмас ёки Бухоро хонидек хазинага солиб қўйиб, унинг ялтилашига маҳлиё бўлиб ўтираслигимиз лозим. Унинг жозибадор ярқирашини АҚШ, Англия ва бўлак бой давлатлар банкирларига кўз-кўз қила билишимиз ва шунинг кафолатига улардан катта-катта кредитлар олишимиз керак. Шундай қилиб республика иқтисодиётини тезликда тиклашимиз зарур».

Бу сўзлар айтилганидан буён ўтган вақт ичидаги нафақат соғ олтин, балки унга тенглашадиган турли-туман бебаҳо бойликлар том маънода ўз мулкимиз бўлиб қолди. Масалан, оқ олтин (пахта), қора олтин (нефть), зангори олтин (газ), майин олтин (ипак) ва бошқалар шулар жумласидандир. Эндиликда Ўзбекистонда жаҳон андозаси дараҷасидаги миллий олтин ишлаб чиқариш саноати ташкил этилди. Мамлакатимиз бу борада дунёда олдинги сафларни эгаллаб, олий навли олтинимизнинг довруғи олам узра таралмоқда ва мустақиллигимиз, миллий тараққиётимизнинг муҳим рамзларидан бири сифатида товланиб турибди.

---

## ДЕМОКРАТИЯ ВА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ТАРИХИГА БИР НАЗАР

Ҳозирги замонда демократия жаҳондаги кўп мамлакатлар томонидан юргизилаётган сиёсатнинг асосини ташкил этмоқда. У Ўзбекистонда ҳам изчиллик билан амалга оширилмоқда. Аммо демократия ва сиёсий партиялар қаҷон ва қаерда юзага келганлигини кўпчилик билмайди. Уларнинг тарихини билиш ва тегишли хуносалар чиқариш фойдадан ҳоли бўлмайди.

Демократия ва сиёсий партиялар милоддан аввалги асрларда биринчи маротаба Гречияда юзага келган эди. Демократия грекча сўз бўлиб, ҳалқ ҳокимияти маъносини англатади. Шу боис Гречия демократиянинг ватани ва Европа маданиятининг ўчғи сифатида тарихда ўчмас из қолдирди. Унинг тарихи Ўрта денгизнинг шарқий томони, Болқон ярим ороли, Кичик Осиёнинг фарбий қисми, Қора денгиз соҳиллари, қисман Италия ва Сицилия билан боғлиқдир.

Милоддан аввалги икки мингинчи йилнинг охирларида Гречияда шаҳар- давлатлар ташкил топди. Улар мил.ав. VIII—VI асрларда ривожланиб, узаро кураш олиб бордилар. Масалан, Милет, Коринф, Эфес, Колофон, Лесбос, Хиос, Самос, Мегарех, Сикмон, Спарта, Афина ва бошқа шаҳар-давлатлар шулар жумласидандир. Бу жойларда ҳокимият айрим шаҳслар томонидан зўравонлик билан босиб олиниб, ҳуқуқлари чегараланмаган ҳолда иш юритдилар. Давлатни бундай файриқонуний бошқарган ҳукмдорлар тиранлар деб юритилган. Қадимги грек олими Аристотелнинг (мил. ав. 384—322) ёзишича, тиранлар камбагалларни ҳам, бойларни ҳам ўз томонига оғдириш учун фуқаролар кўз ўнгига ўзларини камтарин ва оддий киши сифатида кўрсатишга, ёлғон-яшиқ ва маккорлик билан иш юритишга ҳаракат қилганлар. Бироқ бундай сиёсат тинимсиз давом этиши мумкин эмас эди. Зоро, унга қарши кураш жараёнида демократик бошқарув тизими ва сиёсий партиялар юзага келди. Уз навбатида, аристократлар ва олигархлар партияси тузилиб, улар демократиянинг ашаддий душмани сифатида намоён булдилар.

Аристократлар таркибига асрлар мобайнида ҳокимиятни үзбөшшімчалик билан бошқарған катта ер эгалари, йирик савдогарлар ва бошқа зодагонлар кирган. Ҳокимиятни бир гурух кишилар, яńни озчилик бошқариши тарафдорлари олигархлар деб аталған. Үмуман айтганда, аристократлар билан олигархларнинг сиёсий қарашлари асосан бир хил бұлған. Аммо вақти-соати келиб, уларнинг орасидан демократларнинг йирик вакиллари етишиб чиққан. Жамиятнинг бундай илгор кишилари демократия учун курашларға бошчилик қылғанлар. Натижада, ескилик билан янгилик үртасидаги кураш авжига миниб борди. Аристократлар ва олигархлар эски тузум учун курашған бұлсалар, демократлар янгиликни ҳаётта татбиқ етишни муқаддас бурч ҳисоблаганлар. Шу тариқа Грекияда демократлар ва аристократлар партияси юзага келиб, бир-бирига қарама-қарши иккى хил сиёсий тузум ҳукм сурди. Демократияға Афина, аристократлар ва олигархларға Спарта бошчилик қылды.

### Афина

Агар Афинани күрмаган бұлсанг — қуруқ тұнкасан,  
Агар күрган бұлсанг-у, завқ олмаган бұлсанг — әшаксан,  
Агар үз хоҳишинг билан кетған бұлсанг — туясан.

Афина шаңнига ушбу сатрларда айтилған мақтөв сұзлари бежиз эмас. Зоро, милоддан аввал у ерда сиёсий, іқтисодий ва маданий ҳаёт ривожланиб, үз даври учун демократик тузум үрнатылды. Афина узоқ ва машаққатли йүлни босиб үтди. Мил. ав. VIII асрда Афинада подшоҳ ҳокимияти ағдарилиб, демократик бошқарув борасида дастлабки қадамлар ташланды. Ҳокимиятта халқ томонидан сайланған Орхонтлар кенгаши бошчилик қыладыған бўлди. Унинг 9 кишидан иборат аъзолари даставвал умрбод, сунгра ўн йил ва, ниҳоят, бир йил муддатга сайланадиган бўлди. Ҳар бир орхонтнинг вазифаси белгиланиб, халқ мажлисида ҳисоботи эшлитилиб, фаолиятига баҳо берилган. Биринчи рақамли орхонт давлат раҳбари лавозимини эгаллаган.

Милоддан аввалги 594 йилда Орхонтлар кенгаши Салонга ёзма конституцияни тайёрлаш ваколатини берди. Натижада демократиянинг қонуний асослари ишлаб чиқилди. Бунга кура халқ мажлиси олий сиёсий ташкилот ҳисобланиб, давлат раҳбарларини сайлаган. Сиёсий ва инсоний ҳукуқлар бойларга ҳам, камбағалларға ҳам берилди. Улар халқ мажлисларида тенг ҳукуқли фуқаролар сифатида қатнашғанлар. Мажлисларда амалдорларнинг ҳисоботи эшлитилиб, фаолияти муҳока-

ма қилинганды. Халқ судининг Салон конституциясы бүйича тузилиши ҳам демократияның мұхым белгиларидан бири ҳисобланады. Шунингдек, тұрт юз кишини үз ичига олған кенгаш таъсис этилди. Унга уч даҳаның қарыбаралардан вакиллар сайланған. Бу кенгаш күпроқ парламентни эслатыб, ҳоқимиятни бошқаришни назорат қылиб турған. Бу борада у катта ҳуқуқтарға эга бўлган. Салон аристократларнинг зулми орқасида қарздор бўлиб қолган дәхқонларни қарздан озод этди ҳамда грекларни қарз өвазига қул сифатида сотишни тақиқлади.

Умуман айтганда, Салон жамият аҳлиниң барча табақалари билан муроса қилиб, уларнинг манфаатларини таъминлаш учун курашди. «Мен, — деганди у, — кучни адолат билан қовуштириб, ҳеч кимни хафа қилмадим ва ҳеч кимни устун қўймадим. Оддий халққа қанча ҳуқуқ керак бўлса, шунча бердим. Уни қонуний ҳуқуқларидан маҳрум этмадим. Лекин ҳуқуқларни меъёридан ортиқ бермадим. Мен катта бойликка ва обрўга эга бўлган кишиларни ҳам хафа қилмадим. Мен мустаҳкам қалқон бўлиб бойларни ҳам, камбагалларни ҳам муҳофаза қилиб, уларнинг бири иккинчисидан устун булишига йўл қўймадим».

Қўриниб турибдики, Салон жамиятда мувозанатни сақлаб, адолатли сиёсатни юритган. Аммо бундай сиёсат осойишталик билан кечмади. Аристократлар ва олигархлар демократия ваколатидан фойдаланиб, үз сиёсий партияларини тузиб, Салон конституциясига қарши курашдилар. Салон эса демократияни қаттиқ ҳимоя қилди. У Грецияда демократияның асосчиси сифатида шуҳрат қозонди. Салондан кейин ҳоқимият учун кураш бир неча йиллар давом этиб, мил. ав. 560 йилда уни Писистрат зуравонлик билан босиб олди. У бир қулида демократияни, иккинчисида яккаҳоқимликни уцлаб иш юритди. Шунингдек, давлат бошқарувини марказлаштириб, умумдавлат даромад солиғи ва шахсий гвардияни жорий этди. Клисфен демократларнинг Писистрат яккаҳоқимлигига қарши кураши орқасида ҳоқимиятни қўлга киритди. У Салон конституциясига тұла риоя қилиб, демократияни ривожлантириди. Клисфен давлат тұнтарышининг ва тиран ҳоқимияти ўрнатилишининг олдини олиш учун «Сополлар суди» — Ост-рокизмни жорий этди. Унга биноан ҳар бир киши давлат тұнтарыши қилишга мойил ҳисоблаган кимсаниң исмени сопол парчасига ёзған. Бу сопол ҳисобланғанда, унга кимнинг исми күп ёзилған бўлса, уша хавфли шахс сифатида мамлакатдан үн йилга сурғун қўлинганды. Клисфен үн кишидан иборат Стратечлар коллегиясини тузиб, унинг аъзоларига флот ва халқ кўнгиллилари аскарларига бошчилик қилишни топшириди. Клисфен демократиянинг асосчиларидан бири ҳисобланади.

Милоддан аввалги 443—429 йилларда ҳокимиятни бошқарган Перикл вақтида демократия гуллаб-яшнади. Халқ мажлисингин мавзеи ва салоҳияти оширилиб, ҳар ўн кунда бир маротаба чақирилди. Унда турли сиёсий ва иқтисодий масалалар муҳокама қилиниб, қарорлар қабул қилинди. Йигрма ёшта етган ҳар бир кишига, бой ва камбағалигидан қатти назар, мажлисда қатнашиш ва ўз фикрини ошкора баён этиш ҳукуки берилди. Унда амалдорларнинг ҳисоботи тинглаб турилди.

Периклнинг ташаббуси билан беш юз кишилик кенгаш тузилиб, унинг аъзолари маъмурий, молиявий, флот ва бошқа соҳаларга тегишли масалаларни куриб, уларни халқ мажлисига тавсия этган. Кенгаш давлатнинг олий ташкилоти эди. Бундан ташқари, Перикл ўн кишидан иборат стратеглар коллегиясининг фаолиятини давом этирди. Улар ҳарбий ишларга бошчилик қилдилар.

Перикл Афинада йирик қурилиш ишларига ва ободончиликка алоҳида аҳамият берди. Натижада шаҳарда ҳашаматли бинолар курилиб, маданиятнинг барча соҳалари кенг куламда ривожланди. Олим ва умуман зиёлиларга катта фамхўрлик курсатилди. Айниқса, театр санъати оммавий тус олиб, маънавий ҳаётда салмоқли ўринни эгаллади. Перикл фуқароларга, театрга киришлари учун, давлат ҳисобидан чипта пулинни ажратиб турди. Натижада минглаб оддий кишилар театрга бепул киришга муваффақ бўлишди. У фуқароларнинг саводли ва билимли, одобли ва жасоратли, ватанпарвар ва жанговар бўлишларига эътибор берди. Спортни ривожлантиришга ҳам катта аҳамият берилди.

Хуллас, Перикл замонида демократия үзининг олтин даврини бошидан кечирган эди. Афина демократияси тинчлик ва осойишталик билан кечмай, аристократлар ва олигархлар тарафдори Спарта билан қаттиқ жанглар олиб борилди.

## Спарта

Спарта шаҳри Болқон ярим оролидаги Пелопоннес водийсининг Лаконика номли жойида ўрнашган эди. У вақт ўтиши билан узоқ-яқин жойлардаги шаҳарларни ўз атрофига бирлаштириди. Туб аҳолиси спарталиклар дейилган. Аммо Спарта давлати қул остида иттифоқчилар аҳолиси — периэклар ва босиб олинган ерлар халқи — илотлар истиқомат қўлганлар. Уч тоифадан иборат бу халқларнинг ҳақ-ҳукуқлари бир хил бўлмаган. Чунончи, умумманфаат нуқтаи назаридан тузилган иттифоқ иштирокчилари аҳолиси пировардида спарталикларнинг тузогига илиниб, қарам булиб қолганлар. Урушиб олинган

жойлар ақолиси — илотлар спарталикларнинг қулларига айлантирилди. Периэклар озод ҳалқ ҳисобланса-да, сиёсий ҳуқуқларга эга бўлмай, спарталиклар жамоасига яқинлаштирилмаган. Спарталиклар ҳукмрон ва имтиёзли ҳалқ сифатида ҳаёт кечириб, қўл остидаги аҳолини қаттиқ зулм ва таъқиб остида ушлаб турганлар. Спартада ҳам ҳалқ мажлиси тузилган, лекин амалда унинг мавқеи жуда паст бўлган. Давлатни асосан йигирма саккиз кишидан иборат кенгаш ва айни вақтда икки подшоҳ бошқарган. Мамлакатда қулдорликка асосланган аристократик тузум ҳукм сурган. Грециянинг кўп жойларида қуллар кўпроқ ҳусусий кишиларнинг мулки ҳисобланган бўлса-да, Спартада уларга давлат эгалик қилган.

Спarta давлати бутун Грецияда яккаҳомликни ўрнатиш ва аристократик тартибларни сақлаш мақсадида ҳарбий кучлар жанговарлиги ни оширишга қаттиқ ҳаракат қилди. Бу борада муҳим чоралар изчиллик билан амалга оширилди. Авваламбор, кишиларни жисмоний жиҳатдан чиниқтириш ва ватанпарварликни оширишга алоҳида аҳамият берилди. Ҳатто, янги туғилган чақалоқ куриқдан ўтказилиб, нимжон бўлса ўлдирилган, соғлом бўлса, ота-онасига боқишига рухсат берилган. Бундан қўшинга тетик ва соғлом йигитларни тайёрлаш назарда тутилган. Соғлом онадан соғлом фарзандлар туғилишини яхши англаган қизлар қаддиқоматини ростглаш ва чиниқтириш мақсадида кўп вақтларини спортга бағишлаганлар. Улар диск отиш, югуриш, муштлашиш, курашиш ва спортнинг бошқа турлари билан шуғулланганлар.

Ўғил болалар етти ёшдан давлат тарбиясига олиниб, йил бўйи оёқяланг юришга, ғадир-будир жойларда ухлашга ва дағал кийимларни кийишга ўргатилган. Улар спорт ва ҳарбий машқлар билан узлуксиз шуғулланганлар. Оммавий равишда овқатланиш, дам олиш ва машқ ўтказилиб, Спarta жамоасини мустаҳкамлаш чоралари курилган. Айни пайтда ёшларнинг саводини чиқариш, қисқа, лўнда ва мантиқли сўзлашга ўргатилган. Бир сўз билан айтганда, ёшларни жисмоний ва маънавий жиҳатдан юксак даражада тарбиялаш ота-онанинг ҳам, давлатнинг ҳам муқаддас бурчи ҳисобланган. Фарзандларини яхши тарбияламаган ота-оналарга жарима солинган. Ёшлар йигирмага кирганда, ҳарбий қисмларга олиниб, олтмиш ёшгача, яъни қариб, куч-куватдан қолгунча хизмат қилганлар.

Хуллас, Спarta жамоаси ҳарбийлаштирилиб, унинг аҳолиси итифоқчилар ва бўйсундирилган ҳалқларга нисбатан ўзини «катта оға» деб ҳисоблаган.

## Демократияга қарши кураш ва унинг тугатилиши

Афинада демократиянинг пайдо булиши ва ривожланиши жараёнида унга қарши муҳолифат кучлар, яъни аристократлар ва олигархлар партияси шакллангани ҳақида юқорида айтилди. Бу хилдаги партия Афинанинг ўзидагина эмас, балки Грециянинг бошқа жойларида ҳам юзага келди. Спарта аристократлар ва олигархлар партиясининг илҳомчиси ва таянчи эди. Шу тариқа Грецияда бир-бирига қарама-қарши икки хилдаги сиёсий тузум ҳукм сурди. Натижада Греция Афина ва Спарта бошлиқ икки қисмга ажralиб, уларнинг ўзаро курашлари бир неча йилларга чўзилди. Бу борада Афина ҳам, Спарта ҳам ёлғиз бўлмай, иттифоқчилари билан биргаликда ҳаракат қилдилар. Тенос, Делос, Парос, Никсос, Радис, Милет, Эфес, Лесбос ва бошқа жойлар Афинанинг иттифоқчилари эди. Спарта бошчилигидаги иттифоқ Коринф, Олимпия, Пилос, Кифера, Фива, Делфи, Делин ва шуларга ўша什 жойларни ўз ичига олган.

Афина шаҳрида аристократлар ва олигархлар партиясининг раҳбарлари биринчи бўлиб бош кутардилар. Улар демократларга қарши туҳмат ва найрангбозликларни уюштирилдилар. Демократик партиянинг сардори Перикл душманларга қарши аёвсиз курашди.

Ҳар икки томон ўртасида сиёсий ва иқтисодий сабабларга бориб тақалувчи урушлар йигирма етти йил (мил. ав. 431—404 й) давом этди. Шу орада бир неча маротаба уюштирилган ҳарбий юришлар орқасида гоҳ Афина, гоҳ Спарта ғолиб келиб, ҳар икки томон катта талафот ва вайронагарчиликларни бошидан кечирди. Айниқса, Афинада оммавий касалликлар, очлик ва йўқчиликнинг авж олиши аҳоли тинкасини қурилди. Кўп одамлар ўлди ва хўжаликлари ер билан яксон қилинди. Эрондаги Ахоманийлар давлати Афинанинг кучайиши ва ривожланишидан чўчиб, Спартага ҳарбий ёрдам берди. Бусиз ҳам қудратли ҳарбий қисмга эга Спарта янада кучайди. Шунингдек, Афинанинг ўзидаги ва бошқа жойлардаги аристократлар ҳамда олигархлар партиялари демократияга қарши курашиб, Спартага катта ёрдам бердилар. Пировардида Спарта Афинага қақшатқич зарба бериб, ғалабага эришди. Мил. ав. 404 йилда ҳар икки томон ўртасида тинчлик сулҳи тузилиб, Афина Спартанинг Грециядаги яккаҳокимлигини тан олди. Гарчанд кейинги йилларда Афина ва бошқа ерларда демократияни тиклаш учун курашлар давом этган бўлса-да, уларнинг баъзи ғалабалари узоққа чўзилмади. Чунки Афина демократияси кўп йиллар мобайнида олиб борилган урушларда қаттиқ мағлу-

биятга учраган эди. Натижада мил. ав. IV асрнинг биринчи ярмида Грецияда, асосан, аристократик тузум ҳукм сурди. Бу вақтларда Грецияга юксалиб бораётган Македония хавф түғидири. Пировардиди Грецияда Македония ҳукмронлиги ўрнатилди. Бутун мамлакатда аристократлар ва олигархлар тартиби қўён сурди. Шу тариқа Афина демократияси тор-мор этилди.

Хўш, Афина демократиясини қандай баҳолаш мумкин?

Бу демократия халқ ҳокимиятини, сиёсий ва инсоний ҳукуқларни шакллантиришда, давлат бошқарувини такомиллаштириш ва са-маралорлигини таъминлашда муҳим ўрин эгаллади. Жамият конституция асосида бошқариладиган булиб, сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётни ривожлантиришга замин ҳозирланди. Демократия кишиларнинг сиёсий онги ва фаолиятини, дунёқараши ва одоб-ахлоқини юқори погонага кўтариб, фан ва маданиятнинг ўсишига ижобий таъсир кўрсатди. У қулдорлик тузуми бағрида пайдо бўлганлиги учун чуқур илдиз отолмай, мағлубиятга учради. Авваламбор, Афина демократияси Греция озод халқининг манфаати учун хизмат қилди. Мамлакат аҳолисининг кўпчилиги ҳисобланган қулларга сиёсий ва инсоний ҳукуқлар берилмади. Шунингдек, озод халқнинг аёллари ҳам демократиядан четда қолдирилди. Оқибатда демократия тор доирада ўралашиб, кенг қанот ёзолмади. Демократик ҳукуқ ва кафолатлардан фойдаланган аристократлар ва олигархлар ўз партияларини бемалол ташкил қилдилар. Бу билан демократлар ўз қўйинларига бамисоли илонни солиб қўйдилар. Чунки аристократ ва олигархлар Афина шаҳрининг ўзида ҳам, бошқа жойларда ҳам Спарта раҳиамолигида демократияни якson қилиш учун ҳеч нарсадан тоймадилар. Ҳатто улар аҳолининг маълум қисмини ўз тарафига оғдиришга эришдилар. Уруш вақтида Афинадан йигирма минг қул душман Спарта томонига ўтиб кетди. Бунда аристократлар ва олигархларнинг таъсири бўлганлиги эҳтимолдан холи эмас. Демократияни заифлаштирган томони яна шунда бўлдики, Афина демократик давлати ўз иттифоқчиларига «катта оға» сифатида муносабатда бўлди. Бу уларда норозиликни уйғотиб, иттифоқнинг куч-қувватига салбий таъсир кўрсатди.

Демократлар ўз мажлисларида баҳслашишда, шовқин-сурон кутаришда, чиройли сұзлашда тенги йўқ уста бўлганлар. Бироқ амалий курашга келганда сусткашликка йул қўйганлар. Бу ҳолат ҳам демократияга путур етказди.

## Тарихий қиёс

Демократия юзага келган қадимги даврдан буён икки ярим минг йилдан зиёд вақт үтди. Мана шу күп асрлар мобайнида Афина демократияси бирон-бир мамлакатда қайта тикланмади. Бироқ үша жойда сепилган демократия уруғи XX асрда барқ уриб кўкарди. У замон тараққиётига монанд равишда ҳар жиҳатдан юксак даражага кутарилиб, мисли кўрилмаган самарани бермоқда.

Қизил империя ағдарилгандан кейин, сабиқ иттифоқдош республикаларнинг кўпида демократия юзага келди. У, бамисоли ёмғирдан кейинги қўзиқориндеқ, тусатдан ва фавқулодда пайдо бўлди. Ваҳоланки, демократияни таъминлашга қодир шарт-шароит ҳали етилмаган эди. Шунга қарамай, муҳолиф кучлар демократия байроғи остида ҳокимият учун қурашга киришиб, тинчлик ва барқарорликни издан чиқарди. Айниқса, коммунистларнинг демократик ҳукуқлардан фойдаланиб, ўз партияларини тузганлиги демократияга хавф тудирди. Қадимги Афина демократиясининг ашаддий душмани аристократлар ва олигархлар партияси ҳисобланган бўлса, ҳозирги замон демократиясининг кушандаси коммунистлар бўлиб қолди. Улар, демократиянинг ожизлигидан фойдаланиб, ўз партияларини мустаҳкамлашга ва парламентларда кўп уринни эталлашга эришдилар. Бундай ҳолатни айниқса, Россияда кўриш мумкин. Бу ерда коммунистлар демократияни ағдариб, қизил империяни тиклаш учун қаттиқ қурашдилар. Шу боис уларнинг фаолиятига имкон берилганлиги катта сиёсий хато бўлди. «Россиянинг ўзида, — дейди юрбошимиз Ислом Каримов,— менимча, ўзини компартия деб атайдиган учта ёки туртта партия бор. Шуни айтмоқчиманки, уларнинг пайдо бўлиши, қайтадан оёққа туриши — мен бу сўзни онгли равишда ишлатяпман — аввало, Россиянинг ўзида ва бошқа республикаларда амалга оширилаётган ислоҳотлардаги хатолар туфайлидир».

Бундай фоят қўпол хатога фақат Ўзбекистонда йўл қўйилмади. Бу республикада тинчлик ва барқарорликини, ислоҳотларнинг самарадорлиги ва узлуксиз давом этишини таъминлади, митингбозлиқ, шовқин-суронлар, тұхмат ва найранбозликлар бартараф этилди. Шуни доимо ёдда тутиш керакки, Ўзбекистонда ҳеч қачон демократия инкор этилгани йўқ. Аксинча, демократик давлатни бунёд этиш асосий вазифа ҳисобланди. Бунга эришмоқ учун, биринчи навбатда, унинг пойдеворини қуриш ва боқичма-босқич мақсадга эришишга киришилди. «Ўзбекистон,— дейди юртбошимиз Ислом Каримов,— мустақиллигини эълон қилиб, ўзининг маънавий қадриятларини ва

ақлий салоҳиятини тиклаш, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда туб ўзгаришлар, ижтимоий ҳимояни кўзда тутган хуқуқий демократик давлат пойдеворини куриш даврига қадам қўйди». 1993 йилда айтилган ушбу сўзлардан бўён ўтган давр ичида жамиятни демократлаштиришда улкан ютуқлар қўлга киритилди. Аммо уни амалга ошириш жараёнида Америка ва Европа мамлакатларида Узбекистонда демократия йуқлиги ҳақидаги даъволар қулоққа чалиниб турди. Ҳатто, Узбекистонга муносабатни демократиянинг бор ёки йуқлигига қараб белгилаш тўғрисидаги таклифлар ўргага ташланди. Айрим қўшни республикаларда демократия мавжудлиги рўкач қилиниб, Узбекистон бу соҳада гўё орқада қолаётганлиқда айбланди. Шу боис мен 1995 йилда Америка Президенти Билл Клинтонга маҳсус хат ёзиб, демократия ҳақидаги кўйидаги фикр-мулоҳазаларимни маълум қўлдим:

«Муҳтарам Президент жаноби олийлари!

Мазкур хатни Узбекистоннинг бир фуқароси ва тарихчи олимнинг шахсий фикри сифатида инобатга олишингизни сўрайман. Биз томонларда Америка Президенти ҳар бир кишининг фикр-мулоҳазаларига ва таклифларига ҳурмат билан қараб, тегишили жавоб беради, деган ишонч хукм суради. Шу боис хат ёзиша жазам қўлдим. Шубҳасиз, сизда бу хатнинг муаллифи ким бўлдийкин, деган савол туғилди.

Мен Тошкент шаҳрида, Узбекистон Фанлар академияси қошидаги Тарих институтида салкам 50 йилдан бўён ўрта Осиё тарихи бўйича илмий иш билан шугуланиб келмоқдаман. Узбекистонда хизмат курсатган фан арбоби, тарих фанлари доктори ва профессор унвонлари соҳибиман. Шунингдек, иккинчи жаҳон уруши қатнашчисиман.

Мен бу йил 75 баҳорни курдим, лекин унинг 69 йили совет қулдорлик тузумида ва темир панжара билан уралган мамлакатда бекорга ўтиб кетди. Чунки мустақилликдан, сиёсий ва инсоний ҳуқуқлардан, хусусий мулкдан ва диндан маҳрум этилган ҳаёт бир тийинга қимматдир. Тўғри, совет даврида олимлар, инженерлар, агрономлар, врачлар ва бошқа ўрта ҳамда олий маълумотли кишилар кўплаб етишитирилди. Бироқ фожиа шундан иборатки, улар саводли ва билимли қуллар эдилар, холос. Нихоят, 1991 йил 31 августда биринчилар қатори Узбекистоннинг мустақиллиги эълон қилиниб, мустамлакачилик ва милий зулм занжирлари парчаланди. Мен худди шу куни онадан озод киши сифатида янгидан туғилдим. Бу тарихий воқеага ҳам, менинг озодликка чиққан кунимга ҳам салкам тўрт йил бўлди.

Эндиликда ўз халқим қатори мен ҳам бир юз ўттиз йиллик милий зулмдан ва аёвсиз талон-торожлардан ҳоли бўлиб, ўз Президентимизга, Парламентимизга, Конституциямизга, Давлат байроғимизга, Мадҳия-

мизга ва Гербимизга эга бўлдик. Узбекистон жаҳон даврасида мустақил ва озод республика сифатида ярқираб турибди. Узбекистон ва бошқа республикаларнинг қизил империянинг панжасидан озод этилишида Американинг тутган ўрни бекиёс катта бўлди. Шунингдек, унинг фашизмнинг тор-мор этилишидаги хизматлари тарихда ўчмас из қолдирган эди.

Америка XX асрнинг бутун иккинчи ярми мобайнида бир неча ўнлаб триллион долларни сарфлаб ва муҳим чораларни куриб, қизил империянинг ёвуз сиёсатига қарши тоғдек тўсиқ бўлиб турди. У ўзининг демократияси, тараққиёти ва фаровон ҳаёти билан «совет турмуш тарзи»нинг кишилар бошига битган бир балолигини жаҳон куз ўнгida на мойиш этиб турди. Қизил империянинг парчаланишида Американинг «Озодлик радиоси»нинг тутган ўрни катта аҳамият касб этди. Тўлқини бутун оламга таралган бу радио коммунистик гоялар ва тоталитар тузумнинг гайдитабиийлиги ва ҳаюватга учраши муқаррарлигини мазлум ҳалқлар онгига сингидириб борди. Айниқса, перестройка, яъни қайта қуриш даврида «Озодлик радиоси»нинг фаолияти ва таъсир доираси юқори чўққига кўтарили. У қизил империяга қарши қаратилган қудратли маънавий қурол сифатида бебаҳо хизмат қилди.

Хулас, Американинг демократияси ва тараққиёти, ҳарбий техникикаси ва оммавий ахборот воситалари қизил империянинг парчаланишида муҳим ўрин эгаллади. Бу ҳақиқатни эслатиб ўтишдан мақсад шуки, Америка қизил империянинг ағдарилишида шунча катта ишларни қўлган экан, ҳозирда мустақил республикаларга муносабати қандай кечеётир, деган савол туғилади.

Менинг назаримда, Америка раҳбарияти империянинг ағдарилишининг узи билан қаноат ҳосил қилиб, Узбекистон ва бошқа Марказий Осиё республикаларига етарли даражада эътибор бермаётир. Ваҳоланки, қизил империя ҳали тамомила йўқ қилиниб ташлангани йўқ. Унинг илдизларидан ўсиб чиқаётган қора кучлар зур бериб тоталитар тузумни тиклашга ҳаракат қўлмоқдалар. Бу ҳолат, айниқса, «демократияга» кенг йўл берилган республикаларда кўзга ташланмоқда. Шунга қарамай, Америка ва Европада, мустақил республикаларда, шу жумладан Узбекистонда демократияни ривожлантиришни асосий масала сифатида тарғибот қилиш талаб этилмоқда. Шу муносабат билан демократиянинг фожиали оқибатларига бир назар ташлайлик. Масалан, Россияда демократиянинг жиловини қўйиб юборган Президент Борис Ельцин охирги парламент сайловидан кейин бамисоли «ёмғирдан қутулиб қорга тутилди». Коммунистлар, Жириновскийлар ва бошқа қизил империяни тиклаш тарафдорлари демократик тартиблардан ва

сайловлардан фойдаланиб, узларининг бақувват партияларини туздилар. Улар ҳукумат остонасида ва парламентда мустаҳкам жойлашиб, ҳокимиятни эгаллаш учун шайланиб турибдишлар. Ҳозир Россиянинг узида коммунистларнинг сони бир миллион киши ҳисобланаб, КПССни тиклаш асосий мақсад қилиб қўйилди. Уларда ишонч шу даражада кучлики, ҳатто «XXI аср коммунистлар тантанаси асли» булади, деб жар солмоқдалар. Ҳавф-хатарли ҳолат Тоҷикистонда, Қозоғистонда ва Қирғизистонда ҳам юз бераб, компартиялар тузилди. Улардан депутатлар ҳам сайланди. Умумлаштирганди, бу учала республикадаги компартия аъзоларининг сони ўрта ҳисобда 30 минг кишига боради. Агар Украина, Белоруссия ва бошқа жойлардаги компартияларнинг салмоғи ҳисобга олинса, ҳали ҳам қизил империянинг жони узил-кесил чиқмаганигини кўрамиз. Аксинча, қизил империя зимдан жонланаб ва қаддини ростлаб бормоқда.

Энди нима учун демократияни ривожлантириши фожиали кечмоқда, деган савол юзага келади.

Биринчидан, масалани яхшироқ англатиш учун бир ривоятни келтираман. Бунга кўра, қадимги замонларда кўркамликда ва мевасининг ширинлигига тенги йўқ антиқа дараҳт бўлган экан. Бу дараҳт тупроғи, суви ва ҳавоси тоза жойда шифобахи мева берар экан. Бордию шу дараҳтнинг кучати кўрсатилган яхши хусусиятларга эга бўлмаган, яъни мос тушмайдиган шароитдаги ерга экилса, у вақтда мевасидан заҳар томчилаб турар экан. Пировардидиа бу заҳар дараҳтнинг ўзини ҳам қуритган. Шунга ўҳаш, республикаларда демократияни ривожлантиришга мос тушадиган сиёсий ва ижтимоий-иктисодий шароит етилгани йўқ, мана шундай ноқулай вазиятда бемалол қўлланилаётган демократиянинг мевасидан заҳар, яъни қора кучлар юзага келмоқда. Пировардидиа, бу кучлар ҳокимиятни қўлга олган тақдирда ўзини тутдирган демократияни қуритиши аниқ. Бу ерда большевикларнинг 1917 йилги буржсуа-демократик революциясидан фойдаланиб, ҳокимиятни босиб олганларини, сунгра узларининг юзага чиқишиларига имкон тутдирган демократияни қўпориб ташлаганигини эслатиб ўтиши кифоя.

Умуман айтганда, ҳали мактаб ёшига етмаган республикалардан демократияни ривожлантиришини талаб қилишининг вақти келгани йўқ. Чунки ҳозир Ўзбекистонда ва бошқа Марказий Осиё республикаларида мустақиллик ва демократиянинг пойdevорини шакллантириши жараёни бораёттир. Бу биринчи босқичнинг туртинчи йили кетаёттир, холос. Оттона ва тарбиячи боғча боласини ишқилишдан, фалокатлардан, касалликлардан ва ёмон одамлардан қандай сақласа, ардоқласа, эндиғина қадам ташлаётган демократияни ҳам шунчалик асраши шартдир. Акс

холда фожиа рүй бериши аниқ. Буни қонлу урушлар бўлган ва давом этаётган республикалар мисолида кўриб турибмиз.

Шуниси диққатга сазоворки, Ўзбекистонда демократияни сунъий равишда жадаллик билан ривожлантиришининг аянчли оқибатлари ҳисобга олинди.

Иккинчидан, ҳозирги шароитда демократияни ривожлантиришга халқнинг ўзи ҳам тайёр эмас. Совет даврида сиёсий фаолияти бўғиб ташланиб, «қорин тўйса бас», деган фикр билан яшаган ва бунга та момила мослашиб кетган халқнинг кўпчилиги дарҳол демократия асосларини тушуниши ва қадр-қимматига етиши анча қийин. Шунинг учун ҳам ҳукм сураётган етишмовчилик, қимматчиликлар ва қонлу тұқнашувлар кўпчиликнинг дардига айланиб қолди. Ҳатто, совет даврини қўмсаётган кишилар оз эмас. Агар Марказий Осиё республикалари аҳолисининг 60—75 фоизи қишлоқларда ва овулларда яшаётгандыги ҳисобга олинса, демократияни ривожлантиришга яна бир неча йиллар кераклиги маълум бўлади.

Ахир Америка ва Европа мамлакатларида демократияни шакллантиришга ва ривожлантиришга бир неча ўн йиллар ва бундан ҳам кўп вақтлар кетгандыги сир эмас-ку. Шундай бўлгандан кейин, нима учун эндигина қулиқдан қутулиб, оёққа туроётган республикалардан ишни демократияни ривожлантиришдан бошлишни талаб қилинмоқда?

*Мұхтарам Президент жаноби олийлари!*

Умумий хулоса шундан иборатки, ниҳоятда оғир ва қалтис шароит ҳамда қизил империяни тиклаш ҳаракатлари ҳукм сураётган бир пайтда Американинг у ёки бу республикаларга улардан муносабатини демократияни ривожлантириши талаб қиласидан ҳолда белгилашини тұғри деб бўлмайди. Чунки шароит тақозасига қарамай демократиянинг сунъий равишда ривожлантирилиши орқасидан мустақилликни ҳимоя этувчи миллий партиялар билан бир қаторда, коммунистларни ва бошқа империяни тиклаш тарафдорларининг партиялари юзага келганилгининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Бир-бирига зид икки лагерь тұқнашган тақдирда олғирлиқда, зўравонликда, шафқатсизликда, кескинликда ва уюшқоқликда ута тажрибали коммунистлар куч-қувватга тўлмаган миллий-демократик партияларни осонлик билан тор-мор этиши турган гап. Бу ерда коммунистларнинг Россия қўшинидаги салмоқли таъсирни ҳисобга олинса, масала янада ойдинлашади. Шунинг учун миллий партиялар қора кучларни рўёбга чиқарувчи демократияни ривожлантиришдан воз кечиб, қандай бўлмасин мустақилликни сақлашни асосий вазифа, деб ҳисоблашлари керак. Бошқача айтганда, барча эркесвар кучлар халқ томонидан сайланган Республика раҳбарияти атрофида жисплашган ҳолда

*иши юритишлари шарттадир. Бундай қилишининг ўта самарадорлигини Ўзбекистон мисолида яққол куриш мумкин. Бу республикада тинчлик ва барқарорлик ҳамда барча миллий партияларнинг бирдамиги гавдаланиб турибди. Америка мана шундай тинч-тотувликни ва мустақилликни таъминловчи оқилона сиёсатни қўллаб-қувватлаши, ҳарбий, иқтисодий ва маданий ёрдамини кўрсатиши лозим, деб ўйлайман.*

*Маълумки, инсоният тарихининг ҳар бир даврида жаҳон миқёсидағи масалаларни ҳал этиш күпроқ у ёки бу қудратли ва тараққий этган давлатнинг зиммасида бўлган. Менинг назаримда, худойи таолонинг марҳамати билан XX асрда бундай шарафли вазифа асосан Америка зиммасига юқлатилган. Ўйлайманки, бундан кейин ҳам Америка раҳбарияти ташаббуси ва ҳалқаро мавқеини сусайтирмай, умуминсоний манфаатларни ҳимоя қилишда олдинги сафда туради. Маълумки, Ўзбекистон қадимдан Марказий Осиёнинг юраги ва таянчи, худойи таолонинг меҳри ёкқан ўлқадир. Зеро, она юртимда олтин, кумуш, мис, уран, газ, нефть, кўмир, мармар, пахта, ширинликда тенги йўқ нозу незъматлар, қўйингчи, инсон ҳаёти учун нимаики зарур бўлса, барчаси бор. Бу серқуёш ўлқада ўтмиш замонларда қатор йирик империялар ташкил топган. Она юртимнинг буюк ўтмиши билан фахрланаман ва буюк келажагига ишонаман. Қани энди американклар жаннатмакон ва жаҳон маданиятига муносиб ҳисса қўшган Ўзбекистонга тез-тез ташриф буюрсалар, албатта, уни дилдан севиб қолишиларига ишончим комил.*

*Қадимги ва ҳамиша навқирон, саҳий ва меҳмондуст ўзбек ҳалқи Американи тинчликнинг, демократиянинг намунаси сифатида яхши билади. Бироқ «минг марта эшиштгандан бир марта кўрган яхши», деганларидек, ўзбекларга афсонавий Американи кўришига қулай имкониятлар яратилиса, шубҳасиз, дустлик алоқалари мустаҳкамланиб борар эди. Ҳамда Америкага қилинган сафарлар кишилар онгининг коммунизм тоялари ва советпарастликдан тозаланишига ижобий таъсир этарди.*

*Хуллас, Америка-Ўзбекистон алоқаларининг барқ уриб ривожланиши шу куннинг талабидир. Бу ишда Сиз Президент жаноби олийларига ва юртбошимиз Ислом Каримовга саломатлик ҳамда муваффақиятлар тилайман.*

*Самимий салом ва ҳурмат билан Ҳамид Зиёев. 1995 йил, июнь».*

Мазкур хат матни 1995 йил июль ойининг иккинчи ярмида «Озодлик радиоси» орқали эшилтирилди. Айни пайтда Тошкентдаги Америка элчихонасида инглиз тилига таржима қилиниб, «Оқ уй»га жўнатилди. Маълум вақтдан кейин Америка элчихонасидан жавоб олдим. Унда шундай дейилган:

*«Хурматли Зиёев жаноблари!*

Президент номига ёзган хатингиз учун самимий миннатдорчиликни қабул қилишингизни Сиздан сўраймиз. Хат «Оқ уй»га етиб борганинг тула ишонинг. Аммо Америка Президенти жуда кўп хат ва бошқа турли ахборотларни олиб туриши орқасида ҳар бир хатга жавоб бериш имкониятига эга эмас. Мен Американинг Ўзбекистондаги элчиси ва Президентимизнинг сизнинг ватанингиздаги шахсий вакили сифатида унинг номидан сизни тула ишонтираманки, Президент ҳам, мен ҳам келажакда Ўзбек-Америка алоқаларини ривожлантириш учун ҳаракат қилмоқдамиз.

*Хурмат билан Америка Кўшма Штатларининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Стенли Эскудеро.*

Бу ерда шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, совет даврида бир оддий олимнинг у ёки бу хорижий давлат бошлиғига шахсий фикрини баён этиб хат ёзиши мумкин эдими? Албатта, бунга йўл берилмай, айбланиши турган гап эди. Аллоҳга шукрлар бўлсинки, Мустақиллик шарофати ила ҳар бир киши суз эркинлигига мусассар бўлди. Бу республикамиизда жамиятнинг демократлаштирилаётганлигининг ёрқин намунасиdir.

Умумий хулоса шундан иборатки, демократия ва сиёсий партияларнинг илдизлари чуқур тарихий даврларга бориб тақалади. У даставвал Афинада пайдо бўлиб, Грециянинг талай қисмини қамраб олди. Улар қулдорлик тузумида ҳукм сурган бўлса-да, асли мөҳияти жиҳатидан унга зид эди. Шу боис унинг доирасидан чиқиб кетолмай, чуқур илдиз отолмади ва кенг қулоч ёя олмади. Бу ҳолат демократиянинг заифланишига олиб келди. Аристократлар ва олигархлар партияси эса қулдорлик тузумининг маҳсулни ва унинг ҳимоячиси сифатида иш юритиб, мустаҳкам таянчга эга эди. Унга Спаргадек қудратли қулдорлик давлатининг бошчилик қилиши ҳам ғалабани таъминлади. Пировардида демократия тор-мор қилинди. Шунга қарамай, Афинада бундан икки ярим минг йилдан ортиқроқ вақт илгари демократиянинг кашф этилиши ва унинг асослари ишлаб чиқилиши инсоният тарихидаги муҳим воқеа ҳисобланди. Зоро, у ҳозирги замон демократиясининг тарихий негизи сифатида ўз аҳамияти ва қадрқимматини йўқотгани йўқ.

Шуни уқтириб ўтиш лозимки, Ўзбекистонда ҳақиқий демократияни шакллантириш ва ривожлантиришни таъминловчи сиёсат изчиллик билан амалга оширилмоқда. Бундай илмий асосга эга сиёсат умри боқий демократияни юзага келтиришига шубҳа йўқ.

---

## СОВЕТ ИМПЕРИЯСИ НИМА УЧУН АФДАРИЛДИ?

*Совет Иттифоқининг барбод булиши  
ҳақида турли қарашилар мавжуд. Аслида унинг  
қулашига олиб келган асосий омил тузумдир.*

**Ислом Каримов**

Юртбошимиз бу фикрни 2001 йил декабрь ойи бошларида Россия телевидениесининг «Беловежск шартномаси»нинг<sup>1</sup> 10 йиллигига бағишлиланган кўрсатувида баён этганларидан кўпчиликнинг хабари бор. Ушбу таъриф ҳар жиҳатдан ҳақиқатни акс эттиришига шубҳа булмаса-да, масалани нотуғри таҳлил ва тарғиб қилаётган кимсалар бор. Уларнинг баъзилари совет империясининг афдарилишига гўёки М.Горбачев ва Б.Ельцин сабабчи бўлганлар, деб айюҳаниос солмоқдалар. Бошқалари эса яна қандайдир саёз, тарихий ҳақиқатга ўта зид «асосларни» келтиришга уринмоқдалар. Чунончи, Россия сиёsatчиларидан бири Сергей Шахрай «Совет Иттифоқи нима учун ҳалокатга учради» («От чего умер Советский Союз») мақоласида кишини таажжублантирадиган фикрларни келтирган. Унинг айтишича, совет конституциясида иттифоқдош республикаларга СССРдан ажralиб чиқиш ҳукуқи берилганлиги империянинг қулашига олиб келган биринчи омиллардан бири эмиш. Ваҳоланки, уша қуруқ қозодзаги ҳукуқ «хўжа кўрсинг»га ёзилган булиб, ҳеч қандай амалий кучга эга бўлмаган. Бундай қалбаки ҳукуқ большевиклар томонидан совет давлатининг дастлабки йилида расмий суръатда эълон қилинди. Бу сиёсий найрангдан бошқа ҳеч нарса эмас эди, чунки унга ишониб мустақилликни тиклашга қаратилган ҳаракатларга қақшатқич зарба берилди. Хусусан, большевиклар Туркистон Мухторияти, истиқол учун кураш («босмачилик») ҳаракати ва бошқа кўринишдаги уринишлар-

---

<sup>1</sup> 1991 йил 8 декабрда Россия, Белоруссия ва Украина раҳбарлари «Беловежск шартномаси»ни имзолаб, СССРнинг тутатилганлигини расмийлаштирганлар.

ни шафқатсизларча бостирди. 20—30-йилларда ўтказилган оммавий ва сиёсий қатагонларнинг негизида ҳам миллий-озодлик фояларига қарши кураш ўз ифодасини топди.

Совет даврида бошданоқ РСФСР коммунистик партияси марказий комитети ташкил қилинмади. Сергей Шахрайнинг курсатишича, XX асрнинг 80-йиллари охирига келиб Иван Полозков ва Геннадий Зюгановлар томонидан бундай ташкилотнинг тузилиши КПССни, қолаверса, совет давлатини ҳалокатга учратишда ҳал қилувчи үринни эгаллаган эмиш. Ваҳоланки, бундай чора Совет Иттифоқи ўлим тушагида ётганидагина кўрилган эди. Империяни ҳалокатга учратган асосий омил эса, давлатимиз раҳбари жуда тўғри айтганлариdek, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тузумдир. Шу муносабат билан масаланинг айrim мухим жиҳатларига тұхталиб ўтишга тўғри келади.

Биринчидан, большевиклар 1917 йилда давлат тұнташынни уюштириб, ҳокимиятни фавқулодда ва тасодифан эгалладилар. Шунга монанд равищда совет давлати босқинчлиқ, адолатсизлик, шафқатсизлик ва олғирлик сингари хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган ҳолда шаклланди. Бундай тугма хусусиятларга асосланган ички ва ташқи сиёсат етмиш йилдан ортиқ давом этиб, даҳшатли фожиаларни юзага келтирди. Бу ерда нима учун шундай сиёсат юритилган эди, деган савол туғилади.

Маълумки, большевиклар мамлакатда тамомила янги тузум—социализмни қуришни асосий мақсад қилиб қўйдилар. Бироқ бу ута мураккаб ишни амалга ошириш учун сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий шароит, яъни замин тамомила етишмаган эди. Шунга қарамай коммунистик партия раҳбарлари, «сичқон сифмас инига, галвир болгар думига», дейилганидек, асрлар мобайнида ҳукм сурәтгандан сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тузумни остин-устун қилиш ва қатагонларни уюштириш ҳисобига социализмни қуришга муккадан тушиб кетдилар. Шу тариқа, социализм қуриш учун шарт-шароит йўқлиги сабабидан совет давлатининг тоталитар сиёсатни юргизишдан бошқа иложи қолмади. Бундай йўлни тутиш ўз-ўзидан сиёсий ва инсоний ҳукуқларни бўғиш ва бутун мамлакатни «темир қафас»га ўрашни тақозо этди.

Айниқса, миллий республикалар мустамлакачилик ва улуғ миллатчилик сиёсати исканжасида қаттиқ тутиб турилди. Тўғри, уларда юзаки қараганда мустақилликни англатувчи конституция, парламент, байроқ, герб ва мадҳия сингари белгилар таъсис қилинди. Бироқ улар мустамлакачилик сиёсатини ниқоблаш учун қилинган сохта иш бўлиб, амалда республикаларнинг кундалик ҳаёти, тақдиди ва умуман жилови марказнинг шафқатсиз панжасида эди.

Совет даврида ўн миллионлаб кишилар сиёсий қатағонларнинг курбони бўлди. Россия матбуотида кўрсатилишича, уларнинг сони қирқ миллион кишини ташкил қилди. Социализмни қуриш учун олиб борилган курашлар жараёнида беҳисоб қонлар тўкилди, даҳшатли йиллар бошдан кечирилди; назорат ва таъқиблар авжига минди. Лекин социализм эмас, қулдорлик тузуми ташкил топди. Маълумки, қулдорлик кўп асрлар бурун «ошини ошаб, ёшини яшаб», тарих ёдгорлигига айланган. Унинг бевақт пайдо булиши ўша замон руҳи, талаби ва тараққиётiga зид эди. Шу боис қулдорлик тузуми жамиятда илдиз ота олмай, давлатни ич-ичидан чиритиб борди. Бу ҳалокатли дардга тиш-тироғигача қуролланган қўшин ҳам малҳам була олмади. Шундай қилиб қулдорликка асосланган файритабии сиёсий бошқарув тизими империяни ҳалокатга учратган асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Иккинчидан, совет даврида хусусий мулкчилик ва эркин бозор тақиқланиб, ягона давлат мулки эгалиги жорий қилинди. Табиатдаги барча жонли ва жонсиз мавжудот, хусусан, ер, сув, тоғу тошлар, чўллар, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси давлатники бўлиб қолди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳам давлат қўл остига олинди. Натижада, кишиларнинг шахсий ташаббуси ва манфаатига қаттиқ зарба берилиб, мажбурий меҳнат ва ишга яраша ҳақ тўламаслик кенг кўламда ривожлантирилди. Шу тариқа совет даврида қул меҳнати юзага келиб, фуқаролар сиёсий ва инсоний ҳукуқлардан маҳрум этилди. Айниқса, қулчилик қишлоқларда ўзининг чўққисига кўтарилди. Бу жараёнларда одамларнинг умри оғир ва машаққатли меҳнатда чириди. Буларнинг ҳаммаси хусусий мулкчилик тақиқланишининг маҳсули эди. Тарих хусусий мулксиз ҳаётни тасаввур этиб бўлмаслиги ҳақида гувоҳлик беради. Чунки хусусий мулкчилик одамларни ёввойиликдан тараққиётга чорлаган, шаҳар ва давлатларни юзага келтирган муҳим омиллардан бири ҳисобланган. Уни моддий ва маънавий ҳаётнинг устуни, дейилса асло хато бўлмайди.

Қанчалик қаттиқ ҳаракат қилмасин, совет давлати иқтисоднинг самарадорлигини барибир таъминлай олмади. Партия сиёсий бюроси ҳамда ҳукумат ҳалқ ҳужалигини ривожлантириш ва фаровон ҳаётни таъминлашга қаратилган қарорларни кетма-кет эълон қиласверди. Аммо арзигулик натижага эришилмай, жаҳон иқтисодиёти ва турмуш даражасидан жуда орқада қолинди. Бундай булиши табиий эди. Чунки тараққиёт ва мул-қўлчиликнинг илдизи — хусусий мулкчилик ва

эркин бозор қўпориб ташланган эди. Совет даврида миллий республикаларни Россиянинг хом ашё манбаига ва тайёр маҳсулотлар бозорига айлантирилиши ҳам жуда фожиали кечди. Мисол учун, Ўзбекистонни олайлик. Юртимизда пахта яккаҳокимлигининг ўрнатилиши орқасида фаллачилик, боғдорчилик ва сабзавотчиликка қаттиқ зарба берилди. Минерал ўғитларнинг меъеридан ортиқ ишлатилиши орқасида ер, сув ва ҳаво заҳарланди. Натижада халқ турли касалликларга дучор бўлди. «Пахта васвасаси»нинг азоб-уқубатини тортмаган одамни топиш амри маҳол эди. Пахта, ипак, олтин, уран, газ ва бошқа тоғ жинслари, ҳул ва қуруқ меваларнинг сараси метрополияга узлуксиз олиб кетилди. Бундан ташқари, марказ республикага тайёр саноат молларини киритишдан ҳам катта даромад олди. Демак, хусусий мулкчилик ва эркин бозорнинг йўқотилиши, қул меҳнатининг жорий қилиниши, республиканинг хом ашё манбаи ва тайёр маҳсулотлар бозорига айлантирилиши иқтисодни тузатиб бўлмайдиган дардга чалинтирди. Бу эса империянинг афдарилишини таъминлашда муҳим ўрин эгаллади.

Учинчидан, совет даврида у ёки бу халқнинг ўзига хос ва мостурмуш тарзи, миллий ҳис-туйғулари ва анъаналари оёқ ости қилинди. Миллий ғоянинг ҳар қандай кўринишларига зарба берилиб, ўрнига зўравонлик билан коммунистик ғоя киритилди. Улуғ миллатчилик руҳи билан суғорилган бу ғоя кишиларнинг сиёсий онги ва фаолиятининг ўсишига, она юрт билан гуурланиши ва фахрланишига қарши тинимсиз курашди. Ўтмиш давлат арбобларининг, озодлик учун жонини тиккан қаҳрамонларнинг ва олиму фозилларнинг қадр-қимматини ўрнига қўйиш ва оммалаштириш тақиқланди. Оламшумул аҳамиятга молик бой тарихимиз соҳталаштирилди ва обидалар харобага айлантирилди. Умуман диннинг, хусусан мусулмончиликнинг тақиқланиши, масжид ва мадрасаларнинг бузиб ташланиши, дин пешволарининг отилиши ва диний асарларнинг ёқилиши маънавий ҳаётни издан чиқарди. Коммунистик ғоя юқорида кўрсатилган тарзда етмиш йилдан ортиқ вақт мобайнида жамоа аҳлини миллий манфаатларга ёт дунёқарашиб билан заҳарлади. У қанчалик фожиали булмасин, барibir миллий ғояни кутариб ташлай олмади. Чунки у пухта замини бўлмаган, «усти ялтироқ, ичи қалтироқ» қалбаки ғоя сифатида гавдаланди. Шунинг учун ҳам коммунистик ғоя совет давлатини емирган омиллардан ҳисобланади.

Туртингидан, гарчанд империя ҳар жиҳатдан жуда заифлашиб, ҳалокат сари қадам ташлаётган бўлса-да, ҳали катта ҳарбий қурдатга

эга эди. Бироқ Россияда ҳам, республикаларда ҳам тоталитар тузумга қарши кураш кучли тұлқинга айланиб борди. 1990 йил 11 марта Литва, уша йилнинг 4 майида Латвия, 1991 йил 9 апрелде Грузия расмий суръатда мустақилликни тикладилар. 1990 йилнинг март ойида республикалар орасыда биринчи бўлиб Ўзбекистонда Президентлик лавозими таъсис этилди. Буларнинг бари совет империяси асосларига берилган жуда катта зарба ҳисобланарди. Шунинг учун 1991 йил августда коммунистик партия ва совет ҳукуматининг бир гурӯҳ етакчилари давлат тұнтариши йўли билан империяни сақлаб қолиши мақсадида фитна уюштирилар. ГКЧП номидаги бу фитна мағлубиятга учрагандан кейин империянинг ҳалокати тезлашди. Чунончи, 1991 йил 21 августда М. Горбачёв КПССнинг Башкотиблиги вазифасидан воз кечиб, КПССни тарқатишга даъват қилди. Шу равишда үлим тушагида ётган қизил империянинг тақдидири узил-кесил ҳал этилиб, республикалар 1991 йилнинг турили ойларида расман мустақилликларини тикладилар.

Республикалар	Коммунистик партияларнинг тұғатилиши	Мустақилликнинг тикланиши
Литва	1991 йил 23 август	1990 йил 11 март
Латвия	1991 йил 10 сентябрь	1990 йил 4 май
Грузия	1991 йил 26 август	1991 йил 9 апрель
Эстония	1991 йил 22 август	1991 йил 20 август
Украина	1991 йил 30 август	1991 йил 24 август
Белорусия	1991 йил 25 август	1991 йил 25 август
Молдавия	1991 йил 24 август	1991 йил 27 август
Озарбайжон	1991 йил 14 сентябрь	1991 йил 30 август
Ўзбекистон	1991 йил 14 сентябрь	1991 йил 31 август
Қыргызистон	1991 йил 31 август	1991 йил 31 август
Тожикистан	1991 йил 2 октябрь	1991 йил 9 сентябрь
Арманистан	1991 йил 7 сентябрь	1991 йил 21 сентябрь
Туркманистан	1991 йил 26 август	1991 йил 27 октябрь
Россия	1991 йил 6 ноябрь	1991 йил 12 декабрь
Қозоғистон	1991 йил 7 сентябрь	1991 йил 16 декабрь

Шуни таъкидлаш лозимки, бизда айрим кишилар ўйлаганидек, мустақиллик осонлик билан эмас, кураш билан қўлга кири-тилди. 1989—1991 йиллар орасида империя жон талвасасида қиличини қайраб, қирғинбартларни бошлашга тайёр турган эди. Унга озгина баҳона топилса бас, дарҳол қонли тұқнашувларни уюштириши аниқ эди. Айрим республикаларда бундай қабиҳ ишлар қилинганилиги ҳамон ёдимизда.

Хавф-хатарли вазиятнинг янада кескинлашишига «чала демократлар»нинг хатти-ҳаракатлари ҳам сабаб бўлганди. «Чала овқат ошқозонни, чала мулла бошни бузади» деганларидек, улар ҳали фура бир тўда ёшларни ва шабкўр кишиларни орқасидан эргаштириб, «сувни лойқалатиш»га ҳаракат қўйдилар. Шунингдек, қултабиат ва боқимандалик суюгигача синган, империяга сифинаётган кишилар оз эмас эди. Бундай оғир ва мураккаб шароитда юксак ақл-идрок, жасорат, мардлик билан иш юритиш тақозо этиларди. Халқимизнинг баҳтига юртбошимиз Ислом Каримов мана шундай олий фазилатлар соҳиби эди. У «етти ўлчаб, бир кесилган» сиёсатни изчиллик билан амалга ошириб, қон тўклиши ва катта тұс-түпонларнинг олдини олди. Натижада, 1991 йил 31 августда мустақиллик бир томчи қонсиз, бамисоли шер оғзидан тортиб олинди. Президентимиз бошчилигига қўлга киритилган ушбу буюк ғалаба империянинг бутунлай ағдарилишини тезлаштирди. Биринчи навбатда унинг Марказий Осиё минтақасидаги мавқеи ва салоҳиятига қақшатқич зарба берилиб, қушни республикаларни руҳлантириш ва озодлик курашига отлантиришда мухим аҳамият касб этди.

Демак, етмиш йилдан ортиқ ваqt мобайнида ҳукм сурган ҳусусий мулксиз ва динсиз жамият, ягона давлат мулки эгалиги, сиёсий ва инсоний ҳукуқларнинг тақиқланиши, мамлакатнинг «темир қафас» билан уралиши империянинг ағдарилишига олиб келди. Шунингдек, мустамлакачилик ва умуммиллатчилик сиёсати, умуман қулдорлик тузуми империянинг ҳалокатга учрашида муҳим ўрин тутди. Бу тузум билан бир қаторда коммунистик фоя, қалбаки социализм, қирғинбартлар, зўравонлик, босқинчлилик, адолатсизлик, кўзбумачилик ва бошқа иллатлар суриб ташланди. Кези келганда айтиш лозимки, Мустақил Ҷавлатлар Ҳамдустлиги мамлакатлари орасида Ўзбекистон коммунистик фоялар ва мудҳиш ўтмиш замоннинг бошқа белгиларини тамомила улоқтириб ташлаган ягона республикадир. Эндиликда гуллабяшнаётган Ватанимизда оламшумул аҳамиятта молик буюк узгаришлар ва ютуқлар қўлга киритилмоқда. Улар билан фахрланишга ҳақлимиз.

---

## МУҚАДДАС ВАТАН

*Тасаввур қилингки, ота юртимиз Туркистон катта бир уй, буюк бир рӯзгор, буюк оила. Бу оила фарзандлари қанчалик яқин ва аҳил бўлса, рӯзгор ҳам шунчалик обод ва тўжин булади. Бундан чиқадиган хулоса: Марказий Осиё минтақасида ҳам иқтисодий, ҳам маънавий, ҳам сиёсий жиҳатдан ягона мұхит ташкил қилиши — шу куннинг долзарб масаласидир.*

*Ислом Каримов*

Аслида Туркистан яхлит, бир тану бир жон мамлакат сифатида яратилган. Бинобарин, ўзбеклар, тоҷиклар, туркмандар, қирғизлар ва қозоқларнинг насл-насаби, утмиши, келажаги ҳам бир ва умумийдир. Шундай бўлгач, Туркистан бу ерда киндиқ қони тўкилган ҳалқлар учун умумий уй булиши табиий. Умумий Ватан ғояси эса милоддан аввалги асрлардаёқ юзага келиб, аждодларимизга куч-қудрат бағишилаб, ягона иқтисодий, сиёсий ва маънавий тизим асосида шаклланган эди.

### Ягона иқтисодий макон

Туркистан заминида инсон ҳаёти ва ягона тизим учун нимаики зарур бўлса, бари бор. Бинобарин, унинг «жаннатмакон ўлка», дейишлиши бежиз эмас. Зеро, унинг ер ости бойликлари ва табиий шароити шу даражада нодир, мукаммалки, бунақаси дунёнинг кўп мамлакатларида учрамайди. «Унинг тарафлари,— деб ёзган эди ўрта аср олими Ҳофиз Таниш Бухорий,— нозу неъмат хусусида мамлакатларнинг энг ободидир. У очиқлик жиҳатидан энг каттадир. Ундаги хоҳ шаҳар бўлсин, хоҳ қишлоқ бўлсин, хоҳ текислик бўлсин, хоҳ ўтлоқ бўлсин, ободончиликда унга тент мамлакат йўқ. Ҳавоси ҳаволарнинг

энг соғломи, суви сувларнинг энг ширини ва энг енгили; суви барча төг ва атрофларда баробар шириндир. Унинг тупроғи — тупроқларнинг энг хушбўйи. Катта шаҳарлари: Бухоро, Самарқанд, Хўжанд бўлиб, ҳалқ диндор, илмли, тақводор, жувонмард ва шиҷоатлидир.

Биринчиси — илму фазл манбаи бўлган Бухоро.

Унинг тупроғи Рум ва Чин мамлакатларига фаҳрдир.

Иккинчиси — салтанат ўрни ҳазрат Самарқанд,  
Шон-шарафда бошқа шаҳарларга узукдек, тожда эса кўздеқдир.

Улардан сўнг авлиё ва саҳобалар макони Термиз,

Жаҳондаги оқар сувлар гайр қиласидиган дарё лабидадир.

Тўртингчиси ишрат жойи, поклик мавзеи,

Суфийлар макони Хўжанд».

Мазкур шаҳарлар йирик савдо-ҳунармандчилик марказлари ҳисобланган. Тошкент ва Фарғона воҳалари ҳам ҳисобга олинса, Туркистон ҳақиқатан ҳам Аллоҳ таолонинг меҳри ёқсан ажойиб үлка. Бу қадимий ва ҳамиша навқирон Ватан ўзининг нодир маъданлари, нозу неъматлари билан ҳам машҳур. Чунончи, бу ерда олтин, кумуш, темир, мис ва бошқа төғ жинслари бор. V асрда дунёнинг талай қисмида одамлар ҳали ёввойи ҳолда яшаётган вақтда қадимги аждодларимиз олтин ва мисдан тури турли буюмлар ишлаганлар. Кейинчалик темирчилик, Марв, Самарқанд, Тошкент ва бошқа жойларда маъданчилик ривожланган. Ҳатто, темир ва ундан тайёрланган маҳсулотлар хорижий мамлакатларга, шу жумладан, Румга олиб кетилган. Айниқса, Фарғона водийисида олтин, кумуш, мис, нефть, қимматли тошлар кўп ишлатилган.

Тўқимачилик үлканинг кўп шаҳарларида ва қишлоқларида тараққий этган эди. Бу ҳолат унинг хом ашёси бўлмиш пахта ва ипак кўп миқдорда етиширилганлигидан гувоҳлик беради. Деҳқончилик, ҳунармандчиликнинг ривожи ички ва ташқи савдони юқори даражага кутарди. Туркистон замини Эрон, Ҳиндистон, Хитой, Арабистон, Туркия, Россия ва бошқа мамлакатлар билан савдо олиб борди. Четга асосан тайёр маҳсулотларнинг олиб кетилиши ишлаб чиқариш кучларининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатди. Юқорида шарҳланган ютуқлар ягона умумий тизим туфайлигина қўлга киритилган эди. Хуллас, қадимги ва ўрта асрларда ер усти ва ер ости бойликларининг умумий мўл-куллиги умумий уйимиз—Туркистоннинг таркибий қисми бўлмиш ягона иқтисодий тизимнинг шаклланишини тақозо этган эди.

## Ягона сиёсий ва маънавий тизим

Туркистоннинг иқтисодий салоҳиятига монанд равишда қудратли давлатлар ташкил топган. Ақл-идрокли ва билимдон ҳукмдорлар минтақа бир давлатга бирлаштирилгандағина юксак тараққиётга эришиш мумкинлигини яхши англағанлар. Чунончи, милоддан аввалги асрларда юзага келган Катта Хоразм давлати минтақада яккаҳокимлини үрнатибгина қолмай, Қора дengизгача ерларни эгаллади. Кейинги даврларда ташкил топган Қанқа давлати ҳам минтақа яхлитлигини сақлашга мұяссар бўлган. Бундай ҳолат күшонийлар (I—IV асрлар), эфталийлар (V—VI асрлар) ва турк ҳоқонлиги ҳукм сурган даврларда ҳам давом этди.

Эфталийлар Марказий Осиёни, Шарқий Эронни ва Ҳиндистонни бирлаштириб, ягона сиёсий тизимни вужудга келтирдилар. Бу вақтда Туркистонда рангли ойна ишлаб чиқариш кашф этилган. Ҳатто, Хитойда туркистонликлар ёрдами билан бу ойнани тайёрлаш йулга куйилган. Ягона иқтисодий ва сиёсий тизим самарадорлигининг юқори босқичга кутарилиши турк ҳоқонлигининг (VI—VII асрлар) куч-кудратини ошириб юборди. Тинч океанидан Қора дengизгача улкан ҳудудни ўз таъсир доирасига олган ҳоқонлик йирик давлатлар бўлмиш Эрон, Хитой, Румга хавф туғедирди. Хитой ҳар йили юз минг тўп ипак газламасини турк ҳоқонлигига солиқ сифатида юбориб турган вақтлар бўлган. Буюк ипак ўюли ҳам ҳоқонлик назорати остида бўлган.

Ягона иқтисодий ва сиёсий тизим Сомонийлар (X аср), Қорахонийлар ва хоразмшоҳлар (XI—XII аср бошлари) ҳукм сурган даврларда ҳам яққол кўринди. Мазкур уч юз йилдан ортиқ даврда минтақа сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий жиҳатлардан юқори даражага кутарилди. Деҳқончилик, ҳунармандчилик, ички ва ташки савдо ривожланиб, жаҳон даврасида минтақанинг мавқеи кутарилди. Жумладан, Хоразмда Маъмун академиясининг очилиши, куплаб мадрасалар, масжидлар ва бошқа ҳашаматли иморатларнинг қурилиши алоҳида аҳамиятга моликдир. Аммо «ҳар тўқисда бир айб» деганларидек, қудратли империялар, хусусан хоразмшоҳлар давлати ўзаро келишмовчиликлар, қонли урушлар орқасида муғуллар томонидан тор-мор этилди. Муғул босқинчларининг юз эллик йиллик ҳукмронлик даврида сиёсий ва ижтимоий ҳаёт жуда оғирлашди.

Ниҳоят, 1370 йилда Амир Темур халқ оммасига таянган ҳолда мамлакат мустақиллигини тиклади. У парокандаликни бартараф қилишни, ягона сиёсий-иқтисодий ва маънавий тизимни бунёд этишни асосий мақсад, деб билди. Чунки XIII асрнинг 50—60-йилларида

Туркистонда мұғул султонларининг таҳт учун курашлари авж олиб, халқнинг ақволи ёмонлашды. Ҳатто, айрим султонлар ислом динини таъқиб қилишгача бордилар. Шунингдек, Соҳибқирон Туркистонда ва қарам мамлакатларда савдогарларни ва карвоно бошиларни тайёрлаб, Ҳиндистон, Хитой, Туркия ва Европа мамлакатлари билан сав-дони рағбатлантириди. Соҳибқироннинг ягона иқтисодий тизим хусусидаги сиёсати күп үтмай үз самарасини берib, яқиндагина хароб үлкада мұл-құлчилик, арzonчилык күзга ташланди.

Иқтисодиёт билан ёнма-ён ягона маънавий тизим ҳам шаклла-ниб, ривожланиб бораверди. Бу, аввало, адабиёт, тарих, маориф ва санъат соҳаларида үз ифодасини топди. Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Хоразм, Фарғона водийсидаги мактаб, мадрасаларда турли халқлар-нинг вакиллари таълим-тарбия олдилар. Барча халқдар учун ягона алифбо ва дарслик ишлатилди. Шу тариқа «умумий уй» ва «умумий ватан» тушунчалари кишиларнинг қон-қонига сингиб кеттган эди.

Умумий хулоса шуки, үтмишда ягона сиёсий, иқтисодий ва маънавий тизим жамият тараққиётининг йўналтирувчи кучи сифатида минтақадаги турли халқларни катта оиласа бирлаштиришга, дўстлик, ҳамкорликни таъминлашга олиб келиб, «Туркистон — умумий уйимиз» фоясини кишилар онгига сингдирди. Бу фоя, үз навбатида, мустақиллик ва озодлик учун олиб борилган қаҳрамонона курашлар таянч эди. Буни яхши англаған чор ҳукумати миллий давлатни йўқ қилди. У ўлкани Россиянинг хом ашё манбаи, тайёр маҳсулотлар бозорига айлантириди. Бу сиёсат совет даврида авжига чиқиб, минтақа беш қисмга — республикаларга парчаланди. Хусусий мулкчилик, дин, эркин ишбилармонлик ва савдо-сотиқнинг тақиқланиши том маънодаги ягона миллий тизимнинг моҳияти, йўналишини узгартириб юборди. Зеро, у мустамлакачилик ва миллий зулм хусусиятларни ўзига мужассамлаштирган эди. Мустамлакачилар «Туркистон — умумий уйимиз» фоясини илдизи билан қупоришдан, миллий низоларни кучайтиришдан тоймадилар. Аммо етмиш йилдан ортиқ ҳукм сурган сиёсат пировардидা кўз ўнгимиизда ҳалокатга учради.

Шу кунларда Президент Ислом Каримовнинг ташаббуси билан тарихан шаклланган «Туркистон — умумий уйимиз» фоясига жон киргизилди. Бу борада Ӯзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ўргасида ягона иқтисодий муҳит ҳақида тузилган битим дастлабки қадам бўлган эди. Ҳозир ягона тизимни минтақанинг барча мамлакатларида амалга ошириш шу куннинг талабига айланди. Уни барча кишилар қуллаб-кувватламоқда. Шундай бўлгандан кейин минтақа олимлари ва мутахассислари биргаликда ягона иқтисодий ва маънавий тизим-

нинг моҳияти ва йўналишини белгиловчи масалалар бўйича ишни бошлаб юборишлари лозим. Менимча, бутун масалаларни ва ўзаро алоқаларни мувофиқлаштирувчи минтақавий кенгаш тузиш мақсадга мувофиқ бўларди. Ўлкадаги ер ости ва ер усти бойликлари шу даражада етарлики, республикалар эҳтиёжини бемалол қондира олади.

Шунингдек, «Буюк Туркистон» номидаги минтақа доирасида маҳсус газета ва журнал нашр этилиши мақсадга мувофиқдир. Адабий, тарихий ва бошқа соҳалар бўйича асарлар яратишга киришиш фойдадан ҳоли бўлмайди. Умуман, «Туркистон — умумий уйимиз» гояси нуқтаи назаридан фан ва маданиятнинг барча тармоқлари бўйича ишларни бошлаш вақти келди. Ишончим комилки, тарих синовидан ўтган «Туркистон — умумий уйимиз» гояси вақти билан куч-куватга тўлиб, тантана қиласкеради.

---

## ФУРУРЛАНИШ ВА ФАХРЛАНИШ – ОЛИЙ НЕЬМАТ

Юртбошимиз Ислом Каримовнинг нутқ ва суҳбатларида фурурланиш ва фаҳрланиш хусусидаги фикрлар тақорланиб туради. Бу бежиз эмас, албатта. Зоро, фурур ва фаҳр кишиларни руҳлантириб, кучига куч қушиб, миллий ҳис-туйғулар ва иймонни мустаҳкамлайди. Мустақиллик ва тараққиёт ҳукм сурганида эса яшнаб, янгидан-янги зафарларга чорлайди. Бу ҳолатни Ўзбекистонимиз мисолида қўриш мумкин.

Биринчидан, фурурланиш ва фаҳрланиш туйғулари сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳайётнинг акс-садоси сифатида шаклланади. Масалан, уларнинг сиёсий жиҳатини олайлик. Кўз ўнгимиизда Мустақиллик шарофати билан миллий давлат ва қушин тузилиб, ҳокимият бошқаруви демократик асосда олиб борилмоқда. Миллий парламент, конституция, байроқ, герб ва мадҳия жорий қилинди. Ўзбек тилига Давлат мақоми берилди ва миллий валюта муомалага киритилди. Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотларга аъзо бўлиб, жаҳон даврасида муносиб ўринни эгаллади. Замонавий ўзбек дипломатияси шакллантирилиб, элчихоналар очилди, ташқи дунё билан алоқалар самарали давом этмоқда.

Масаланинг иқтисодий томонига келганда шуни айтиш лозимки, бу соҳада ҳам foйтда катта ўзгаришларнинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Чунончи, хусусий мулкчилик ва эркин бозорга асосланган тамомила янги иқтисодий тизим бунёд этилди. Республикани хом ашё манбаи ва тайёр маҳсулотлар бозори бўлиб қолишдан қутқариш бўйича улкан ютуқлар қўлга киритилмоқда. Саноат тармоқлари тубдан ўзгартирилиб, жаҳон андозаси даражасида кенг қўламда ривожлантирилаётir. Мамлакат ташқи савдосида тайёр маҳсулот салмоқли ўринни эгаллаб бормоқда. Автомобиль, самолёт, телевизор, газлама, кийим-кечак, пойабзал, асбоб-ускуналар, уй-рӯзгор буюмлари ва бошқа маҳсулотлар шулар жумласидандир. Эндилиқда миллиатимиз номини улуғловчи «ўзбек автомобили», «ўзбек самолёти», «ўзбек олтини», «ўзбек газламаси» каби ва яна қатор бошқа маҳсулотлар жаҳон бозоридан ўз ўрни-

ни топмоқда. Табиий бойликларни қайта ишловчи саноат, транспорт ва алоқа воситалари изчиллик билан ўсмоқда.

Фан ва маданият соҳалари ҳам жаҳон андозаси даражасида ривожлантирилиб, улкан ютуқларга эришилмоқда. Академик лицей ва касбхунар колледжларининг ташкил қилиниши тамомила янгиликдир.

Шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш, ҳашаматли ва ажойиб бинолар, магистрал йўлларни куриш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Бу ерда шуни айтиш лозимки, уч минг йиллик тарих мобайнида Бухоро, Самарқанд, Урганч ва шунга ўхшаш айрим шаҳарларгина нисбатан ободонлаштирилган эди. Ҳозир эса республика-нинг барча шаҳар ва қишлоқлари ёппасига ободонлаштирилмоқда. Бу мисли курилмаган тарихий воқеадир.

Шундай қилиб, биз мустамлакачилик сиёсати ва миллий зулмдан қутулиб, Мустақиллик ва Озодликка эришганимиздан, миллий давлатимиз ва армиямиздан, иқтисодий, маданий муваффақиятларимиздан, Ватанимизнинг жаҳон даврасида тан олинишидан фуурланиш ва фахрланишга ҳақлимиз.

Иккинчидан, фуурланиш ва фахрланиш туйғулари кўп асрлик ўтмиш тарихни англаш ва қадрлашда ҳам намоён бўлмоқда. Авваламбор, бу миллий давлатчилик тарихини ўрганиш ва англашда кўринмоқда. Маълумки, жаҳоннинг кўп жойларида одамлар ҳали ёввойиликда яшаётганларида ўзбек халқи биринчилар қатори давлат тузган. Салкам уч минг йил илгари Хоразмда содир бўлган бу тарихий воқеа ўзбекларнинг табиатан юксак ақл-идроқи, меҳнатсеварлиги, жасорати ва улдабуронлиги орқасида амалга ошган эди. Ҳокимият бошқарувининг жорий этилиши сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётни тубдан ўзгартириб, тараққиёт сари чорлади. Вақт ўтиши билан буюк Хоразм давлатининг куч-кудрати ошиб, чегараси Қора дengиз бўйларига бориб тақалди. Унинг салоҳияти милодий биринчи минг йилликда ҳам сақланиб, Волга бўйидаги Хазар подшоҳлиги билан биргаликда Хоразм-Хазар салтанати тузилди. Унинг таркибига Хоразмдан бошлаб Каспий денгизи ва Волга бўйлари орқали Кримгача чўзилган бепоён ерлар кирган. Бу вақтларда Волга бўйларига минглаб ўзбеклар ўрнашиб, турли юмушлар билан шуғулландилар. Уларнинг орасида нуфузли мансабдорлар, ҳарбийлар, дин пешволари, савдогарлар, ҳунармандлар ва маданият вакиллари бор эди. Хоразмликлар ва бошқа туркистонликларнинг ташаббуси ҳамда иштирокида Волга бўйларига ислом дини ёйилди. Хоразм давлатининг довруғи шу қадар баланд эдики, бир вақтлар Каспий денгизи Хоразм номи билан ҳам юри-

тилганди. Денгиз бүйидаги ҳозирги Астрахань шаҳри атамасининг ке-либ чиқиши Хазар подшоҳлигига шуҳрат қозонган хоразмлик лашкар-боши Хожа Тархон (Аштархон) номи билан боғлиқ булиши мумкин.

XI асрнинг 40-йилларида Венгрияда подшоҳлик қилган Самуйил Абу насл-насаби жиҳатидан хоразмлик ҳисобланган.

Туркистонда халифалик ҳукмронлигининг үрнатилиши буюк Хоразм давлатини зарбага учратди. Бироқ XI — XIII асрлар бошларида у хоразмшоҳлар номида қайта қудратли салтанатга айланди. У Хоразм воҳаси билан биргаликда Фаргонадан Грузия чегарасигача, Орол шимолидаги чўллардан Ҳинд дарёсигача ёйилган жойларда ҳукмронлик қилди. Шу тариқа хоразмшоҳлар давлати жаҳонга танилди. Машҳур грузин шоири Шота Руставелининг «Йулбарс терисини ёпинган паҳлавон» асаридаги грузин подшоҳи ва унинг маликаси сўзлашуви акс этган мана бу парчага эътиборни тортмоқчимиз:

*Подшоҳ айтди: «хоразмшоҳ Хоразм мамлакатини бошқаради,*

*Агар у бизга ўғлини берса, бошқа ким у билан тенглашади?»*

*Малика тасдиқлаб: «хоразмлик биз учун шон-шуҳратдир.*

*Ўғлини куёвликка берса, ҳеч ким унингдек була олмас муносиб».*

Бинобарин, грузин подшоҳи хоразмшоҳлар давлатининг ҳурматини урнига қўйиб, қариндошлиқ илларини bogлашга ҳаракат қилган.

Шуниси қизиқарлики, рус ҳукмдори Владимир хоразмшоҳлар давлати иштирокида ислом динини қабул қилишга қарор қилган. Ўрта аср муаллифи Тоҳир Марвазийнинг ёзишича, Владимир «яқин кишилардан тўрттасини танлаб, Хоразм ҳукмдори хузурига элчи қилиб юборди... Элчилар Хоразмга келиб, ўз подшоҳининг мактубини топширдилар. Хоразмшоҳ уларнинг ислом динига киришга аҳд қилганликларини эшитиб, багоят курсанд бўлди ва уларга ислом дини қонун-қоидаларини ўргатиш учун одамлар юборди ва улар ислом динига кирдилар». Бироқ ислом дини рус аҳолиси орасида илдиз ота олмади. Чунки христиан дини тарафдорлари устун келиб, рус давлати ва ҳалқи орасида христианлик кенг тарқалди.

Қадимги буюк Хоразм ва кейинги хоразмшоҳлар давлатлари фаолият кўрсатган асрлар оралиғида Қанқа, кушонийлар, эфталийлар, турк хоқонлиги, Сомонийлар, Қораҳонийлар, Фазнавийлар, Салжуқийлар давлатлари ҳукм сурди. Сунгра Амир Темур ва Темурийлар давлати, кейин Бухоро, Хива ва Кўқон хонликлари юзага келди.

Курсатилган давлатларнинг барчаси милоддан аввалги асрлардаги буюк Хоразм давлатининг мантиқий давоми ҳисобланниб, занжир ҳалқалари каби бир-бирларига уланиб кетган эдилар. Бошқача айт-

ганды, ҳукмрон сулолалар асрлар оша алмашиниб турди, лекин қадим-ги даврларда юзага келган ҳокимият бошқаруви тизими сақланды. Шароит тақозосига күра, у гоҳ ривожланиб ва кучайиб, гоҳ пасайиб ва заифлашиб давом эта берди, иқтисодий ва маданий ҳаётни таъминлашда ҳал құлувчи үринни эгаллади.

Ўзбек халқи давлат билан ёнма-ён, хусусий мулкчиликка асосланған деҳқончилик, хунармандчилик ва савдо-сотиқни ҳам дунёда биринчилар қатори қашф этди. Натижада, жамоа ахли қолоқлик ва жаҳолатдан ҳоли булиб, оила, одоб-ахлоқ ва умуман инсонийлик фазилатларига эга бўлди. Уларнинг онги ва дунёқарashi үсиб, маданият соҳалари юқори поғонага кўтарилди. Бундай илгорлашиш кейинги асрларда ҳам давом этди. Шуниси диққатга сазоворки, ислом дунёсидаги биринчи мадраса X асрда Бухорода қурилган. Биринчи фанлар академияси эса XI аср бошларида Хоразмда фаолият курсатган эди. Бу вақтларда жаҳонда бундай илм марказини тузиш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаган.

Хуллас, қадимий Туркистон замини фан ва маданият маркази сифатида донг таратган. Ўрта аср муаллифи Маҳмуд ибн Валининг ёзишича, Туркистон олиму фозиллар макони ҳисобланиб, уларнинг сони шу даражада кўп бўлганки, унга бошқа бирор мамлакат тенглашолмайди<sup>1</sup>. Фазлуллоҳ ибн Рузбехон Исфаҳонийнинг курсатишича, Туркистон дунёдаги илм-фан тараққиёти юксак бир неча мамлакатлардан бири бўлган. «Жаҳон олимлари, — дейди у, — Туркистонни тараққиётнинг бош маркази ҳисоблаб, унга интиладилар»<sup>2</sup>. Ҳофиз Таниш Бухорий таърифлашича, «Мовароуннаҳр халқи ҳамма вақт донишмандлик билан танилиб, шавкат ва мардоналик билан тавсифланган... У Рум ва Чин мамлакатларига фахрdir»<sup>3</sup>.

Ҳақиқатан ҳам, Туркистон үлкаси жаҳоннинг илм-фан ва санъат марказларидан бири сифатида маълум ва машҳурdir. «Муболагасиз айтиш мумкинки, — дейди юртбошимиз Ислом Каримов, — фанийиз, ақл-заковат, салоҳиятимизнинг ноёб ва гузал биносига бундан кўп асрлар муқаддам пойdevor солинган эди. Мамлакатимиз фани жуда қадим замонлардан юксала бошлаганини, унинг чуқур ва қудратли илдизлари борлигини фахрланиб айта оламиз. У асрлар давомида ўзбек миллатига, бутун инсониятга табиат сирларини үрганиша, тиббиёт, фалсафа, ҳукуқшунослик, илоҳиёт, адабиётшунослик ва тиљшуносликда ишончли хизмат қилиб келмоқда. Узоқ ўтмиши-

<sup>1</sup> Маҳмуд ибн Вали. Море тайн. Т., 1977, с. 76.

<sup>2</sup> Фазлаллаҳ ибн Рузбихан. Михманнамаи Бухара, с. 73.

<sup>3</sup> Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдулланома. Биринчи китоб, 152-бет.

даёқ ўзбек халқининг илғор мутафаккирлари олиб борган тадқиқотлар, уларнинг амалга оширган кашфиётлари умуминсоният фани ва маданиятигининг олтин хазинасини ташкил этади». Мазкур сатрларда ўзбек фани ва маданиятигининг тарихий илдизлари ва унинг оламшумул аҳамиятга моликлиги фоят сермазмун ва лўнда таърифланганки, ортиқча изоҳлашга ўрин йўқ.

Демак, ўзбеклар милоддан аввалги асрлардаёқ давлат ва маданияти юзага келтирган қадимий халқдир. Бу билан улар инсоний фазилатларни, ўзлигини англаш, ватанпарварлик ва тараққиётни шакллантирилар ва ривожлантрилар. Қадимий буюк Хоразм салтанати салкам уч минг йил мобайнида ҳукм сурган давлатларнинг асоси ҳисобланади. У кейинги асрлардаги салтанатлар билан бир тан, бир жон булиб, умуминсоният цивилизациясига улкан ҳисса қўшди. Шу тариқа ўзбек давлатчилиги ва маданияти тарихида ўчмас из қолдирib, гуурланиш ва фаҳрланишнинг муҳим омилларидан бири сифатида гавдаланмоқда.

Хулоса шуки, гуурланиш ва фаҳрланиш туйғулари чуқур тарихий даврларда шаклланиб, асрлар оша сақданиб келмоқда. Аммо улар ҳамма вақт бирдек кечмай, сунған вақтлари ҳам бўлган. Айниқса, бундай ачинарли ҳолат чоризм ва совет даврида содир бўлди. Мустамлакачи золимлар халқнинг сиёсий онги, миллий ҳис-туйғулари ва озодлик учун курашини буғиш мақсадида гуурланиш ва фаҳрланиш туйғуларини уйғотувчи омилларни йўқ қилиш чораларини кўрди. Хусусан, ўзбек халқининг тарихи соҳталаштирилди, буюк тарихий шахслар қораланди, моддий-маънавий ёдгорликлар оёқ ости қилинди. Миллий маросим ва дин «ҳибсга олинди». Зиёлиларнинг илғор вакиллари қириб ташланди.

Босқинчиларнинг ваҳшиёна сиёсати халқ онги ва қалбига сингиб кетган фуурланиш ва фаҳрланиш туйғуларини қупориб ташлай олмади. Улар 1991 йил 31 августда Ватан Мустақиллиги тиклангандан кейин ва шахсан юртбошимизнинг раҳбарлиги ва иштирокида амалга оширилган фоят муҳим чоралар натижасида фуурланиш ва фаҳрланишни тўла таъминловчи барча сиёсий, иқтисодий ва маданий омиллар яратилди. Хусусан, Ўзбекистоннинг мустақил ва озод мамлакат сифатида дунё харитасига битилиши, Республика байроғининг жаҳонда мағрур ҳилпираб турганлиги ва мадҳиямиз янграётганлигидан фуурланмай ва фаҳрланмай буладими? Шунингдек, юртбошимиз Ислом Каримовнинг ҳозирги замоннинг буюк давлат арбоби сифатидаги шуҳрати олам узра тараляётганлиги ва унинг бош-

чилигидә құлға киритилаётган мисли құрылмаган мұваффақиятлар билан бошымиз осмонға етмоқда. Бундай ғуур ға хрланиш түйғулари күп асрлық тарихимизга, маңнавий ға моддий меросға жон киритилишида, олиму фозилларнинг қадрланиши ға уларнинг хотираси абадийлаштирилишида ҳам үз ифодасини топмоқда. «Кишилик тараққиётида, — дейди юртбошимиз, — ўзининг үчмас улушни құшиб, мамлакатимиз шуҳратини оламға таратыб, тарих саҳифаларига абадул-абад мұхрланған Мұхаммад Ҳоразмий, Абу Райхон Беруний, Ином Бухорий, Ином Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий сингары улуг сиймаларни етиштирган миллат қар қанча ғуурланса арзиди. Ўзбек диёрида парвариши топған минглаб алломаю адилар, олиму мутафаккирлар қаторидан ўрин олган Бурхониддин Марғиноний, Заҳириддин Мұхаммад Бобур, Маҳдуми Аъзам Косоний, Бобораҳим Машраб, Нодирабегим каби фозиллар дунёға келған Фарғона водийси ушбу ақидани яна бир бор тасдиқлади».

---

## УЗБЕКИСТОН БИРИНЧИ ВА ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШЛАРИ ДАВРИДА

Ўзбек халқи кўп минг йиллик тарихининг муайян даврларида чет эл босқинчиларига қарши олиб борган курашларида юз минглаб одамлари ва бойликларидан айрилди. Кўп шаҳар ва қишлоқлар вайронага айлантирилди. Аммо бу халқ бутун ўтмиш замонда чоризм ва совет давлатининг юз ўттиз йиллик ҳукмронлиги давридаги қирғини-барот, талон-торож ва азоб-уқубатларни бошидан кечирмаган эди. Босқинчилар ўлкани қонга белаб, янги шаҳар ва посёлкаларни, темир йўллар ва саноат корхоналарини ўз хоҳиш ва режаларига монанд тарзда қуриб, ўлқада қаттиқ ўрнашиб олдилар. Юз минглаб одамларини кўчиритириб келиб, серунум ва обод ерларни эгалладилар. Олтин, газ, кўмир ва бошқа хилма-хил табиий бойликларни ўзлаштирилар. Ўзбеклар, ушбу фожиалар билан бир қаторда, Россияда юзага келган урушлар хусусан, биринчи ва иккинчи жаҳон урушлари гирдобига ҳам тортилди.

### Биринчи жаҳон уруши

XX аср ибтидосида нуфузли давлатлар уртасида дунёни қайта тақсимлаб, эгалик қилиш мақсадида бошланган ўзаро кураш охироқибатда 1914—1917 йилларда кенг қулоч ёйган биринчи жаҳон урушига олиб келганди. Унда 1,5 миллиард аҳолини қамраб олган 38 давлат қатнашди. Улар бир-бирига душман икки гуруҳни ташкил қилганлар. Булар: бир томонда Англия, Франция ва Россия, иккинчи томонда эса Германия, Австрия ва Венгрия бошчилигига тузилган ҳарбий иттифоқлардир.

Даставвал Европада аланга олган уруш сунг Узоқ ва Яқин Шарқ, Африка, Атлантика, Тинч ва Ҳинд океанлари бўйлаб тарқалди. Уруш ҳаракатларида 1914 йили 480 дивизия қатнашган бўлса, 1917 йилда у 889 тага етди. Жанг майдонларида 10 млн киши ҳалок бўлди, 20 млн киши жароҳатланди. Эпидемиялар ва очлиқдан 10 млн киши

вафот этди. Шу тариқа биринчи жаҳон урушида 20 млн киши дунёдан кўз юмди. Чор Россияси урушда кетма-кет мағлубиятга учраб, ўн минглаб аскарлари ўлдирилди ва ярадор қилинди. Урушнинг акс садоси Туркистон ўлкасигача етиб келиб, бусиз ҳам оғир сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни кескинлаштириб юборди. Чор Россияси уруш баҳонасида мустамлакачилик сиёсати ва миллий зулмни кучайтириб юборди. Хусусан, ўлкадан фронтга ёрдам тариқасида Россияга 41 млн пуд пахта, 3 млн пуд пахта ёғи, 200 млн пуд совун, 70 минг бош от, 1279 бош түя, 300 минг пуд гүшт, 474 минг пуд балиқ, 270 арава, 1344 ўтов, кўп миқдорда озиқ-овқат маҳсулотлари, қуруқ мевалар олиб кетилди. 1915 йилнинг ўзида фақат Сирдарё ва Еттисув вилоятларидан бир миллион бош қўй жунатилди. Натижада ўлкада озиқ-овқат, кийим-кечак, газлама ва қурилиш жиҳозлари нархи жуда ошиб кетди. Масалан, газламалар нархи 300—400, кийим-кечакларники 200—300 фоиз кўтарилиди. Фарғона водийисида илгари 15 сўм турадиган отнинг нархи 100—200, 5 сўмлик қўйники 30—35 сўмга ошди. Турли солиқ ва йигинлар миқдори ҳам ошиб, меҳнаткаш омманинг аҳволи гоётда оғирлашди. Бир пуд пахта толасига 2 сўм 50 тийин қўшимча солиқ жорий қилинди. 1915 йил январидан бошлаб аҳолидан, ҳарбий хизматни ўтамаганликлари эвазига, даромаддан қўшимча 21 фоиз солиқ олиш буюрилди. Чор Россияси фронтда асир олинган 150 минг кишини Туркистонга ўрнаштириши ҳам иқтисодий ҳаёт оғирлашишига олиб келди. Натижада озиқ-овқат етишмовчилиги орқасида ўзбеклар тортаётган азобга азоб қўшилди. Болтиқбўйи, Польша ва бошқа жойлардан кўчирилган 70 минг киши ҳам Туркистонга жойлаштирилди. Кўчириб келтирилганлар немислар, австрияликлар, венгрлар, поляклар, чехлар, латишлар, словаклар ва бошқа миллиатлардан ташкил топган эди. Ҳар томонлама шилинган туб аҳоли қулогигача қарзга ботиб, хонавайрон бўлди. 1916 йилги маълумотга кура, деҳқонлар бўйнидаги қарз ўз замонаси учун жуда катта маблағ — 156,7 млн сўм ҳисобланган. Ўлкадаги қашшоқликни ва унинг оқибатларини шоир Завқий шундай тасвиirlайди:

*Қаҳатчилик бўлди, бу Фарғонамизда  
Топилмас парча нон вайронамизда.  
Ўлим хавфи ўраб қишлоқларни  
На қишлоқу жибоз овлоқларни.  
Қирилди қанча одамлар вабодан  
Нишона қолмади меҳру вафодан.*

Мана шундай чидаб бұлмайдиган шароитда, 1916 йил 25 июнда император Николай II нинг имзоси билан «Империядаги рус бұлмаган эркакларни ҳаракатдаги қүшин районидаги мудофаа иншоотлари ва ҳарбий алоқа йүлларини куриш учун олиб бориладиган ишларга, шунингдек, давлат мудофааси учун зарур бұлған ҳар қандай ишларга жалб қилиш ҳақыдаги» фармони эълон қилинди. Үнга күра Туркистан генерал-губернаторлигидеги 19 ёшдан 43 ёшгача бұлған эркаклар Россияга жұнатылиши керак эди. Бу фармон туб ақоли орасыда «мардикорликка» олиш ибораси билан кенг тарқалды. Аслида у «рабочий батальон» маъносини билдиради. Сафарбар этиладиган одамларнинг сони эса құйидагича белгиланды:

Фарона вилоятидан — 51.233 киши;  
Самарқанд вилоятидан — 32.407 киши;  
Еттисув вилоятидан — 43.000 киши;  
Каспий вилоятидан — 13.830 киши;  
Ҳаммаси — 200.470 киши.

Минглаб ишга яроқли кишиларнинг олиб кетилиши күп оиласыннан бокұвчисиз қолишига олиб келарди. Бир умр четта чиқмадын одамларнинг узоқ ва совуқ жойларга юборилиши маҳаллий халқ учун фожиа эди. Ҳатто, ҳукumat мардикорлик ниқоби остида кишиларни тұғри жаңғ майдонига олиб кетади, деган сұзлар халқны янада қаттықроқ ташвишлантируди. Булардан ташқары, сафарбар этиш ҳосилни, хусусан пахтани териб олиш вақтіга тұғри келди. У деңқонларни даромаддан маҳрум қилиб, тамомила хонавайрон қиласын. Улар банк ва судхұрлардан олган қарзларини мана шу пахта ҳисобига узишни зиммага олган эдилар.

Үн минглаб кишиларни тұплаш ва жұнатыш тұғрисидаги бу фармон мутлақо тайёргарлик күрілмаган шароитда тұсатдан чиқарылди. Халқни узоқ жойларга юбориш учун моддий имконият бутқул жүйе эди. Буни кейинчалик Россия ҳарбий вазири үринбосари А.П.Фролов ҳам тан олғанды: «Туб ақоли ва маъмурият бегона жойларга мардикор юборышга тайёр әмас әдилар, аммо шунга қарамай бу ишга шошилинч равища киришилиши катта тартибсизликни юзага келтириб, қон туқилишига ва қурол ишлатилишига олиб келди».

Император фармони мустамлакачилик сиёсати ва миллий зулм гирдобида эзилиб ётган халқнинг бош күтаришига катта турткы бұлды. 1916 йил 4 июляда Самарқанд вилоятига қарашли Ҳужанд шаҳрида халқ оломони билан аскарлар үртасыда тұқнашув булып, улардан бир нечаси үлдирилди. Шундан кейин вилоятнинг деярли барча туманла-

рида халқ құзғолонлари құтарилиб, «мардикорликка бермаймиз», «очмиз» ва «урушга бормаймиз» деган шиорларни изҳор этдилар.

Құзғолон, айниқса, Жizzах шаҳри ва уездіда қызғин тус олган эди. Абдурахмон Абдужабборов, Назирхұжа, Мұлла Маҳамат Райим, Шарифбойвачча Худойбердиев, Бобобек Абдужабборов ва бошқалар құзғолонга бошчилик құлдилар. Құзғолон шиддатли үтиб, туқнашувларда чор маъмуритининг вакиллари ва солдатлари үлдирилди. Жizzах уездининг 22 туманида халқ озодлик учун курашди. Бу кураш Сирдарё вилоятида ҳам кенг кулоч ёйған эди.

1916 йил 11 июлда Тошкент шаҳрида бириңчи бўлиб үзбек аёллари чоризм сиёсатига қарши құзғолон құтаришди. Уларга эркаклар ҳам қўшилиб, 2—3 минг кишидан иборат оломон темир-терсак, тош ва бошқа оддий нарсалар билан қуролланган ҳолда Эски шаҳар полиция бошқармасига ҳужум қилди. Ёрдамга етиб келган солдатлар билан тұқнашувда бир аёл үлди, бир нечтаси жароҳатланди. Эркакларнинг орасида ҳам үлган ва жароҳатланғандар бўлди. Құзғолон вилоятининг бошқа жойларида ҳам құтарилди. Фалаён Андижон, Марғилон, Наманған, Кўқон шаҳарлари ва атроф жойларида кенг тарқалиб, Марғилон шаҳрининг үзида құзғолончилар сони 20—25 мингга етған. Бундай шиддатли ҳаракатлар водийнинг деярли барча тумандарыда содир бўлиб, уларда аёллар ҳам қатнашдилар. Хуллас, озодлик учун курашларда үн минглаб кишилар фаол иштирок этдилар.

Шуни айтиш лозимки, бу курашларда тожиклар, қозоқлар, қирғизлар, туркманлар ва бошқа туб аҳоли қатнашиб, бирдамлик намуналарини намойиш этдилар. Ўша кезлари ҳозирги Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистан ҳудудларида құтарилган халқ құзғолонлари бу ҳақда гувоҳлик беради.

Фоят кенг қамровли 1916 йил құзғолонларини бостириш учун чор хукумати 14 батальон, 33 казак ҳарбий бўлими, 42 артиллерия ва 69 пулемёт жалб қылгани маълум. Офицер ва солдатлардан 97 киши үлдирилиб, 86 киши яраланди, 76 киши эса дараксиз йўқолди. Чор хукумати құзғолонларни ваҳшийларча бостириб, кўпдан-кўп кишиларнинг ёстигини куритди, жароҳатлади ва хўрлади. Шаҳар ва қишлоқлар вайронага айлантирилди. Айниқса, Жizzах шаҳри остин-устун қилиниб, ҳароб этилди. Бу фожиа халқ оғзаки ижодида ҳам үз аксини топган:

*Тахта күпприк битдими?  
Николай подшоҳ ўтдими?  
Жizzах шаҳрини вайрон  
Килиб муродига етдими?*

*Ош кади, палов кади  
Томга чиқиб дод айлади.  
Намозгоҳни солдат босиб  
Жиззахни вайрон айлади.*

Күзголоннинг фаол қатнашчилари мол-мулки мусодара қилинди. Масалан, Жиззахда 2000 гектар унумли ер давлат фойдасига тортиб олинди.

1916 йилги қўзголон қатнашчиларидан 3000 дан ортиқ киши терговга тортилиб, уларга шафқатсизларча муносабатда бўлинди. Ҳибса олинганлар орасида аёллар ҳам бор эди. Маҳбусларнинг аянчли аҳволи ҳақида рус аёли Коршунова бундай ёзган: «Тошкент қамоқхонаси ҳовлисида очликдан ўлган фарғоналикларнинг мурдалари кўп араваларга солиб қўйилганини кўрдим. Сўнгра маҳбуслар жойлаштирилган қамоқхона ертўласига тушдик. Бу ерда одамлар зич ва қалашиб ётардиларки, оёқ босишга жой топиш жуда қийин бўлди. Бизни эркаклар ва аёлларнинг кир босган ориқ ва заъфарон юzlари, аёлларнинг ёйилиб кетган соchlари, қўркув ва шу билан бирга нафрат билан боқувчи кўзлари ҳаяжонга солди. Ёши улғайган бир аёл менинг оёғими ни ушлаб олиб, ёшли ва фамга тўлган қора кўзлари билан боқиб, нималарнидир гапирдди. Бироқ мен тил билмаганлигим учун унинг хўнграб йиғлаган ҳолда айтган сузларини тушунмадим. Мен эски чопонидан бир парча паҳтани юлиб олиб чайнаётган бир новча кишини кўрдим. Баъзи одамлар қўлларини кемираётганликларини кўрдим. Маҳбуслар орасида кўпчилигининг нафас олиши сезилмас, афтидан, улар жон бериш арафасида эдилар. Маҳбуслар орасида эсхушини йўқотганлари ҳам бор эди».

Мазкур сатрларни кўз ёшларисиз уқиб булмайди, албатта. Қаранг, мустамлакачилар нақадар ёвуз бўлганлар. Ҳатто, эркак ва аёлларни бир хонага қамашгача борғанлар. Бундай фожия ҳеч қаерда содир бўлган эмас. Кўзголон қатнашчиларидан 347 киши осиб ўлдиришга, бир неча юз киши узоқ муддатли қамоқ ва сургунга ҳукм қилинди. Шу тариқа қўзголон шафқатсизларча бостирилди. Чор маъмурияти императорнинг мардикорликка олиш ҳақидаги фармонини бажаришга киришди. Оммавий равишда жазолаш ва ўлдиришлар, очлик, назорат ва таъқиблардан тинкаси куриган, толиқкан халқ фармоннинг бажарилишига қарши туришга энди ҳоли қолмаганди. Шунга қарамай, мардикорликка олиш жуда қийинчилик билан кеч-

ди. Белгиланган 200470 ўрнига 120 мингдан ортиқ киши сафарбар этилди. Улардан 101600 киши Россиянинг Европа қисмига, 4000 киши Сибирга, 7405 киши Кавказга жойлаштирилди. 10 мингдан ортиқ киши Туркистон үлкасида ишлатилиди. Мардикорларнинганиң ўрнашган жойлари қўйидагича бўлган: Москва, Петербург, Рязань, Тула, Орёл, Смоленск, Пенза, Брянск, Двинск, Нижний Новгород, Қозон, Самара, Пермь, Екатеринбург, Оренбург, Киев, Харьков, Екатеринодар, Одесса, Запорожье, Керч, Тбилиси, Ботуми ва бошқалар. Усти юпун мардикорлар ҳарбий ва оддий саноат корхоналарида, конларда, темир йўл қурилишларида, урмонларда ва айрим нуфузли кишиларнинг хужаликларида ишлатилиди. Очлик, хўрлик ва машаққатли меҳнатдан кўп азоб-укубатларни бошларидан кечирдилар. Йўқчилик ва касалликдан кўп одамлар ҳаётдан кўз юмди.

Уларнинг ҳаёти оғзаки ижодда ҳам сақланиб қолган:

*Поездингни жилдирган  
Ўтхонаси билан дўнгалаги,  
Двинскага кетишди.  
Мард йигитнинг бир бўлаги,  
Двинскага кетмас эди  
Мард йигитнинг бир бўлаги  
Двинскага кеткизворган,  
Николай золим замбараги.  
Двинскага йўл бўлсин,  
Қарағайзоринг кул бўлсин.  
Йигитларни қийнаган,  
Николайнинг йўқ бўлсин.  
Сўк ошингни ичмайман,  
Этигимни ечмайман,  
Қорда қарагай кесганман,  
Ҳеч ҳақимдан кечмайман.*

Куч ва ҳолдан тойган мардикорлар 1917 йилда, чор ҳукумати ағдарилгандан кейин, ватанига қайтишган. Шундай қилиб, биринчи жаҳон уруши вақтида ўзбек ҳалқи янада ваҳшиёна таланди ва эзилди. Бойликлари ва мардикорликка олинган одамларнинг талай қисмидан айрилди.

## Иккинчи жаҳон уруши

Чор ҳукумати ағдарилган булса-да, унинг мустамлакачилик сиёсати ва миллий зулми шуро давлати томонидан изчили давом эттирилди. Чоризм давридаги ҳақ-хуқуқсизлик, адолатсизлик, қирғинбарот ва миллий бойликларнинг таланиши юқори чўққига кутарилиди. Тарихда қурилмаган бундай фожиаларнинг барчаси салтанатпарастлик ва коммунистикоянинг маҳсули эди, холос. XX аср 30- йилларида Германияда ҳокимиётни эгаллаган фашистларнингояси ҳам улуғмиллатчилик ва салтанатпарастлик асосида қурилган эди. Уларнинг ирқий назарияси инсоният бошига не-не қирғинбаротларни келтирмади.

Фашистлар 1939 йилда иккинчи жаҳон урушини бошлаб юборди. 1941 йил 22 июнда эса шуро давлатига ҳужум қилди. Уруш бир халқ ва бир мамлакатнинг бошига тушган оғат бўлмай, умумжаҳон ҳаёти ва келажагини барбод этувчи даҳшатли ҳодиса эди. Шу муносабат билан Ўзбекистоннинг бу урушдаги иштироки қандай бўлган, деган савол туғилиши табиий.

Биринчидан, Ўзбекистон фронтнинг моддий эҳтиёжини таъминлашда олдинги сафларда туриб, нимаики зарур бўлса, барчасини аямай сарфлади. Чунончи, уруш йилларида аҳоли томонидан мудофаа фондига 649,9 млн сўм нақд пул, 4 млрд 226 млн сўм заём пули, 52,9 кг олтин ва кумуш топширди. Армияга 7518800 та гимнастёрка, 2636700 та телогрейка, 2221200 та этик ва қўнжли ботинка юборилди. Енгил саноат вазирлиги корхоналари томонидан фронтга 246918700 сўмлик маҳсулот жунатилган<sup>1</sup>.

Қийинчилик ва хом ашё этишмаслигига қарамасдан, Тошкент тўқимачилик комбинати фронт учун 410 миллион метр газлама ишлаб чиқарди. Шунингдек, кўп миқдорда озиқ-овқат маҳсулотлари жўнатилди. Чунончи, 1282000 тонна галла, 482000 тонна картошка ва сабзавот, 1000 тонна полиз экинлари, қуруқ ва ҳўл мевалар шулар жумласидандир. Фақат 1941 йилнинг иккинчи ярмида 59 минг бош от фронтга олиб кетилди. Республиkaning ҳар бир вилояти, шаҳари ва тумани ҳамда айрим шахслар фронтга ёрдам қўлини чўздилар. Масалан, 1942 йилнинг бошларида Бухоро вилоятидан 4059 жуфт иссиқ кийим, 9380 жуфт жун пайпок ва қўлқоп, 5660 қалпок, 2750 шим, 3000 пустин, 18,5 минг литр вино, қуруқ мевалар олинди. 1943 йилнинг бошларида Ленинградга Андижон вилоятидан 7884

<sup>1</sup> Маълумотлар иккинчи жаҳон урушига бағишлиланган ишлардан олинди.

кг ун ва буғдой, 5496 кг ёрма буғдой, 1160 кг гуруч, 418 бош қўй, 8510 кг қуруқ мева, Қорақалпоғистондан 224916 сўм нақд пул, 21614 кг буғдой, 5819 кг гүшт, 3700 кг гуруч ва бошқа нарсалар жўнатилди. Қорақалпоғистондаги Мўйноқ балиқ комбинатидан 20 миллион банка гүшт ва балиқ консерваси олинган эди. Фронтга ёрдам бериш ишига Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари ҳам улкан ҳисса қўшдилар. 1942 йилнинг кузидаги Сурхондарёдан 5998 бош қорамол, 180 центнер асал, 280 центнер ёғ, 310 центнер қуруқ мева, 3000 литр вино олинди. Тошкент 52 вагонда озиқ-овқат маҳсулотларини юборди. 1943 йили Сурхондарё вилояти фронт эҳтиёжлари учун 14 млн сўм нақд пул, 330 тонна гүшт ва ёғ, 530 тонна буғдой, 180 тонна қуруқ мева, 33168 дона тери топширилди.

Шу каби буюм ва озиқ-овқат маҳсулотларини Самарқанд, Наманганд, Хоразм ва бошқа вилоятлар ҳам фронтга жўнатиб турганлар. Шунингдек, фронтта ҳукумат вакиллари томонидан вагонларда катта миқдорда совғалар олиб кетилганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Масалан, 1942 йили республиканинг бир гуруҳ вакиллари Ленинградга 600 вагон ун ва гүшт, 100 вагон гуруч, 60 вагон қуруқ мева олиб борганлар.

Урушнинг турт йили давомида Ўзбекистон давлатта 4806000 тонна пахта, 54067 тонна пилла, 1066000 тонна фалла, 195000 тонна шоли, 108000 тонна картошка, 374000 тонна сабзавот ва ҳул мева, 35289 тонна қуруқ мева, 57444 тонна узум, 1593000 тонна гүшт, 5286000 дона тери ва бошқа нарсаларни топширгани маълум. Улар ҳам фронт эҳтиёжларига сарфланган, албатта. Бундан ташқари, уруш йилларида Ўзбекистон аҳолиси мудофаа фондига жами 649 900 000 сўм нақд пул ўтказиб берган.

Ўзбек халқи ҳарбий хизматчиларнинг оиласаларига ҳам катта ёрдам берган. Чунончи, 1943 йили уларга 13858500 сўм пул, 1308400 кг озиқ-овқат, 20750 комплект кийим-бош, 40000 куб м. ёқилги, 73500 пуд фалла, 10000 бош қўй, 2000 бош қорамол топширилган, 350 та уй қуриб берилган.

Иккинчидан, ўзбек халқи Россия, Украина, Белоруссия, Молдавия ва бошқа жойлардан кучириб келтирилган ўн минглаб кишиларга бошпана бериб, меҳрибонлик ва ғамхўрлик намуналарини кўрсатди. Бир миллион эркак-хотин ва болалар қабул қилиниб, турар жой, кийим-кечак ва озиқ-овқат билан таъминланди. 200 минг етим болага алоҳида аҳамият берилиб, уларнинг талай қисмини ўзбек оиласалари ўз қарамогига олди, фарзандлариdek кўриб боқди ва тарбиялади. Ўзбек халқи фронтга кетган турли миллат вакилларининг оиласаларидан ҳам моддий ёрдамини аямади. Болалар уйларига минг-

лаб болалар жойлаштирилди. Давлат томонидан берилган ёрдам етарли бўлмагани учун ўзбек халқи уларни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-куватлаб турди. Ўзбекистон 113 та госпитални ҳам оталиққа олди.

1943 йилнинг ўзида ҳарбий хизматчиларнинг оиласаларига 24 миллион сўм нақд пул, 300 минг кийим-кечак, 50 минг бош қорамол, 40 минг центнер фалла, 20 минг центнердан ошиқ сабзавот ва бошқа нарсалар берилди.

Учинчидан, ўзбекларнинг талай қисми «Ишчи батальон» («Рабочий батальон») сафатида Россияга сафарбар қўлинди. Уларнинг орасида 16 ёшдан ошган ва хунар билим юртини тамомлаган ёшлар ҳам бор эди. 1943 йилга тегишли маълумотда кўрсатилишича, «Рабочий батальон»дагиларнинг сони 155 минг кишидан иборат бўлган. Уларнинг ёши асосан 40—50 ва ундан ортиқроқ эди. Купчилиги қишлоқ аҳолиси ҳисобланиб, рус тилини билмаслиги ва совуқ ҳавога мослашмаганлиги орқасида кўп қийинчилик ва азоб-укубатларни бошдан кечирганлар. Яшаш шароити оғирлиги ва эскирган кийимларида ишлашлари орқасида ниҳоятда азоб чекканлар. Мен Сибирда госпиталда даволанаётганимда, ўзбеклар госпиталь атрофида тиланчилик қилганлигининг гувоҳи бўлганман. Уларнинг соч-соқоллари ўсан, кийимлари яマルган ва кир босган эди. Уларнинг айтишича, очлик ва касалликлардан ўлаётгандар оз бўлмаган. «Рабочий батальон»даги кишилар Урал, Караганда, Куйбишев, Саратов, Горький, Омск, Новосибирск, Москва, Тула, Ярославль, Красноярск, Хабаровск, Кемерово, Челябинск, Свердловск, Пермь, Иркутск, Архангельск, Башкирдистон, Татаристон, Удмурдия ва бошқа жойлардаги саноат корхоналари ва конларда ярим оч ҳолда ишлаганлар. Она юритдан узоқ жойларда кафансиз кўмилганлар бўлган.

Тўртингидан, фашистларнинг тор-мор қилинишида Ўзбекистонда уруш йилларида ишлаб чиқарилган қурол-аслаҳа катта аҳамият касб этди. Саноатнинг асосий қисми ҳарбий қурол ишлаб чиқаришга йуналтирилиб, улар фронтга узлуксиз юбориб турилди. Айрим маълумотларга кўра, 2100 самолёт, 17342 самолёт мотори, 17100 миномёт, 27000 танкка қарши отадиган замбарак қисмлари, 60000 ҳарбий кимёвий анжомлар, 22 миллион мина, 560000 снаряд, 2 миллион 318 минг авиация бомбалари, 1 миллион дона граната, 100000 метрдан зиёд сим, дала радиостанциялари, танк ва самолётлар учун 3 миллиондан ортиқ радиолампа, 5 та бронепоезд, 18 ҳарбий-санитар ва ҳаммом ўриила фойдаланиладиган, кир ҳам ювиладиган поезд, 2200 кучма ошхона олиб кетилган.

Шунингдек, үзбек халқининг шахсий пуллари ҳисобидан тайёрланниб фронтга юборилган курол-аслаҳалар ҳам кам бўлмаган. Масалан, танк колонияси ва авиаэскадрилья қуриш учун аҳолидан 320000000 сўм, жумладан, Самарқанддан 41402000 сўм, Намангандан 37750000 сўм, Андижондан 39525000 сўм, Бухородан 3714000 сўм, Тошкентдан 35702000 сўм, Фарғонадан 33170000 сўм, Сурхондарёдан 27582000 сўм, Хоразмдан 1812100 сўм тўпланган.

Бешинчидан, Ўзбекистон 1943 йилда фашистлардан озод қилинган жойларга ёрдам беришни бошлаб юборди. Масалан, шу йил октябрда Ўзбекистондан Белоруссия, Украина ва РСФСРнинг душмандан тозалangan ерларига 800 нафар врач сафарбар қилинди. 1944 йилнинг биринчи ярмида эса Украинага 300 тонна ғалла, 8300 бош қорамол, 6700 бош қўй жунатилди. 1943—1944 йилларда озод этилган ерларга Қорақалпоғистондан 45800000 бош қорамол ва қўй юборилди.

Тошкент темирийўлчилари вагонларда турли жиҳозларни юбордилар. Сталинградни тиклаш учун 350 нафар қурувчи борди. Хоразмликлар Харьковга турли қишлоқ хужалик техникасини жўнатдилар. Озод қилинган жойларга 1943 йил август ойида республикадан 1152 трактор, 25 комбайн, 1138 плут, 38 сеялка ва бошқа нарсалар олиб кетилди. Сентябрь ойининг охиrlарида озиқ-овқат маҳсулотлари ва жиҳозлар тўлдирилган 374 вагон жўнатилди. 12 октябрда Украинага 450 вагонда совғалар, 300 тонна ғалла, 8300 бош қорамол, 10 минг жуфт оёқ кийим, 200 минг метр газлама, касалхона, мактаб ва радиоузеллар учун жиҳозлар юборилди.

Воронеж ва Курск шаҳарларига 275 бош қорамол, 72 тонна ғалла, 24 тонна қуруқ мева олиб кетилди. Булардан ташқари, республика буйича 300 тонна ғалла, 180 тонна қуруқ мева, 10 минг жуфт оёқ кийим, 200 минг метр газлама, 2600 минг сўм нақд пул, юк машинаси, телефон станцияси жўнатилди. Украина учун 350 трактор, 200 автомашина, 50 комбайн, 1500 плут берилди. Ставрополь ўлкасига 1142 трактор, 400 сеялкани 1142 нафар киши билан жунатилди. Уларнинг орасида агрономлар ва комбайн ҳайдовчилари ҳам бор эди. Озод қилинган жойларга Сурхондарё, Қашқадарё ва Бухоро вилоятлари 50 минг бош қўй ва 190 минг бош қорамол юборган. Шунингдек, фашистлардан тозалangan республика ва вилоятларга 1944 йили 100000 та китоб совфа қилинган эди.

1943—1944 йилларда Ўзбекистондан Ленинград, Киев ва Дунайга 13000 дан ортиқ темир йул мутахассислари, ҳунар билим юртларидан 15000 ёш сафарбар қилинди.

Озод қилингандай жойларда ўзбек халқи жұнаттанған ёрдамға оид бошқа маълумотлар ҳам бор. Аммо келтириб үтилған рақамлар умумий тушиңчада ҳосил қилиш учун етарли бўлса керак. Ўзбекистон саноат соҳасида ҳам катта ишларни амалга ошириб, Россия, Украина ва бошқа жойлардан кўчириб келтирилған ўнлаб корхоналарни ишчи-хизматчилари билан жойлаштириб, турар жой, озиқ-овқат билан таъминлади.

Олтингчидан, Ўзбекистонда ҳарбий соҳада ҳам бекиёс катта ишлар амалга оширилди. Хусусан, республикада 15 та дивизия ва бригада тузилиб, уларда ўзбеклар салмоқли үринни эгаллади. Ўша ҳарбий қисмлардан ташқари, ўн минглаб навқирон йигитлар ҳаракатдаги армия сафларига юборилди. Тошкентдаги ҳарбий билим юртлари фронт учун бир неча минг командир ва сиёсий ходимларни тайёрлади. Урушнинг дастлабки ойларида Тошкент шаҳрининг ўзидан 100 минг йигит ва қисман аёллар фронтта жалб қилинди. Айрим маълумотларга кура, Ўзбекистондан бир миллиондан ортиқ киши фронтта олинган.

Ўзбеклар Украина, Белоруссия, Москва, Сталинград, Кавказ, Крим, Курск, Днепр, марказий ва жануби-шарқий Европадаги жангларда қатнашиб, Берлингача бордилар. Шунингдек, Япония билан урушда иштирок қилдилар, партизанлар сафларида мардонавор курашдилар.

Шундай қилиб, ўзбек халқи иккинчи жаҳон урушида фашистларни тор-мор этишга молини ҳам, жонини ҳам тикди. Топган битта нонини тұртга булиб, бир бұлагини ўзига, қолған учтасини бевосита фронтта, сунг республикага кўчириб келтирилғанларга, фронтта кеттәнларнинг оиласындағы, ҳарбий госпиталарга, фашистлардан озод қилингандай жойларга берди. Айни пайтда бир миллиондан ошиқ фарзандлари фашистларға қарши жангларда мардонавор курашди. Улардан бир неча юз минг киши ҳалок булды ва жароҳатланди. Ўзбеклардан тузилған «рабочий батальон»лар Россиянинг турли жойларida фронт учун фидокорона меҳнат қилди.

Бевосита жангларда 27000000 кишининг ёстиғи куриган, бошқа сабаблар билан 30000000 киши нобуд булған иккинчи жаҳон уруши ўзбек халқига ҳам бекиёс катта талафот келтирди. Минглаб аёллар бева, болалари етим қолди. Қанча-қанча ота-оналар фарзандлари доғида ва қайғу-аламда куйиб бу дүнёдан күз юмдилар. Уруш йилларда қилингандай чегараси йўқ харажатлар халқни фоят қашшоқлаштириди. Одамларнинг деярли ҳаммаси эски ва яマルган кийимларда юриб, озиб-тўзib, ранги заъфарон булиб кетганди, кўчаларда оёқ яланг юрганлар кўп эди. Қанчадан-қанча одамлар очлик ва касалликдан ўлди.

Уруш ўзбек халқини бор-йўғидан айирди, кўрпа-ёстиғи, бошқа рузгор анжомлари қуриди, уй-жойи ҳаробага айланди.

У вақтларда деярли ҳамма йиларнинг томи ҳар йили сомон сувоқ қилинарди. Эркаклар урушга кетгач, томлар сувоқсиз қолиб, қор эриган ва ёмғир ёққанде уйга чакка утиб кетарди. Қишлоқларда очарчилик ва қасаллик авжига миниб, кўп одамларнинг ёстигини қурилди. Аёлларнинг умри меҳнатда чириб, купи роҳат нималигини билмай дунёдан ўтди. Болалар орасида ҳам ўлим кўп учарарди. Уруш вақтида орттирилган қийинчилик ва азоб-укубатлар шуро давлатининг эътиборсизлиги орқасида тамомила бартараф қилинмади. Айниқса, уруш ногиронларининг қадр-қиммати ўрнига қўйилмай, улар ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Кўчаларда кесилган қўл ёки оёғини ҳамда жароҳатланган бошқа жойини очиб тиламчилик қилаётган ногиронларни кўрганман. Урушда ҳалок бўлганларнинг оиласарига ҳам етарли даражада ёрдам берилмади.

Хуллас, уруш йилларида машаққатли меҳнат ва азоб-укубатдан бошқа нарсани кўрмаган одамларнинг кўпчилиги қайфу-алам билан дунёдан кўз юмиб кетди. Уруш қатнашчиларининг талай қисми ҳам ёруғ кунларни кўрмади. Бироқ шуни унумаслик керакки, ота-боболаримиз бутун инсоният бошига тушган оғатни мисли кўрилмаган азоб-укубатлар ва талафотлар ҳисобига бартараф қилишта улкан ҳисса қўшиб, тарихда учмас из қолдиришди.

Ниҳоят, Мустақиллик шароғати ила ўша мудҳиш уруш йилларнинг азобини тортган ва тирик қолган кишилар баҳтли ҳаёт гаштини суриш шарафига мусассар бўлдилар. Мен ҳам шулар жумласиданман. Шахсан юртбошимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан уруш қатнашчилари ва меҳнат фахрийларининг қадр-қиммати ўрнига қўйилиб, иззат ва хурмат кўрсатилмоқда. Жанг майдонларида ҳалок бўлганларнинг рўйхатини ўз ичига олган кўп жилдлик Хотира китоби нашр қилинди. Хотира майдонида ажойиб мажмуя қурилиб, ҳалок бўлган ҳар бир инсоннинг номи зар ҳарфлар билан битилди. Республиkanинг бошқа шаҳарларида ҳам Хотира ёдгорликлари барпо этилди.

Биринчи ва иккинчи жаҳон урушлари келтирган даҳшатли оқибатлар, умуман уруш фожиаси ҳақидаги мулоҳазаларимиз ҳозирги авлодлар учун фойдадан ҳоли бўлмайди, деб ўйлайман. Зеро, улар билан танишган ҳар бир шахс бугун озод юртимизда ҳукм суроётган тинчлик ва барқарорлик, буюк ўзгариш ва ютуқларнинг қадрига этиб, Аллоҳга шукр қилиши даркор.

---

## **МУСТАҚИЛЛИК ВА ОЗОДЛИКНИНГ ТАРИХИЙ АҲАМИЯТИ**

Ўзбекистон мустақиллик ва демократия йўлидан олға борар экан, ўтган йиллар ичida кўлга киритилган буюк ўзгариш ва ютуқлар ҳақида сўз юритиш уларни англаш ва қадрига етиш учун ҳар жиҳатдан муҳим. Бизлар ҳозир шундай ажойиб ва эркин замонда яшамоқдамизки, кўп асрлик тарихимиизда бунақаси кўзга ташланмаган эди.

### **Куллик занжирларини парчалаб**

Масалани чукурроқ англатиш учун бир ҳикояни келтиришни ло-  
зим топдим. Узоқ ўтмиш замонларда бир қулдор фарзанд кўрмаганли-  
ги сабабидан кул болани асранди ўғилликка олибди. Кунлар ва ойлар  
ўтиб, бир гадой йигит ўша қулдорнинг хонадонига келиб, дебди:

— Эй, асранди ўғил, сен ўта баҳтлисан, негаки насл-насабинг  
кул бўлишига қарамай, ҳашаматли уйда яшаётисан. Ҳамиша қор-  
нинг түқ ва кийимларинг шай. Мен эса бир бурда нон дардида эр-  
таю-кеч кўчама-кўча изгиб юраман, бошпанам йўқ.

— Эй гадой, — деб жавоб бериди асранди ўғил, — «усти ялти-  
роқ, ичи қалтироқ» деган нақлни эшитгандирсан, албатта. Шунга  
ўхшаш ич-ичимдан куйиб, тақдиримга лаънатлар ўқиб юрибман. Шуни  
билгинки, пешонасига кул тамфаси босилган одам ҳамма вақт боши-  
ни эгиб, қаддини букиб ва эзилиб юради. Унинг ҳеч қандай ҳақ-  
хукуқи бўлмай, фақат машаққатли меҳнат билан шуғулланади. «Оғзи-  
га қулф» ва оғигига кишан солинади. Сен айттанингдек қорним түқ ва  
эгним бут, лекин пешонамдаги қуллик тамфаси ҳамон ўз ўрнида ту-  
рибди. Шу сабабли юрагим чуғ каби ловиллаётир. Шунинг учун сен  
менга ҳеч ҳавас қылма, аксинча, ачингин. Аслини айтганда, сен тилам-  
чи бўлсангда, том маънода баҳтлиларнинг баҳтлisisan. Чунки озод ва  
эркинликда ҳаёт кечирасан, сени хўрлаш ва зуравонлик қилишга ҳеч  
кимнинг ҳаққи йўқ. Қанийди мени озодликка чиқаришса, гадойлик  
қилишга минг карра рози бўлардим. Эй гадой! Сен бамисоли осмонда

парвоз қилаётган қушсан, мен эса, қўполроқ туйилса-да, «тапиравчи ҳайвонман». Шу боис сенга жуда ҳавасим келиб юраман.

Юракни ўртовчи ва ўта аламли бу сўзларни эшик орқасида эши-тиб турган қулдор ларзага тушиб, дарҳол асрнда ўғилни қулликдан озод қилиш ҳақида хужжатларни расмийлаштирибди. Буни билган ўғил шу даражада ўзида йўқ хурсанд бўлибди, хушидан кетибди. Ўзига келгандан кейин у ёқдан бу ёққа югуриб ва бақириб: «Онадан қайта туғилдим, чинакам инсон бўлдим, севинчим теримга сифма-тири», деяверибди. У ўша озод этилган кунидан бошлаб ёшини ҳисоб-лайдиган булибди. Қуллик даврида босиб ўтган мудҳиш йилларни, яъни умрини ҳисобламайдиган бўлибди.

Қиссадан ҳисса шуки, узбек ҳалқи ҳам 1991 йил 31 августда қулликдан қутулди ва дунёга янгидан туғилиб, озодлик ва эркин-ликка эришди. Қуллик йилларидағи аянчли умрларга қора чизик тортилди. Камина ҳам, ҳамма юртдошларим қатори, ёшимни қайта-дан ҳисобламоқдаман. Бу онгимиз ва қалбимизни чулғаб олган мустақиллик, озодлик, эркинлик ва демократиянинг ёшидир, албатта.

### **Боқимандалик ва ташмачиликнинг илдизи қирқиљи**

Совет тузуми фожиали боқимандалик кайфияти ва ташмачилик оммавий тус олишига олиб келди. Бу иллатлар борлиқ тамомила давлатнинг қўлига ўtkазилиши орқасида юзага келган эди. Амалда одамлар ҳам давлат мулки ҳисобланиб, «темир қафас қуршови»да ҳаёт кечирардилар. Улар арзимаган маош воситасида давлатта ипсиз қаттиқ боғланди. Ер-сув ва бошқа бойликларидан маҳрум қилинган ҳалқнинг маошдан бошқа тирикчилик манбай қолмади. У бундан ҳам айрилмаслик учун давлатта сифинишга, хушомадгүйлик қилишга, мақташга ва уни олқишлишга мажбур бўлди. Ҳатто, «бизлар партиянинг содик фарзандларимиз», «давлат одамларимиз» деган иборалар жаранглаб турди. Жамиятда фуқароларни эмас, балки давлат манфаатини таъминлаш асосий вазифага айлантирилди. Ҳалқ шафқатсизларча ишлатилди. Айниқса, қишлоқ аҳолиси оғир ва машаққатли меҳнат азобини тортиб, озодлик ва фаровон ҳаётни тушида ҳам кўрмади.

Фуқароларнинг шахсий ташаббуси ва манфати бўғилиб, меҳнатга яраша ҳақ берилмасди. Улар қаттиқ назорат ва таъқиб остида мажбуран ишлатилди, бўйсунмовчилар турли жазоларга тортилди. Уларнинг тирикчилик дардида ташмачилик деб аталган нохуш ишлар билан шуғулланишдан бошқа иложи қолмади. Чунончи, нон заводида ишловчилар нонни, ун комбинатидагилар буғдой ёки унни,

гүшт ва сут корхонасидагилар ўша маҳсулотларни, тұқимачилик комбинациялар газламаларни, қыйнгичи, корхоналар ходимлари ўша ерда ишлаб чиқарылған маҳсулотларни бекитиқча олиб кетиши оммавий тус олган эди. Бундай ҳолатни вазирликларда, озиқ-овқат ва савдо соҳаларида, омбор ва бошқа жойларда ҳам күриш мумкин эди. Ташмачилик шу даражада авж олиб, давлатта катта талафот келтириди, милиция ходимлари корхоналарда пистирмада туриб, ташмачиларни фош эттәнлар. Улардан миллион-миллион сүмлик моллар тортиб олинған. Бу ҳақда газеталарда ахборот беріб туриларди. Ташмачилар озоздан олган бұлсалар, масъулиятли айрим кимсалар давлат мүлкини тонналаб ва маблагини миллионлаб сүмларда умарғанлар. Бундай талон-торож билан құлға түшгандар қонуннинг «давлат мүлкини талон-торож» қилишга қарши қаратылған мөддаси бүйіча жазоланғанлар. Улар иттифоқ миқәсида минглаб кишиларни ташкил қылған.

Мустақиллик үрнатилиб, хусусий мүлкчилик ва әрқин бозор тикланиши билан боқимандалик кайфияти ва ташмачилик иллатла-рига зарба берилди.

### **Динсизликка барҳам берилди**

Дин узоқ тарихий даврлардан шу күнгача барча халқдар маңнавий ҳаётининг таркибий қисми ҳисобланади. Жамият ҳаётини усиз тасаввур қилиш амримағол. Шунга қарамай совет даврида динга қарши курашилиб, минглаб руҳонийлар вакиллари үлдирилди, сурғун қилинди. Масжидлар, черковлар бузилди, диний маросимлар тақиқланы. Айниқса, партия аязолари, мансабдорлар ва зиёлиларнинг динге эътиқод қилишларига йўл берилмади. Бўйсунмовчилар ишдан ҳайдалдилар ва бошқа йўллар билан жазоландилар. Бир таникли олим укасига жаноза ўқитганлиги учун ишдан бушатилиб, таъқиб остига олинганлиги ҳамон эсимда. Компартия аязоси булган бир профессор ошнам ота-онасига бағишлаб кичкинагина худойи қилганлиги учун унинг шахсий иши шаҳар партия қўмитаси бюросида муҳокама қилиниб, танбех берилған эди. Бундай мисолларни күплаб келтириш мумкин.

Хуш, динсизлик қандай оқибатларга олиб келди?

Бу ҳолат одамлараро самимий алоқалар ва қадр-қимматнинг сусайишига олиб келиб, одоб-ахлоққа ва турмуш тарзига салбий таъсир этди. Миллий анъана ва урф-одатлар ўрнига бегона маросимлар кириб, турмуш тарзимизнинг соғлиғи йўқолиб борди. Охиратдан ва гуноҳ иш қилишдан қўрқмаслик, иймон-эътиқодга зарба берилиши

оқибатида жиной ишлар мисли күрилмаган кўлам касб этди. Оила-ларда уриш-жанжал ва қўйди-чиқди тобора кўпайиб бораверди. Дин-сизлик жамият ҳаётини файздан маҳрум қилди ва хиралаштириди.

Мустақиллик туфайли ислом дини тикланиб, мурувват, инсоф, ҳиммат, меҳрибонлик, ҳалоллик ва поклик сингари олий фазилатлар равнақ топа борди. Ҳашаматли масжидлар қурилди, борлари таъмирланди. Куръони Карим тарихда биринчি маротаба ўзбек тилига мазмунан таржима қилиниб, ундан кенг ўқувчилар оммаси баҳраманд бўлмоқда. Дин тарихи ва назарияси буйича купдан-күп китобларнинг нашр этилиши ҳам диққатга сазовордир. Ислом университетининг ташкил қилиниши оламшумул аҳамиятга молик воқеа ҳисобланади. Дин пешволарининг мақбаралари таъмирланди, янгилари қурилди. Умуман ислом дини кўз ўнгимизда қайтадан ёшарди, тетиклашди. У куч-куватга тўлиб, жамият тараққиётига хизмат қилмоқда.

### **Коммунистик ғоя ва «интернационализм» балоси қўпоришли**

Жаҳон тарихида турли ғоя ва оқимлар ҳукм сурган. Аммо коммунистик гоядек даҳшатлиси бўлмаган. У, миллати ва динидан қатъи назар, барча ҳалқларни қириш, мол-мulkини талаш, назорат ва таъқиб қилишга асосланган гоядир. Хусусий мулксиз ва динсиз жамият қурилиб, одамлар бамисоли илдизидан қирқилган дарахтга ўхшатиб қўйилган эди.

Коммунистик партия ўзининг мустамлакачилик ва улуғ миллатчиликка асосланган мақсадларини рўёбга чиқариш учун «интернационализм» ибораси остида тарғибот ишларини олиб борди. Бунда иттифоқдаги ҳар бир миллат ва элат ўзига хос ва мос миллий ҳисстийгулар ҳамда анъанаалар, она юртни севиш, кўп асрлик маданияти ва умуман тарихидан воз кечиб, «ҳамма учун тенг ҳуқуқли ва умумий» «совет ҳалқини» таркиб топтириш асосий вазифа этиб белгиланди. Бошқача айтганда, республикалар аҳолисининг «катта оға» атрофига жипслалиши шарт қилиб қўйилди. Айни пайтда унинг тилини ҳамма ҳалқлар учун умумий тил сифатида ўрганишга мажбур қилинди. Маълумки, «катта оға» сон жиҳатдан бошқа ҳалқларга нисбатан бир неча баробар кўп эди. Шу боис, наҳанг чавоқларни ютиб юборганидек, вақт ўтиши билан «катта оға» уларни ўзига қўшиб юбориши турган гап эди. Вақти соати келиб иттифоқ кўп миллатли эмас, балки «катта оға» номида бир миллатли мамлакат бўлиб қолиши мақсад қилиб қўйилганди. Бу жараён кўз ўнгимизда содир булаёт-

ган эди. Илмий асарларда, анжуманларда, мажлисларда ўзбек номига урғу беришга йўл қўйилмасди. Унинг ўрнига совет ёки республика халқи дейиш одатга айлантирилганди.

Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институтидаги турт жилдли «Ўзбекистон ССР тарихи»ни тайёрлашга бағишиланган мажлисда уни «Ўзбек халқининг тарихи» деб номлашни таклиф қилганимда, рад қилинди. Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларини ўзбек хонликлари номи билан аташ ҳақидаги таклифим ҳам қабул қилинмади. Айниқса, республика раҳбарияти ўзбек атамасини тилга олишдан ўзини тийиб юрган.

«Интернационализм» шаҳар, туманлар, кучалар, ўқув масканлари, жамоа хўжаликлари ва бошқа жойларни номлашда ҳам қўлланилди. Натижада республикага қарашли ерларнинг тахминан 80 физига партия ва совет раҳбарлари, ҳатто хорижий мамлакатлар вакилларининг исми-шарифлари қўйилди. Хуллас, республика тушимизга ҳам кирмаган номлар билан тулиб-тошган эди. Бир мисол келтираман. Маҳалламиизда «Свежинский проезд» деб аталадиган кучча бор эди. У кўпроқ эски ва нураган иморатлардан иборат бўлиб, номи мазмунига мутлақ тўғри келмасди. Катта ёшли кишилар ўша номни тўғри айта олмай ва маъносини тушунмай ўлиб кетдилар.

Айни пайтда бутун республика бўйлаб ҳайкаллар, портретлар, шиорлар ва турли-туман плакатлар кенг тарқалди. Зиёлиларнинг вакиллари минглаб коммунистик гоя ва «интернационализм»ни тинимсиз тарғиб қилишга муккадан кетган эдилар. Минг афсуски, уларнинг орасида мен ҳам бор эдим. Аллоҳга шукр, Мустақилликнинг кучи шунчалик құдратли ва самарали бўлдики, коммунистик гоя улоқтирилиб, миллий гоя ўз ўрнини эгаллади.

### **Миллий даромад эгасига қайтарилди**

Миллий даромад шундай бир тенги йўқ омилки, халқнинг кундалик ҳаёти ва келажагини таъминлашда асосий ўринни эгаллади. У ёки бу халқнинг куч-құдрати ва тараққиёти унинг ҳолатига қараб белгиланади.

Миллий даромад мустақиллик ва озодликни таъминловчи муҳим омилдир. Буни яхши англаган совет ҳукумати республикалардаги миллий даромад ва унинг манбаларини давлат қўлига ўтказди. Хусусан, пахта ва бошқа деҳқончилик маҳсулотлари, ноёб табиий бой-

ликлар хом ашё сифатида фоят арzon баҳода марказга олиб кетилди. Сунгра улардан тайёрланган саноат моллари ўзимизга келтирилиб, баланд нарҳда сотилар эди. Булардан ташқари, Россиядан хилма-хил автомобиллар, трактор ва бошқа турдаги қишлоқ ҳұжалиги техникаси, корхоналарни жиҳозлайдиган станоклар, темир, мис ва бошқа металлардан ишланган моллар, уй-рұзгор ва бошқа хил буюмлар келтирилиб, миллий даромаднинг қолган-күтгани ҳам шилинган. Давлатнинг миллий даромаддан оладиган фойдаси бир неча ўн миллиард долларлардан иборат бўлган. Бироқ республика бюджетига ажратилган маблағ бамисоли «денгиздан томчи» эди. Натижада, ҳалқ оммаси қашшоқлашиб азоб-уқубатларни бошидан кечирди.

Мустақиллик йилларида аҳвол тубдан ўзгарди. Авваламбор, саноат тармоқлари миллийлаштирилди. Автомобиль, нефть-газ, олтин саноати ва бошқа йирик саноат тармоқлари курилди. Ўзимизда тайёрланган турили моллар хорижий мамлакатларга чиқарилмоқда. Республиkanи хом ашё манбаи ва тайёр маҳсулотлар бозори булиб қолишдан күтқаришга қаратилган кураш муваффақият билан олиб борилмоқда. Миллий даромад борган сари юқори босқичга кўтарилимоқда.

Ҳаётимизнинг барча соҳаларидаги ўзгариш ва ютуқларни бир неча саҳифада баён қилишнинг имкони йўқ, албатта. Шу боис уларнинг айримларини ёритишга ҳаракат қилинди. Лекин шуниси аёнки, Мустақиллик ўзбек ҳалқига, энг аввало, озодлик, эркинлик ва демократия берди. Ҳалқимиз тарихда биринчи маротаба жаҳон даврасида мунносиб ўринни эгаллаб, уни танимайдиган ва билмайдиган мамлакат қолмади. Бунда коммунистик гоянинг улоқтириб ташланиши ва миллий гоянинг ғалабаси ҳал қилувчи ўринни эгаллади. Бу борада ислом динининг тикланиши, боқимандалик ва ташмачиликка зарба берилиши ҳам катта аҳамият қасб этади. Миллий даромаднинг қўлга киритилиши мустақиллик ва тараққиётнинг асосини шакллантириди. Шуни мамнуният билан таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон ҳамдустлик мамлакатлари орасида коммунистик ғоя ва унга алоқадор бошқа рамз, ёдгорликларни тамомила қупориб ташлаган якка ягона давлатдир. Шунингдек, юртбошимизнинг катта хизматларидан бири шуки, ҳалқимизнинг ўз номи — ўзбек атамасини баралла айтишни бошлаб берди. Эндиликда ўзбек ёки Ўзбекистон атамаларини истифода қилиш шу даражада авж олдики, совет даврида бунақаси хаёлга ҳам келмаган эди. Юртбошимизнинг ташаббуси билан ўзбек ҳалқининг номи жаҳонга танилди. Булар билан фахрланишга ҳақлимиз.

---

## ХАЁТ ЙУЛИМ

Шу кунларда мен саксон ёшни қаршиладим. Афсуски, тенгдошларимдан деярли ҳеч ким қолмади. Начора, үлим ҳақ деганидек, чидашдан бошқа илож йўқ. Бундай жудолик қанчалик оғирлигини бошидан ўтказган кишигина яхши англайди.

Мен гоҳо хаёлга чумиб, босиб ўтган ҳаёт йулумни куз ўнгимдан ўтказиб тураман. Балки адашаётирман, лекин назаримда биз зиёлilarда ён дафтар тутиб, кўрган-билганинни ёзив бориш ҳали одат тусига кирганича йўқ. Шу боис воқеалар, одамлар ва жойлар номларининг анчаси ёддан кўтарилибди. Айниқса, ўзим қатнашган иккинчи жаҳон уруши ҳақидаги хотираларим тўлиқ сақланмаганлиги ачинарли ҳолдир... Аммо, нима бўлганда ҳам, ўз ҳаёт йулумни эслаганимча ёритишга жазм қилдим. Ўйтайманки, бошдан кечиргандарим, биз яшаган замоннинг айрим тафсилотлари яқин тарихни билишда ёш авлодга фойдаси тегиб, билими ва дунёқарашини оз бўлса-да бойитади, ҳозирги озод ва эркин ҳаётга шукр қилишга даъват этади.

Менинг отам Мулла Зиё Аҳмад ўғли 1885 йили Тошкент шаҳрида туғилди. Унинг ранги оқ-сариқ, буйи новча ва серсоқол эди. Аҳмад бувам асли буз тўқийидиган оиласда дунёга келиб, кейинчалик маҳалла гузарida дукон очиб, савдо билан шуғулланган. Маҳалладаги айрим кексаларнинг айтишича, элликбоши лавозимида ҳам фаолият кўрсатган экан. XX асрнинг 60-йилларида кучамизнинг тепаликсимон жойига катта ҳарсанг тошлардан ишланган зинани бетондан ишлатганимда, бир кекса: «Ҳамиджон, бу жуда оғир ва катта ҳарсанг тошларни бувангиз ётқизганди, вақти келиб сиз унинг ишини давом эттиридингиз. Бу жой тепалик булгани учун ёмғир ва қор ёққанда тушиб-чиқиш жуда қийин булиб, одамлар йиқилиб тушардилар. Аҳмад бувангиз бош бўлиб, маҳалла ободончилигига аҳамият бериб, дараҳтлар эктириб, ариқ ва кўчаларни тозалаттириб турарди», деганига қараганда, бувам маҳалла ишларига бош-қош ҳам бўлган қуринади.

Аҳмад бувам 1916 йили 84 ёшида вафот этган. Демак, у Тошкентни ҳам уз таркибиға олган Қўқон хонлигининг чор Россияси томонидан босиб олиниши ва 1892 йилги Тошкент қўзголонининг гувоҳи бўлган. Бувамнинг Наъра исмли хотини 1934 йили вафот этганида мен 11 ёшда эдим. У оқ-сариқ рангли, бўйи баланд, икки юзи қип-қизил эди. Бувим унаштирилганда айрим аёллар, сени чутир йигитга беришяпти, дейишибди. Шунда у булажак эрининг дуқонига бориб кўрса, келишган ва чиройли экан. У вақтда қизларнинг бундай ҳаракати файритабий ҳисобланган. Бувим табиатан жасоратли, меҳнатсевар ва пазанда ҳисобланаб, эрига жуда меҳрибон бўлган. Ҳар жума куни унинг соқоли ва бошига қатиқ суреб, ювинариб, тоза кийимларни кийинтириб, масжидга кузатиб қўяр экан. Бувим паранжини номигагина ёпиниб, чачвон тутмаган. Чунки маҳалладагилар уни үзининг онасидек куриб, бемалол гаплашишган. Кунларнинг бирида кўчада, эшигимизнинг тагида болалар билан утирганимизда, бувим қўшнимизга: «Юсуфҳожибой, мўйловингиз ўсиб кетибди. Еган овқатингиз ҳаром ҳисобланади» деганида, у киши қизарив орқасига қайтиб кетган эди. Шунга ухаш, бувим хоҳ эркак, хоҳ аёл бўлсин, барибир, эгни ёки қули кир бўлса, кузи тушиши биланоқ озодаликка чақиради. Чунки унинг ўзи покиза ва саранжом-саришта эди. Ошхона, идиш-товоқ, чойнак-пиёла, умуман хонадоннинг озодалигига катта аҳамият берган. Юқорида бувим жасоратли аёл бўлганлар, дедим. Бир куни боғда ёлғиз қолганида ўғрилар келишибди. Шунда у қулига болта олиб ҳужум қилмоқчи ҳам бўлибди. Ўғрилар кампирнинг ҳаракатидан ҳайратланиб, ҳеч нарсага тегмай қайтиб кетишган экан.

Бувим кинначилик ва силоқчиликни ўрнига қўйганлиги учун аёллар ўзлари ёки болалари билан келардилар. У қулдирадиган гапларнинг устаси бўлганлигидан аёллар узоқ утириб қолардилар. Уришиб қолган эр-хотинларни яраштирган ва хотинларнинг маслаҳат-гўйи ҳисобланган.

Бувим 18 фарзанд кўрган экан. Улардан бир ўғил ва тўрт қиз қолган. Болаларининг кўпчилиги қизамиқ, чечак ва бошқа касалликлардан ўлган. Унинг Рихси, Хосият, Ҳошия, Ойниса исмли қизлари бўлган. Аҳмад бувамнинг шаҳарда уйи ва боғи бўлиб, дехқончилик билан ҳам шугулланган. Бизга мерос сифатида қолган уй Лабзак кўчасидаги Беш оғайни маҳалласига жойлашган эди. Бу кучада Семашко номли санаторийдан бошланиб, ҳозирги Абдулла Қодирий богининг ён бағри буйлаб Эски Жўвадаги Ҳамза кўчасига чиқар эди. Кўчада кўп маҳаллалар, масжидлар, тегирмонлар бўларди. Бизнинг

Беш оғайни маҳалламиз Нормат бойваччанинг ҳашаматли уйи ва катта боғига жойлашган собиқ Островский номли пионерлар саройидан бошланарди. Ҳозир бу ерда академик лицей биноси қад куттарди. Бу ердан сал пастыда чоризм даврида станок билан ишлайдиган «ўрус тегирмон» жойлашиб, унинг ўнг биқинида обжувоз ва жувоз сингари сув тегирмонлари бўлган. Кейин унинг ўрнига чойхона курилди. Ҳозирги 10-трамвай юрадиган кўчадан Қошиқчи, сўнг Беш оғайни маҳалласи бошланиб, Чувилдоқ маҳалласига тақалган. Маҳалламизнинг қарши томонида Ҳовузли ва Калтатой маҳаллалари бўлган. Ўша академик лицейнинг орқа томонида Коҳота маҳалласи жойлашиб, уша томондан, лицейнинг ўнг биқини билан келадиган ариқ яна ўнгга бурилиб оққан. Лабзак номидаги ушбу ариқ ёшлигимизда анча катта ва чуқур бўлиб, калла ташлаб чўмилар эдик. Ариқнинг икки томонида тол, терак, арча, сада ва бошқа дараҳтлар экилган. Ариқнинг нариги томонида катта мозор бўларди. Афтидан у 1892 йилда Тошкентда вабо касали тарқалгандан сўнг ҳукумат томонидан беркитилиб, ҳозирги Минор мозори ташкил қилинган. Ўша эски мозорнинг оёқ томонидаги баҳайбат дараҳтлар ва ёввойи каптарларни ҳам эслайман. Унинг бош томонида от-арава ўтадиган катта кўпприк ва унинг ёнида каптарларнинг ини жойлашган йўгон сада дараҳти бор эди. Кўнчилар келиб, терини ошлашда ишлатиш учун каптарларнинг ахлатини олиб кетишарди.

Маҳалла масжидидан бироз пастроқда Лабзак ариғи тӯғон билан тўсилган бўлиб, шу ердан тахминан 25—30 метр узунликдаги, тахтадан ишланган «Опар Тарнов» бошланарди. Ундан сув шовқин-сурон билан паст оққан. Тарновнинг паст томонида, Эролҳожи ака уйининг биринчи қаватида электр токи билан ишлайдиган кичик пахта заводи бор эди. Бу ерда қўшнимиз Толиб аканинг Қўчкор исмли ўғли ишлётганида ток уриб ўлганди. Уни кўрпага ўраб олиб келишгани ҳамон кўз ўнгимда.

Биз Беш оғайни маҳалласидаги бешта берк ва тор кўчаларнинг учинчисида яшаганмиз. Бу кўчанинг эни икки-уч метрдан ошмай, унинг икки томони бўйлаб йигирма хонадон жойлашганди. Кўчанинг бошланишида марҳум Чиннибой аканинг уйи бўлиб, буйи ўн метр, эни беш метр келадиган катта хона ва айвони бор эди. Бундан ташқари, кўча тарафдан қараганда, катта хона ва айвонни ўз ичига олган болохона ҳам бўларди. Хоналарнинг шипи безатилган, атрофи ганчдан қубба қилиб ишланган, узум, олма, нокларнинг шакли ўзига хос ранглар билан бўялган ҳолда ёпиширилганди. Кеч куз ва қиши

да, қолаверса, бошқа вақтларда ҳам уша хоналарда улфатлар «гап» ва «түкма» үйнашарди. Тұмада кундузи норин ва гүшт тұғраб, кечга томон мәхмөндорчилек қызғын тус олган. Асқиячилар, ҳофиз ва машшоқлар ҳам қатнашған. Бундай улфатчиликтер совет даврида жуда камайиб кетған экан. Хуллас, Чиннибой ака түй, маросимлар ва умуман мәхмөнлар учун алоҳида бино солдирған. У асосан, Россия ва Хитой чиннисини сотиш билан шуғулланиб бойиган. Шунинг учун уни Чиннибой дейишарди. Унинг Аббосхұжа исмли үғли булаарды.

Онам Зебунисо 1894 йили бир учи Себзорга, иккінчиси Лабзак-ка уланадиган Қози күчада туғилған. Унинг отаси Шорасул бувам 1950 йили бир юз үн ёшида вафот қылған. Демак, у 1840 йили таваллуд топған булаади. Ҳозир бу маҳалланинг ери Абдулла Қодир-рий bogiga құшиб юборилди. 1943 йили бувам менга майда, учи үткірроқ ва нозик тишиларини күрсатған эди. Одатда, бундай тишиши юз ёшға кирғанда чиқади, дейишади. Бувамнинг ёшини эътиборға олинса, у Құқон хонлиги, чор ҳукумати ва совет даврини бошидан кечирған. Мен фронтдан қайтганимда бувам: «Ҳамид, үғлим, сен ҳам менга ұшаб жароҳатланибсан, хавотирланма, яхши булиб кетади, 1865 йили Черняев бостириб кирғанда жаңгда ярадор бұлғанман», деб оёғини күрсатған эди. Бу вақтда бувамнинг қулоғи жуда ѡмон әшитадиган булиб, батағсил сұхбатлашишнинг иложи йүқ эди.

Бувамнинг отаси Ҳидоят охун мадрасасынан булиб, билимли киши ҳисобланған. Бувамнинг онаси ҳақида маълумотта эга эмасман. Раҳим ва Маҳмуд исмли укаларини күрганман. Кейингисининг үғли билан бир вақтда фронтта кетғанман. Бироқ у ҳалок бұлған шекилли, қайтмади.

Бувам турли ҳунарларнинг тенғи йүқ устаси эди. У фойтун, арава, түппонча ясаш, тикув машинасини тузатиши, косибчилик, пұлат сандықтарнинг калитини ясаш ва калити йүқолғаннини очишини, граммофон тузатиши, әгар-жабдуғ тикишни, құйингчи, күпдан-күп ҳунарларни мұкаммал билған. Шунинг учун ҳам уни одамлар Шорасул фарангы, яғни «оврупали Шорасул» дейишған. Бувамнинг Рихси, Фотима, Зебунисо, Қодир, Fafur, Роҳат ва Собир сингари тұрт қизи ва уч үғли бор эди. Олдинги хотинлари ҳақидағы маълумоттарға эга эмасман. Кейинги хотинининг Тожинисо ва Раҳим исмли болаларини, эри үлгандан сүнг, қайнонаси олиб қолған экан. Булар ҳисобға олинса, бувимнинг жами 9 фарзанди бұлған. Бувим ёш қазо қилиб кетғач, Роҳат холам ва Собир тогам онамнинг қулида қолиб, онам үйда үтириб қолған. Шу боис у 22—23 ёшларидан отам Мулла Зиёға теккан экан. У вақтларда қыздар күпинча 14—16 ёшларда уза-

тилганлиги учун онам «қари қиз» номини олган. Уни отам хотини ўлгандан кейин олган. Қариндошлар бувамга, нима учун қизингизни хотини ўлган кишига бердингиз, дейишганда, «мулло бўлдингиз, тилло бўлдингиз», деган нақдни эшитмагансизларми, кўёвим мадрасани тутаттган, деб жавоб берган экан. Онам ўрга бўйли, оқсариқ рангли бўлиб, беш фарзанд кўрган — акаларим Тұхта, Тожи, синглим Нафиса, укам Лутфулла ва мен.

Биз шаҳар ҳовлида фақат кеч куз ва қыш пайтида яшаб, эрта баҳорда боғимизга кучардик. Тирикчиликнинг асосий манбаи боғдорчиликдан олинадиган даромадга боғлиқ бўлган. Айни пайтда от ва қорамол боқилган. У вақтларда фақат биз эмас, шаҳар аҳолиси-нинг анча қисмининг шаҳарда ҳам, боғда ҳам турар жойи бўлган. Боғлар шаҳар атрофини қуршаб олган эди. Хусусан, ҳозирги Ботаника боги, Юнусобод, Чукурсой, Қорақамиш, Талабалар шаҳарчаси, Жаарик, Чилонзор, Тўқумачилик комбинати, Қўйлиқ, Шўртепа (Луначарский), Яланғоч ва уларни бир-бирига туташтирадиган бепоён ерларда ажойиб ва гаройиб боғлар бор эди. Шаҳар бамисоли боғлар қуршовидаги катта тангадек бўлиб кўринарди. Баҳордан бошлиб боғларда булбул ва бошқа сайроқи қушларнинг овози кишига роҳат баҳш этарди. Айниқса, мевали дараҳтларнинг ёппасига гуллаши кўз ва қалбни шу даражада қувонтирап эдики, таърифлашга сўз ожизлик қиласи. Бог кучаларнинг ажойиблигини айтмайсизми. Пастқам деворларнинг орқасидаги дараҳтлардан гиолос, олма, нок ва бошқа хил мевалар барглар орасидан мўралаб турарди. Хоҳиш бўлса, истаган киши деворга чиқиб, улардан худди ўзиникидек фойдаланган. Биз, болалар, бир боғдаги тутнинг устига чиққанимизда, bog эгасининг узоқдан, ҳой болаларим, эҳтиёт бўлинглар, йиқилманглар, шохларни синдирамнглар, дегани ҳали-ҳали эсимда.

Бизнинг богимиз ҳозирги академияга қарашли Ботаника боғининг этак томонига жойлашган эди. Унинг бўйи тахминан икки юз эллик ва эни икки юз метр бўлиб, тўрт томони пахса девор билан ўралган, ўрта қисмида икки тарафи девор, қолган икки тарафи иморатлардан иборат Урол қурғон бор эди. Бу ердаги шийпондан ўзимиз ва қушнимизнинг кишини мафтун этадиган кўм-кўк боғларини кўрганда завқланмасдан илож йўқ эди. Шийпонда кечаси билан тинмайдиган, одамни эркаловчи шамол ҳанузгача тасаввуримда сақлашиб қолган. У вақтларда шаҳарда ҳам, боғларда ҳам булбул, сассиқ-попишак, читтак, қарқуноқ, фуррак сингари қушлар кўп бўлган. Ҳозир улар деярли қолмади. Эшитишимга қараганда, аффон куши уларнинг инидаги тухумларини чақиб, наслини тутаттган.

Барча боғларда булганидек, бизникida ҳам ҳусайни, оқ ва қора чиллаки, оқ ва қора кишиши, даройи, буваки, қирмизка, чарос, эчкиэмар, каттақурғон узумлари етиштирилган. Каттақүргоннинг ҳар бир фужуми катта ёнгоқдек келарди. Узумлар шу даражада кўп етиштирилардики, еган ва сотган билан тамом бўлмай, улардан майиз қилинарди. Узумдан шинни ҳам тайёрланган. Узумлар маҳсус ишланган охурга солингандан кейин болалар тоза оёқлари билан тепкилашган. Шарбати кичкина тарновчадан тоғорага тұлапланган. Сунтра у қозонда маромига етгунча қайнатилган. Шинни кўпроқ қишида истеъмол қилиниб, ширинлиги асалдан ҳам ўткир, шифобахш ҳусусияти бор эди. Богимизда олма, нок, ўрик, гилос, тут, анжир, жийда, беҳи, сариқ ва қора тоғолча, шафтоли, ёнғоқ, олча сингари мевалар етиштириларди. Кади нокнинг учи думалоқ, танаси ингичкароқ хили жуда мазали бўларди. Ҳозир у йўқ. Қовунлардан энг ширини оқ уруғ, қизил уруғ, чўгир ҳисобланиб, мазаси оғзимдан ҳали ҳам кетмаган. Кечаси салқин тушиши билан полизда қизил уруғ қовун пақиллаб ўз-ўзидан ёрилиб кетарди. Пойлаб ётган ишқибозлар унинг овозини эшлишилари билан бориб узганлар. Бу қовуннинг ширинлиги «тилни ёрган», еганда карсилларди. Қовунлардан қоқи тайёрлаш одат тусига кириб, ўта ширинлигидан шундай ёпишқоқ бўлганки, уни ўткир пичноқ ёки болтача билангина кесиш мумкин эди. Катта ва кўриниши ола-була чинни тарвузи машхур эди. У шифобахш ҳисобланиб, айниқса, буйракни тозалашда катта аҳамиятга эга булган. Сершарбат ва ширин бу тарвуз сўйилгандан кейин сувига нон тўғраб ҳам ейиларди. Афсуски, бу нав қовун-тарвузлар ҳозиргача сақланиб қолмади. Ўша пайтларда шаҳарда ҳам, боғларда ҳам тут дараҳти кўп экилган. Унинг майизи кўп истеъмол қилинарди. Кексалар, тут пишиғига етсак бас, очдан ўлмаймиз, дейишарди. Чунки очарчилик пайтларида тут нон ўрнини босган.

Боғда пиёз, бодринг, шолғом, саримсоқ, кулупнай, турп, қовоқ ва кўкатлар ҳам етиштириларди. Богимизда карам кўпроқ сотиш учун экилган. Картошка ва помидор эса унчалик кўп экилмаган. Ҳар бир мева тури пишганда, савоб булади ва барака беради, деб чеълакларда шаҳарда қолган қўшниларга олиб бориб бериларди.

Боғлар кўп, дараҳтлар серҳосил бўлгани учун мевалар анча арzon баҳода сотилган. Ҳатто ортиб қоларди. Шу боис улардан олинадиган даромад рўзгорни тебратишга зурға етарди. Масалан, бизнинг маҳалламиздаги аҳолининг деярли ҳаммаси ночор яшаган. Чунки чор ва совет ҳукумати халқнинг суюғигача шилиб, эзиз ташлаган. Айниқса, хўжаликларни жамоалаштириш, очарчилик, қатағонлар ва уруш вақтла-

рида халқынг қашшоқланиши авжига минди. Эскирмаган ва ямоқсиз кийимда юрган одамни учратиш амри маҳол эди. Ўрта ҳисобда ўн кишидан етти-саккиз киши ямоқдан қуроқ бўлиб кетган кийимларда юрган. Ҳатто дуппи, кўрпа, кўрпача, ёстиқ, дастурхон ва оёқ кийимлар ҳам яマルган. Уруш йилларида кўпчилик аёллар оддий докадан кўйлак кийишган. Кирланганда кечкурун ювиб, эрталаб кийишарди. Оддий ипдан тўқилган узун пайпоқнинг уни ўша жойидан чатиб то тамом бўлгунича кийилаверган.

Ипак ва жун газламалардан тикилган кийим-кечаклардан кам фойдаланилган. Пальто ва костюмни айрим пулдорларгина киярдилар. Ўрта ва катта ёшдагилар асосан чопон, буз ва сурпдан тикилган кўйлаклозим кийишган. Болалар қора тринка (иглазлама)дан ичига пахта солиб қавилган калта камзул кийишган. Уни ҳам даставвал ака, унга кичик келгандан кейин укалар кийишган. Қизларнинг кийиниши ҳам шу тарзда кечган. Оёқ кийим ҳам акалардан укаларга ва опалардан сингилларга ўтарди. Ботинка ва туфли бўлмаган. Махси, калиш, этик, кавуш кийилган. Уларнинг янгиси тўй-ҳашамларда кийилган, холос. Иссиқ тушиши билан одамлар кўчада ҳам, бозорда ҳам ёппасига оёқ яланг юришган. Искўрт одамларнинг товоnlари ёрилиб ва кирга қоришиб ётарди. Айрим болалар кечкурунлари оёқларини ювмай ўринга ётиб ухлаган.

Ўзим оёқ кийими етишмаслигидан, сентябрь ойида мактабга оёқяланг қатнаганман. Қиши пайтида сирпанишни қўмсаб, калишга тараша (тахтача ёки силлиқ ёғоч)ни боғлаб, конъки қилиб учардик. Бу жуда азобли бўлиб, неча бор йиқилардик, шикастланардик. Биргина тўқ оиланинг ўғлида конъки бўлиб, болалар унинг орқасидан ҳавас билан үраллашиб юришарди.

Одамлар кавуш ва калишда пайпоқсиз юришган. Махси билан этик оёққа пайтава ўраб кийилган. Пайтава эскиргандан кейин ҳам ташланмай, йиртилган жойлари яマルган. Ўша пайтларда қашшоқликни англатмоқчи бўлганлар, «пайтавасигача ямоқ тушибди», деган нақдни ишлатишган. Махси билан этик илма-тешик бўлиб, ямашга ярамагандан кейингина арзимаган пулга ямоқчи косибларга сотилган. Кийим-кечак ҳам «ғалвир» бўлиб кетгандагина ташланган, шунда ҳам у ямоққа ишлатилган.

Маҳалла, гузар ва бозорларда ямоқчи косиблар бисёр бўлган. Уларнинг иши шу даражада кўп эди-ки, ямашга пойабзал топширсангиз, кўп ҳолларда бир ҳафтадан кейингина олиш мумкин эди. Ҳозиргига уҳшаш, ҳар бир бола учун алоҳида кўрпа ва каравот бўлмаган. Масалан, биз уч фарзанд бир кўрпани ёпиб ётганимиз.

Электр, газ ва водопровод йўқ эди. Кўп хонадонларда битта керосин лампа ишлатилиб, ошхонадами, молхонадами, қўйингчи, қаерда иш қилиш лозим бўлса, ўша ерга олиб бориларди. Охирида, иш битгандан сўнг, лампа танча устига қўйилгачгина дарс тайёрлашга утирар эдик. Керосин етишмаслиги катта қийинчилликлар туғдирган. Уни олиш учун кучада кечаси билан навбатда турилган. Шу орада бир неча маротаба йўқлама қилиниб, кетиб қолган одам рўйхатдан ўчирилган. Навбатда турган ҳар бир кишига бир-икки литрдан керосин берилган, холос. Навбат талашиб ёқалашганларни ҳам кўрганман.

Болаларнинг меҳнати ниҳоятда кўп ва оғир бўлган. Боғларда кетмон чопишда, экинларни суғориш ва парвариш қилишда, ўтиш ва ўтин тайёрлашда болалар бевосита қатнашган. Мол боққан, молхонани тозалаган, таппи ясаган. Шаҳарга кўчиб келинганда ҳам тинимсиз ишланган.

Аёлларнинг ҳам боши меҳнатдан чиқмаган. Ўтин ёриш ва олов ёқиши, жомашовда кир ювиш, кийим тикиш ва ямоқ солиш, овқат тайёрлаш, тандирда нон ёпиш, сигир соғиши, бола тарбиялаш, эрни парвариш қилиш, уй-жойни супириш-сидириш ва бошқа ишларни бажарганлар. Боғларда ва ҳунармандчилик соҳаларида ишлаганлар. Фақат қўл меҳнати бўлган. Онам бир кеча-кундузда тўрт-беш соатдан ортиқ ухламасди. Қолган вақтда узлуксиз меҳнат билан шуғулланарди, шу орада «Зингер» машинасида қўшиналрга кийим ҳам тикарди.

Эркакларнинг меҳнати жуда оғир ва машаққатли булиб, тирикчилик дардида узларини «сувга ҳам, ўтга ҳам» урганлар. Ўтмишда сув масаласи ҳам оғир эди. Сув Лабзак ариғидан, пастдан тепалик бўйлаб юқорига, иккита челак осилган обкашда олиб чиқиларди. Ўзим ҳар куни йигирма-уттиз челак сув таширдим. Сув ташиш, айниқса, қишда қийин бўлган.

1933 йилги очарчилик менда жуда ҳам даҳшатли таассурот қолдирган. Кўчаларда очликдан улиб қолган одамларнинг мурдалари ётарди. Уларнинг орасида болалар ҳам бор эди. Милиция ходимлари мурдаларни араваларга ортиб, қабристонга олиб кетганлари ҳали ҳам кўз ўнгимда. Афтидан, улар кафансиз дағн қилинган. Гадойлар сонсаноқсиз булиб, бир бурда нон учун жонини берадиган кишиларни кўрганман. Гузарда бир киши сотиш учун кичкина тоғорада пирожки олиб чиққан экан. Бир гадой унга чангаль солиб, бир пирожкини оғзига тиқибди. Шу онда эгаси ва шериллари гадойни йиқитиб, роса урдилар. Шунда ҳам у оғзидағини чайнаб ётаверди, лекин бир оздан кейин хушидан кетди. Мазмунан жон берди, шекилли. Айниқса, қўшини республикадан келган қозоқларнинг кўпич очлик азобини қат-

тиқ тортишган. Уларнинг кўчаларда ўлиб ётганини кўрганман. Аҳоли уларга ёрдам қулини чўзиб ва бошпана бериб, улимдан сақлаб қолди. Уша қаҳатчилик вақтларида Тошкентга келиб урнашган қозоқларнинг авлодлари ҳозир ҳам бор. Масалан, тарих фанлари номзоди Қурбон Мўминов шулар жумласидан. Қозоқ болаларни асраб олган ўзбеклар ҳам кўп бўлган. Бизнинг оиласидан очарчилик вақтида унчалик қийналмади. Чунки отам шолини фамлаб ва бир фунажинни суйиб, қази қилиб қўйган экан. Щу боис бизлар ҳар куни палов, мошхўра, мошкичири истеъмол қилганмиз. Аммо нон деярли йўқ эди.

Совет ҳукумати очарчиликдан фойдаланиб, халқнинг қулидаги олтин буюмларни тортиб олди. Ҳозирги Эски Жўва бозорида ун, гуруч, ёғ, макарон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини сотадиган ёпиқ дўкон бўлиб, маҳсулотлар фақат олтин ва нодир буюмларга айирбошланган. Одамлар очликдан ўлмаслик учун зирақ, билагузук, тиллақош, тиллагажак, булоқи<sup>1</sup>, зебигардон, бўйин тумор, қўлтиқ тумор ва қимматли тошлардан ишланган нарсаларни магазинга топшириб, арзимаган озиқ-овқат маҳсулотларини олганлар. Онам қариндошларимизнидаги маросимга нон қилиш учун катта билагузугини уша ёпиқ дўконга олиб борганда бир халта ун беришганида, бундай адолатсизликка чидолмай ҳукуматни қарғагани ҳамон эсимда. Чунки уша ундан бир катта саватга сифадиган нон ёпилган эди, холос.

Қайнонам Қуштут ва Ҳости И мом оралиғидаги Ҳалимкўп маҳалласида яшаган машхур савдогар Усмонҳожибойнинг набираси эди. Уша очарчилик кезларида бойдан мерос сифатида қолган олтин ва қимматли тошлардан ясалган тақинчоқлар кичкина сандиқчаси билан тилга олинган дўконга топшириб, эвазига атиги ярим қоп ун олинганини қайнонам юраги ёниб айтиб берганди.

Олтин буюмларидан айрилган хотинларнинг купи кейинчалик уларни сотиб олишга қурби етмай, қулоқларига ип тақиб, қайғуаламда дунёдан кўз юмдилар. Ип тақилмаса қулоқдаги тешиклар битиб қоларди-да.

1935 йиллардан бошлаб дуконаларда нон пайдо бўла бошлади. Юзлаб одамлар нон келгунча навбатда туравергач, тинкаси қуриб, аҳволи оғирлашарди. Нон олиб келинганда эса одамлар навбат талашиб, йигитлар ўзларини эшикка уриб, шовқин-сурон кўтарилади. Эркак билан аёл аралашиб кетарди. Бир куни қўшнимиз, «Ҳамид, сотувчи адангнинг таниши, сени одамларнинг елкасига чиқараман, сунг улар-

<sup>1</sup> Бурунга тақадиган олтин зирақ. Уша вақтларда ўзбек аёллари ҳиндуларга ухшиб бурунларига зирақ таққан. Аммо, бу одат оммавий тус олмаган.

нинғ бошидан ошиб, үзингни дүконнинг ичига отасан, менга ҳам нон оласан», деб қолди. Розилик билдирганимдан сұнг құшнимиз шериги билан мени күтариб, тұпланиб турған одамларнинг устига чиқардилар. Уларнинг елкаси ва боши бүйлаб эмаклаган ҳолда үзимни дүкон ичига урдим. Сотувчилар бу ҳаракатимни күришиб қулиши да тұртта гијда нонни (хөзирги ёлған ноннинг қалини) тутқа-зишди. Үнинг иккитасини құшнимизга беріб, қолганини хурсанд булиб уйға олиб келдім. Отамга нонни қандай олганимни тушунтирганимда, үғлим, уятли иш қилибсан, бундан ташқари одамлар яхшиямки сени иргитиб юбормабдилар, майиб булишинг турған гап әди, деб менга танбәх бердилар. Нонга бундай азоб-уқубатли навбаттар уч-тұрт йил давом этди. Айниқса, фарзандлари йүқ кексалар қаттық жабрландилар.

Очарчилик ва қаҳатчилик вақтларыда боғларда етиштирилган ҳұл ва қуруқ меваларнинг фойдаси катта бұлды. Уларнинг күплигі ва нисбатан арzonлиги күп одамларни үлемдан сақладаб қолди. Айниқса, қиши пайтларыда жийда, ёнғоқ, олма, қовун, нок ва шафтоли қоқила-ри, кишиши вә майизнинг бошқа турлари нон үрнини босди. Бундай имконияттарға әга бұлмаган Қозғистон ва Қирғизистон аҳли-нинг талафоти катта бұлды.

1934 йили оиласыз бошига жуда оғир күлфат түшди. Совет ҳукумати бөгимизни тортиб олиб, бизни тирикчилик манбаидан маҳрум қилди. Шаҳардағи тор ҳовлида яшаңга мажбур бұлдик. Бир сигир ва бир бузофимизни ҳам шу ерга «жойлаштиришдан» үзге илож қолмади. Ёзниг иссиқ жазирамасыда кечаси молхонадан ҳовлига учеб чиқ-қан чивинлар тұдаси бизни роса таларди. Құрпа билан бош, оёқлар беркитилиб олинса, нафас олиб бұлмасди. Беркитмасанғиз, чивин шундай чақардики, чидаб бұлмасди. Ұша кезларда, кишини эркалайдиган шамол ва ажайиб боғлар, соғ ҳаво ва зилол сув, турли-туман ҳұл ва қуруқ мевалар қани, улар энди йүқ, ҳаммаси барбод бұлды, деб хаёлимдан үтказардим. Айниқса, Наъра бувимнинг юраги тилка-пора бұлды. У дераза тахтасига үтириб олиб, вой-дод, энди нима қиласыз, бөгимизни калхат тортиб олди, ҳукуматни ер ют-син, жаннатдан дұзахга туширди, деб қақшарди. У «колхоз» сұзини айта олмай, уни «калхат» дерди. Бувим қайғу-alamга чидай олмай, миасыга қон қүйилиб вафот этди. Ота-онам ва акаларим ҳам қаттық хафа бұлдилар. Бир неча йиллар үтгандан кейин отам ұша вақтларни әслаб, шундай деган эдилар: «шуро давлати аждаходек қанчадан-қанча мол-мұлк ва боғларнинг думини күрсатмай ютиб юборди. Бизнинг ва атрофимиздаги боғларни олганида құшниларимиз ҳам бунга

чидай олмай, бувингга үхшаб қаттиқ азоб чекдилар, дардга чалин-дилар. Мен ҳам ич-ичимдан ёндим. Қарасам, ётиб қоладиганман. Бонгизнинг нарироғидаги Салор ариғига үзимни ташлаб, совуқ сувда сесканиб, аъзойи-баданимдаги «заҳар»ни чиқариб юбордим. Сувга уч кун мобайнита уч маротаба шўнгигиб анча енгиллашдим ва тетиклашдим. Шу ёдингда бўлсин, ўғлим!».

Одамнинг бошига не кунлар тушмайди. Нохуш ҳодиса руй берганда ёзда совуқ, қишида иссиқ сувда сесканиб ювиндим. Бунинг қанчалик тўғрилигига кейинчалик амин бўлдим.

Боғдан айрилиш қорамолга ҳам жабр бўлди. Мол кичкина хонага қамалиб, майсазорлардан маҳрум бўлди. Менга, айниқса, тахта кунжарани теша билан майдалаш ёқмасди. Шунинг учун отам: ўғлим, сигир бамисоли уй доктори, сут, қаймоқ ва қатиқ бор жойда касал бўлмайди, деган эди. Ёқилғи сифатида таппи кўп ишлатилган. Молнинг ахлати бир жойга туптаниб, сув билан пишитилиб, зувала қилиниб томга ёпилган. Кўл ва оёқдан таппи ҳиди икки-уч кунсиз кетмасди.

30-йилларда отам ҳозирги Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрининг үрнида жойлашган Пиёнбозорда газета-журнал со-тадиган дўконда ишлади. Кўштут маҳалласида жойлашган үшанга үхшаш дўконда Тўхта акам хизмат қиласди. Бироқ, маош камлик қилган бўлса керак, улар узоқ вақт ишламадилар.

1930 йили Лабзакдаги Раис кўчага жойлашган, Ҳакимбоев номли турт йиллик мактабга ўқишга бордим. Бу ерда Тожи акам ҳам ўқирди. Бу мактабни тамомлагач, Лабзакдаги Қоратут кучасида жойлашган Улуубек номли ўрта мактабда ўқидим. Бу мактабда 1940—41 ўқув йили 10-синф ёпилиб, бизларни Тешик қопқоқдаги Папанин номли мактабнинг 10-синфига юбориши. Ўқиш муддати охирлаб қолганда уруш бошланди. Шундан кейин шаҳарда ҳаёт огирашиб бора-верди. Одамларни ҳарбий хизматга олиш кучайди. Кўчаларда ҳарбий-лар ва милиция ходимларидан тузилган гуруҳлар назорати авжига минди. Улар кечаси уйларга бостириб кириб, эркакларни тутиб фронтга жўнатардилар. Айниқса, Қўқонбоев бошлиқ Октябрь (ҳозирги Шайхонтоҳур) тумани ҳарбий комиссариати узбекларни оммавий равишда сафарбар қилишда жуда катта ташаббус курсатган. Холамнинг қизи унинг жияни Муҳаммаджон акага турмушга чиққан экан. Урушдан кейинги йилларда холамникига меҳмонга йиғилганлар орасида Қўқонбоев ҳам бўлар эди. Бир куни у үз-үзидан, уруш йилларида кишиларни фронтга меъеридан ортиқ жўнатганим учун пушаймоним бор, ҳозир эски шаҳарга туша олмайман, чунки одамлар норози бўлишиб, мени бармоғи билан курсатаётганга үхшайди, деб қолди.

Ўша пайтда республика раҳбари бўлган Усмон Юсупов кейинчалик Янгийулда қувғинда яшаганида ҳозирги маҳалламиздаги бир девор қўшнимиз Сойиб Хўжаев, Саттор Ярашев ва бошқалар уни кўргани боришганида у, уруш вақтида виждонимни ҳалигача қийнаётган икки хатога йўл қўйганман, биринчиси, талабдан ортиқча минглаб ўзбекларни фронтга юбортирганман, иккинчиси, кўплаб заводларни ишчи-хизматчилари билан Ўзбекистонга жойлаштирганман, деган экан. Бу сўзларни Сойиб ака менга айтиб берган эди. Мисол учун, юз минг одамни сафарбар этиш лозим бўлса, туман даражасида Қўқонбоев ва республика даражасида Усмон Юсупов уни икки-уч баробар ортиги билан бажарганлар. Заводларни ўрнаштириш ҳам шу тарзда амалга оширилган.

Уруш йилларида бизнинг уйимиздан ўн беш-йигирма дақиқа масофадаги жойга Украинадан Чкалов номли самолёт заводи кучирилиб келтирилди. Бу заводга кўп ўзбеклар кириб ишладилар. Тўхта акам, Тожи акам ва мен ҳам заводда ишладик. Тожи акам билан «медний цех»да хизмат қилдик. 1942 йилда ҳарбий хизматга олишди. Биз ёшларни Тельман боғига (ҳозирги Бонифаций Эрамга) тўплашди. Бу ерга бошқа шаҳарлардан ҳам ёшларни келтиришган экан. Ҳаммамизни қизил вагонга ўтқазишли. Бу вагонларнинг полига похол ташланган бўлиб, унинг устида ўтиришга ва ухлашга түгри келди. Курпа ва ёстиқ берилмаслиги орқасида кўп қийналдик. Бунинг устига ўзимизнинг уй кийимимизда эдик. Маҳалладошим ва tengдошим, бўлажак машҳур шоир Зоҳиджон Обидов билан бирга не азобларни бoshимиздан кечирмадик. Поезд Россия ерларига кирганидан кейин, одамлар у ёки бу бекатда турли ҳарбий қисмларга тақсимлаб борилди. Ўн етти кун деганда биз тушган поезднинг охирги вагони Удмуртияning Ижевск шаҳри атрофидаги ўрмонга етиб келди. Бу ерда бизларни катта баракларга жойлаштиришли. Уларнинг ичида тахтадан ишланган икки қаватли нардан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Бизлар мана шу ерда кўрпа ва ёстиқсиз ётдик. Ҳамон ўзимизнинг кир босган ва юпун кийимларимизда эдик. Бу ҳам камдек, овқатнинг сифати ниҳоятда паст бўлган. Ҳарбий машқ ҳам кўнгилдагидек ўtkazilmay, ёфочдан ясалган милитиqlар билан шуғулланардик. Орамизда дардга чалинган ёшлар ҳам бор эди. Тахминан икки ой турилгандан кейин поездда Ярославлга келдик. Бу ерда вокзалда ҳарбий кийим ва ботинка беришли. Шундан кейингина баданимизга иссиқ ўтди. Поездда йўлни давом эттириб, Вологда шаҳри орқали шимолга, Архангельска юриб, кун қорайганида у ерга етиб бордик. Портга тушган вақтимизда фашистлар бомбардимон қилаётган экан. Зоҳиджон Обидов

билин иккимиз ердаги йўғон ва узун ходаларнинг орасига яшириниб, бомбалар портлашидан катта ҳажмдаги сув осмонга кўтирилаётганини кўриб турдик. Фашистлар бомба ташлашни тухтатганларидан кейин кемада денгизнинг нариги қирғоғига ўтиб, Маймакский районига үрнашдик. Кўчаларга асфальт ёки тош ўрнига қалин ва узун тахталар ётқизилган экан. Уларнинг устидан машиналар бемалол юрганлигини куриб, ҳайрон қолдик. 20 сентябрда қор ёғиб, совқотганим ҳамон эсимда. Фашистлар бомба ташлашни ҳар икки-уч кунда қайтариб турарди. Биз, солдатлар бу пайтларда кўчаларда соқчилик билан шуғулландик. Октябрь ёки ноябрь ойларида Архангельскдан Онега кули соҳилидаги катта посёлка ёнидаги атрофи үралган биноларга үрнашдик. Бу жойда маҳбуслар турган бўлса керак, шароит жуда оғир эди. Юзлаб тахта канаси аъзои-баданимизни сурниб, ухлашга йўл бермасди. Уйқу ва овқатга тўймай ҳолдан тойдик. Бу ерда тахминан бир ойча турганимиздан кейин поезд вагонларига ўтқазиши. Катта бир ўрмоннинг ичидаги вагонлардан тушдик ва пиёда юриб, Шаръя номли посёлканинг атрофидаги жойга үрнашдик. Бу посёлка Ленинград вилоятига тегишли, деган сўзларни эшитдим. Қалин қорни ер кўрингунича тозалаб, кўм-кўк арча шохларини ташлаб чайла қурдик. Унинг ён тарафлари ва усти арча шохлари билан ёпилиб, тепасидан тутун чиқиши учун туйнук очилди. Чайланинг ўртасида олов ёқадиган жой қолдирилди. Бу ерда ҳуллигига ҳам яхши ёнадиган берёза (қайин) дарахтидан тайёрланган ўтин ёқиларди. Оловнинг атрофига исиниб, кўрпа-ёстиқсиз ухлардик. Кундуз кунлари ҳарбий машқларни давом эттиридик. Кунларнинг бирида, сабаби ёдимда йўқ, мени Шаръя посёлкасидаги уч-турт хоналиқ дам олиш уйига юборишиди. Бу ерда разведкачиларнинг вакиллари бор экан. Улар билан суҳбатлашдим ва биргаликда яхши дам олдим. Бир куни кўчада, медпунктнинг олдида врач — қирғиз аёлинини кўрдим ва суҳбатлашдим. У соғсаломат Тошкентга қайтишимни тилади. Мен ҳам унга яхши тилакларни изҳор этдим. Бир ҳафтадан кейин ротага қайтдим. Ниҳоят фронтга йўл олдик. Йўлда уша қирғиз аёл от устида кетаётганини кўрдим. Узокдан саломлашдик.

Бир катта ўрмонда салкам икки кун мобайнида пиёда юриб, жуда чарчадик. Тунда қорнинг устига арча шохларини ташлаб, икки-уч соат ухладик, холос. Шу тариқа 1943 йил февраль ойида фронт зонасига, хусусан, Любан атрофига кирдик. Бу ерда дарахтлар ағдарилиб ётган қалин ўрмонга жойлашдик. Жангда ярадор ва ҳалок бўлганларни, ўқ ёмғирдек ёғиб турганини кўрдик. Кўпроқ тўп ва миномётларнинг ўқи портларди. Чунки ўрмонда дарахтлар зичлиги-

дан милтиқ ва автомат үқларининг самараси камроқ эди. Гоҳ олдинга ташланиб, гоҳ тұхтаб жаңг қылдик, лекин душман ичига бостириб киришга имкон йўқ эди. 1943 йил 14 февралда фашистлар кун қорайиши билан тұп ва миномётлардан шу даражада тинимсиз снарядлар ёғдиришлики, қимирлашнинг иложи бұлмади. Ҳаммамиз бир-бирининг устига ағдарилған дараҳтларнинг тагига бошимизни тиқиб ётдик. Душман артиллерияси камида 3 соат тинмади. Шундан кейин уйқу зұрлік қилиб қорнинг устида ухлаб қолибмиз. Эрта тонгда қарасам, снаряд парчаси ёнимда ётган солдат бошининг ярмисини учирив юборибди. Атрофимда бир неча кишиларнинг улиги ётибди. Бу фожиадан куз ёшларим оқди. Бошқа солдатлар ҳам йиғлашди. Чунки кечагина дұстлашиб ва ҳазиллашиб юрган ҳамроҳларимиздан айрилған эдик.

1943 йил 15 февралдан душманни үққа тутиб, жуда секинлик билан олдинга сурىлдик. Душман миномётлардан устимизга үқ ёғдириб турарди. Кундузи тахминан соат 12 ларда сал чүкүрликда милтиқдан үқ узаётганимда ёнимизда миномёт снаряди портлади. Икки киши үлди. Мен эса үнг оёгимдан яраландым. Чап тиззамнинг паст-роғи озгина шилинганды. Күп қон оқиши туфайли юрагим күйиб, сув ичгим келаверди. Қорни чанталлаб оғзимга сола бошладым. Жаңг олдидан ҳамроҳларим билан ким жароҳатланса, үшани олиб чиқиб кетиш ҳақида келишганды. Шунга биноан тұрт киши мени күтариб ва қалин қорға ботиб ҳамда ағдарилған дараҳтларнинг орасидан зұрға утишиб, бир кичкина майдонға тұхташди. Қор қалин, совуқ үн беш-йигирма даражада атрофида. Шу пайтда офицер келиб, бир кишини тұрт киши құтарадими, сенлар ярадор баҳонасиса жанғдан қочғансанлар, деб түппончасини ушлади. Улар кецирим сұраб, зудлик билан орқага қайтишди. Ярадорларни ташиш учун бу ерга отта күшилганды чана келиб турар экан. Баҳтимга үша чаналар келиб қолди. Ҳайдовчи мени ва яна уч кишини иккита чанага ётқизиб, тахминан ярим соат юргандан кейин медпункт ёнига келтирди. Оқсоқланиб зұрға юра-ётган аскар мени опичиб, брезент билан ёпилған катта хонага олиб кирди. Столнинг ёнига келганды эса толиқиб мени ташлаб юборди. Бошим столға тегиб хүшимдан кетдім. Бир вақт құзимни очсам, тепамда құзимга үша қырғыз аёли гира-шира қуриндиди. У пешонамни силаб ва жилмайиб, ота-онангнинг бағриға борадиган бұлдинг, деди. У оёғимни спирт билан тозаларкан, яхшики, қаттиқ совуқ туфайли қон секин оқибди ва үз вақтіда олиб келишибди, акс ҳолда ҳалок бұлишинг аниқ эди, үқ оёқнинг илик саягини парчалаб ва қон томирларини жароҳатлаб, қаттиқ зарба берибди, деди.

Мени яна чанада машиналар турган жойга олиб боришли. Улардан бирига ётқизишганда тагимда қавилган қўрпаларни қўриб, бирданига онамнинг кўрпа қавиб ўтиргани эсимга тушди. Ўзимни тутолмай йиғлаб юбордим. Эҳтимол, уша қўрпалар фронтга Узбекистондан юборилгандир. Осмонда душман самолётлари учайтганлиги учун юқ машинаси тез юрар ва бундан солдатларнинг жароҳатланган жойлари зириллаб, оғриқ кучайиб, додлаган овозлар эшитилиб турарди. Улар қатори мен ҳам азобдан ингрардим. Машиналар бузилиб, харобага айланган посёлка олдида тухтади. Уни қўриб ва ҳайратлашиб, наҳотки бизларни шу ерга ўрнаштиришса, деб ўйладик. Кейин маълум бўлдики, у ерда бузилган иморатларнинг тагида ертулада маҳфий медпункт бўлиб, шу ерда ярадорлар қуриқдан ўтказилар экан. Аскарлар замбильда мени ҳам у ерга олиб киришли. Шифокорлар оёғимни спирт билан тозалаб, тахтача боғлаб қўйиши. Юз грамм ароқ ичиришганида бир оз қизиб роҳатландим, яна ичгим келди. Буни сезган врач, аслида ичиш яхши эмас, совуқда қотиб қолганинг учун бердик, деди кулиб. Миннатдорчилик билдиридим. Врачнинг менга раҳми келди шекилли, иссиқ чой, сухари (қотирилган нон) ва оққанд берди. Унинг меҳрибонлиги кайфиятимни бирмунча кўтарди. Оёғимнинг илик суюги парчаланганилиги учун тупифимнинг тепасидан оёғим осилиб, чидаб бўлмас даражада оғирди, тахтача боғлаб тўғрилангандан кейин оғриқ бирмунча пасайди. Биз ярадорларни яна юқ машинасига ётқизишиб, поездга олиб боришли. Йўлни давом эттириб, Сястрой деган жойда тухтадик. Кейин Рибинск шаҳрига олиб келишиб, госпиталга ётқизиши. Бу ерда турганимизда фашистларнинг самолётлари бомбардимон қилиб турди. Портлашлар зарбидан тананинг жароҳатланган жойи зириллаб, оғриқ кучайиб, бутун госпитал бўйлаб инграган товушлар тараларди. У ердан поездга чиқариб, Пермь шаҳридаги госпиталга ўрнаштириши. Шундан кейин бомба ва хатарли кунлардан қутилиб, Тошкентга боришимга тула ишондим. Аммо иситмам тушмай ва иштаҳам бўлмай, шу дараҷада озиб кетдимки, ҳамширалар қўлида кўтаришиб ярани боғлашга олиб боришарди. Уларга иштаҳам йўқлигидан ортиб қолган қанд, нон ва овқатни улашардим. Шу боис ҳамширалар атрофимда гирди-капалак бўлиб юришарди. Даволовчи аёл оғир аҳволимни ҳисобга олиб, газовая гангрена касали ва ўлим хавфи борлиги учун оёғимни кесишга розилик билдиришимни кўп суради. Мен қўнмадим. Бир куни таниқли хирург консультация — маслаҳат бериш учун госпиталга келганида унинг хузурига олиб кириши. Даволовчи врач оёғимни

кесиш ҳақидаги фикрини айтди. Хирург «гипсни ечинглар, күрайликчи», деди. Гипс олингандан кейин врачга, ақлинг борми, тузалиб бораётган оёқни кесиб бұладими, деб қайта гипслашни буюрди. Дархәқиқат, аста-секинлик билан бұлса-да, ақволим яхшиланиб борді.

Бу вақтларда фронтдан келаётғанларга госпиталларда жой етишмас эди. Шу боис бизларни поездда Пермдан Кемерово вилоятининг Ленинск-Кузнецк деган шаҳридаги госпиталга күчиришди. Оёғимдаги гипснинг тешиб қўйилган жойидан яра қуриниб турарди. Бу ердан майдада суяклар навбати билан муралаб турарди. Уларни врач тортиб олиб яна боғларди. Бундай ҳолат бир неча ой мобайнида давом этиб, яра битавермади. Илик саягининг битиши секинлашди. Чунки тана майдаланган суяк парчаларини биттадан сиқиб чиқаради. Бундай суяклар бир ойда уч-тўрт маротаба кўзга қуринарди. Шунга қарамасдан, иштакам бирмунча очилиб, бир оз тўлишиб ўзимга кела бошладим.

Бизнинг хонамизга Подковский деган ёши катта даволовчи врач мастьул эди. У аслида тиш доктори бўлган. Аммо уруш йиллари кўз, тиш ва бошқа ихтисосликдаги врачларнинг ҳаммаси шароитга мослашиб, жарроҳлик вазифасини бажарган. Чунки ярадорлар кўплигидан жарроҳларга талаб жуда катта бўлган. Бир куни Подковский шахмат кутариб, ким ўйнашин билади, деди. Мен, деганимдан кейин ҳар куни шахмат ўйнайдиган бўлдик. Болалигимда юқорида тилга олинган Островский номли пионер саройида шахмат бўйича республика чемпиони Азимхўжаев бошчилигида шахмат тугарагига қатнашган эдим. Мусобақаларда қатнашиб, иккинчи разрядли шахматчи бўлганман. Врач билан шахматга жуда берилишимиз орқасида анча чалғидим ва у билан дўстлашдим. У мени даволашга алоҳида эътибор берди. 1943 йилнинг сентябрь ойларида қўлтиқтаёқ билан юра бошладим. Тахминан октябрь ойининг бошларida Подковский шундай деб қолди: «Ҳамид! Бизнинг шаҳардаги корхона ва конда ишлайдиган ўзбеклар бор. Уларнинг ақволи жуда оғир, дардга чалингнлари ва უлаётғанлари ҳам бор. Улардан айримлари госпиталга келиб, тиламчилик қиласилар. Биринчи қаватта тушсанг кўрасан».

Эртасига кечки пайт қўлтиқтаёқда юриб тушдим. Ҳақиқатан ҳам, деразанинг орқасида турган тўрт кишини қўриб, ҳайратда қолиб, жуда ачиндим. Чунки уларнинг соч-соқоллари үсиб, фақат кўзлари билан бурунлари қўринарди. Кийимларининг йиртиқ жойларига ямок солишган. Кун жуда совуқлигидан бошлари ва оёқларини латта билан ўраб олишган. Саломлашганимиздан сунг озгина нон, қанд ва сариё бердим. Кўп гаплашолмадим, чунки милиция уларни олдига солиб кетди. Эртасига дайдилар қўринмади. Улар «рабочий батальон»га оли-



Ҳамид Зиёев — Иккинчى жаҳон уруши қатнашчиси (1943 йил).



Тарих институтида чет эллик олимлар билан учрашув (1978 йил).



Пири бадавлат оила.



Ярим асрдан буён ёнма-ён.



Үғил-қызлар камоли — ота-она бахти.



Китоблар — умр мазмуни.

ниб, Россияга мажбуран юборилган катта ёшдаги кишилар эди. Улар овқат сифатининг пастлиги ва озлигидан қашшоқлашиб, гадойчилик қилишга мажбур бўлган пешонаси шўр кишилар эди.

1943 йил октябрь ойларида қўлтиқтаёқда бемалол юрадиган бўлиб, иситмам тушиб, ўзимни яхши ҳис эта бошладим. Ниҳоят, орзиқиб кутган кун келди — Тошкентга кетишга рухсат берилди. Даволанаётган ҳамроҳларим ва Подковский билан самимий хайрлашиб, Ленинск-Кузнецкий бекатида поездга чиқдим. Новосибирск шаҳрининг ҳашаматли вокзалига келиб, Тошкент поездига утиридим. Уша вақтда хурсандчилигининг чегараси йўқ эди. Ахир салкам саккиз ой госпиталда ётиб, эсон-омон кутулиб, ота-онамнинг бағрига боришдан ортиқ баҳт борми менга? Йўқ, албатта. Аммо ҳали яра тузалмаганлиги учун оёгим гипсланган ва оғриқ ҳамон давом этмоқда эди. Хурсандлигидан уларнинг азобини унчалик сезмадим.

Мана, она шаҳрим Тошкентдаман. Вокзалда қўлтиқтаёқда турибман. Лекин ўзимни, бакувватдай тетик тутдимки, бу ҳолатимни суз билан таърифлаш қийин. Хурсандлигидан кўз ёшларим томарди. Бир оз скамейкада ўтириб, ўзимга келганимдан кейин 10-трамвайга чиқдим. Келаётганим ҳақида уйдагиларга хабар бермаганим учун ўзимча уйладим: улар мени тусатдан курнишса аҳволлари қандай кечаркин? Атрофга қарасам, ҳаммаёқ қоп-қоронғи. Ваҳоланки, соат тўққиз-үн атрофида эди. Бекатдан уйга боргунча йўлда бирорта одамни учратмадим. Қучамизга кириб, эшигимиз тагида бир оз тўхтаб, ичкарига қулоқ солдим. Жим-житлик. Ҳеч нарса сезилмагандан сўнг бир қўлим билан эшикни тақиллатдим. Онам қўлида лампа ушлаган ҳолда эшикни очиб, «ўғлим, ўғлим» деб бир қўлида лампа, иккинчиси билан мени маҳкам қучоқлаб, йиглаб юборди. Мен ҳам йиғлашдан ўзимни тұхтатолмасдим. Шу онда қушнимиз Муборак опа, Тожи опалар чиқишиб, онамнинг қўлидаги лампани олишди. Уларнинг иккиси ҳам қучоқлаб йиглашди. Уйга кирганимда танчани курдиму, бамисоли ўзимни унга отгандек бўлдим. Акам ишда, укам ва синглим бошқа уйда ухлаб ётишган экан, шовқиндан уйгониб кетдилар. Улар билан қучоқлашиб куришдим. Отам гузардаги тегирмонга ун олиш учун кетган экан. Кўп ўтмай, харсиллаб чопиб келиб қолди ва йиглаб бағрига босди. Онам иссиқ сувга ювинтирди ва палов дамлади. Уша кезда соғинганим боис палов шундай ширин туюлдики...

Ўн кун мобайнида қўшнилар, узоқ-яқин қариндошлар келишиб кутладилар. Тожи акам 1942 йили вафот этганилиги мен учун фоят қайгули кечди. У одоб-ахлоқли ва аълочи бўлиб, катта истеъод эгаси эди.

Ота-онам новвойчилик билан шуғулланаётган экан. Бунинг фойдаси шуки, ҳар биримизга ҳар куни бигтадан ёпган нон қолиб, бир маҳал қора қозонни қайнатиш имкони бўлган. Баъзи вақтларда фойда кўпроқ бўлган. Бу вақтларда нон жуда азиз, уни топиш ва бир туйиб мазза қилишнинг иложи булмаган. Ўша пайтларда нонни магазиндан олиш ҳуқуқини берувчи «забор карточкаси» жорий қилиниб, ҳар бир жонга 200—400 грамм нон берилган. Номигина нон ҳисобланган у нарса, жуда қора ва ёпишқоқ булиб, пичоқ билан кесиш қийин эди. Уни чайнаганда тишга елимга ухшаб қаттиқ ёпишарди. Айниқса, кўп болали оиласарга нон етишмаган. Мени кўргани келган одамларга дастурхонга куруқ мевалар қўйилиб, ёпган нон ушатиларди. Бир куни икки киши охирги бир бурда нонга бехосдан қулини баробар узатиб, уни қўйиб юбормай тортишди. Нон икки қўлда бўлингач, оғзилариға солиб, бир-икки чайнаб ютдилар. Отам яна иккита нонни бурдалаганда меҳмонлардан бири уйидаги қари кампир учун бир бурда нонни олиб кетишга рухсат сўради. Онам у кишига иккита нон берди.

Бошқа сафар бир гурӯҳ аёллар келишганда онам дастурхонга тұртбешта нонни қўйди. Улардан бири шошиб-пишиб нон ушатаётганида бир бурдасини оғзига солиб еди. Ўтирганлар унинг қулини ушлаб, нонни ушатиб бўлганингиздан кейин ерсиз, дедилар. У хотин, кечирасизлар, беодоблик қилибман, очлик қурсин, икки кундан бўён ҳеч нарса ошқозонга тушгани йўқ, дея ҳижолат тортди. Улар дуо қилишиб, кетганларида бир аёл онамга, худоё барака топинг, келинимнинг очлигидан сути қочиб, чақалоқ чирқирайпти, деб зорланди. Мен ва онам йиглаб юбордик. Унга учта нон бердик. Умуман, шаҳар ва қишлоқларда оч одамларнинг саноғи йўқ эди. Одамлар оқ лавлаги, картошка, шолғом ва сабзини қайнатиб истеъмол қилганлар. Куруқ мевалар ҳам ишлатилган. Қовоқ ва мошдан мошқовоқ оши тайёрланган. Аммо нон, гўшт, гуруч, ун ва ёғнинг етишмаслиги одамларнинг тинкасини қуритарди. Оқ лавлаги ва бошқа нарсалардан овқат тайёрлаш имконига эга бўлмаган кишилар ҳам жуда кўп бўлган.

Сталиннинг ҳар бир мевали дараҳтга солиқ солиш ҳақидаги фармони жуда катта зиён келтирди. Унга биноан дараҳт ҳосил берадими ёки йўқми, барибир, солиқ пулини тूлаш мажбурий бўлган. Одамлар солиқ тулолмай, минглаб дараҳт ва токларини илдизи билан қирқдилар. Қанчадан-қанча bogлар харобага айланиб, пировардидага мевалар камайиб кетди.

Онам табиатан сахийлиги учун ҳар куни икки-учта нонни навбати билан муҳтож қўшниларга берарди. Новвойлар, шу жумладан, биз,

унни гузардаги Сидиқ аканинг тегирмонидан олардик. У унни насияга ҳам бериб, одамларнинг мушкулини осон қилган. Ҳар куни тегирмонда бир гуруҳ кексалар учун бир маҳал шилпилдоқ ва угра оши тайёрлаган. Бу овқатлар күпинча гүштсиз пиширилган бўлса-да, лекин очарчилик қезларида қадри росмана паловдан ҳам баланд эди.

Ўша оғир пайтларда новвойчилик билан шуғулланиш осон кечмagan. Айниқса, ўтин ва кўмир масаласи қийин эди. Оч одамлар куршовида нон ёпиш маънавий жиҳатдан ҳам мушкул эди. Зеро, одамлар сукла-ниб қарап, лекин сотиб олишга маблағи йўқ эди. «Кўрмоқ бору емоқ йўқ», деганларидек сўлаги оқиб тураверарди. Бундай ҳолат новвойларнинг юрагини эзарди. Бироқ ёрдам қўлини чўзишнинг ҳеч иложи йўқ. От аравани юки билан торгандек, уйимиздаги барча ишлар онамнинг зиммасида эди. У ўн йил мобайнида кўкрагини оловга тутиб новвойчилик билан шуғулланди. Очифини айтганда, унинг умри меҳнатда ўтиб, дам олиш ва роҳатланиш нималигини билмади. Бунга шафқатсиз совет тузуми сабаб бўлган эди, деб ҳисоблайман.

Мендан сал олдинроқ Зоҳиджон Обидов бир оёғидан айрилиб келган экан. У билан суҳбатлашиб, бошимиздан кечганларни эслашиб, қайтганимизга шукрлар айтдик. Бир оз ўтиб Ҳисорбек (исми ўзгартирилди) ҳарбий хизматдан қайтди. У ўзини жиддий тутиб ва ҳарбийча қадам ташлаб одамларни таажжублантириди. Айниқса, унинг она тилини унтутиб, нуқул русча гапириши қизиқ туюлди. У вақтларда бу тилни тушунадиганлар деярли йўқ эди. Биладиган ёшлар фронтга жўнатилган. Ҳисорбекнинг қайтишидан хурсанд бўлган қариндошлари ва қўшнилари уни куришга кирганларида ўзбекчани тушунмаслигини айтган. Шундан кейин унга рус тилини ўртача биладиган Муслиддин (исми ўзгартирилди) aka таржимонлик қилишни бўйнига олди. Бу киши кексалар ва аёлларнинг сўзларини русчага, Ҳисорбекникини эса ўзбекчага таржима қилиш билан шуғулланди. Ҳисорбек «Здраствуйте, бабушка», «Здраствуйте, дедушка», «Как поживаете» ва бошқа рус сўзларини тилга олганда, одамлар ҳайрон қолишган ҳамда ёқа ушлаб, ё тавба, деганларининг гувоҳиман. Улар, ўғилларимиз она тилини унугтан ҳолда қайтишса, нима қиламиз, деб ташвишлангандилар.

Кунларнинг бирида Муслиддин aka менга шундай деб қолди: сен ва Зоҳиджон она тилингни унумтадинглар, нимага Ҳисорбек тилини йўқотди, деб кўп уйладим. Ичимда ишонмай юрувдим, тўғри чиқди. Саводли ва ёши улуғ бир киши Ҳисорбекни кургани келиб, ўғлим, сенга ухшаб ёшлар ўзбек тилини унугсалар, халқимизнинг тақдирни нима бўлади? Ахир бу шармандалик-ку! Эшитиб турибман-

ки, сен рус тилини жуда чала биласан, деганида, Ҳисорбек тутоқиб ва жаҳли чиқиб бирданига, «ҳой кекса, чириган бошингиз билан менга ақл ўргатманг, боринг, сиз билан гаплашишни хоҳдамайман», деб ўзбекча гапириб юборса бўладими. Кекса кулиб чиқиб кетди. Мен ўн беш қун мобайнида унинг ёнида юриб алданганлигимни билиб, роса сўксам, у жилмайиб, кўп хафа бўлманг, ҳазилни билмайсизларми, дейди.

Бу воқеа кўт йиллар мобайнида оғиздан-оғизга ўтиб юрди.

Қўлтиқтаёқда юраётган бўлсам-да, ишлаб ота-онамга ёрдам беришга қарор қўйдим. Аммо онам институтга ўқишига киришни талаб қўйдилар. Ўзимнинг ҳам ўқишига иштиёқим булганлиги учун Тошкент Давлат педагогика институтининг тарих факультетида таълим олдим. Уни тугатиб, Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих ва археология институтининг аспирантурасига кирдим. Бу ерга ҳарбий кийим ва қўлтиқтаёқда келганимда ходимлар ҳурмат билан кутиб олишди. Ўзбеклардан фақат Я. Фуломов ва Р. Набиев тарих фанлари номзоди эди. Фан докторлари умуман йўқ эди. 1943 йилда тузилган институтнинг биринчи директори З. Ражабов докторантурага кетганлиги учун ўрнида археолог В.А. Шишкін ишлаб турган экан. Институт ҳозирги «Мустақиллик» майдонининг «Ўзбекистон» кўчасига туташган бурчагида икки қаватли бинода жойлашган булиб, бу ерда Академия президиуми, кутубхона, тил адабиёт, иқтисод ва геология институтлари ҳам фаолият кўрсатарди. Рӯпарада «Ташсельмаш» заводи ва унинг чойхонаси жойлашган.

Уруш вақти ва ундан кейинги дастлабки йилларда институтда С.П.Толстов, С.В.Бахрушин, А.К.Боровков, Ю.В.Готье, В.Пичета, К.А.Антонова, Е.В.Бунаков ва бошқа россиялик олимлар ишлагандар. Улар «Ўзбекистон ССР тарихи» китобини ёзиш билан шуғулланышди. Тошкентлик олимлардан Я.Фуломов, З.Ражабов, А.Семёнов, В.А.Шишкін ва О.А.Сухарева унда қатнашишган. Кўриниб турибдики, ўзбеклардан ягона муаллиф Яҳё Фуломов ҳисобланган. Шуни уқтириб ўтиш лозимки, ўша жуда оғир шароитда биринчи маротаба кўп жилдлик «Ўзбекистон ССР тарихи»ни тайёрлаш ва нашр этиш муҳим воқеа ҳисобланган. Кейинроқ «Ўзбекистон ССР тарихи» қўшни республикалар томонидан андоза сифатида фойдаланилиб, уларда ҳам шу хилдаги асарлар ёзилди. Ўша вақтларда тарих фани қаттиқ сиёсатлаштирилганлигига қарамай «Ўзбекистон ССР тарихи»нинг муаллифлари айрим масалаларни холис ёритишга уринганлар. Шунинг учун ҳам 50-йиллар муаллифлари ўша асарларни танқид қилипиди.

Менга номзодлик диссертациясининг мавзуси сифатида «Шарқий Туркистанда 1826 йилги ҳалқ құзғолони»ни үрганиш топширилди. Диссертациянинг хомакиси тайёр бўлгандан кейин хорижий мамлакат тарихи бўйича диссертацияни ҳимояга олишга Тарих ва археология институти илмий кенгашининг ваколати йўқлиги маълум бўлди. Илмий раҳбарим шуни била туриб, мавзуни атайн берганлиги очи-либ қолди. У табиатан ҳудбин, онги ва бағри тор, мурувватсиз одам эди. Диссертацияни ўқиб чиқса-да, фикрини ҳам айтмади, ишимни қайтариб ҳам бермади. Қарасам, диссертацияни ёқлашга умид йўқ. Оғир оиласидан шароитга қарамай, Ленинградга кетишга қарор қилдим. Бу ерда СССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтида таниқли олимлар билан суҳбатлашиш, бой кутубхоналарда ишлаш ва баҳслар илмий жиҳатдан катта фойда келтирди. Диссертацияни янги маълумотлар асосида қайтадан ёзишга тұғри келди. Москвада СССР Фанлар академияси Шарқшунослик институти тузилиб, Ленинграддаги институт унинг филиалига айлантирилиши муносабати билан диссертацияни Москвада ҳимоя қилдим. Тошкентта қайтиб, Тарих ва археология институтида кичик, сунг катта илмий ходим сифатида ишни давом эттирдим.

Москвада Ленин номли давлат кутубхонасида ишлаётганимда тасодифан Сибирь ва Россиянинг бошқа чекка үлкаларида үзбеклар үрнашганлиги ва ҳаёти ҳақида маълумотларга дуч келдим. Очигини айтсам, аввал ишонмадим. Наҳотки, үзбеклар жаннатмакон Ўзбекистондан совуқ Сибирь ва бошқа жойларга үрнашганлар, деб хаёлимдан үтказдим. Бу мұхим масалани махсус үрганиб, айрим маълумотларни құлға кириптим ва 1954 йили «Қызыл Ўзбекистон» газетасида Сибирдаги үзбеклар ҳақида мақолани чоп этдім. Буни қарангки, мақола кенг ўкувчилар томонидан зур қызықиши билан қарши олиниб, мени саволларга күміб ташладилар. Ўзбекистон Қаҳрамони, шоир Эркин Воҳидов мен билан суҳбатда шундай деганди: «Биз, талабалар, ғазетада сизнинг Сибирдаги үзбеклар ҳақидағи мақоланғизни зүр қызықиши ва мамнуният билан ўқиб, ота-боболаримизнинг жасорати ва фаолиятига қойил қолған эдик». Шунга үхшаш фикрларни күп кишилардан әшитдім.

Ўзбекистон Фанлар академияси президиумининг раҳбарлари Х.Абдуллаев ва И.Мўминовлар ҳам ушбу янгиликдан мамнун бўлиб, мавзуни давом эттиришга даъват қилдилар. Бу ишда, айниқса, устозизим Яхё Фуломов жонбозлик курсатди. Аммо мавзуни үрганиш осон эмасди, Москва, Ленинград, Сибирь, Волга ва Урал буйларидаги күп шаҳарларга боришни ва катта харажатни талаб қиларди. Академ-

мия президиуми харажатларни қоплашни бўйнига олгач, ўн йил мобайнида Москва, Ленинграф, Астрахань, Уфа, Қозон, Нижний Новгород, Оренбург, Свердловск, Ирбит, Тюмень, Тобольск, Омск, Томск, Пермь, Олмаота шаҳарларидағи қўйидаги йигирма бешта архив ва музейлардаги тарихий ҳужжатлар билан танишдим:

1. Қадимги ҳужжатлар Марказий давлат архиви (Москва);
2. Тарих музейининг архиви (Москва);
3. Россия ҳарбий Марказий давлат архиви (Москва);
4. Россия Ташқи ишлар вазирлигининг архиви (Москва);
5. Марказий давлат тарих архиви (Санкт-Петербург);
6. Россия Фанлар академияси архиви (Санкт-Петербург);
7. Россия Фанлар академияси Тарих институти Санкт-Петербург филиалининг архиви (Санкт-Петербург);
8. Салтиков-Шчедрин номли кутубхонанинг қўлёзмалари фонди (Санкт-Петербург);
9. Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви (Тошкент);
10. Қозогистон Республикаси Марказий давлат архиви (Алмати);
11. Оренбург вилояти давлат архиви (Оренбург);
12. Татаристон Республикаси давлат архиви (Қозон);
13. Қозон давлат университетининг қўлёзмалари бўлими (Қозон);
14. Бошқирдистон Республикаси давлат тарихи (Уфа);
15. Екатеринбург вилояти давлат архиви (Екатеринбург);
16. Ирбит давлат архиви (Ирбит);
17. Тюмень вилоят давлат архиви (Тюмен);
18. Тобольск давлат архиви (Тобольск);
19. Тобольск ўлкашунослик музейининг қўлёзмалар бўлими (Тобольск);
20. Омск вилояти давлат архиви (Омск);
21. Томск вилояти давлат архиви (Томск);
22. Томск давлат университети кутубхонасининг қўлёзмалар бўлими (Томск);
23. Пермь вилояти давлат архиви (Пермь);
24. Нижний Новгород вилояти давлат архиви (Нижний Новгород);
25. Астрахань вилояти давлат архиви (Астрахань).

Бундан юз-уч юз йиллар илгари битилган, хира тортиб, чанг босган ҳамда ўқиши ниҳоятда қийин бўлган ёзма ҳужжатларни таҳлил этиш катта куч ва вақтни талаб қилди. Шу тариқа ҳали ҳеч ким фойдаланмаган нодир маълумотларни қўлга кирийтдим. Тилга олинган архивларда мавзу бўйича менгача Ўзбекистондан бирорта олим

ишиламаган экан. Айниңса, Сибирь, Волга ва Урал бүйларидаги архивларда биздан ҳеч ким бўлмаган. Тўпланган маълумотлар асосида 1962 йили «Ўрта Осиё ва Сибирь» (XVI—XIX асрлар) китобини нашр этдим. 1964 йили эса Тарих ва археология институтининг «XIX асрнинг иккинчи ярми — XX аср бошларида Ўзбекистон ССР тарихи» бўлимига раҳбар этиб тайинландим. Шу йили мазкур китобим докторлик диссертацияси сифатида қабул қилиниб, ҳимоя қилдим.

Шундай қилиб, фан номзоди ва доктори унвонини олиш учун салкам йигирма йил умримни сарфладим. Шу орада беш йил қўлтиқтаёқда, сўнг ҳассада юрдим. Онам ва отам дунёдан кўз юмишди. Сибирь, Волга—Урал бўйларидаги шаҳарларда мусофиричилик азоб-укубатларини, меҳмонхоналарга жойлашиш мушкуллигини, йул азоби, соvuқ ва шамолларни бошимдан кечирдим. Отга қўшилган чаналарда қалин қор ва қаттиқ совукда ўрмонларни кезиб, ўзбекларнинг авлодлари яшайдиган қишлоқларга бордим. Уларнинг хонадонларида меҳмон булиб, хотираларини қофозга туширдим. Биргаликда суратларга тушдик. Улар аждодларини қўмсаб, кўз ёшлари билан кузатиб қолишиди.

Ўша вақтда бошимга тушган бир фожиали ҳодисани эслашни ўринли, деб ўйлайман. Тюмень ва Тобольскда транспорт масаласи етарли даражада яхши йўлга қўйилмагани сабаб икки шаҳар ўртасида поезд ва самолёт қатнамаган. Тобольскда архивда ишни тамомлаб, йўлга чиқдим. У ердан Тюменга бориш учун катта ва чуқур Тоболь дарёсидан ўтиш керак эди. Бу ерда қайиқ икки-уч соат кутилди. У пайдо бўлганда одамлар ўзини унга урди. Мен ҳам имкони борича ҳаракат қилиб, қайиқقا ўтиришга эришдим. Шу орада одамлар оёқ остига йиқилдим. Бир инсофли киши мени тургазиб, қайиққа ўтиришимга ёрдам кўрсатди. Қайиққа меъёридан ошиқ одам чиққанлиги учун ҳайдовчи уни ушлаб тураверди. Ҳеч ким қайиқни бушатишини истамай ҳайдашни талаб қилди. Ҳатто, қайиқчини урадиган булишиди. Шу боис ҳайдовчининг рози булишдан бошқа иложи қолмади. Кема дарёning ўртасига келганда бир ёққа қийшайиши натижасида бир қўлим сувга ботди. Яхшиямки одамлар дарҳол ўзларини ўнглаб, қайиқнинг мувозанати тўғриланди. Кун совуқ бўлганлиги учун енгим яхлаб, қўлим музлаб қолди. Шу аҳволда дарё қирғоғига ўтгандан кейин олов ёқиб, енгимни қуритдим, қўлимни бироз булса-да, иситдим. Тюмендаги меҳмонхонага боргунча, қўлимнинг музлагани кетмай, оғриқ тўхтамади. Бунинг устига ўқдан жароҳатланган оёғим шишиб, азоб бера бошлади. Поездларда кетаётганимда ҳам кўп укубатларни кўрдим. Бир куни купеда маҳбусликдан озод қилинган икки

киши билан шерик булиб қолибман. Улар ичиб, маст булиб, узаро жанжаллашишди. Бир-бирига бүш шиша отишганда елкамга тегиб жароҳатлади. Шунда улардан бирини уриб, тумшуғини қонатдим. У даъвогар булиб, станцияга келганды милицияга шикоят қилишини айтди. Аммо уч шиша ароққа етадиган пул бериб «дұстлашдық». Бироқ азоб-уқубатларнинг асирига айланмай, чидам ва қатыяят билан күзлаган мақсадга эришишга ҳаракат қилдим.

Сибирь үзбекларининг авлодларидан Ф. Валиевни шогирдликка олдим ва у «Сибирдаги үзбекларнинг тарихи» бүйича институтимизда номзодлик диссертациясини ёқлади. Хотини С. Исҳоқова эса Тил ва адабиёт институтида филология фанлари номзоди унвонига сазовор бүлди. Үзбекларнинг авлодларидан икки қызни Тошкент давлат чет тиyllар институтига киришларига ёрдам бердим. Улар үқишини битириб, Сибирга қайтдилар.

Сибирь ва Россиянинг бошқа чекка үлкаларидан үзбеклар яшаганligини оддий одамлар у ёқда турсин, тарихчилар ҳам билишмаган. Мен ҳам бехабар эдим. Шу боис китоб чоп қилингандан кейин илм ахли уни тарих фанидаги қашфиёт, деб баҳолаб, мени табриклиди.

1965 йили Үзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти Иброҳим Мўминов ҳузурига чақириб, «Ҳамидулла, кўп йиллар мобайнида академия сизга хизмат қилганлиги туфайли фан номзоди ва доктори бўлдингиз, академияга хизмат қилиш навбати энди сизга келди. Институт директорининг илмий ишлар бүйича үринбосари лавозимида ишлайсиз», дедилар. Миннатдорчилик изҳор қилиб, розилик бердим. 1965—1985 йиллар давомида директор Мели Охунова билан биргалиқда институтга бош бўлдик, кўпдан-кўп фан номзодлари ва докторлари тайёрланиб, асарлар, рисолалар ва мақолалар нашр қилинди. Шу йигирма йил ичидаги юз эллик китоб, рисола ва тўплам, уч юздан ортиқ номзодлик ва докторлик диссертациялари қўнимдан ўтди. Кўнгли Республикаларга ҳам юқори малакали илмий ходимлар тайёрланди.

80-йилларнинг ўрталарида республика коммунистик партияси марказий қўмитасида улуғ миллатчилик сиёсати янада авжига мениб, ҳалқнинг бошига кўп оғатлар ёғдирилди. Уша вақтларда Тошкент шаҳар партия қўмитасининг биринчи котиби, ашаддий шовинист Сатин партия йиғилишларида ва матбуотда Үзбекистон Фанлар академияси институтлари раҳбарлигига фақат үзбеклардан қўйилганлигини қоралаб, бу ҳолатга барҳам берилишини талаб этди.

Натижада маҳсус комиссия тузилиб, институтимизнинг фаолияти ипидан игнаси гача текширилди. Комиссия раиси академия президиумининг кенгайтирилган мажлисида менга тұхмат тошларини отиб, сурбетларча қоралашға тушди. Ҳатто, амалда институтни Ҳамид Зиёев бошқарған «шүнинг учун барча камчиликларға у жавобгардир», деб шовқин күттарди. Шундан маълум вақт үтгандан кейин Тарих институти директорининг илмий ишлар буйича үринбосари лавозими қис-қартирилғанлығы ҳақида президиумнинг бүйруги чиқди. Шундан сұнг булим бошлиғи сифатида ишлашни давом эттирудим. Уруш қатнашчи-си бұлғаним учун институтдан ҳайдашнинг иложи бұлмади, шекилли. Тарихчи олим оиласида туғилиб, болалигидан илмий мұхитда тарбия топиб, фанга меҳр қўйған, тарихчи булиш орзуси билан олий ўкув юртини тамомлагач, институттада ишлаётган Жаннат ва Доно исмли қизларим ҳам ишдан ҳайдалиши.

Кўп үтмай институт директорининг илмий ишлар буйича үринбосарлиги лавозими тикланиб, бу вазифани Понамарев деган олим бажара бошлади. Унинг вафотидан кейин үрнига Л.Транис тайинланди. Бу билан биринчى котиб Сатиннинг талабига монанд иш қилинди. Мендан кейин 1986 йили Мели Охунова ҳам ишдан бушатилди.

Узок йиллар мобайнида тарих институти директорининг илмий ишлар буйича үринбосари ва «XIX аср иккинчи ярми — XX аср бошларыда Ўзбекистон ССР тарихи» бұлыми бошлиғи каби маъмурий вазифаларни бажариш анча вақт ва кучни талаб қылған бұлсада, ижодий фаолиятимни бир дам ҳам четга сурмай, қўйидаги қатор илмий асарларни яратишга муваффақ бўлдим:

### **Совет даврида (1962—1990) нашр этилган асарлар**

1. Ўрта Осиё ва Сибирь (XVI—XIX асрлар). Тошкент, 1962, 22 б.т.
2. Ўрта Осиё ва Волга бўйлари (XVI асрнинг иккинчи ярми—XIX аср). Тошкент, 1965, 15 б.т.
3. XVIII асрда Ўрта Осиё ва Урал бўйлари. Тошкент, 1973, 7 б.т.
4. Сибирлик ўзбеклар (XVI—XX асрнинг бошлари). Тошкент, 1958, 3 б.т.
5. Волга ва Урал бўйларидаги ўзбеклар (XVII—XIX асрнинг биринчى ярми). Тошкент, 1963, 2 б.т.
6. Средняя Азия и Сибирь (вторая половина XVI—XIXв.). Ташкент, 1964, 6 п.л.
7. Тошкентнинг Россияга қўшиб олиниши. Тошкент, 1967, 3 б.т.
8. Узбеки в Сибири. (XVII—XIX вв.). Ташкент, 1968, 4 п.л.

9. Ўзбекистонда 1916 йилги халқ құзғолонининг қатнашчилари. Тошкент, 1976, 4 б.т.
10. Туркистанда озодлик ҳаракатлари тарихидан. Тошкент, 1977, 4 б.т.
11. Ўзбекистон пахтачилиги тарихидан. Тошкент, 1980, 3 б.т.
12. Экономические связи Средней Азии с Сибирью в XVI—XIX вв. Ташкент, 1983, 9 п.л.
13. Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан иқтисодий ва маданий алоқалари (1960—1980 йиллар). Тошкент, 1986, 3 б.т.
14. Баҳт калити. Тошкент, 1990, 3 б.т.

### **Мустақиллик йилларида нашр этилган асарлар**

15. Туркистанда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши қураш (XVIII—XX асрнинг бошлари). Тошкент, 1998, 25 б.т.
16. Истиқбол — маънавият негизи. Тошкент, 1999, 10 б.т.
17. Тарих ўтмиш ва келажак кўзгуси (тарихнинг долзарб масалалари). Тошкент, 2000, 16 б.т.
18. Ўзбекистон мустақиллиги учун курашлар тарихи (милоддан аввалиги асрлардан то 1991 йил 31 августгача). Тошкент, 2001, 24 б.т.
19. Ўзбек хонликлари чоризм асоратида (XIX асрнинг 50—70-йиллари). Тошкент, 1943, б.т.
20. Баҳт калити (ибратли ҳикоялар). Тошкент, 1995, 5 б.т.
21. Озодлик учун тўкилган қонлар. Тошкент, 1997, 4 б.т.
22. Баҳтли бўлай десангиз (уйғур тилида). Урумчи, 1999, 5 б.т.
23. Ўзбекистонда пахта яккаҳокимлиги учун кураш ва унинг оқибатлари (XIX аср охири — XX аср бошлари). Тошкент, 1999, 11 б.т.
24. Баҳтли бўлай десангиз. Тошкент, 2001, 8 б.т.
25. Сибирь, Волга ва Урал бўйларидаги ўзбеклар (XVI—XX асрнинг бошлари). Тошкент, 2002, 15 б.т.
26. Тарихнинг очилмаган саҳифалари. Тошкент, 2003, 14,5 б.т.
27. Фарзандларингиз ақдли ва чиройли бўлсин десангиз. Тошкент, 2003, 6 б.т.
28. Тарих институти 60 ёшда. Тошкент, 2003, 2 б.т.

Жамланганда совет даврида 14 китоб ва 172 мақола, Мустақиллик йилларида — 14 китоб, 186 мақола нашр этилди.

Тарих фанини ривожлантиришда юқори малакали илмий ходимларни тайёрлаш катта аҳамият касб этиши боис бу масалага жиддий эътибор беришга ҳаракат қилдим, шогирдларимдан 40 дан ортиқ киши фан номзоди ва докторлари унвонига сазовор бўлишди.

## **Шўро даврида Ҳамид Зиёев раҳбарлигига ҳимоя қилинган номзодлик диссертациялари (1967—1990)**

1. Валиев Ф. «XIX аср иккинчи ярми — XX аср бошларида Сибирдаги бухороликлар (тариҳий этнографик тафсилот)». Тошкент, 1965.
2. Гинзбург А.И. «Туркистонда кўчириш сиёсати (XIX асрнинг иккинчи ярми — XX аср бошлари)». Тошкент, 1966.
3. Пўлатов Ю. «XVII аср охири — XVIII асрнинг биринчи чорагида Россия — Ўрта Осиё алоқалари». Тошкент, 1968.
- 4.Faффоров Ф. «XIX асрнинг биринчи ярмида Россиянинг Кўқон хонлиги билан иқтисодий ва сиёсий алоқалари». Тошкент, 1970.
5. Аметов А. «XIX асрнинг биринчи ярмида Рус—Хива алоқалари». Тошкент, 1970.
6. Алимов А. «Туркистонда савдо алоқаларининг ривожланиши (XIX аср иккинчи ярми — XX аср бошлари)». Тошкент, 1971.
7. Тўлаганова М. «Фаргона вилоятининг Россия ва Ўрта Осиё ўртасидаги савдо алоқаларида тутган ўрни». Тошкент, 1972.
8. Исматов Э. «Нижний Новгород ярмаркасининг Ўрта Осиё ва Эрон билан савдо алоқаларида тутган ўрни». Тошкент, 1973.
9. Эгамбердиев Х. «Ўзбекистонда деҳқончиликнинг ишлаб чиқариш ва моддий даражасининг ўсиши (1946—1955 йилларда Қашқадарё вилояти мисолида)». Тошкент, 1973.
10. Акрамов В. «Кўқон шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти». Тошкент, 1973.
11. Содиқов Ҳ. «Туркистон генерал-губернаторлигининг сиёсий-маъмурий тузилиши (1867—1917)». Тошкент, 1973.
12. Бекматов Э. «Ўзбекистонда колхоз кадрларини тайёрлаш (1959—1970 йилларда Хоразм вилояти мисолида)». Тошкент, 1975.
13. Саъдулаев С. «Ўзбекистон меҳнаткашларининг пахтачиликни ривожлантириб бориш йўлидаги кураши (1959—1970 йилларда Сурхондарё вилояти бўйича)». Тошкент, 1975.
14. Файзиев З. «XIX аср иккинчи ярми — XX аср бошларида Туркистонда хунармандчилик». Тошкент, 1979.
15. Нормуродов Х. «XIX аср иккинчи ярми — XX аср бошларида Ўзбекистонда деҳқонларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи ва синифий кураш (Самарқанд вилояти мисолида)». Тошкент, 1980.
16. Мадуанов С. «XIX—XX аср бошларида қозоқ-ўзбек алоқаларининг тарихи». Олма ота. 1980.
17. Шарофуддинов А. «XIX аср иккинчи ярми — XX аср бошларида Андижон шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти». Тошкент, 1980.

18. Деконов А. «Фарғона фабрика-завод саноати ва ишчилар синфинг тарихи (XIX аср охири — XX аср бошлари)». Тошкент, 1981.
19. Исмоилов Ш. «Туркистонда халқ маорифи (XIX аср иккинчи ярми — XX аср бошлари)». Тошкент, 1982.
20. Тошпұлатов Г. «XIX аср охири — XX аср бошларида Фарғона шаҳрининг пайдо булиши ва ривожланиши». Тошкент, 1983.
21. Усмонов И. «Фарғона водийси қишлоқ ҳужалигига капиталистик алоқаларининг пайдо булиши». Тошкент, 1983.
22. Гуломов Х. «XVIII асрда Россия ва Бухоро хонлиги ўртасидаги дипломатик муносабатлар». Тошкент, 1984.
23. Умаров А.И. «XIX асрнинг иккинчи ярми —XX аср бошларида Фарғона водийсида маданий ҳаёт». Тошкент, 1985.
24. Шалекенов М.У. «XIX асрнинг иккинчи ярми — XX аср бошларида Жанубий Қозогистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти». Тошкент, 1987.
25. Абдурасулов А. «XIX аср охири — XX аср бошларида Хива шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти». Тошкент, 1988.
26. Маҳкамов А. «XIX — XX аср бошларида Қўқоннинг Ўрта Осиё ва Россия билан иқтисодий алоқалари». Тошкент, 1988.
27. Отакүзиева С. «XIX асрнинг иккинчи ярми — XX аср бошларида Туркистонда ипакчиликнинг ривожланиш тарихи». Тошкент, 1988.
28. Шаповаленко О. «XX аср бошларида Туркистонда ёшларнинг революцион ҳаракатларда қатнашиши». Тошкент, 1990.

### **Мустақиллик йилларида Ҳамид Зиёев раҳбарлигига химоя қилинган диссертациялар (1994—2001)**

#### *Фан докторлари*

1. Содиқов X. «Туркистонда чоризмнинг мустамлакачилик сиёсати ва истиқдол учун кураш (XX аср бошларида)». Тошкент, 1994.
2. Абдураҳмонова Н. «XIX аср иккинчи ярми — XX аср бошларида Туркистонда мустамлакачилик тизими». Тошкент, 1994.
3. Мадуанов С. «XVIII—XIX аср бошларида қозоқларнинг Туркистон қўшни халқлари билан узаро алоқалари». Олма ота, 1997.
4. Мусаев Н. «XIX аср охири — XX аср бошларида Туркистонда саноатнинг пайдо булиши ва ривожланиши». Тошкент, 1999.
5. Чориев З. «XX аср бошларида Туркистон үлкасида мустамлакачилик сиёсати ва миллий зулмнинг кучайиши ҳамда оқибатлари (мардикорликка сафарбарлик мисолида)». Тошкент, 1999.

## *Фан номзодлари*

1. Йулдошев Р. «Туркистанда миллий буржуазиянинг шаклланиши». Тошкент, 1994.
2. Мұлдоқосимов К. «XIX аср иккінчи ярми — XX аср бошларидан үзбек-қирғиз алоқалари». Бишкек, 1994.
3. Фармонаева Б. «Фарғона водийсіда ҳунармандчилік саноати (XIX аср иккінчи ярми — XX аср бошлары)». Тошкент, 1995.
4. Юнусова Х. «Тошкентдеги 1892 йил құзғолони». Тошкент, 1995.
5. Худойкулов А. «Туркистанда жадидчиларнининг маърифатпарварлік фаолияти». Тошкент, 1995.
6. Суюнова О. «Туркистанда 1916 йил құзғолони (Сирдарё вилояттамисолида)». Тошкент, 1997.
7. Қыличев Р. «Бухорода ҳунармандчилік». Тошкент, 1997.
8. Курахмедов А. «Самарқанд вилоятининг иқтисодий ва маданий ҳаёти (XIX аср иккінчи ярми — XX аср бошлары)». Тошкент, 2001.

Хуллас, узоқ ва машаққатлы йўлни босиб ўтдим. Айрим нохолис шахслар тўсқинлик қилишга уриндилар. Аммо ҳёт курашдан иборатлигини яхши англаб, ишончсизлик ва умидсизликка берилмадим. Аксинча, ўз олдимга қўйган мақсадни амалга ошириш учун қаттиқ курашдим. Яхшилардан ибрат олишга, ёмонлардан хазар қилишга ҳаракат қилдим. Кўпроқ камчилик ва хатоларни ўзимдан қидириб, уларни бартараф қилишга бор кучимни сарфладим.

Курдимки, кўп касбдошларим фан доктори унвонига сазовор бўлғанларидан кейин қалам тебратишни сусайтириб, илмдан анча узоқлашиб кетишиди. Камина эса докторлик унвонини оқлаш лозим деб, илмий ижодимни ривожлантириш йўлларини изладим. Узлуксиз илм билан шугууланишим орқасида асарлар ва мақолалар нашр эттиришга эришдим. Булар катта куч-куvvват бағишилаб, янгидан-янги ижодий ишларга отлантириб турди. Айниқса, Мустақиллик йилларидағи ижодим баракали бўлди. Аммо илм шундай бепоён ва чукур мұъжизаки, қилган ишларим «денгиздан томчи», холос.

Аён бўлиб турганидек, менинг фаолиятим икки қисмдан иборат бўлиб, бири совет даврида кечди. Мустамлакачилик пайтида барча олимлар қатори мен ҳам тарихни коммунистик ғоя нұқтаи назаридан ўрганиб, жиддий хатоларга йўл қўйдим. Иккинчиси эса Мустақиллик ва озодлик йилларида барқ уриб яшнади. Эркин ва озод шахс сифатида тарихни холис ёритиш ва тарғиб қилишга билимим ва кучимни аямай сарфламоқдаман. Китоблар ва мақолалар чиқардим, фан ном-

зодлари ва докторлари етиштирдим. Бироқ бу қилинган ишлар оз бўлиб, яна кўп илмий маҳсулот беришим ҳам қарз, ҳам фарзdir.

Авваламбор, илмий ҳаётимда муҳим ўрин эгаллаган мархум ака-демиклар Яхё Гуломов ва Иброҳим Мўминовдан умрбод миннатдорлигимни алоҳида таъкидлашни истардим. Мана, салкам олтмиш йилдан бўён Узбекистон Фанлар академиясида хизмат қилиб келмоқдаман. Бу олий даргоҳга илк бор қадам ташлағанимда қўлтиқтаёқ ва ҳарбий кийимидан бошқа ҳеч нарсам йўқ эди. Ойлар ва йиллар ўтиб, академия бағрида уйландим, бола-чақали, уй-жойли бўлдим. Фан номзоди ва доктори илмий даражаларини олдим. Мендан ташқари академияда Жаннат, Доно, Азамат исмли фарзандларим тарих фанлари номзоди, сўнг доктори унвонини олдилар. Нодира қизим эса филология фанлари номзоди бўлди.

Шундай қилиб, оиласизда тўрт фан доктори ва бир фан номзо-ди етишиб, «оиласий академия» ташкил қилинди. Шу боис мен бошлиқ оила аъзолари Узбекистон Фанлар академиясидан қарздор ва миннатормиз. Яна юз йил яшаб, ижод қилсан ҳам бу қарзни узолмаслигимиз аниқ.

Энди айрим синфдошларим ҳақида икки оғиз суз айтсам, ортиқчалик қилмаса керак. Улардан бири — Faffor Нурмуҳаммедов туман ва вилоят судининг раиси сифатида кўп йиллар мобайнида ишлаган. У таникли ҳукуқшунос сифатида обру қозонди. Ёшлигимизда у билан дарсга бормай, чойхонада шахмат уйнаган ва қовунхўрлик қилган вақтларимиз бўлган. Муҳсин Усмонов Республика Олий судининг аъзоси ва адолатли судья ҳисобланган. Сайидолим Шодмонов ва Ҳожимурод Гуломов фан номзодлари бўлишган. Истроил Мирзаму-ҳаммедов полковник унвонига эта бўлиб, кўп йиллар мобайнида Чилонзор туманида мудофаа бўлимининг бошлиғи сифатида хизмат қилди. Малик Раҳимов туман ижроия қўмитасининг раиси ва бошқа лаво-зимларда ишлади. Гулом ака, Қодир, Ҳосил ва бошқа дўстларим ҳам турли соҳаларда хизматни утадилар. Уларнинг кўпчилиги иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари эди. Ҳозир мен ва Faffor Нурмуҳам-медов ҳаётмиз, холос. Эндиликда ҳам ёшлигимизни ва дўстларимизни эслаб, шахмат уйнаб турамиз.

... Утмиш замонларда бир донишманд киши касбдошларига савол бериди: сувда чўкмайдиган, оловда ёнмайдиган ва чопса чопилмайдиган нарса нима? Йигилганлар кўп уйлашибди, лекин топишолмабди. Ниҳоят, донишманднинг ўзи, бундай мӯъжиза илм, деб жа-воб берган экан. Дарҳақиқат, илмдек умри боқий ва азиз нарса булмаса керак. Чунки у асрлар оша авлоддан авлодга утаверади.

## МУНДАРИЖА

Кириш .....	3
Амир Темур — олий фазилатлар соҳиби ва халқпарвар ҳукмдор .....	6
Амир Темур ҳарбий юришларининг сабаб ва оқибатлари .....	16
Амир Темурнинг вафоти ва буюк салтанат тақдири .....	26
Темурийлар давлатининг Шайбонийлар томонидан босиб олиниши .....	40
Тошкент — шон-шавкатли шаҳар .....	51
Дин ва ҳаёт .....	63
Тажовуз ва қатагонларнинг тарихий илдизлари ёхуд Бекович-	
Черкасскийнинг ҳарбий юриши .....	74
Хива ҳонлигининг ижтимоий-сиёсий аҳволи .....	80
Ҳонликлар давридаги инқироз ва қолоқлик сабаблари .....	114
Ҳақиқат сари ташланган дастлабки қадам .....	125
Миллий нуқсонлар ва уларнинг оқибатлари .....	134
Ўзбек олтини ва унинг талон-торож қилиниши .....	145
Демократия ва сиёсий партиялар тарихига бир назар .....	152
Совет империяси нима учун ағдарилди? .....	166
Муқаддас Ватан .....	172
Фуурланиш ва фаҳрланиш — олий неъмат .....	177
Ўзбекистон биринчи ва иккинчи жаҳон урушлари даврида .....	183
Мустақиллик ва озодликнинг тарихий аҳамияти .....	195
Ҳаёт йўлим .....	201

---

## ҲАМИД ЗИЁЕВ

## ТАРИХНИНГ ОЧИЛМАГАН САҲИФАЛАРИ

«Меҳнат» нашириёти — Тошкент — 2003

Тақризчилар: Н. АБДУРАҲИМОВА — тарих фанлари доктори, профессор;  
А. ШАРОФИДДИНОВ — тарих фанлари номзоди, доцент.

Муҳаррир Ш. Мансуров

Рассом Ш. Ҳужаев

Техник муҳаррир Т. Смирнова

Мусахҳиҳлар С. Бадалбоева, Ф. Темирхўжаева

2003 йил 16 июня чоп этишга рухсат берилди. Бичими 60x84  $\frac{1}{16}$ . «Таймс»  
ҳарфида терилиб, офсет босма усулида чоп этилди. Шартли босма табоби 14,0.

Нашр табоби 14,5 +0,25 рангли зарварақ. 2000 нусха. Буюртма № 3025.

Баҳоси шартнома асосида.

«Меҳнат» нашириёти, 700129, Тошкент, Навоий кучаси, 30-үй.  
Шартнома № 37—2003.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Биринчи Тошкент  
босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Сағбон кучаси, 1-берк кӯча, 2-үй.

### **3 60 Зиёев, Ҳамид.**

Тарихнинг очилмаган саҳифалари.—

Т.: «Меҳнат», 2003.—232б.

Тарих фанлари доктори, профессор Ҳамид Зиёевнинг ушбу тўпламини мустақиллик илҳомининг маҳсули, деса бўлади. Чунки ундан мустақиллик шарофати билангина айтиш мумкин бўлган гаплар битилган мақолалар ўрин олган. Синчков китобхон тўпламини варақлар экан, олис ўтмишдан тортиб, бутунги кунгача бўлган тарихимизнинг очилмаган айрим саҳифаларини ўқийди, авваллари айтилмаган кўп воқеалардан хабардор бўлади.

Тўплам кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

ББК 63.3(5У)